

**ВАЛИҚУЛ ИШҚУВАТОВ,  
ФАЙЗУЛЛА ТОЛИПОВ**

**МАҲАЛЛА:  
ЎТМИШДА ВА БУГУН**

(Тарихий-этнографик лавҳалар)

**«NAVRO‘Z» нашриёти  
ТОШКЕНТ – 2014**

**КВК 80.10.(5 Ўзб) 6**

**М 85**

**УО•К: 64.5.3**

**ISBN 978-9943-381-58-2**

Ушбу монографияда ўзбек халқи турмуш тарзи учун анъанавий бўлган ўзини-ўзи бошқариш органи, яъни маҳалланинг тарихи, ривожланиш йўли, мустақиллик йилларида унинг ижтимоий-ҳуқуқий мақомининг кенгайтирилиши ва фаолияти тарихий-этнографик нуқтаи назардан ёритилган. Ўзбекистонда бой тарихга эга маҳалла тизимининг ўрни, халқнинг жамоавий ҳаёт тарзи қадимдан ўзбек халқининг ўзига хос тартиб-қоидалари, маданияти ва турмуш тарзи шаклланганлигини кўрсатмоқда.

Халқимиз миллий менталитетида аҳоли турмуш тарзи билан боғлиқ масалалар, инсон ҳамда оила фаолияти билан боғлиқ муаммолар жамоада ҳал этилган. Озчиликнинг кўпчиликка бўйсунishi тамойилига амал қилинган. Кишилар ўз фаолиятларини биргаликда ташкил этганлар, кўни-кўшничилик, каттага хурмат, кичикка иззат, маҳалла-кўй, оқсоқоллар фикри билан иш тутиш кабилар ҳаёт мазмунини акс эттирган.

Ушбу монографияда маҳалланинг шаклланиш тарихи, ривожланиш босқичлари жамоада ўзаро кўни-кўшничилик алоқалари ва муносабатлари ёритилган

**Масъул муҳаррир:** Проф. М.Қуронов

**Тақризчилар:** Д.Б.Бобожонова, тарих фанлари доктори, профессор.  
З.А.Илҳомов, Тарих фанлари номзоди, доцент.

© «NAVRO•Z» нашриёти  
© Валиқул Ишқуватов, Файзулла Толинов

## Кириш

Мамлакатимиз барча жабҳаларида бўлгани сингари, маҳалланинг тарихий анъаналари ва нуфузиди қайта тиклаш борасида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширила бошланди. Минг йиллар давомида шаклланиб, халқимизнинг ўзига хос ҳаёт тарзига айланган маҳалла — мустақиллик йилларида том маънода янги мақомга эга бўлди. Мамлакатимиз жамият ҳаётида амалга оширилаётган жадал ўзгаришлар натижасида барча шаҳар, қишлоқ, ва овулларда маҳаллалар фаолияти янгидан ташкил қилиниб, уларнинг нуфузи кун сайин ортмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Республика «Маҳалла хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони, ушбу ташкилотнинг нуфузи ва обрўсини янада кенгайтди. 1993 йил 2 сентябрда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши, 2003 йилнинг Ўзбекистонда "Обод маҳалла" йили деб эълон қилиниши маҳаллалар масъулиятининг ошишига, унинг ваколат доираларининг кенгайишига хизмат қилди. Президентимиз И.Каримов таъкидлаганларидек: **"Мустақиллик йилларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўплаб қадриятлар, удум ва анъаналаримиз қайта тикланиб, замон талаблари асосида бойиб бормоқда. Шу билан бирга маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилмоқда, улар ўзини-ўзи бошқариш идораси, ҳақиқий демократия дархонаси сифатида кенг қўламли фаолият олиб бормоқда"**<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, маҳалла жамиятимиз учун ўзига хос тарбия ўчоғи, миллий анъаналар, урф-одат ва маросимлар шаклландиган, фуқароларни гоёвий жиҳатдан бирлаштирадиган ўзига хос маскандир. Бугунги глобал ўзгаришлар, мафкуравий таҳдидлар шароитида маҳалла халқимизни турли мафкуравий хуружлардан асраш, фуқаролар онгида мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш, уларни аввало, соғлом, баркамол қилиб тарбиялаш масаласига алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Фуқароларимиз, аввало ёшлар мустақил дунёқарашга эга бўлиб, улар онгида ватанпарварлик, миллий ғурур ва ифтихор туйғуси шаклланса, биз учун мутлақо бегона гоёлар уларга ўз таъсирини ўтказа олмайди. Бунда биз авваламбор маҳаллага ва яна маҳаллага мурожаат этамиз.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т., 2008. 59 бет.

Барчамизга аёнки, бугунги кунда жамиятимизда маънавий етук, баркамол авлодни шакллантиришга катта эътибор қаратила бошланди. Бу жараёнга маҳалла ҳам қўшилганлиги эътиборга моликдир. Ўз навбатида шуни қайд этиш лозимки, фуқаролар онгида юксак маънавийатли сифатларни шакллантириш, тарбиялаш умумхалқ ишидир. Уни фаол тарғиб қилиш оила, боғча, мактаб олий таълим тизими, маҳалланинг муқаддас бурчидир, десак асло муболаға бўлмайди. Бу борада Президентимизнинг 1994 йил 23 апрелда «Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ марказини ташкил қилиш тўғрисида»ги фармонининг қабул қилиниши муҳим воқеа бўлди.

Ўзбек оиласида азалдан яхшилик ва эзгулик, болаларга меҳр, катталарга ҳурмат, яқинларга ва бошқаларнинг қайғусига ҳамдардлик масаласига алоҳида аҳамият берилади. Яъни инсонпарварлик, меҳр-оқибат, саховатпешалиқ — халқимиз миллий менталитетининг ажралмас фазилати бўлиб келган. Ўзбек халқи миллий менталитетида оилада болалар тарбиясига алоҳида аҳамият қаратилади. Бола оила мухитидан чиқиб жамоага қўшилади, яъни маҳаллада униб-ўсади. Шу боис бугунги кунда маҳалланинг ўз худуди доирасида, оилалар билан ҳамкорлигини янада кучайтириш ишига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу ўз навбатида ёш авлод онгида инсонпарварлик, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик фазилатларининг шаклланишига хизмат қилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, бугунги кунда мамлакатимизда ўзини-ўзи бошқариш органларининг тарихий тажрибасини, анъанавий фаолият жараёнларини, унинг шаклланиш ва ривожланиш босқичларини илмий ўрганиш, бу хусусда илмий-назарий хулосалар чиқариш муҳим аҳамият касб этмоқда. Муаллифлар **т.ф.н., доцент В.Ишқуватов, т.ф.н Ф.Толиповлар** томонидан ёзилган мазкур монографияда маҳалланинг шаклланиши, тарихий ривожланиш босқичлари, мустақиллик йилларида унинг ижтимоий, ҳуқуқий мақомининг кенгайиши, мазкур ташкилотнинг бугунги кундаги фаолияти тарихий-этнографик жиҳатдан ёритилган.

Китобда миллий мустақиллигимиз кўлга киритилгандан сўнг жамиятимиз ҳаётида содир бўлаётган муҳим ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, бугунги кундаги маҳаллаларнинг тарихий анъаналари мисолида баён этилган. Шунингдек, маҳаллаларда амалга оширилаётган кенг миқёсдаги ишлар, ташкилий чора-тадбирлар энг фаол маҳаллалар тажрибалари мисолида ёритилган.

Зеро, Ўзбекистонда бой тарихга эга маҳалла фаолияти, халқнинг ўзига хос турмуш тарзи билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Халқимиз миллий менталитетига азалдан озчиликнинг кўпчиликка бўйсунishi тамойилига амал қилиб келинган. Ўзаро кўни-кўшничилик, каттага ҳурмат, кичикка иззат, жамоа фикри билан иш тутиш каби мезонлар миллий менталитетимизнинг устувор хусусияти ҳисобланган.

Китобнинг муҳим жиҳати шундаки, унда ўзбеклар турмуш тарзи учун хос кўни-кўшничилик алоқалари очиб берилган. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг Ўзбекистон мустақиллиги йилларидаги фаолияти, маҳаллаларда маросимлар ва оилавий тантаналарни ўтказишда кўни-кўшничилик алоқалари, маросимларни камчиқим, камҳаражат ўтказиш юзасидан давлатимиз ва ҳукуватимиз ҳамда маҳаллалар томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлар ёритилган. Зарур таклифлар ва мулоҳазалар ўртага ташланган.

Бугунги кунда жамиятимизда барча соҳаларда жадал ижтимоий-иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган шароитда, оила ва ўзини-ўзи бошқаришнинг анъанавий шакли яъни, маҳалла фаолиятини такомиллаштиришга ҳамда унинг ваколат доирасини янада оширишга катта аҳамият берилмоқда. 2003 йил *Ўзбекистонда «Обод маҳалла» йили*, 2004 йил *«Меҳр ва муруват йили»*, 2007 йил *«Ижтимоий ҳимоя йили»*, 2012 йил *«Мустақкам оила йили»*, 2013 йил *«Обод турмуш йили»*, 2014 йил *«Соғлом бола йили»* деб эълон қилинди. Бу эса оила ва маҳалладек бошланғич ижтимоий ташкилотнинг нуфузи ва обрўсини яна бир бор оширди, унда ободликка, соғлом авлод тарбиясига эътиборнинг нақадар юксак эканлигини кўрсатди.

Мустақиллик йилларида маҳаллалар фаолиятини ташкил этиш юзасидан катта кўламдаги ишлар амалга оширилди. Бу борада Президентимиз, ҳукуват ва парламентнинг фармонлари, қарор ва қонунлари қабул қилинди. Мазкур фармонлар, қарор ва қонунлар асосида зарур режа ва дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ қилинаётир. Маҳалла фаолиятини кенг тарғиб қилиш, фуқаролар айниқса, ёшлар онгида миллий ғурур, ифтихор, ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Азалдан ўзбек маҳаллалари чинакам миллий қадриятлар маскани бўлиб келган. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон

қунда ҳам бирга бўлиш каби фазилатлар оила ва маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган. Халқимизга хос ўзини-ўзи бошқариш тизимининг бу ноёб усули қадим-қадимдан одамларнинг нафақат тилида, балки дилида, бутун ҳаётида чуқур жой эгаллагани бежиз эмас<sup>2</sup> - дея қайд этади Президентимиз И.А.Каримов. Шу маънода, маҳалланинг шаклланиш тарихи ва ривожланиши ҳамда унинг фаолиятини халқимиз турмуш тарзи билан боғлиқ анъаналари ва тарихий тажрибасини ўрганиш муҳим ўрин тутди.

Шу боисдан жамиятимизда ўз салоҳияти, ақлига ишониб яшайдиган, жамият манфаатини ўз шахсий манфаатлари билан уйғун тарзда кўрадиган етук инсонларни тарбиялашдан иборат вазифа келажакда маҳалладек нуфузли уюшманинг яна бир бор кундалик фаолиятига айланишига шак-шубҳа йўқ.

**Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий  
маркази раҳбари,  
проф.М.Қуронов**

---

<sup>2</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т., 2008. 58 бет

## МАҲАЛЛАНИНГ МОҲИЯТИ ВА ТАРИХИ

Ўзбекистон мустақиллиги кўлга киритилгандан сўнг, барча соҳаларда жадал ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган ҳозирги кунда, маҳалла фаолиятини такомиллаштиришга ҳамда ваколат доирасини янада кенгайтиришга катта аҳамият берилга бошланди. У қуйи ҳокимият органи, бошланғич ижтимоий ташкилот мақомини олди, унинг бажарадиган вазифалари кенгайтирилди. Бу эса халқимиз тарихий анъаналарининг тикланишида, фуқароларимиз онгида маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда маҳалланинг оила ва жамоатчилик билан боғлиқ фаолияти, бошқарув тизими, бажарадиган вазифалари тобора кенгайиб бормоқда. Унинг ўзаро кўни-кўшничилик муносабатларида ўзбеклар жамияти учун ўзига хос уюшма эканлиги эътироф этила бошланди. Азалдан жамиятимизда кўпчилик фикрининг устунлигига асосланиш- халқимизнинг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб келган.

Халқимиз турмуш тарзига хос жамоавийлик, ўзаро кўни-кўшничилик муносабатлари тарихнинг узоқ даврларига бориб тақалади. Бундай уюшқоқлик тарихий тараққиёт жараёнида шаклланиб, аҳоли турмуш тарзининг ўзига хос этник хусусиятларини ўзида акс эттирган. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ўзбеклар жамиятининг илк анъанавий уюшмаси яъни, маҳалланинг ўтмиши ва бугунги жамият ҳаётидаги ўрни муҳим эканлигини англаш қийин эмас.

Маълумки узоқ йиллик коммунистик мафкурага асосланган жамият шароитида, маҳалланинг кишилар ҳаётидаги ўрни ва фаолияти чеклашларга учради. Айниқса XIX асрнинг сўнги чораги - XX аср биринчи ярмига келиб жамият тартиб коидаларининг ўзгариши натижасида, аҳоли турмуш тарзи ва ижтимоий ҳаётида маълум ўзгаришлар юз берди. Аммо маҳалла ўзининг жамият ҳаётидаги нуфузини йўқотмади. Аксинча у кишилар ўртасидаги оилавий, ижтимоий муносабатларни қарор топтиришга хизмат қилиб келди.

Шундай экан, мазкур масала ҳозирги кунда тарихий нуқтаи-назардан ўрганилиши зарур, долзарб мавзулардан десак хато бўлмайди. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов ўзининг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобида “ишни Республика

маънавий бойлигини тиклаш ва камол топтиришдан бошлашимиз керак. Халқимизнинг ўтмишини чин маънода эслаш, кадр-қимматиغا етиш, урф-одатларимизни, удумларимизни, ўтган не-не улуг зотларнинг муборак номларини тиклаш ва иззат-хурматини бажо келтириш сизу-бизга насиб этганидан фахрланишимиз керак<sup>3</sup>”-дея қайд этадилар.

Чунки мустақиллик йилларида халқимизнинг тарихий кадриятлари, маънавий мероси, урф-одат ва маросимлари қайта тикланди. Маҳалланинг ўзбек халқи миллий менталитетига хос тарихий анъаналари кенг тарғиб қилиниб, унинг тарихий тажрибаларига таяниш зарурлиги равшанлаша бошлади. Шу маънода бугунги кунда жамиятимизда кечаётган чуқур ислохотлар шароитида, ўз-ўзини бошқариш тузилмасининг ўзбеклар турмуш тарзидаги, оила ва жамият ҳаётидаги тарихий тажрибаларини мамлакатимиз мисолида тадқиқ этиш ва умумлаштириш илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбек халқида азалдан жамиятда ва унинг илк бўғини ҳисобланмиш маҳаллада жамоатчилик фикрига кулоқ солинади. Аслида жамоатчилик фикри бу- кенг жамоатчиликнинг, омманинг, аҳоли кўпчилиги қатламининг воқеа-ҳодисаларга, ижтимоий жараёнларга нисбатан муносабатини ифодаловчи фикрлари, ғоя, қараш ва тасаввурларидир. У ижтимоий ҳаёт таъсирида стихияли шаклланиб бориши, омма онгига таъсир кўрсатиши натижасида юзага келади. Яъни жамоа онгининг ўзига хос умумлашган ифодаси сифатида, алоҳида фикрларнинг ўзаро алмашинуви, бойиши ва уйғунлашиб бориши натижасида юзага келади.

Жамоатчилик фикри ақлий, ҳиссий хусусиятларни узвий ифодалайди ва турли тарзда намоён бўлади. Биринчидан, воқеалар маънавий муносабат сифатида юзага келади. Бунда воқеаларни баҳоловчи фикрлар кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилади. Иккинчидан, ғоявий-амалий муносабат сифатида шаклланади. Унда ҳиссий ва иродавий истаклар, интилиш ва ниятлар оммалашади, жамоатчиликни амалий фаолиятга ундайди. Учунчидан, амалий муносабат сифатида акс этади. Бунда кишилар воқеа ва жараёнларга бўлган муносабатларини ўзларининг оммавий ҳаракатлари билан намоён этадилар. Жамоатчилик фикрининг кўпчиликка таяниши унинг таъсир кучини белгилайди.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т. 2011. 415 бет.



Ижтимоий жараёнларга муносабатнинг турлича бўлиши – уни ифодаловчи фикрлар ранг-баранглигига олиб келади. Муайян ҳақиқатни турлича изоҳлаш ва талқин этишга асосланувчи фикрлар хилма-хиллигининг мавжудлиги жамиятда жамоатчилик фикрлари ранг-баранглигини белгилаб беради. Бунда маълум ижтимоий гуруҳ орасида кенг тарқалган ва муайян аҳамиятга эга бўлган фикрлар, бошқа гуруҳ учун эътиборга эга бўлмаслиги ҳам мумкин.

Шунинг учун ҳам, маҳаллада бу йўлдаги амалий ислохотларни кўлаб-қувватлаш ҳамда унда фаол иштирок этиш борасидаги муносабатларни ифодаловчи, жамият аъзоларининг барча табақа ва қатламларини бирлаштирувчи жамоатчилик фикрини шакллантириш ва муттасил сақлаб қолиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Кенг халқ оммасининг ижобий муносабатини мақсадга мувофиқ шакллантириш, доимий ўрганиш ва ҳисобга олиш тараққиётни таъминлашда оқилона мақсадга айланиб бормоқда.

**Мавзу тарихшунослиги.** Ўзбек халқи оилавий турмуш тарзида маҳалла, яъни кўни-қўшничилик жамоаси фаолиятини тарихий-этнографик нуктаи-назардан ўрганиш, ҳозирги кунда илмий аҳамиятга эга.

Кишиларнинг ўзаро жамоа бўлиб яшаш тарзи инсоният тарихининг қадимги даврларига бориб тақалади. Тарихий маълумотларга кўра Ўрта Осиё ҳудудларида инсонларнинг биргалиқда яшаган, умумий меҳнат қуролларига эга бўлган қон-қариндошлар жамоаси *сўнги палеолит* даврида шаклланган. Узок тарихий тараққиёт жараёнида ушбу уюшма маълум босқичларни босиб ўтиб, кўни-қўшничилик жамоасига айланган.

Мавзу тарихшунослиги ҳақида сўз юритишдан олдин уларга оид маълумотлар тарихий-этнографик адабиётларда муайян тарзда ўз ифодасини топганлигини қайд этиш ўринли. Халқ турмуш тарзи билан боғлиқ турли масалалар шарқ халқлари тарихи ҳамда маданиятининг қадимги маънавий мероси зардуштийлик динига оид адабиётларда маълум маънода ўз ифодасини топган. Уларда ўша даврнинг ахлоқий, фалсафий ғояларини акс эттирувчи фикрлар кишилар онгида ижтимоий-ғоявий қарашларнинг шаклланишига хизмат қилган<sup>4</sup>.

<sup>4</sup> Маковельский А.О. Авеста. - Баку, 1960. – С. 89-92; Бойс М. Зороастрийцы: Верования и обычаи. - М.: Наука, 1988. – С. 200-201; Дорошенко Е.А. Зороастрийцы в Иране. - М.: Наука, 1982. – С. 84-99; Махмудов Т. Авесто ҳақида. – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 13; Тохир Карим. Муқаддас Авесто издан. – Т., 2000; Ҳомидов Ҳ. Авесто файллари. – Т., 2001. – Б. 57-61; Авесто яшт китоби / Исоқов М. таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001; Авесто тарихий бадий ёдгорлик / Аскар Маҳкам

Зеро, «Авесто»да жамиятнинг бирламчи иктисодий асоси, ижтимоий таркиби оила (нмана), уруғ-жамоа (вис), кўни-қўшни жамоа яъни маълум худуд ёки давлат (дахю) деб аталган ва улар жамиятда ўзаро уюшқоқликни таъминлаганлар. Зардуштийлар жамоасида кишилар турмуш тарзи, жумладан хўжалик-иктисодий муносабатлари, диний эътиқодига кўра бир қанча тоифаларга бўлинганки, уларнинг жамиятдаги мавқеи Авестода махсус қайд этилган<sup>5</sup>.

Ислом динининг муқаддас китоби Қуръони каримдаги ва Ҳадису- шарифлардаги кўни-қўшничилик алоқалари, кариндош-уруғчилик муносабатларига оид ахлоқий қарашлар ҳозирги кунда ҳам ўз ахамиятини йўқотган эмас<sup>6</sup>. Жамоада фарзандлар тарбиясига оид ахлоқий-маънавий қарашлар, инсон камолотига оид илғор ғоялар барча даврларда шарқ мутафаккирларининг диққат марказида бўлиб келган<sup>7</sup>. Шу маънода туркий халқлар, жумладан, ўзбеклар этнографиясини ўрганишда муҳим манбалардан бири ўрта аср муаллифлари **Маҳмуд Қошғарий**нинг «Девони луғотит турк» ҳамда тарихий этнографик манба **Ризоуддин ибн Фахруддин**нинг «Оила» асарлари алоҳида ўрин эгаллайди. Бу асарларда қадимги аجدодларимиз турмуш тарзига оид анчагина маълумотлар учрайди. Жумладан, қадимги туркий этносларнинг оилавий турмуш тарзи, урф-одат ва маросимлари, диний эътиқод ва тасаввурлари ҳақида этнографик маълумотлар мавжуд. Уларда кўни-қўшничилик муносабатлари ҳақида ҳам маълумотлар учрайди<sup>8</sup>.

Шу билан бирга **Алишер Навоий**нинг «Ҳайратул аброр», «Махбуб ул-қулуб», «Мезон ул-Авзон» асарларида турмушдаги маиший, ижтимоий муносабатлар, оила-никоҳ масалаларига оид ахлоқий-маънавий қайдлар мавжуд. Жумладан, Алишер Навоий ўзининг «Ҳайратул аброр» асарида маҳалла ҳақида шундай дейди: *«Илло маҳалла ўзи бир шаҳарча бўлиб, уларнинг иттифоқи ва ўзаро муносабатлари йирик шаҳарларни вужудга келтирган»*<sup>9</sup>. Демак, ўрта

таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001.

<sup>5</sup> Маковельский А.О. Авеста... – С. 89.

<sup>6</sup> Қуръони Карим. – Т., 1992. – Б. 27-28; Имом Исмоил Ал-Бухорий. Ҳадис. – Т., 1990. Т. II. – Б. 501-510.

<sup>7</sup> Қаранг Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадгу билиг. – Т., 1990. – Б. 12-137; Абу Али Ибн Сино. Тиб қонуллари. – Т., 1992. – Б. 89; Абу Райхон Беруний. Ҳиндистон. – Т., 1965. Т. II. – Б. 409-410; Аҳмад Ясавий. Девони Ҳикмат. – Т., 1994. – Б. 8 - 9; Кайковус Қобуснома. – Т., 1992. – Б. 83 - 88.

<sup>8</sup> Маҳмуд Қошғарий. Девони луғотит турк. – Т., 1960. Т. III; Ризоуддин Ибн Фахруддин. «Оила» / Масъул мухҳаррир Ирисов А. – Т., 1991. – Б. 28-44.

<sup>9</sup> Алишер Навоий. Ҳайратул аброр. – Т., 1989. – Б. 89.

асрлардаёқ шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси маълум «маҳалла» доирасида яшаганлар.

XIX аср охири – XX аср бошларига келиб олимлар, сайёҳлар томонидан маҳаллий аҳолининг этник таркиби, турмуш тарзи, хўжалик фаолиятини илмий ўрганиш бошланган. Бу даврда ўлкага ташриф буюрган қатор тадқиқотчилар ўз ишларида биз ўрганаётган масаланинг у ёки бу томонлари ҳақида маълумотлар беришга ҳаракат қилганлар. Жумладан, XIX асрнинг 70-йилларида ўзбеклар турмуш тарзи ҳақида хусусан, кўни-қўшнилари орасида уруғ-жамоавий муносабатлар, хотин-қизлар аҳволи, никоҳ муносабатлари масалаларини А.Д.Гребенкин Зарафшон округи ўзбеклари мисолида қайд этар экан, қисман кўни-қўшничилик муносабатларига ҳам тўхталади<sup>10</sup>. Ўзбек халқи турмуш тарзига оид ишлар қаторида В. Налликин, М. Налликиналиарнинг «*Фаргона маҳаллий ўтроқ аҳолиси аёллари турмушидан очерклар*» асари алоҳида аҳамиятлидир.

Ўрта Осиё хонликлари даврида, айниқса маҳалла қишлоқ жамоасини бошқаришда раис ва оқсоқолларнинг ўрни катта бўлган. Жумладан, сенатор граф К.К.Пален маҳаллий халқлар турмуш тарзидан келиб чиққан ҳолда Туркистон ўлкасини тафтиш қилишга оид ёзган ҳисоботларида «Раисларнинг фаолияти миллий ҳамда ижтимоий характерда бўлиб, улар жамоани фақат анъанавий урф-одатлар асосида назорат қилганлар»- деб ёзади<sup>11</sup>.

XIX аср охири – XX аср бошларига оид тарихий маълумотлар ичида Тошкент шаҳри ўтмиши, маҳалла ва мавзелари тарихи, топонимияси хусусида ёзилган В.А. Шишкиннинг «*О названиях Ташкентских махалля*»<sup>12</sup> мақоласи, А.И.Добромисловнинг «*Ташкент в прошлом и настоящем*» китоби<sup>13</sup>, Н.Г.Маллицкийнинг «*Ташкентские махалля и мауза*»<sup>14</sup> асарлари ушбу масалани ёритишда катта аҳамиятга эга. Хусусан, муаллифлар асарларида қайд этилган манбалар Тошкент шаҳрининг узоқ ўтмиши, ўша даврдаги шаҳар

<sup>10</sup> Гребенкин А.Д. Узбекские мелкие народности Зеравшанского округа // Туркестанские ведомости. 1872, № 42, Ўша муаллиф. Заметки о Когистане // Туркестанские ведомости. 1872, № 25, 27, 30, 31, 32.

<sup>11</sup> Пален К.К. Отчёт по ревизии Туркестанского края, произведенной по высочайшему повелению Сенаторомъ Гофмейстеромъ К.К. Паленомъ. Сельское управление: Русское и туземное. - СПб., 1910. - С. 4-5.

<sup>12</sup> Шишкин В.А. «О названиях Ташкентских махалля»// Бюллетень Ташкентского Новгородского Исполкома.-1925. №4-5.

<sup>13</sup> Добромислов. А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. -Т., 1912.

<sup>14</sup> Маллицкий Н.Г. Ташкентские махалля и мауза. -Т., 1927

махалла ва мавзелари, уларнинг жойлашиши, тарихий топонимияси хусусида маълумотлар беради.

XX аср иккинчи ярмидан кейин этнографлар мавжуд совет тузуми сиёсий, ижтимоий ғоялари таъсирида ўзбеклар жамоасида рўй берган миллий ўзига хосликларни тўла ёритиш имкониятига эга эмас эдилар. Шундай бўлсада, ўзбекларнинг анъанавий эркалар йиғинининг, алоҳида уюшмаси маҳаллаларда ўтказиладиган *гап-гаштак*ларни кишилар уюшмасининг дастлабки шаклларида бири деб таърифлаган Г.П.Снесарев, уларнинг муҳим ижтимоий хусусият касб эгганлигини кўрсатиб ўтади<sup>15</sup>. Шунингдек Бухоро шаҳри квартал (махалла) жамоасига бағишланган бирдан-бир монография О.А. Сухарева қаламига мансуб “*Квартальная община позднефеодалного города Бухары*” номли фундаментал асардир.

Асарда Бухоро шаҳри маҳаллаларининг XIX аср охири - XX аср бошидаги ҳаёти мукамал ва ҳар томонлама таҳлил этишга ҳаракат қилинган<sup>16</sup>. Муаллиф шаҳардаги ҳар бир маҳаллага тавсиф берар экан, маҳалланинг маъмурий бошқаруви, фаолиятининг ўзига хос томонларини очиб беради. Керакли ўринларда урф-одат ва маросимларда маҳалла аъзоларининг вазифаларига тўхталиб ўтади<sup>17</sup>.

Тошкент шаҳри маҳаллалари, тарихий топонимлари этимологияси, тавсифи, шаҳар аҳолисининг ижтимоий турмуш тарзига оид А.Ўринбоев, О.Бўриевларнинг “*Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида*” номли рисоласида тарихчи Муҳаммад Солиҳнинг “*Тарихи жадиди Тошканд*” асари ўрганилган<sup>18</sup>. Унда шаҳар ва унинг атрофидаги маҳаллалар ҳақида анчагина маълумотлар берилган. Шунингдек у шаҳар топографияси, топонимлари таҳлилига бағишланганлиги билан ҳам характерлидир.

Этнограф олим К.Ш. Шониёзов ўзбекларнинг жамоавий, оилавий турмуш тарзига оид масалаларни Қашқадарё вилояти Косон тумани, Сурхондарё вилояти Сарийосиё туманига оид материаллар асосида ўрганади. Жумладан у жамоага хос муносабатларни ўзбек қарлуқлар ва қанглилар фаолияти мисолида қисман ёритади. Муаллиф ўз ишларида XIX аср охири - XX аср биринчи ярмида катта патриархал оилада жамоа муносабатлари, қон-қариндошлик

<sup>15</sup> Г.П.Снесарев К вопросу о происхождении праздника суннат той в его среднеазитском варианте // Занятия и быт у народов Средней Азии. - Л., 1971. - С. 257-274.

<sup>16</sup> Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодалного города Бухары. - М.: Наука, 1978. - С. 22-321.

<sup>17</sup> Ўша жойда.

<sup>18</sup> Ўринбоев А, Бўриев О. “Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида”. -Т., 1983.

муносабатларидаги этнохудудий жиҳатларни қайд этар экан, жамоа анъаналарига баъзи ўринларда тўхталган<sup>19</sup>.

Табиийки ўтмишда ўзбек халқи оилавий маросимлари, халқ байрам ва томошаларида маҳалланинг ўрни ва вазифалари ўз эътибори билан қимматли бўлган. Жумладан, ўзбек халқи тўйлари ва никоҳ маросимлари мавзусида изланишлар олиб борган Н.П.Лобачёва ишларида совет маффураси таъсирига қарамасдан холислик сезилиб туради. Муаллиф ўз асар ва мақолаларида маросимлар моҳиятини таҳлил этади<sup>20</sup>.

Давлатимиз мустақиллигининг қўлга киритилиши ўзбек халқи тарихи ва маданиятини ўрганишда янги даврни бошлаб берди. Жумладан, XX аср 90 йиллар бошига келиб маҳалланинг мазмун-моҳиятини кенгрок таҳлил этиш, ўз-ўзини бошқаришнинг анъанавий шакллари илмий ўрганишга эътибор кучая бошлади. Халқимиз турмуш тарзида ижтимоий муносабатлар ва маҳалла анъаналари, оила ва қишлоқ жамоасида кўни-кўшничилик муносабатлари баъзи тадқиқотчилар ишларида ўз аксини топа бошлади.

Жумладан, ўтмишда ва ҳозирги даврда маҳаллалар фаолиятини таҳлил этувчи ва умумлаштирувчи, айни пайтда маҳалла орқали XX асрдаги Тошкентнинг эски шаҳар қисми аҳолиси турмуши ва маданиятини ўзида акс эттирган олима З.Х. Арифханова раҳбарлигида ҳаммуаллифликда ёзилган «*Тошкент маҳаллалари: анъаналар ва замонавийлик*» асари маҳалла моҳиятига бағишланган тарихий- этнологик нуқтаи назардан ёзилган илмий изланишлар самарасидир<sup>21</sup>. Унда Тошкент маҳаллаларининг кўп қиррали ҳаёти, маҳалланинг фаолияти очиб берилган.

Ҳозирги даврда замонавий ўзбек маҳаллаларининг ҳаёт тарзи ва фаолияти, бугунги кунда маҳаллаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, ушбу ижтимоий тузилманинг ҳуқуқий

<sup>19</sup> Шониёзов К.Ш. Узбеки-карлуки. – Т., 1964. – С. 141-142 и др.; Ўша муаллиф. Қанг давлати ва қанглилар. –Т., 1990.

<sup>20</sup> Лобачева Н.П. Значение общины в жизни семьи (по материалам свадебной обрядности хорезмских узбеков). Этническая история и традиционная культура народов Средней Азии и Казахстана. - Нукус, 1989; Ўша муаллиф. Сверстники и семья (к вопросу о древней половозрастной градации общества у народов Средней Азии и Казахстана) // СЭ. – 1989. – № 5 Ўша муаллиф. Общественная и семейная обрядность народов Средней Азии и Казахстана. Вторая половина XX века (этнографический аспект) // Расы и народы. – М., 2001; Ўша муаллиф. К истории сложения института свадебной обрядности. (Свадебный обряд хорезмских узбеков) // Семья и семейные обряды у народов Средней Азии и Казахстана. - М.: Наука, 1978; Ўша муаллиф. Что такое свадебный обряд ? // ЭО. – 1995. – № 4. – С. 55-63.

<sup>21</sup> Тошкент маҳаллалари: Анъаналар ва замонавийлик / Масъул муҳаррир З.Х. Арифханова. Т., 2002.

асослари, анъанавий ўзбек маҳаллаларининг кайтадан тикланиши, жамиятда аёлларнинг фаолияти масалалари Ш.Жалилов, Х.Меликуловлар томонидан ёритилган<sup>22</sup>.

М. Куронов бошқалар томонидан ёзилган “Маҳаллада гоъвий тарғибот” номли рисолада Республика Президентининг 2004 йил 25-майдаги “Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3434-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг мазкур Фармон ижросини тامينлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисидаги 2004 йил 29 июндаги 299 - сон қароридан келиб чиқиб, мамлакатимизда хотин-қизларни диний бағрикенглик, бошқа диний конфессияларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш, жамиятда диний ва дунёвий қарашлар карама – қаршилигига йўл кўймаслик, диний экстремизм ва акидапарастликнинг олдини олишда аёлларнинг ўрни ва вазифаларига кенг ўрин берилган<sup>23</sup>.

Ш. Миноваров, М. Куронов, Г. Маъруфова, В. Каримова ва бошқалар томонидан ёзилган “Маҳаллада диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия ишларини ташкил этиш” деб номланган рисолада эса мустақиллик йилларида Фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалари бўйича маслаҳатчилари, улар билан маҳаллаларда олиб бориладиган ташкилий ишлар, аҳоли ўртасида обрў эътиборга эга бўлган, миллий диний анъаналар ва расм-русумлар борасида катта тажрибага эга ҳамда ўзи ўрناк, бошқоқш бўла оладиган аёллар фаолиятини ташкил этиш юзасидан қатор фикр-мулоҳазалар ўртага ташланган<sup>24</sup>.

Давлатимиз раҳбари томонидан 1998 йил 28 октябрда қабул қилинган тўй ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ихчам ва содда тарзда ўтказиш тўғрисидаги Фармон талабларидан келиб чиқиб, тўй ва маросимларни дабдабасиз, камчиқим, маънавиятимиз ва кадриягимизга мос ҳолда ўтказиш бўйича жойларда амалга оширилаётган ишлар ва қилиниши лозим бўлган чора-тадбирлар хусусида фикр юритилган Р.Шералиев, Г.Ўйлчиевалар томонидан нашрга тайёрлаб чоп этилган “Тўйларимиз маърифати” номли китоб ҳам анчагина таҳсинга сазовор. Китобда фуқароларимизда тўй ва маросимларни ўтказиш маданиятини

<sup>22</sup> Жалилов Ш. Кучли давлатдан-кучли жамият сари. Т., 2001. Ўша муаллиф: Маҳалла янгилашни даврида. Т., 1995. Меликулов Х. Маҳалла-ватан ичидаги ваган. Т., 2006.

<sup>23</sup> Куронов М ва бошқалар. Маҳаллада гоъвий тарғибот. Т., 2009

<sup>24</sup> Миноваров Ш, Куронов М, Маъруфова Г, Каримова В ва бошқалар. Маҳаллада диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия ишларини ташкил этиш. Т., 2006

ошириш, ёшларимиз онги ва тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи иллатларга барҳам бериш, кадрятларимизни улуғлаш ва юксак маънавий-ахлоқий мезонларни тарғиб қилиш юзасидан зарур тавсиялар берилган<sup>25</sup>.

Бугунги кунда айрим олимлар томонидан анъанавий кўни-кўшничилик жамоаси масаласи илмий нуқтаи назардан ўрганилганлигини эътироф этиш мумкин. Хусусан т.ф.н Ф.Толиповнинг *“Нурота воҳаси аҳолиси оилавий турмуш тарзида жамоа анъаналари”* (XIX аср охири - XX аср бошлари) мазуидаги номзодлик диссертацияси алоҳида олинган ҳудуд яъни Нурота воҳаси мисолида ёзилган, тарихий-этнографик йўналишда ўрганилган тадқиқотдир. Ушбу монография мазкур диссертация асосида ёзилганлиги аҳамиятлидир. Хусусан, тадқиқотчи диссертацияда воҳанинг қатор шаҳар ва қишлоқларидан тўпланган этнографик материаллар асосида анъанавий кўни-кўшничилик жамоасининг оила билан боғлиқликдаги фаолиятига тўхталади. Жумладан жамоанинг шаклланиш тарихи, ўзбеклар турмуш тарзидаги ўрни, хўжалик фаолияти, оилавий урф-одат ва маросимларда жамоанинг ўрнини ёритган<sup>26</sup>.

Тадқиқотчи т.ф.н Х.Бўриева тадқиқотлари Тошкент шаҳрининг тарихий топонимиясига бағишланган. Олима маҳаллалар тарихи, топонимлар маъноси, уларнинг жойлашув хусусиятлари ва улар таҳлилига тўхталиб ўтади. Унинг *“Тошкент шаҳрининг тарихий топонимияси. // XIX аср охири - XX аср бошлари”* номли монографияси айниқса таҳсинга сазовор. Олима ўз ишида кўплаб жой номлари қаторида маҳаллалар, Тошкент шаҳрининг XIX аср охири - XX аср бошлари топонимларидаги хусусиятларига таъриф беради. Кўплаб ҳужжатлар, манбалардан ўз ўрнида фойдаланган<sup>27</sup>.

Гувоҳи бўлганингиздек ҳозиргача мазкур масалага оид китоблар ва рисоалар, мақолалар, илмий тадқиқотлар амалга оширилган бўлсада улар фақат масаланинг у ёки бу жиҳатларини ёритишга қаратилган. Шу боисдан биз масалани кенгрок таҳлил этган ҳолда, уни ўзбек халқи турмуш тарзи доирасида маҳалла фаолияти мисолида китоб ҳолида чоп этишни мақсад қилдик.

<sup>25</sup> Тўйларимиз маърифати // Нашрга тайёрловчилар Р.Шералиев, Г.Йўлчиёва. Т., 41 бет.

<sup>26</sup> Толипов Ф. “Нурота воҳаси аҳолиси оилавий турмуш тарзида жамоа анъаналари (XIX аср охири - XX аср бошлари). Тарих фанлари илмий даражасини олиш учун ёзилган номзодлик диссертацияси. Т., 2006.

<sup>27</sup> Бўриева Х. Тошкент шаҳрининг тарихий топонимияси. // XIX аср охири - XX аср бошлари. Т., 2009.

## МАҲАЛЛА ЎТМИШДА: ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Маълумки жамоа бўлиб яшаш инсоният тарихининг энг қадимги даврларига бориб тақалади. Чунки бундай уюшқоқлик кишиларни моддий, маънавий, ижтимоий томондан ўзаро биргаликда ҳаёт кечиришларини таъминлаган. Кишилиқ жамияти шаклланиши билан дастлаб қабила, уруғ уюшмаси сўнгра, янада каттароқ уюшма яъни қўни-қўшни жамоа тарзида яшаш учун эҳтиёж вужудга келган.

Жамоа моҳиятига умумий нуқтаи-назардан ёндашсак, у қон-қариндошлиқ алоқалари асосида вужудга келган кишиларнинг дастлабки уюшмасидир.

Жамият ўз тараққиётининг юқори босқичига кўтарила бориши билан, минтақамизда дастлабки шаҳар манзилгоҳлари ва давлатларнинг пайдо бўлиши билан ибтидоий қон-қариндошликка асосланган жамоа йўқолиб, дастлаб қишлоқ жамоалари, сўнгра қўни-қўшничиликка асосланган жамоалар шакллана бошлаган. Умуман бундай уюшма кишиларнинг ҳаётий зарурати туфайли ўзаро доимий бирлашуви бўлиб, унга нисбатан узок тарихий босқичлардан ўтиб келган, маълум бир жойга хос бўлган кишилар гуруҳи сифатида тушуниш мумкин. Чунки унинг аъзолари маълум ҳудудда яшаганлар.

Маҳалла катта-кичик оилалардан, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилardan ташкил топган. Уларнинг ўзаро бирлашуви турмушда барча моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондирган. Қўни-қўшничилик муносабатлари жамият тараққиётининг барча босқичларида у ёки бу тарзда ўзгариб, ривожланиб келган ва инсониятнинг тарихий тараққиётида муҳим рол ўйнаган.

Маълумки, маҳалла оила каби жамиятнинг кичик бир бўғини ҳисобланади. Азалдан Ўрта Осиё минтақасида аҳоли турмуш тарзида қўни-қўшниларининг ўрни катта бўлган. Ўзаро муносабатларнинг бундай шакли оила ва маҳалланинг мустаҳкам алоқасини, хўжалиқ, маданий бирлигини қарор топтирган.

Шу ўринда ўзбеклар анъанавий ҳудудий қўни-қўшничилик жамоаси, яъни маҳалла хусусида сўз юритар эканмиз, унинг у ёки бу фаолиятини ифодалашда биринчи навбатда маҳалладаги ижтимоий алоқалардан келиб чиқиб фикр юритиш мақсадга мувофиқ. Мазкур уюшма тарихан шаклланиши ва ривожланиши жараёнида қишлоқ жамоаси, қўни-қўшни *жамоа*<sup>28</sup>, шаҳарларда *маҳалла, квартал*,

<sup>28</sup> Арифханова З.Х. Маҳалланинг моҳияти ва вазифалари. (Тошкент маҳаллалари 30 - 80 йилларда)



**гузар**, яна ҳам катгароқ маъмурий бирикма **«роат»** тарзида ҳам учраши қайд этилади<sup>29</sup>.

Инсонларнинг жамоа бўлиб яшаш тарзининг дастлабки босқичи ибтидоий даврнинг сўнги босқичларига бориб тақалади. Кишилиқ тараққиёти босқичида инсон ҳаётида жуда катта сифат ўзгаришлар содир бўлган. Бу даврда кишиларнинг дастлабки жамоа бўлиб яшаш куртаклари пайдо бўла бошлаган<sup>30</sup>.

Биз маҳалланинг мазмун моҳияти, тарихий анъаналаридан келиб чиқиб унинг тараққиётини куйидаги етти босқичга бўлишни лозим топдик:

**Биринчи босқич:** қадимги бронза даврининг сўнги босқичларидан бошланиб милодий VIII асргача давом этган. Яъни илк шаҳар манзилгоҳларида кишиларнинг жамоа бўлиб уюшуви ва дастлабки маҳаллага хос белгиларнинг шаклланиши бошлаган даври;

**Иккинчи босқич:** VIII асрдан XIII асргача бўлган давр. Яъни йирик шаҳарларда маҳаллага хос бошқарувнинг шаклланиши ва уларнинг ўзбеклар учун маъмурий ҳудудий тузилмага айланиши;

**Учинчи босқич:** XIII – XVI асрлар, яъни маҳалланинг барча катта кичик шаҳарлар учун хос уюшма даражасига кўтарилиши ва унинг функцияларининг олдинги даврларга нисбатан ортиш даври;

**Тўртинчи босқич:** XVI-XIX асрлар. Маҳалланинг сўнги ўрта асрлардаги ривожланиш босқичлари;

**Бешинчи босқич:** XIX аср иккинчи ярмидан XX аср бошларигача бўлган давр. Яъни унинг фаолиятининг Чор Россияси томонидан назоратга олинishi даври;

**Олтинчи босқич:** XX аср, яъни совет даврида маъмурий-буйруқбозлик тизимининг маҳаллалар фаолиятига салбий таъсири ва унинг фаолиятининг чекланиши даври;

**Еттинчи босқич:** Ўзбекистон мустақиллиги йилларида маҳалланинг тарихий анъаналари ва нуфузининг қайта тикланиши, унинг ваколат доираларининг кенгайиши, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органи сифатидаги мақомининг қайта эътироф этилиши даври.

Умуман маҳалланинг шаклланиши анчагина қадимги даврларга бориб тақалади. Хусусан, академик А.Асқаровнинг қайд этишича, **бронза даврининг** ёдгорлиги бўлган Сурхондарёдаги Сополлитепа

---

// Тошкент маҳаллалари. Анъаналар ва замонавийлик. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – Б. 18.

<sup>29</sup> Соловьёва О. А. Лиқи власти благородной Бухары. - Спб., 1998. – С. 49.

<sup>30</sup> Асқаров А. А. Ўзбекистон тарихи. – Т., 1994. – Б. 13.

илк шаҳар манзилгоҳида маҳалланинг илк куртаклари ва белгилари пайдо бўла бошлаган. Ушбу манзилгоҳда дастлаб 8 та оила яшаган. Уларни ўзаро жамоавий алоқалар, шу жумладан моддий манфаатлар ҳам бирлаштирган. Кейинчалик бу ерга 100 дан ортиқ патриархал оилалар келиб қўшилган. Шу асосда улар шаҳар ичидаги кичик маҳаллани ташкил этганлар. Жамоани оқсоқол бошқарган. Оқсоқоллар ўз навбатида олий оқсоқоллар кенгашига бўйсунган. Оқсоқоллар одатда жамоа ҳаёти билан боғлиқ барча масалаларни олий кенгаш орқали ҳал қилганлар. Кенгаш асосан, сулҳ тузиш, солиқларни тайинлаш, жамоани оммавий ишларга сафарбар этиш каби масалалар билан шуғулланган.

Қадимги Кува, Ерқўрғон, Афросиёб, Чоч шаҳристонларидан топилган археологик топилмаларга кўра, ушбу манзилгоҳларда ҳам аҳоли маълум даҳалар ва хўжаликларга бўлинган ҳолда яшаганлар. Шаҳарларнинг маълум қисмлари ўзига хос ҳунармандчилик марказлари, Кува шаҳарининг шарқий томонида шиша ишлаб чиқарувчи, ғарбий томонида симоб кўзача ишлаб чиқарувчи устахоналар бўлган. **Даҳалар** алоҳида хўжаликлардан ташкил топган. Ҳар бир хўжаликда бир неча оила аъзолари биргаликда яшаганлар<sup>31</sup>. Маҳалладаги уйларнинг ўнг томонидан кундалик овқат тайёрлашда ишлатилган ўчоқ қолдиқлари топилган. Демак қадимги Кува, Ерқўрғон, Афросиёб, Чоч шаҳристонлари ҳам маҳалла шаклланишининг илк манзилгоҳлари бўлган.

Шаҳар маҳаллалари қурилишида аниқ бинокорлик қоидалари амалга оширилган. Шаҳарлар тўғри бурчакли бўлиб, маҳаллалар қалин деворлар билан ўралган. Шаҳар тузилишига кўра бир неча қисмларга бўлинган: -ҳоким саройи (қалъа), ҳунармандчилик устахонаси, гузарлар, алоҳида ибодатхоналар жойлашган қисми, савдо майдонлари ва бошқалар. Маълумки Кушон подшолиги иқтисодиётининг асосини суғорма деҳқончилик, савдо ва ҳунармандчилик ташкил қилган. Ҳунармандчилик, кулолчилик, ҳарбий куруллар яшаш, заргарлик, темирчилик ва тикувчиликдан иборат машғулот турлари муҳим ўрин эгаллаган.

Ҳиндистон, Хитой ва Рим билан савдо ва элчилик муносабатлари ўрнатилган. Хитойдан ипак, турли газлама ва чиннилар олиб келиниб, уларга эса темирдан ва фил суягидан ясалган буюмлар, жун, газлама, қимматбаҳо тошлар олиб борилган.

<sup>31</sup> Анорбоев А., Исломов У., Матбобоев. Б. Ўзбекистон тарихида қадимги Фарғона. Т., 2001 50 бет.

Қадимги Хоразмда қишлоқ ҳамда шаҳар жамоасига нисбатан маълум бир ҳудудга хос ижтимоий, маданий турмушда умумийликка эга бўлган яна ҳам каттароқ фуқаролар уюшмаси тушунилган<sup>32</sup>.

Эрампдан аввалги III асрда шаклланган Довон давлати хусусида шуни қайд этиш зарурки, тарихий Хитой манбаларида кўрсатилишича Та Юань (Да Вань) “Да” -катта “Вань” – подшо деган ном билан тилга олинади. Бу давлат таркибига 70 та катта-кичик шаҳарлар кирган, аҳолисининг сони бир неча юз мингга етган. Давлатнинг пойтахти Эрши шаҳри бўлиб давлатни Вань ва унинг икки ўринбосари бошқарган. Подшо давлатни ана шу шахсларга таяниб бошқарган. Унинг ҳузурида **шаҳар оқсоқоллар кенгаши** мавжуд бўлиб, уруш ва тинчлик масалаларини, ҳатто подшоларнинг тақдирини ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Бу эса маҳаллий бошқарув анча муҳим аҳамият касб этишидан далолат беради. Довон шаҳарлари ҳокимлар томонидан бошқарилган, оқсоқоллар уларга бўйсунган.

Аҳоли деҳқончилик билан шуғулланган. Қадимги Фарғона қишлоқ хўжалик, ҳунармандчилик ва бинокорлиги юксак даражада ривожланган ўлка эди. Довон деҳқонлари арпа, шולי, буғдой ва беда етиштириш, боғдорчилик ва узум ҳосилдорлиги бўйича катта ютуқларга эришганлар.

Баъзи тадқиқотчилар Марказий Осиёда яшаган қадимги халқлар, жумладан ўзбекларга хос бўлган жамоанинг шаклланиши антик даврнинг сўнги босқичига бориб тақалишини қайд этадилар. Чунончи, бу даврда жамоада нафақат этник, балки ҳудудий жиҳатдан яқин қўни-қўшничилик алоқалари ҳозирги кундагига яқин кўриниш касб эга бошлаган.

Ўрта Осиёда зардуштийлик дини ҳукмронлик қилган даврларда жамоада оқсоқоллар алоҳида ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлганлар. Улар жамоа ички тартиб-қоидаларини мунтазам бошқариб борганлар. Юқорида биз кишиларнинг илк жамоа бўлиб яшаш тарзи бронза даврида бошланиб, зардуштийлик даврида тараққий этган дедик. Бу даврда ҳар бир жамоа аъзоси жамиятда ўз ўрнига эга бўла бошлаганлар. Хусусан, зардуштийларда 15 ёшга тўлган ўсмирни жамоанинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиши махсус камар яъни «куста» ва уст кийим кийиши билан нишонланган<sup>33</sup>. Бу эса қадимги ва илк

<sup>32</sup> Толстов С.П. Древний Хорезм. – М., 1954. – С. 259.

<sup>33</sup> Ўша жойда.

ўрта асрларда жамоа аъзоларининг ўрни ва мажбуриятларини маълум тартиб қоидалар ташкил этганлигини кўрсатмоқда.

Янада чуқурроқ олиб қаралса, бундай ҳудудий жамоаларнинг ривожланиши Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидан топилган археологик манбаларда ҳам акс этган. Яъни, минтақанинг қадимги шаҳарларида бир қанча патриархал оила жамоаси *«агнатлар»* ни бирлаштирувчи жамоа (наф), ўзаро қариндошлик узвлари билан боғланган уруғ-жамоа (вис) учун алоҳида қалъа ва кўрғонлар, сиғиниш жойлари бунёд этилган<sup>34</sup>. Бу эса ўзбекларга хос уюшма, кўни-кўшни жамоа, маҳалланинг илдизлари анчагина қадимги даврларга бориб тақалишини кўрсатмоқда.

Авестога кўра оилаларнинг бирлашмаси, «нмана», катта оила жамоаси оқсоқоли «нманapati», уруғ жамоаси бошлиғи «вис», катта кишлоқ оқсоқоли «виспати», қабила бошлиғи «зантипати», вилоят ҳокими «дахюпати» (бир неча вилоятларнинг бошлиғи ва ҳарбий бошлиқ «дахю»). Қонун чиқарувчи орган оқсоқоллар кенгаши «варзанапати» деб аталган. Оқсоқоллар кенгашининг уюшмаси коҳин Олий судья вазифасини бажарган. Улар жамоа фаолиятидаги ижтимоий ҳуқуқий ва хўжалик масалаларини ҳал этганлар. Катта оила жамоаси оқсоқоли «нманapati» оила жамоаси учун диний ва дунёвий бошлиқ ҳисобланган. «Вис» муҳим ижтимоий сиёсий ва ҳуқуқий вазифаларини бажарган. У катта оила жамоаси оқсоқоллари «нманapati»лар ичидан сайланиб, уруғ жамоаси бошлиғи шу билан бирга қози, диний коҳин, раҳнамо ҳам ҳисобланган.

Маҳалла қадимда ўзини-ўзи бошқаришнинг ўзига хос шакли сифатида фаолият олиб борган. Уни бошқариш жамоатчилик асосида бўлган. Улар ўзининг ёзилмаган ички тартиб қоидаларига эга бўлганлар. У ҳамма учун бирдек қонуний ҳисобланган. У маъмурий-ҳудудий бирлик бўлиши билан бирга, аҳолининг турмуш тарзи, урф-одат ва маросимлари асосида бирлашган кишилар жамоаси ҳисобланган.

Ўзбеклар учун хос бундай уюшма илк ўрта асрлар ва ундан кейинги даврларда *«қишлоқ жамоаси»*, *«жамоа»*, *«кўни-кўшни жамоа»*, шаҳарларда эса илк ўрта асрлардан бошлаб *«маҳалла»*, тарзида ифодалана бошлаган<sup>35</sup>.

<sup>34</sup> Аскарлов А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа. – Т., 1979. – С. 30; Перхиян А.Г. Агнатические группы в древнем Иране // ВДИ. – 1968. – № 3. – С. 34-38; Шунингдек яна қаранг: Сағдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. – Т., 1987. – С. 71-72.

<sup>35</sup> Ўзбек халқи турмуш тарзида муҳим рол ўйнаган ҳудудий кўни-кўшничилик муносабатлари тўғрисида маълумотлар олиш учун қаранг: Поляков С.П. Историческая этнография народов

Маҳалла ривожланишининг кейинги босқичларига назар солсак, Марказий Осиёнинг илк ўрта асрлардаги туркий халқларида кишиларнинг умумий жамоасига нисбатан “эл” термини ҳам қўлланилган. Шарқшунос олим В.В. Радлов “эл бу - оила ва уруғ-жамоалар бирикувидан таркиб топган кишилар уюшмаси, қабила жамоаси, маълум бир ҳудуд фуқаролари” - деб таъриф беради<sup>36</sup>. Жумладан, ўрта асрларда ўзаро уюшган жамоа фақат шаҳар аҳолиси учун эмас, балки қишлоқ аҳолиси учун ҳам хос бўлган.

Хусусан, Г.А. Ражабовнинг қадимги туркий ёзма ёдгорликларига таянган ҳолдаги фикрига кўра, шаҳардаги жамоа зардуштийлик даврининг сўнгги босқичларида оила ва қариндошлар жамоаси тарзида шаклланган. Кейинчалик яъни, VII – VIII асрларда «худудий қўни-қўшни жамоага айланган»<sup>37</sup>.

Ўзбек тилида “қўни-қўшни”, “қўшничилик” ёки “қўни-қўшни жамоа” каби терминлар кенг қўлланилади. Аслида қўни-қўшни деганда уй, ҳовли-жойлари ёнма-ён ёки яқин бўлган кишилар, оилалар ҳамда ёнма-ён турган, бир-бирига яқин, “чегарадош” маъноларига эга уюшма тушунилади. “Қўшничилик” эса “қўни-қўшнилар ўртасидаги ўзаро борди-келди муносабатлари” тарзида изоҳланади<sup>38</sup>. Умуман қўни-қўшничилик бу, бир жойда муқим қўним боғлаган қўшнилар ўртасидаги маънавий, ахлоқий, ижтимоий муносабатлар мажмуидир. Бундай муносабатлар асрлар давомида шаклланиб келган ва кишиларнинг ўзаро бир-бирига нисбатан хурматини шакллантирган.

Умуман “қўшни” ва “қўшничилик” сўзлари маъноларини тўлароқ англатишда “қўни-қўшничилик” сўзининг бош қисми муҳим ўрин тутди. Қўни сўзи ўзак “қўн” буйруқ феъли ва “и” эгалик

---

Средней Азии и Казахстана. – М., 1980. – С. 107-122; Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодального города Бухары. – М., 1976; Лобачева Н.П. Значение общин в жизни семьи (по материалам свадебной обрядности хорезмских узбеков) // Этническая история и традиционная культура народов Средней Азии и Казахстана. – Нукус, 1989; Бўриев О. ва бошқалар. Ўзбек оиласи тарихидан. – Т., 1995. – Б. 18; Абашин С.Н Социальные взаимоотношения в современном узбекском кишлаке (по материалам Ферганской долины).: Автореф. дис. ... канд. истор. наук. – М., 1997. – С. 6-22. Толипов Ф. “Нурота воҳаси аҳолиси оилавий турмуш тарзида жамоа аънъаналари (XIX аср охири - XX аср бошлари). Тарих фанлари илмий даражасини олиш учун ёзилган номзодлик диссертацияси. Т., 2006. Арифханова З.Х. Маҳалланинг моҳияти ва вазифалари. (Тошкент маҳаллалари 30 - 80 йилларда) // Тошкент маҳаллалари. Аънъаналар ва замонавийлик. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – Б. 18.

<sup>36</sup> Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. – СПб., 1893. Т. 1, ч. 2. – С. 1471-1472.

<sup>37</sup> Ражабов Г.А. Пережитки сельского-общинного быта в дореволюционном Азербайджане. – Баку, 1966. – С. 30-31.

<sup>38</sup> Қўни-қўшничилик / Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Икки томлик. - М.: Изд-во «Русский язык», 1981. Т. 2. – Б. 644.

кўшимчасидан ҳосил бўлган. “Кўнмоқ” ва “кўним” сўзлари маъноларини ҳам улар ўзида мужассам этган, аниқроғи маълум бир жойга кўнғач, ўша ерда турғун яшаб қолмоқ, муқим кўним топмоқ маъноларини англатади<sup>39</sup>.

Кўшни ҳақи кўшнининг олдидаги масъулияти ва бурчлари йиғиндиси бўлиб, фақат эзгуликка қаратилган ҳатти-ҳаркатлардан иборат. Бу хусусида ҳазрати Ойиша Расулаллоҳдан шундай ҳадис келтирилганлар: “Ҳазрати Жаброил кўшни ҳақиға риюя қилиш тўғрисида менга шу қадар кўп васият қилдиларки, мен уни ҳатто молимга ҳам меросхўр қилиб кўйсалар керак деб ўйладим” – дейилади.

Кўни-кўшничилик хусусида ҳадисда ҳам махсус қайд этилади: Унга кўра “**Ҳовлининг олд томонидан қирқ ҳовли, орқа томонидан қирқ ҳовли, ўнг томондан қирқ ва чап томонидан қирқ ҳовли, ҳаммаси кўшни ҳисобланади**”- дейилади.

Кўни-кўшничилик ва унинг тарихий ривожланишида мулк эғалиги ва маҳаллий бошқарув тизими ҳам муҳим аҳамият касб этган. Хусусан илк ўрта асрлар даври V – VI асрларга келиб Моварауннаҳр ва Хоразмда бадавлат деҳқонзодалар мулк эғалигининг шаклланиши ва маҳаллий бошқарув давридир. Бу даврда маҳаллий мулк эғалиги-деҳқонзодаларнинг пайдо бўлиши ва улар асосида қишлоқ ҳокимликларининг таркиб топиш жараёни жадал кечади. Бу даврда феодал муносабатлар шакллана бошлаган. Ерга, ишлаб чиқариш воситаларига эғалик қилиш узил-кесил хусусийлашади, жамият ижтимоий таркибини **кашоварлар**-ўрта ва майда мулк эгалари, бадавлат деҳқонзодалар - катта мулк эгалари – феодаллар ва уларга қарам **кадиварлар**- ижарачи кўшчилар шаклланади. Маҳаллий ҳокимликлар асосида марказлашган феодал давлат бошқарув тизимининг асослари яратилади, жамият асосан зардуштийлик ва буддавийлик, қисман монийлик, насронийлик ва шаманизм динлари мафкураси асосига қурилади. Араблар босқинидан кейин эса, улар ўрнини секин-аста ислом мафкураси эгаллайди.

Маълумки милодий VI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўрта Осиёда Турк ҳоқонлиги ҳукмронлигининг ўрнатилиши билан бу заминда туркийгўй қабилаларнинг кириб келиши жадаллашади. Натижада Ўрта Осиёнинг шимолий, шимолий-шарқий ва шимолий-ғарбий вилоятларида туркий этнос, жамиятнинг ҳукмрон этник қатламига айланади. Милодий III-IV асрлардан эътиборан таркиб

<sup>39</sup> Сафаров А. Махмудов М. Оила маънавияти. Т.. 1998. 139 бет.

топа бошлаган маҳаллий бошқарув аввал маҳаллий сулолалар томонидан бошқарилган бўлса, Турк ҳоконлиги сиёсий майдонга чиққач, улар турк сулолалари вакиллари билан алмаштирила бошланади. Баъзи бир вилоятларда, масалан Жанубий Қозоғистон ва Тошкент воҳасида маҳаллий **оқсоқоллик** деярли туркийлар қўлига ўтиб кетади. Бу даврда Ўрта Осиёнинг Амударёгача бўлган худудларида туркий қабилалар кириб бормаган бирор жой қолмаган эди. Дарҳақиқат, ҳоконликнинг деярли 100 йил давом этган хукмронликлари даврида жамиятнинг ижтимоий қиёфаси туркийгўй этник қатламлар фойдасига ишлаган.

Турк ҳоконлиги ҳокимияти тепасида уруғ, қабила бошлиқлари қурилтойда сайланадиган ҳокон турган. Унинг ҳузурида **уруғ оқсоқоллари** бошлиқларидан иборат Кенгаш бўлиб, унда маҳаллий ва давлат аҳамиятига тегишли муҳим масалалар ҳал этилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Турк халқларининг давлатчилиги ҳоконлик ва беклик шаклига мос келади. Тахт вориси Тегин, яъни (шаҳзода) деб юритилган. Шаҳзодаларга қондош бўлган бирор беклик ёки ҳокимлик қилган кишига **шод** унвони берилган. Турк ҳоконлари махсус чақиртирилган қурултойларда сайланган.

Илк ўрта асрларда қишлоқда жамият ва давлатнинг асосий ишлаб чиқариш асосини эркин деҳқон жамоа аъзолари ҳамда қишлоқ оқсоқоллари ва уларнинг хусусий мулки ташкил этган. Илк ўрта асрлар даврида (милодий V–IX асрлар) эркин деҳқон жамоа аъзоларидан маҳаллий мулк эгалари – **қишлоқ деҳқонзодалари** шакллана бошлаган. Кейинчалик улар негизда **қишлоқ ҳокимлари** вужудга кела бошлаган. Эркин деҳқон жамоа аъзолари кашоварларнинг бойиб бориши натижасида улар бой деҳқонзодаларга айланганлар. Уларга қарам аҳоли қатлами эса қадиварлар табақасини ташкил этган. Тарихий манбаларда шаҳар ҳунармандлари орасидан шаклланган аҳоли қатлами *озодкор*, савдогарлар орасидан алоҳида ажралиб чиққан қатлам эса *ғувокорлар* деб аталаган.

VII аср охирлари VIII аср бошларига келиб Ўрта Осиёда исломнинг кенг тарқалиши билан маҳаллий халқларда доимий ўтроқлик ҳаёт тарзидаги деҳқонлар ҳамда шаҳар аҳолисига нисбатан арабча «**жамоа**» (жамият, йиғин, гуруҳ) термини қўлланила бошланган. Кишиларнинг бундай уюшмаси ўзбекларда «жамоа», козоқларда «жамагат», татарларда «жамоат», туркманларда

«жемагат» тарзида учрайди<sup>40</sup>. Шаҳарларнинг ўтрок аҳолиси жамоасига нисбатан маҳалла термини ишлатила бошланган.

Маҳалла жамоасининг мазмун ва моҳиятини кенгрок очишга ҳаракат қилган С.П. Поляков Марказий Осиё халқларига хос жамоавий муносабатларни, нафақат шаҳар аҳолиси учун, балки қишлоқ аҳолисидаги ўхшашлик ва тафовутлар билан қиёсий таққослаб таҳлил этади. Унга алоҳида ижтимоий ташкилот сифатида қарайди. Унинг фикрича, илк ўрта асрларда бир қанча катта патриархал оилалар уюшмасидан дастлабки қишлоқ жамоалари шаклланган<sup>41</sup>.

Масалани янада кенгрок таҳлил этадиган бўлсак, вазифасига кўра ўтмишда шаҳардаги маҳалла, қишлоқдаги кўни-кўшничилик жамоаси билан бир хил мазмунга эга бўлган. Зеро, анъанавий ўзбек маҳалласи негизда ўзаро этник, ҳудудий, ижтимоий ва оилавий яқин қон-қариндошлик муносабатлари ётар экан, жамоа нафақат шаҳар аҳолисига нисбатан, балки қишлоқ аҳолиси учун ҳам характерли бўлган. Маҳалла дастлаб шаҳарда ташкил топган бўлсада, кўни кўшничилик алоқалари қишлоқ аҳолиси турмуш тарзида ҳам акс этган.

Умуман бундай уюшқоқлик қишлоқдаги патриархал оилаларнинг ўзаро уюшувидан дастлаб шаҳарлардаги хунармандчилик уюшмаларига кейинчалик маҳаллага ўсиб ўтган. Қишлоқда катта патриархал жамоа аъзолари у ёки бу даражадаги қон-қариндошлик алоқалари билан боғланган оилавий қариндош гуруҳлардан иборат бўлганлар. Улар албатта ягона оқсоқолга бўйсунувчи алоҳида қишлоқ жамоасини ташкил этганлар<sup>42</sup>.

Маҳалланинг тарихий шаклланиши ва ривожланиши ҳақида маълумот берар эканмиз, унинг маъноси ҳақида ҳам сўз юритиш ўринли. Тарих атамаларининг изоҳли луғатида маҳаллага қуйидагича таъриф берилган: «**Маҳалла**» арабча сўз бўлиб, жой маъносини англатувчи «**маҳаллун**» сўзидан олинган бўлиб, шаҳарларда аҳоли яшайдиган маъмурий-ҳудудий бирликдир. XX асрнинг 20-йилларига қадар маҳалла ўртача 50-60 хонадондан ташкил топган бўлиб, шаҳарларда даҳа таркибига кирган<sup>43</sup>. Бундай даҳалар Ўрта Осиёнинг Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива, Қўқон, Қарши, Марғилон,

<sup>40</sup> Язлысв Ч. Водоземельная община у туркмен (XIX – начало XX вв). – Ашгабад, 1989. – С. 22.

<sup>41</sup> Поляков С.П. Историческая этнография народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1980. – С. 107-122

<sup>42</sup> Ўша жойда.

<sup>43</sup> Чориев З. Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати. – Т.: Шарқ, 1999. – Б. 73.



Хўжанд, Термиз, Кармана, Нурота ва бошқа шаҳарларда мавжуд бўлган.

Манбаларда қайд этилишича «маҳалла» атамаси илк бор ўрта аср муаллифларидан бири **Абу Бакр Наршахий**нинг «Бухоро тарихи» асаарида VIII аср бошларидаги Бухоронинг ички кварталларини белгилаш учун қўлланилган<sup>44</sup>. Муаллиф шаҳарнинг марказий шаҳристон қисми ҳақида ёзар экан, бундай жойлар алоҳида деворлар билан ўралган бўлиб, 3 - 4 маҳалладан иборат бўлганлигини қайд этади. «Маҳалла» атамасига Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг» асарларида ҳам изох берилган.

Маҳаллалар айниқса Мавороуннаҳрда илк ўрта асрларда янада ривожланган. Бу вақтга келиб, маҳаллаларда аҳоли касб-корига кўра алоҳида алоҳида истиқомат қила бошлаганлар. Хусусан, темирчилар, қуролсозлар, тикувчилар, чармдўзлар, гиламдўзлар, кулоллар, қурувчилар, саррофлар шаҳар ва қишлоқларнинг алоҳида жойларида яшаганлар.

XIV-XV асрларда, хусусан соҳибкирон **Амир Темур** ва темурийлар даврида маҳалла янада ривожланган. «Темур тузуклари»да *«Ҳар эл ва ҳар улуснинг улуғларини, бошлиқ, оқсоқолларини қадрладим, уларга совға-саломлар бериб, хизматларидан фойдаландим»* дея таъкидланган. **Алишер Навоий** «Ҳайрат-ул-аброр» асаарида «Маҳалла — шаҳар ичидаги шаҳарча» деган таърифни келтирган. Унда куйидагича таъкидланади: *«Шаҳарлар отини маҳаллот этиб, бўлди чу юз шаҳар Ҳири от этиб»*. Маҳалланинг «шаҳар ичидаги шаҳарча» деган мазмуни юқоридаги фикрдан кўриниб турибди. Ўрта асрларда Ҳири деб аталган Ҳирот шаҳри юзта кичик «шаҳарча»лар маҳаллалардан ташкил топган. Аллома маҳалла мисолида кишилар ўртасида биродарлик, меҳр-оқибат, устоз ва шогирдлик каби инсоний фазилатлар камол топганлигига урғу беради. Дарҳақиқат, қадимдан ҳамжихатлик ва бирдамлик анъаналари айнан маҳаллада шаклланган. У ерда яшовчи аҳоли ўзаро кўни кўшни бўлганликлари боис ҳеч қачон ёлғизланиб қолмаганлар.

Шундай экан биз ўтмишдаги маҳаллаларни нафақат шаҳарлар учун хос уюшма, балки қишлоқ аҳолисининг худудий яқин жамоаси

---

<sup>44</sup>Абу Бакр Мухаммад Ибн Жаъфар ан-Наршахий. Бухоро тарихи. – Т., 1993. – Б. 52. Яна маълумот олиш учун қаранг: Наршахи Абу Бакр Мухаммад. История Бухары / Перевод с персидского Н. Лыкошина. - Т., 1897. – С. 69-72.

маъносида ҳам тушунамиз. Бир сўз билан айтганда маҳалла аҳолининг дастлабки ижтимоий, ҳудудий уюшмаси сифатида қадимги уруғ-жамоа давридан, зардуштийлик даврининг патриархал уруғ жамоа-агнатларига, ундан сўнг «наф» кўни-қўшничилик бирлашмасига, сўнгра илк ўрта асрлардаги маҳалла (квартал) жамоаларига ўсиб ўтган<sup>45</sup>. Албатта маҳалла ҳамда қишлоқ жамоаси таркиби ва вазифалари бир-бирига ўхшасада, унда кишиларнинг маълум ҳудудий ҳамда этник принциплар асосида ўзаро яқин алоқалари алоҳида аҳамият касб этган.

Ислом дини кенг тарқала бошлагач, маҳаллаларда аҳолининг яшаш тарзи ўзгарган. Уларнинг турмуш тарзида диннинг ўрни сезила бошлаган. Уй-жойларнинг қурилиши ва уларнинг жойлашишида аҳоли дини, маънавий дунёқараши, миллий менталитети, урф-одатлари, табиий географик шароити, рельефи, иқлимига хос жиҳатлар ўз аксини топа бошлаган.

Хусусан, шаҳарларда кўча юзидаги ва атрофидаги уй-жойлар асосан офтобрўй қилиб қурилган. Уйларнинг дераза ва туйнуқлари кўча томонда эмас, балки ҳовли ичкарасида жойлашган. Бу асосан шариат, ахлоқ мезонлари ва ислом анъаналари билан боғлиқ бўлган. Ваҳоланки шарқ халқлари миллий менталитетида бегона кишининг кўзи бегона ҳовлига, уйга, ҳатто ҳарамга тушмаслиги лозим бўлган. Бундай ҳолатни Тошкент, Бухоро, Хива, Қўқон, Марғилон, Хўжанд шаҳарларининг эски шаҳар қисмида ҳозир ҳам учратиш мумкин. Азалдан кўча ўша маҳалланинг жамоат жойи бўлгани учун у ерга ифлос нарсалар, чиқиндилар ташланмаган, бундай жойлар тоза, озода сақланган. Ҳар бир ҳовли эшиги олди тонг саҳардан супуриб, сидирилган.

Одамлар маҳалла кўчасига ташландиқ нарсалар, чиқиндиларни чиқариб ташламаганлар. Хонадонларда ювинди суви ҳамда мевачева, овқат қолдиқлари тўкиладиган алоҳида ўралар бўлган. IX-XII асрларда шаҳар қоидасига мувофиқ ҳар бир хонадон ўз ҳовлисига ювинди ва чиқинди учун махсус чуқурлар қазизи шарт бўлган. Уларнинг чуқурлиги баъзида 15 метргача етган. Ҳовлига кирган киши бундай ўралар борлигини ҳатто сезмаган.

Маҳалла бозорлари ва кўчаларни ифлос қилмаслик қаттиқ талаб қилинган. Шаҳарликлар ўз манфаати йўлида ҳеч қачон ҳовлиларни, савдо расталарини ва устахоналарини кўчалар ва майдонлар ҳисобига

<sup>45</sup> Филианович М. И. О некоторых аспектах истории общины в древности и происхождении «махалла» // Ўзбекистон тарихи. – 2003. – № 2. – С. 34.

кенгайтирмаганлар. Хаттоки masjid ҳам кўча ҳисобига кенгайтирилмаган. Бу ишларнинг бажарилиши маҳалла оқсоқоли томонидан назорат қилинган. Хатто киш ойларида одамлар ўз уйларининг томидаги қорни ҳам кўчага курамаганлар.

Ўтмишда ҳар бир маҳалла ўз номига эга бўлган. Уларнинг номлари шу ернинг табиий-географик ҳолати, топографияси, аҳолининг ижтимоий, этник ва диний мансублиги, турмуш тарзини ифодалаган.

Биз маҳаллалар номларини таҳлил қилган ҳолда уларни 5 гуруҳга бўлишни лозим топдик:

*Биринчи гуруҳга* алоҳида машҳур шахслар номлари билан аталувчи маҳаллалар;

*Иккинчи гуруҳга* муқаддас қадамжолар, қабристонлар ва мазорлар номлари билан аталувчи маҳаллалар;

*Учинчи гуруҳга* кишиларнинг касб-кори билан аталувчи маҳаллалар;

*Тўртинчи гуруҳга* ишлаб чиқариш, савдо, тижорат турлари билан боғлиқ номлар;

*Бешинчи гуруҳга* шаҳар топографияси билан боғлиқ жой номлари, яъни маҳаллалар (хусусан, кўча, ҳовуз, карвонсарой ва бошқа) ни киритиш мумкин.

Улар орасида машҳур кишилар номи билан аталувчи маҳаллалар кўпчиликти ташкил этган. Аксарият кишилар номи билан аталувчи маҳаллалар ўтмишда хон, бек, амир, сайид авлодлари номи билан аталган. Жумладан ўрта асрларда Бухоро шаҳри маҳаллаларида Шайбонийхон, Аштархоний авлодларидан *Искандархон*, *Боқи Мухаммадхон*, *амир Ермухаммадхон*, *Абдулфайзхон*, *Мухаммадиёр оталиқ*, *Қамбар оталиқ*, *Мехтар Акбар*, *Мехтар Ориф*, *Мехтар Шохбек* ва бошқалар номи билан аталган маҳаллалар анчагина бўлган. Айрим маҳаллалар шаҳардаги бой аслзодалар, бадавлат кишилар, ҳарбийлар номлари билан ҳам аталган. Масалан, *Асқар бий*, *Боҳодир бий*, *Мусурмон қушбеги*, *Кўчқор қушбеги*, *Нодир қурчи*, *қози Мир Ҳошим*, *қози Файзи*, *қози Нуриддин*, *қози Зоҳид* ва бошқалар.

Бухоро шаҳрида кўпчилик маҳаллалар диний уламолар, авлиёлар номи билан ҳам аталган. Буларга *Хожя Порсо*, *Хожя Зайниддин*, *Хожя Рофеъ*, *Жафар Хожя*, *Ўзбек хожя*, *Олим хожя*, *Хожя Саъад Жуйборий* ва бошқалар номларини киритиш мумкин<sup>46</sup>.

<sup>46</sup> Сухарева О.А. Кавартальная община позднефеодалного горда Бухары. М., 1976.

Маҳаллалар қаторида машҳур қадамжолар мазорлар номи билан аталувчи жой номлари ҳам учрайди. Хусусан, Тошкентда *Каффо Шоишӣ, Шайх Ҳованди Тоҳур, Занги ота, Фарғонада Имом Муҳаммад Ғаззолий, Самарқандда Маҳдуми Аъзам, Бухорода Баҳовуддин Нақибанд, Абдуҳолиқ Ғиждувоний* каби маҳаллалар.

Ўтмишда маҳаллалар маълум уруғ, қабила, этник гуруҳ, халқ номлари билан ҳам аталиб келинган. Масалан XV–XIX асрлардаги маҳаллаларга тавсиф берар эканмиз, *Чигатой, Дўрмон, Уйғур маҳалла, Қатагон, Қороҳон, Саидота, Қанғли, Хўжаобод, Калтамой, Тождик, Қашқар, Қутчи, Эшонгузар, Хўжасакент, Туркмановул* каби номлар билан аталувчи маҳаллалар Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Термиз каби шаҳарларда бўлган. Бухоро, Нурота шаҳрларида сўнги ўрта асрларда ўзбек уруғлари номи билан аталувчи маҳаллалар билан бирга, тождикча уруғлар номи билан аталувчи номлар ҳам кўпчиликни ташкил этган. Булар *Сиддиқиён, Бароқиён, Азизон, Бобо Аҳмадиён, Деҳибаланд, Чуқурак, Саидато* каби маҳаллалар номларидир. Бу жиҳат шуни англатадики, ўз даврида маҳаллаларда кишилар этник ва ижтимоий келиб чиқишига қараб жойлашганлар.

Кўпчилик маҳаллалар номи ўша маҳаллада истиқомат қилаётган аҳолининг касб-кори, машғулот турини акс эттирган. XIX аср охири - XX аср бошларида Бухоро, Тошкент, Термиз, Хўжанд, Нурота, Қўқон каби шаҳарларда *Тақачи, Дегрезлар, Сўзангарон, Косагарон, Совунгарон, Бўйрабофон, Пўстиндўзон, Мурдашўён, Писташканон, Ғассоллар* маҳаллалари бўлган. Улар аҳолининг касб-корига кўра *Темирчилар, Мисгарлик, Тақачи, Дегрезлик, Заргарлик, Эгарчи, Парчабоф, Бўйрачи* ва шу каби номлар билан атаб келинган.

Сўнги ўрта асрлар ва ундан сўнг кўплаб маҳаллалар машҳур олиму-уламолар, давлат ва жамоат арбоблари, ёзувчи ва шоирлар, диний уламо ва авлиёлар номлари билан аталган. Улар қаторида *Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур, Абдурахмон Жомий, Ҳофиз Кўҳакий, Юнусхон, Ҳазрати Имом (Хастимом), Хожса Ахрори Валий, Боборахим Машираб, Фурқат, Ғафур Фулом* ва бошқа номларини келтириш мумкин.

Ўтмишда шаҳар маҳаллаларининг муҳим жиҳатларидан яна бири, у ерда махсус сув иншооти, ҳовузнинг мавжудлиги бўлган. Сўнги ўрта аср Бухоро маҳаллаларига тавсиф берган О.А. Сухареванинг ёзишича шаҳардаги 220 та маҳаллада 585 та ҳовуз бўлган<sup>47</sup>. Уларнинг суви билан шаҳардаги аҳоли таъминланиши

<sup>47</sup> Сухарева О.А. Кавартальная община позднефеодального горда Бухары. М., 1976.

билан бирга, экинларни суғориш учун ариқларга сув оқизилган. Уни тоза-озода сақлаш ҳамда сувдан фойдаланиш масаласига маҳалла оқсоқоллари жавобгар бўлганлар.

Шаҳарлардаги маҳаллаларга махсус дарвозалар орқали кирилган. Жумладан Тошкентда **12 та**, Бухорода **11 та**, Самарқандда **7 та** дарвоза бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар тарихий манбаларда учрайди. О.А.Сухарева “Каварталная община позднефеодального города Бухары” номи асарида Бухородаги куйидаги дарвозалар номларини келтириб ўтади: **Самарқанд дарвоза, Қарши дарвозаси, Саллаҳона, Ғарбий дарвоза** ва ҳ.<sup>48</sup>.

Шаҳарлар дарвозалари ҳақида, ёзма манбаларда маълумотлар учрасада, фақатгина айрим шаҳарлар дарвозалари жойлашган жой ва уларнинг номлари эслатиб ўтилади холос. Жумладан, **Афросиёбда** тўртта дарвоза бўлиб, улар Бухоро, Кеш, Хитой ва Навбахор дарвозалари. Улардан Бухоро дарвозаси қисман яхши сақланган. Ёзма манбаларда Фарғона водийсидаги шаҳар маҳаллалари ва дарвозалари тўғрисида камроқ бўлса-да маълумотлар учрайди. Хусусан, уларга кўра Ўшда учта, Ўзганда тўртта, Ахсикентда бешта дарвоза бўлган<sup>49</sup>. Уларнинг жойлашган ўрни ҳисобга олиниб, ўз номларига эга бўлганлар.

Шаҳарлар майдони кенгайиши билан дарвозаларнинг ўрни, номи, сони ҳам ўзгариб турган. Жумладан, 1738-1739 йилларда Тошкентга юборилган биринчи рус савдо қарвонининг бошлиғи Миллернинг ёзишича, шаҳар дарвозалари 8 та, 1800 йилда ташриф буюрган М.Посепелов асарларида 6 та, Филипп Назаровнинг 1813-1814 йилларга оид маълумотларида 12 та деб кўрсатилган<sup>50</sup>. Унда ҳатто дарвозаларнинг шаҳарнинг қайси томонда жойлашганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам учрайди. Жумладан Самарқанд дарвоза жануби-ғарбда, Бешёғоч, Терсариқ дарвозалари жанубда; Шайхонтохур дарвозаси шарқда; Тарсахон дарвозаси шимоли – ғарбда Капкан (Қопқа) дарвозаси шимолда; Точки (Кўкча) дарвозаси ғарбда. Тошкент шаҳрининг сўнги девори XIX аср бошларида лашкар бекларбеги ҳокимлиги даврида қайта тикланган. Унинг атрофи бўйлаб **Қўймас, Қўқон, Қашқар, Лабзак, Тахтапул,**

<sup>48</sup> Ўша жойда.

<sup>49</sup> Анорбоев А., Исломов У., Матбобоев Б. Ўзбекистон тарихида қадимги Фарғона. Т., 2001 59 бет.

<sup>50</sup> Мухаммаджонов А. Қадимги Тошкент. Т., 2002.61 бет.

**Қорасарой, Сағбон, Чигатой, Кўкча, Самарқанд, Камолон, Бешёғоч** каби 12 дарвозалари қурилган<sup>51</sup>.

Сўнги ўрта асрлар, хусусан XIX аср охири – XX аср бошларида ҳар бир маҳаллада 50-150<sup>52</sup>, баъзан 200-250<sup>53</sup> тагача хонадон бўлган. Хусусан О.А.Сухареванинг ёзишича XIX аср охири -- XX аср бошларида Бухоро шаҳри марказида жойлашган Чор Баққоли, Дарвозаи Самарқанд маҳаллаларида – 112 та, Олим Хўжа маҳалласида 110 та, Бўйрабаффон маҳалласида 110, Мир Тохури Девон маҳалласида 120 та, Жафар Хўжа маҳалласида 104 та, Имом Қози хон маҳалласида 100 та хонадон бўлган. Корхона маҳалласида 101 та, Чуббоз маҳалласида 100 та хонадон, Аравон маҳалласида 120 хонадон, Эшон пир маҳалласида 100-150 та, Абдулло хўжа маҳалласида 100 дан ортиқ, Хонақо маҳалласида 105 та, Чақар маҳалласида 100, Халифа Худойдод маҳалласида 148 та, Чуқур маҳаллада 160-180 хонадон, Мир Дўстумда 150 та, Шишахона маҳалласида 100 та, Дўст Чўргоси маҳалласида 120 та, Чохи занжир маҳалласида 160 та хонадон бўлган<sup>54</sup>. Шаҳар марказига яқин маҳаллаларда аҳоли нисбатан чиз жойлашган.

Куйида биз О.А.Сухарева маълумотлари асосида XIX аср охири - XX аср бошларида Бухоро шаҳри маҳаллалари рўйхатини бериб ўтамиз:

---

<sup>51</sup> Ўш ажойда.

<sup>52</sup> Сухарева О.А Квартальная община позднефеодалного горда Бухары. М., 1976.

<sup>53</sup> Бўриева Х. Тошкент шахрининг тарихий топонимияси. // XIX аср охири - XX аср бошлари. Т., 2009. 37 бет.

<sup>54</sup> Сухарева О.А Квартальная община позднефеодалного горда Бухары. М., 1976.

**О.А. Сухарева маълумотлари асосида Бухоро  
шаҳри маҳаллаларининг  
номлари  
(XIX аср охири – XX аср бошлари)**

**Шаҳар марказидаги маҳаллалар**

1	Мағоки аттори	13	Аравон
2	Мирзо кули	14	Корхона маҳалласи
3	Зангулсози	15	Чуббоз
4	Сўзангарон	16	Эшон пир
5	Арроқи мисгари	17	Абдулло Хўжа
6	Чор баққоли	18	Хонақо
7	Дарвозаи Самарқанд	19	Чақар
8	Олим Хўжа	20	Мир Дўстум
9	Бўйрабаффон	21	Шишахона
10	Мир Тохури девон	22	Дўст Чўргоси
11	Жафар Хўжа	23	Чохи занжир

**Алоҳида шахслар номи билан аталувчи маҳаллалар**

1.	Қози Файзи	32.	Мулла Пайрави роҳ
2.	Мехтар Шофё	34.	Мулла Шамсимуҳаммад
3.	Абдулло кушбеги	35.	Мирзо Қули
4.	Аҳмад доруға	36.	Мулла Пайрави
5.	Барот бек	37.	Мулла ҳоқи роҳ
6.	Искандархон	39.	Мирзо кули
7.	Боқи Муҳаммадхон	40.	Мирзо Ғофур
8.	Амир тинкилич	41.	Мирзо Ҳайдар
9.	Амир Ёрмуҳаммад садр	42.	Мирзо Убайд
10.	Мехтар Анбар	43.	Шермуҳаммад жувозхон
11.	Мехтар Ориф	44.	Ҳаким совунгар
12.	Мехтар Шохбек	45.	Ҳожи уста Курбонбой
13.	Қамбар оталиқ	46.	Бобой нонкаш
14.	Хўжа Калон	47.	Почча хожа
15.	Хўжа улфат	48.	Раъдзода
16.	Асқар бий	49.	Чуббоз

17.	Нодир қурчи	51.	Ҳожа булғор
18.	Қози Мир Ҳошим	52.	Шайх рангрез
19.	Қози Нуриддин	53.	Уста рухи
20.	Қози Зоҳид	54.	Бобойи ол
21.	Мир дўстум	55.	Имом Қозихон
22.	Мир Иброҳим	56.	Саид бандқушо
23.	Мир Қорача	57.	Мавлоно Шариф
24.	Мир Масъуд	58.	Имоми Махмуд Ғаззоли
25.	Мир Тахури девон	59.	Махдуми Аъзам
26.	Кўчкор бек оталик	60.	Халимуддин Демуни
27.	Абдулло ҳожа	61.	Ҳожа Гунжори
28.	Мулла шох	62.	Амад Жомий.

**Уруғ-жамоа ва этник гуруҳ номлари  
билан аталувчи маҳаллалар**

1	Арабон	6	Азизон.
2	Қалмоқон	7	Жанафарон
3	Қатағон	8	Урганжиён
4	Мироқон	9	Миёнқалон
5	Сиддиқиён	10	Сарахсиён
6	Дўрмон	11	Сўфизода

**Аҳолининг касб-корини англатувчи маҳаллалар**

1	Дегрези	13	Кемухтгарон
2	Мехчагарон	14	Саррофон
3	Сўзангарон	15	Собунгарон
4	Арроқи	16	Сиёҳқарон
5	Зангулсози	17	Пўстиндўзон
6	Косагарон	18	Буйрабофон
7	Харротон	19	Равгангарон
8	Пахтабофон	20	Писташиканон
9	Тағбандбофон	21	Мурдашўён
10	Алоқабандон	22	Сорвоно
11	Зеҳтоби	23	Тўпхона



**Диний уламолар ва жой номлари номи билан  
аталувчи маҳаллалар**

1	Сўфиён	11	Жафар хожа
2	Муллоён	12	Ўзбек хожа
3	Маддохон	13	Олим хожа
4	Ғозиён	14	Мачити Баланд
5	Саидато	15	Мачити Кунжак
6	Хожа Баховиддин Нақшбанд	16	Мачити бестун (Мачити бе устун)
7	Хожа Порсо	17	Кўш мадраса
8	Хожа Зайниддин	18	Ғарибия
9	Хожа Рофе	19	Куйи хонақо
10	Хожа Туйгун		

**Топонимлар ва географик номлар билан боғлиқ  
маҳаллалар**

1	Чукур маҳалла	8	Чақар
2	Таги пушта	9	Ховузи баланд
3	Яланги Бокижон қушбеги	10	Лаби ҳовуз
4	Дарвозаи ўғлон	11	Ҳаузи нау
5	Дарвозаи саллаҳона	12	Жуйи чаппа
6	Чорбаққоли	13	Жуйзар
7	Дарвозаи Самарқанд	14	Гузари хай

ХІХ аср охири - ХХ аср бошларига таллуқли Н.А. Маевнинг “Азиатский Ташкент” асарида Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида ўша даврга тааллуқли мавжуд маҳаллалар ҳақида маълумотлар учрайди. Мазкур асарнинг 1- 3- 4- бобларида эски шаҳардаги даҳа, маҳаллалар, ариқлар, дарвозалар, масжидларнинг номлари келтирилган. Айримлари ҳақида тафсилотлар ҳам ёзилган. Жумладан, шаҳарнинг 12 дарвозаси номлари берилган. Улар Кўймас, Кўқон, Қашғар, Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сағбон, Кўчимозор, Кўкча, Самарқанд, Камолон, Бешёғоч маҳаллалари. Муаллиф даҳалар

маҳаллий халқ иборасида “юрт” деб аталишини қайд этади. Улар Шайхонтохур, Себзор, Кўкча, Бешёғоч даҳаларидир<sup>55</sup>.

Шунингдек, ҳар бир даҳа аҳолиси кўпроқ қандай касб-ҳунар билан шуғуллангани, бу ерда мавжуд масжид мадраса ва мактабларнинг сони ҳақида даҳалар бўйича маълумотлар берган. Жумладан, Шайхонтохурда 60 та масжид, 10 та мактаб, 3 та мадраса Себзорда 10 та масжид (Хотинмасжид, Охунгузар, Одинмасжид, Мозорхон, Муйимуборак, Хонақоҳ, Тахтапул, Работ, Хожи Тарашкан, Қорасарой масжидлари) 3 та мадраса (Бекларбеги, Барокхон, Қизир Кўргон мадрасалари); Кўкчада 51 та масжид, 34 та мактаб 2 та мадраса; Бешёғочда 68 та масжид, 16 та мактаб, 3 та мадраса бўлган<sup>56</sup>.

Кўп ҳолларда шаҳар атрофида маҳаллаларга қарашли ерлар бўлиб, улар “мавзе”, “боғ ҳовли”. “дала ҳовли” деб аталган. XX аср бошларидаги эски шаҳар маҳаллалари ва мавзеларининг жойлашуви тадқиқотчи Х. Бўриева асарида ҳам кўрсатилган. Н.Г. Маллицкий маълумотига кўра, дея қайд этади тадқиқотчи 1865 йилда Тошкентда 140 та маҳалла бўлиб, уларда 76 минг киши яшаган<sup>57</sup>. 1876 йили Н. А. Маев, шаҳарда 149 та маҳалла бўлгани ҳақида ёзган ва уларнинг номларини даҳалар бўйича қайд этган. Мазкур маҳаллалардан 48 таси Шайхонтохурда, 38 таси Себзорда, 31 таси Кўкчада, 32 таси Бешёғоч даҳасида жойлашган.

Муаллиф фикрича, маҳаллалар сони кўпроқ бўлган бўлиши ҳам мумкин. Чунки XX аср бошларида шаҳарда 280 га яқин маҳалла бўлган ва бу ерда жами 170 дан ортиқ мавзе номлари келтирилган. Улардан 70 та маҳалла ва 31 та мавзе Шайхонтохурда, 79 та маҳалла ва 36 та мавзе Бешёғоч даҳасида бўлган.

Куйида биз тадқиқотчи Х.Бўриева маълумотлари асосида XIX аср охири - XX аср бошларига тааллуқли Тошкент шаҳри маҳаллаларининг номларини келтириб ўтамиз:

<sup>55</sup> Маев Н. Азиатский Ташкент // Туркестанский сборник.-Спб.: Типография В.С.Балашева. 1876. Т. 123 с. 260-271.

<sup>56</sup> Бўриева Х. Тошкент шаҳрининг тарихий .....37 бет.

<sup>57</sup> Маев Н. Азиатский ташкент // Туркестанский сборник.-Спб.: Типография В.С.Балашева. 1876. Т. 123 с. 260-271.

## Шайхонтохур даҳасида:

1	Баландмасжид	36.	Хўжакўча
2	Бодак	37.	Хўжарўшнойи
3	Говкуш	38.	Чалмоқ
4	Ганчтепа (Ганчлитепа)	39.	Чуқуркишлоқ
5	Дархон	40.	Шайхонтохур
6	Девонабурх (Девонаибурх)	41.	Шатак
7	Девонбеги (Дўмбеги)	42.	Шўртепа
8	Дегрез (Дегрез)	43.	Эгарчи
9	Ёпиқлимозор	44.	Элёмахалла
10	Жангоҳ	45.	Эски яккабозор
11	Жаркўча	46.	Янгишаҳар ганчтепа
12	Жартегирмон	47.	Янгишаҳар дарвоза
13	Занжирлик	48.	Янгишаҳар ертешган
14	Калтағой	49.	Янгишаҳар лабзак
15	Лўликўча	50.	Янгишаҳар минор
16	Марайимхалфа	51.	Янгишаҳар сирли масжид
17	Мерганчи	52.	Янгишаҳар турк
18	Мўгулкўча	53.	Янгишаҳар шохидонттепа
19	Олмазор	54.	Янгишаҳар қиёт
20	Олтинли масжид	55.	Ўркўча
21	Орқакўча	56.	Ўқчи
22	Оқмасжид	57.	Қатортерак
23	Падаркуш	58.	Қашғар
24	Пастак	59.	Қиёт
25	Пуштибоғ (Пуштувак).	60.	Қиёт катта кўча
26	Раискўча	61.	Қиёт тор кўча
27	Сўгалмасжид	62.	Қиёттепа
28	Тожиқ	63.	Қозикўча
29	Тарлоқ	64.	Қорёғди
30	Тарнавбоши	65.	Кудуқбоши
31	Турк	66.	Кўрғонорқа
32	Туркттепа	67.	Кўрғонтеги
33	Турсунсултон	68.	Ҳовузбоғ
34	Хадра	69.	Ҳовузлик
35	Ғиштмасжид		

## Себзор даҳасида

1	Аъламшаҳид	41	Тинчоб ёки Тинчобод
2	Атторлик	42	Тузбозор
3	Базозлик	43	Тўппибозор
4	Бандликбозор	44	Тупқайроғоч
5	Бедабозор	45	Учқўча
6	Бешоғайни	46	Хастимом (Хазрати Имом)
7	Булғорбозор	47	Ғишткўприк
8	Ботир	48	Хотинмасжид
9	Жангоҳ (Жангоб)	49	Хўжагон
10	Жинқўча	50	Хўжақўча
11	Заргарлик	51	Хўжатарашкан (аслида Хўжайи тарозу шикан)
12	Ипакбозор	52	Чархқўча
13	Кавушфурушлик	53	Чакар
14	Кадубод	54	Чигитбоши
15	Кахага ёки Кахотабузрук.	55	Чигитбозор
16	Кунжак	56	Чолворбозор
17	Кўрпабозор	57	Чопонбозор
18	Кўчар	58	Чувалачи
19	Лабзак	59	Чувилдак ёки Чувулдоқ
20	Лайлак уя	60	Шохингузар
21	Махсидўз	61	Эгарбозор
22	Маҳкама	62	Эскибозор
23	Мозорхон	63	Эскижўва
24	Охунгузар	64	Эскимискарлик
25	Парчабоб (Парчабоф)	65	Юганбозор
26	Пояклик	66	Яккачўб
27	Пуштихаммом	67	Янгишаҳар
28	Работ	68	Қанглиқўча
29	Регистон	69	Қассоббозор
30	Сандикбозор	70	Қозикўча
31	Сарихумдон	71	Қозоқбозор
32	Саххофбозор	72	Қорасарой
33	Себзор	73	Қоратут
34	Сўкпуруш	74	Қошиқчилик, ёки Қошиқчи
35	Табиқўча ёки Таибқўча	75	Қулпбозор

36	Тарновкўча	76	Кумлок
37	Тахтапул	77	Ҳасанбой
38	Тақачи ёки тақачилик	78	Ховузбўйи
39	Тешиққоққа	79	Тиккўча

### Кўкча даҳасида

1.	Айрилиш	29	Ходабозор
2.	Бедабозор (бозорда)	30	Хонақо Хонақои Бузрук
3.	Гузарбоши	31.	Хотинмасжид
4.	Дўмак ёки Дўмакбошн	32.	Хўжакўча
5.	Ишқобод (Ишқобот)	33.	Хўжамалик
6.	Каллахона	34.	Хўжапарихон
7.	Кесаккўрғон	35.	Чархчи ёки Чарх-чиштик
8.	Кетмонбозор	36.	Чақар
9.	Кунжак	37.	Чигатойтепа
10.	Кушфурушлик ёки Ковушфурушлик Гўштфурушлик бўлиши ҳам мумкин	38.	Чигатойчақар
11.	Кўкча	39.	Чигатой
12.	Кўнчилик	40.	Чуқурқишлоқ
13.	Лангар	41.	Шайх Зайниддин
14.	Маҳкама	42.	Шаршинтепа
15.	Мисгарлик	43.	Янгишаҳар
16.	Молхаром	44.	Ўзган
17.	Наматбозор	45.	Ўрикзор
18.	Обиназар (Обинизир)	46.	Қассоббозор
19.	Оқилон (Оқлон)	47.	Қатортерак
20.	Октепа	48.	Қилбелбоғ
21.	Пичоқбозор ёки Пичоқчилик	49.	Козикўча
22.	Подахона	50.	Козоқбозор
23.	Сарихумдон	51.	Қорақийёк
24.	Соқишмон (Сақичмон, Сағишмон)	52.	Кўшгут
25.	Сағбон	53.	Ҳалимкўп
26.	Собунбозор	54.	Ҳофизкуяки
27.	Тепа	55.	Хиёбон

28.	Торкўча ёки Толкўча	56.	Тўклижаллоб, Жаллоб
-----	---------------------	-----	---------------------

**Бешёғоч даҳасида**

1.	Андижон	39	Тамакибозор
2.	Арпаоя	40	Темирчи, Темирчилик
3.	Бадалбой (Бадрбой, Бодорбой)	41.	Тева
4.	Баландкўприк	42.	Тешабой ёки Тешавой
5.	Баландмасжид	43.	Тиконлимосор
6.	Бойкўча	44.	Унбозор
7.	Болтабой	45.	Хабсота
8.	Бордонбозор	46.	Ғишткўприк
9.	Бўйрабозор	47.	Хонақо ёки Хонақойибузрук
10.	Ганчхона	48.	Хўжамаҳалла
11.	Гулбозор	49.	Чақар
12.	Гуручбозор	50.	Чиннибозор
13.	Дархон	51.	Чорсу
14.	Жоммасжид (ёки Масжоми)	52.	Чукуркўприк
15.	Зангиота	53.	Чукуркўча
16.	Зebak	54.	Чўпонота
17.	Зигорат	55.	Эскинамозгоҳ
18.	Калабабозор	56.	Эскиўрда
19.	Камолон	57.	Этикбозор
20.	Капанбозор	58.	Эшонгузар
21.	Каттамаҳалла	59.	Эшонмаҳалла
22.	Кўкмасжид	60.	Яланқори
23.	Лайлакхона	61.	Янгимаҳалла
24.	Майизбозор	62.	Янгихонақо
25.	Маҳкама (Себзор ва Кўкча қисмларига ҳам кирган)	63.	Янгиқаландархона
26.	Мирзағози ёки Мирзағозиота.	64.	Ўзбак
27.	Мирлар (Миллар)	65.	Ўроқчилик
28.	Мошбозор	66.	Ўқчидарвоза
29.	Мўрконкўча	67.	Қандбозор (Қандолатбозор, Қандолатфуруш))
30.	Мурод	68.	Қассоблик
31.	Нонвойгузар ёки	69.	Қози Низомиддин

	Новвойгузар		
32.	Нонгоргузар	70.	Қоратош
33.	Носвойбозор	71.	Кувиририк
34.	Пахтабозор	72.	Куғурмоч
35.	Поякилик	73.	Ғозигузар
36.	Сабзибозор	74.	Ғўзабозор.
37.	Саричопон ёки Саричўпон	75	Сузукота
38.	Сарпароз	76	Сирлимасжид

Куйида биз олима Х.Бўриева тадқиқотлари асосида Тошкент шаҳрининг айрим маҳаллалари тарихи, маъноси, ва улар таҳлилига тўхталиб ўтамиз:

**Гулбозор** - ҳозирги Шайхонтоҳур даҳасида жойлашган. Мазкур маҳалла Хадра ва Себзор даҳасининг Қошиқчилик маҳалласи, Чорсу бозори ва Шайхонтоҳур кўчаси билан чегарадош бўлган. "Гулбозор" қўшма топоним ("гул" ва "бозор") га ҳос - "гул сотиладиган бозор" маъносини англатади.

Маҳалланинг бундай номланишига сабаб, бу ерда Чорсу бозорининг гуллар, кўчатлар сотиладиган расталари ўрин олганлигидир. XIX аср охирида Гулбозор маҳалласида 200 га яқин хонадон яшаган. Аҳолиси савдо, хунармандчилик (тунукасозлик, бўз тўқиш), Назарбек, Қорасув, Чўпонотада боғдорчилик ва дехқончилик билан шуғулланган. Маҳаллада учта масжид, бир нечта раста, 2 қаватли меҳмонхона ва дўконлар бўлган.

**Дегрез (дегрелик) маҳалласи** - Шайхонтоҳур даҳасида жойлашган. Атама Дегрез ва Дегрезлик шаклларида ҳам учрайди. Ғиштмасжид, Сўғалмасжид, Шўртена, Ҳовузбоғ ва Хўжарўшной маҳаллалари билан чегарадош бўлган. Маҳалла Куйи Дегрез ва Юкори Дегрезга бўлинган. Ҳозир бу ерда Ўзбекистон Миллий театри, цирк бинолари жойлашган.

"Дегрез" сўзи икки ўзакли топоним, ("дег" ва "рез"), форсча "дег" - қозон, "рез" - кун; "рехтан" - қуймоқ маъноларини билдиради. "Дегрез" - қозон қуёвчи, деган маънони англатиб, умуман олганда темирчилар маҳалласи назарда тутилган.

Дегрез маҳалласи қадимий маҳаллалардан бири бўлиб, унда 200 хонадон яшаган. Аҳолиси хунармандчилик, мавзеларда дехқончилик билан шуғулланганлар. Асосий касби чўян, жез, "етти қотишма" куйиш бўлган. Маҳаллада 20 га яқин чўян қозон қуйиш (дегрелик)

устахоналари (уларда омов тишлари, қумғонлар, ҳовонча ҳам қўйилган), 2 та масжид ва мадраса бўлган.

**Жангоҳ (ёки Жангоб) маҳалласи** - Шайхонтохур даҳасида жойлашган. Эскижува, Ғиштмасжид, Хадра, Чуқурқишлоқ маҳаллалари билан чегарадош, Шайхонтахур кўчасига туташган. Ҳозирги А.Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғининг ўрни.

"Жангоҳ" сўзи икки ўзакли қўшма топоним бўлиб "жанг" "гоҳ" морфемаларидан ташкил тоган. "Жанг-уруш", "гоҳ"- форсча "жой", "ер" маъноларидаги топоним ясовчи аффикс. "Жангоҳ" - "уруш қиладиган жой" демакдир. Иккинчи маъноси - "жангоб", яъни "уруш суви", шу ерда оқиб ўтадиган Лабзак ариғининг яна бир номидир. Шу боис маҳаллани ҳам баъзан "Жангоб" деб атаганлар. Маҳалла номининг этимологияси шаҳар тарихи билан боғлиқ. XVIII асрда Тошкентнинг тўрт даҳаси ўртасида урушлар бўлиб турган. Бу даврда шаҳар ҳокимининг ўзаро низолари кучайиб, шаҳар гоҳ у, гоҳ бу ҳоким қўлига ўтган. Баъзида Шайхонтохур даҳаси билан Бешёғоч даҳаси бирлашган. Шаҳар марказидан оқиб ўтадиган Лабзак сувининг бўйи уларнинг жанг майдониغا айланган. Шу боисдан ҳам халқ орасида бу ер "жангоҳ", ариқ эса "жангоб" деб ном олган.

XX аср бошларида Жангоҳ маҳалласида 60 дан ортиқ хонадон яшаган. Аҳолиси 400 га яқин киши бўлган, хунармандчилик, майда савдо билан шуғулланганлар. Маҳаллада масжид, чойхона, дўконлар бўлган.

**Зангиота маҳалласи** - Бешёғоч даҳасида Сузукота, Чақар, Ўқчи, Чуқуркўприк, Захарик, Самарқанд дарвоза, Эшонгузар маҳаллалари билан чегарадош бўлган. "Зангиота" сўзи икки ўзакли қўшма топонимдан ташкил топган. Зангиота машхур сўфийлик тарғиботчиси шайх Ойхўжа ибн Тохирхўжанинг тахаллусидир. Маҳаллага унинг номи қўйилган. Зангиота (вафоти 1258 йили) - авлиё, тасаввуфнинг таниқли вакили, Туркистонлик машхур сўфий (тахминан XI аср) Арслонбобонинг авлоди (эвараси).

Тошкент шаҳрининг Самарқанд дарвоза кўчасидаги маҳаллада (кейинчалик Зангиота маҳалласи деб номланган) туғилиб ўсган. Араб наслидан, қора танли бўлгани учун занги (занжи), ҳурмат юзасидан ва олий ҳимматлиги учун Зангибобо Ҳимматий деб аташган. Отасидан таълим олгандан сўнг Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғонийлардан Яссавийлик тариқатининг сир-асрорларини ўргангани, унинг етук намояндаси бўлиб етишади.



Шош вилоятига қайтиб келиб, аҳолини илоҳий, тасаввуфий йўл-йўриқлар билан тарбиялаб, кўплаб мутасаввуфлар тайёрлаган. Зангиота подачилик қилиб, ҳалол ризқ топиб ҳаёт кечирган. Намоз ва зикрни қанда қилмаган. Фарзандлари ҳам инсофли кишилар бўлиб етишадилар, халқни ҳақиқат йўлига бошлашда раҳнамолик қилганлар. Зангиота ва у кишининг аёли Анбар Бибининг қабри Зангиота туманидаги Зангиота қишлоғида жойлашган. Зангиота дафн этилган мазор ёнида масжид ва мадраса қад кўтарган.

XX аср бошида Зангиота маҳалласида тахминан 100 хонадон яшаган. Аҳолиси қосибчилик, савдо билан, Зангиота, Қатортол, Нуғойкўрғонда дехқончилик, боғдорчилик билан шуғулланган. Маҳаллада мактаб, масжид, чойхона, сартарошхона, баққолик ва қосибчилик дўконлари бўлган.

**Занжирлик маҳалласи** - Шайхонтоҳур даҳасида, Кудуқбоши, Мерганча, Падаркуш маҳаллалари билан чегарадош бўлган. Маҳалла Қуйи ва Юқори Занжирликка бўлинган. Ҳозир бу ерда Тошкент телестудияси, Ўзбекистон ФА Адабиёт музейи жойлашган.

"Занжирлик" топоними "занжир" сўзи ва "лик" қўшимча бирикмасидан иборат. Маъноси - "занжир ясовчилар яшайдиган жой" демакдир. ВА.Шишкиннинг ёзишича, Занжирлик маҳалласида занжирчи усталар яшаганлиги учун маҳалла шундай аталган. Н.Г.Маллицкий фикрича, ушбу маҳаллада жойлашган Шайхонтоҳур қабристонига кираверишда ҳайвонлар ўта олмаслиги учун катта темир занжир қилинган. Шундан маҳалла "Занжирлик" деган ном олган экан.

**Каттаҳовуз маҳалласи** - Кўкча даҳасида, Обиназир, Дарвоза, Айрилиш, Сархумдон маҳаллалари билан чегарадош. Ҳозир бу ерда Гулобод тураржой микрорайони қурилган. "Каттаҳовуз" кўшма топоним ("катта" ва "ҳовуз") сўзлари бирикишидан ҳосил бўлган. Топоним маълум бир даврда ушбу маҳаллада каттарок ўлчамдаги ҳовуз қазилганини ҳам англатади. Каттаҳовуз маҳалласида XX аср бошларида 350 хонадон яшаган. Аҳолиси кўнчилик, Кўриқрабод, Чўпонота, Оқтепа, Дамачида дехқончилик билан шуғулланган. Маҳаллада масжид, чойхона, сартарошхона, баққолик дўконлари бўлган.

**Олмазор маҳалласи** - Шайхонтоҳур даҳасида жойлашган. Эгарчи, Девонбеги, Қоратош, Мерганча маҳаллалари билан чегарадош. Ҳозир бу ерда кўп қаватли уйлар ва жамоат бинолари мавжуд, Олмазор турар жой мавзесига яқин жойлашган.

"Олмазор" сўзи икки ўзакли қўшма топоним бўлиб, "олма" ва "зор" морфемаларидан иборат. Маҳалла худудида олма боғлари кўп бўлгани учун шундай ном олган. Олмазор маҳалласида 70 га яқин хонадон яшаган, аҳолиси хунармандчилик, боғдорчилик, деҳқончилик билан шуғулланган. Маҳаллада 3 масжид, 3 карвонсарой, баққоллик ва гўшт дўконлари бўлган.

**Самарқанд дарвоза маҳалласи** - Бешёғоч даҳасида Зангиота, Чақар, Заҳарик, Камолон маҳаллалари билан чегарадош бўлган. Бир томони Чақар ариққа туташган. Ҳозир ҳам бу ерда Самарқанд дарвоза маҳалласининг асосан бир қаватли хонадонлари жойлашган.

Маҳалла худудида Тошкентнинг 12 дарвозасидан бири - Самарқанд дарвоза жойлашган. Х.Бўриеванинг фикрига кўра, маҳалланинг номи Самарқанд дарвозаси номидан ҳосил бўлган. Ушбу маҳалланинг шаклланиши тахминан XV асрга тўғри келади. XIX аср охирида маҳаллада 50 дан ортиқ хонадон яшаган. Аҳолиси хунармандчилик (кўнчилик, дурадгорлик, аравадозлик ва б.), Новза, Чўпонота, Қозиравог мавзеларида деҳқончилик билан шуғулланган. Маҳаллада мактаб, масжид, бозорча, баққоллик дўконлари бўлган. Таниқли адиб Абдулла Қодирий шу маҳаллада яшаб ижод этган.

**Тахтапул маҳалласи** - Себзор даҳасида Тешикқоғқа, Тарновбоши Тахтапул, Қоҳота, Чилтўғон маҳаллалари билан чегарадош бўлган. Тахтапул-тепа, Юқори Тахтапул, Миён, Ўрта Тахтапул, Қуйи Тахтапул ва бошқа - жами 10 қисмга бўлинган ва шимолий чеккаси шаҳар деворига туташган. Шаҳар дарвозаларидан бири - Тахтапул дарвоза шу маҳаллада бўлган.

Агар Тошкентнинг 12 та дарвозасидан бири Тахтапул аталгани ва бу ном Амир Темур даври дарвозалар рўйхатида борлиги эътиборга олинса, у ҳолда, бу ерда маҳалла шаклланиши анча илгари бошлангани аниқ бўлади. XX аср бошларида Тахтапулда 900 дан ортиқ хонадон яшаганлиги қайд этилади. Аҳолиси савдо-сотик, деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланган, баққоллик дўконлари, чойхоналар, тегирмонлар, жувозхоналар бўлган.

**Чуқуркўприк маҳалласи** - Бешёғоч мавзесида Мирлар, Зангиота, Бадрбой, Эшонгузар маҳаллалари билан чегарадош бўлган. "Чуқуркўприк" қўшма топоним ("чуқур" ва "кўприк") ва "чуқуррок, пастрок жойда қурилган кўприк" деган маънони англатади. Шу атрофда аста-секин маҳалла шаклланиб, у кўприк номи билан аталган. Дарвоқе, маскур маҳалладан оқадиган ариқнинг

номи ҳам Чуқуркўприк деб аталган. У Эски шаҳарнинг Бешёғоч ва Шайхонтоҳур даҳаларидан оқиб ўтган.

XX аср бошида Чуқуркўприк маҳалласида 300 хонадон яшаган. Аҳолиси хунармандчилик, мавзеларида боғдорчилик, деҳқончилик билан шуғулланган. Маҳаллада мактаб, бир қанча тикувчилик устахонаси, чойхоналар, 2 масжид, савдо дўконлари растаси бўлган.

**Чувалачи маҳалласи** - Себзор даҳасига тегишли, Тешик қоғқа, Чигит боши, Ҳасанбой маҳаллалари билан чегарадош бўлган.

Чувалачи сўзи этнотопоним бўлиб, ўзбек қабиласи номини билдиради. Маҳалланинг номи Чувалачи қабиласи номи билан боғлиқ. У ҳақда ёзма манбаларда маълумотлар кам учрайди. Эҳтимол маҳалла худудида чувалачи қабиласидан бўлган аҳоли яшаганлиги туфайли у "чувалачи" деб аталгандир. Маҳалла тахминан XV - XVI асрларда шаклланган. Бу ерда XX аср бошларида қарийиб 100 дан ортиқ хонадон яшаган. Аҳолиси хунармандчилик, кўнчилик, деҳқончилик билан шуғулланган. Чувалачи маҳалласида тегирмон, бир неча баққоллик дўконлари, чойхона, масжид бўлган.

**Эгарчи маҳалласи** - Шайхонтоҳур даҳасида Қатортерак, Олмазор, Девонбеги, Тиллак ва Мерганча маҳаллалари билан чегарадош. Ҳозир бу ерда Алишер Навоий номидаги Санъат саройи ва унинг ёнида Архитектура ва қурилиш институти ва бошқа бинолар жойлашган.

"Эгарчи" топоними "эгар", "гар" сўзи ва - чи кўшимчасидан иборат. "Эгар ясовчи" маъносини англатади. Мазкур маҳалла аҳолисининг асосий касби эгар ясаш бўлгани сабабли, маҳалла "Эгарчи" деган ном олган. Бу маҳалладагилар эгар-жабдуқ тайёрлаш билан шуғулланганлар. Хунар аждодлардан-авлодларга ўтиб, буюртмаларни эски бозор учун тайёрлашда болалар, хотин-қизлар ҳам иштирок этганлар. Маҳаллада 200 дан ортиқ хонадон яшаган, аҳолиси кўнчилик, савдо-сотик билан ҳам шуғулланган. Унда 2 та масжид, 2 мактаб дўкони бўлган.

**Эскижўва маҳалласи** - Себзор даҳасида Оҳангузар, Жангтоҳ, Пушти Ҳаммом, Тинчоб маҳаллалари билан чегарадош. Ҳозир бу ерда Эскижўва бозори майдони ва атрофидаги иморатлар жойлашган.

"Эскижўва" қўшма топоним ("эски" ва "жўва"). "Жўва" аслида "жўба" сўзининг бузиб талаффуз қилиниши нағижасида пайдо бўлган. "Жўба" – "ҳарбий аслаҳалар" маъносини англатади. Наршахий асарида "жўба"–"бозор", "майдон" маъносида

келтирилган. Демак, “эски жўба”– “қадимги, илгариги бозор” демакдир. Аслида ҳам бу ерда қадимдан Тошкентнинг катта бозори бўлган ва ўша яқин-атрофда янги бозор очилиб, илгаригиси эски жўба-бозор деб аталган. Бироқ баъзи олимлар “эски жўва” -“хон аркининг чеккасидаги эски ҳарбий аслаҳалар омбори”, деган фикрни билдирадilar. Эскижўва маҳалласининг номи эса, бевосита мавжуд Эскижўва бозори номидан таркиб топган.

XX аср бошларида Эскижўва маҳалласида 100 хонадон яшаган. Аҳолиси савдо-сотик билан шуғулланган. Маҳаллада карвонсарой, чойхона, мадраса, масжид, баққоллик дўконлари бўлган.

**Қашқар маҳалласи** - Шайхонтохур даҳасида жойлашган. Турк-Янги шаҳар, Ила, Тожик маҳаллалари билан чегарадош. Бир чеккаси янги шаҳарга туташган. Маҳалланинг шарқий чеккасида шаҳар дарвозаларидан бири Қашқар дарвозаси жойлашган. Ҳозир унинг худудида “Жасорат” комплекси, Қашқар маҳалла турар жой микрорайони барпо этилган.

Қашқар ёки қашғар - бу туркий уруғлардан бирининг номи. Маҳалланинг номи 19-асрнинг 40-йилларида Қашқардан енгилиб қайтган Қўқон хони Мадалихон билан қашқарликлар ҳам бирга Тошкентга келиб ўрнашгани билан боғлиқ.

XX аср бошларида маҳаллада қарийб 130 хонадон яшаган. Аҳолиси савдо-сотик, Бўз, Яланғочда деҳқончилик, боғдорчилик билан шуғулланган. Қашқар маҳаллада тўртта карвонсарой, бозор, масжид, баққоллик дўконлари бўлган. Қашқар дарвозаси маҳалланинг шарқий томонида бўлган. Маълумки, генерал Черняев бошлиқ рус кўшинлари дастлаб 1864 йилда Тошкентга Қашқар дарвозаси томонидан ҳужум қилган, лекин кўп талофатлар билан чекинган. 1865 йили Тошкентни босиб олгач, Қашқар маҳалласидаги эгасиз қолган хонадонларга рус офицерлари жойлашиб олганлар.

1867 йилнинг кузида Қашқар маҳаллада Туркистон ўлкасини қилич ва ўт билан босиб олиш манзаралари альбомини тайерлаш учун Россиядан таклиф этилган ва кейинчалик ўзи ҳам ушбу қирғиннинг фаол иштирокчисига айланган рус рассоми В.Верещагин (1842-1901) яшаган. Қашқар маҳаллада Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий мактаб очиб қисқа муддат ишлаган. Маҳаллада маърифатчи ва адабиётшунос олим Миёнбузурк Солиҳов (1892-1939) яшаган. Тошкент зилзиласи (1966 й) эпицентри ҳам Қашқар маҳалласи бўлган.

**Кўрғонтепа маҳалласи** - Себзор даҳасида Чимбой, Ёв, Тепа маҳалла маҳаллалари билан чегарадош. У Куи Қўрғонтепа ва Юқори Қўрғонтепага бўлинган. "Кўрғонтепа" қўшма топоним ("кўрғон" ва "тепа"), "Кўрғонтепа" - "баландликда қурилган кўрғон", яъни маҳалланинг тепалик қисмига кўрғон қурилганини англатади.

XX аср бошларида Қўрғонтепа маҳалланинг аҳолиси ҳунармандчилик, деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланган. Маҳаллада 10 га яқин жувозхона, 2 масжид, чойхона бўлган.

**Хадра маҳалласи** - Шайхонтохур даҳасида Жангтоҳ, Ховузбоғ, Гулбозор, Дегрез, Шўртепа маҳаллалари билан чегарадош ва бир томони Тошкўчага туташган. Ҳозир бу ерда "Хадра майдони" ва "Хадра" меҳмонхонаси жойлашган.

"Хадра" сўзи қўшма топоним (арабча "хад" - чегара, форсча "роҳ" - "йўл", "кўча") "йўлнинг чегараси" маъноларини англатади. "Хадра" топоними ҳақида турли фикрлар мавжуд. Жумладан, Я.Ғ.Ғуломов, Ҳ.Т.Зарифовлар "хадра" - "хадди роҳ" - "йўлнинг чеккаси", "чегараси", "шаҳарнинг чеккаси" деган маънони билдиришини қайд этадилар. Олима Х.Бўриева ҳам "хадра" "хон ўрдасининг чегарасидаги йўл" эканлигини қайд этади. А.Р.Муҳаммаджонов "хадра" сўзи "адирли ер", "йўлнинг чеккасидаги ер" маъносини англатишини ёзади Эҳтимол шаҳристоннинг шарқий дарвозаси орқали ўтган йўл шаҳарнинг баланд қисми - "хадра" "нотекис", "паст-баланд", "яроқсиз" маъносини билдиришини қайд этади. Олимнинг фикрига кўра, қадимда Хадра маҳалласининг майдони Регистон номи билан машҳур бўлган.

Демак, Хадра маҳалласининг номи маҳалланинг унинг нотекис, адрли ерда, шаҳарнинг чеккасидаги йўл бўйида жойлашганидан далолат беради. У тахминан X-XI асрларда вужудга келган. XIV асрга келиб шаҳар ҳудуди кенгайган. XIX асрга келиб Хадра маҳалласи ерлари шаҳар марказига қўшилиб кетган. Бироқ унинг номи аввалгидек сақланиб қолган. XX аср бошларида Хадра маҳалласида 100 га яқин хонадон яшаган. Аҳолиси савдо, ҳунармандчилик, боғдорчилик билан шуғулланганлар. Маҳаллада этникдўзлик, темирчилик устахоналари ҳамда бир нечта нонвойхона бўлган.

Шаҳарларда кишлоқлардан фарқли равишда маҳаллалар бир неча қисмларга ёки кўчаларга – катта кўчалар эса нисбатан кичикроқ кўчалар, ҳамда бир нечта тор кўчаларга бўлинган. Маҳаллаларнинг

чегаралари аксарият хонадонларнинг орқа деворларидан ўтган. Шаҳар марказидаги маҳаллалар анча қадимги бўлиб, кейинчалик янгилари қўшилиб борган ва вақт ўтиши билан уларнинг баъзилари мустақил бўлиб ажралиб чиққан. Бу жараён топонимларда ҳам акс этган: 1-Эшонгузар, 2-Эшонгузар, Юқори Оқмасжид, Куйи Оқмасжид, Катта Камолон, Кичик Камолон маҳаллалари<sup>58</sup> ва ҳоказо.

Кўчаларга одатда, уларнинг катта-кичиклигига қараб (Катта кўча), маҳалла номи билан (Қоратош кўча, Ўқчи кўча), шу кўчада, яшаган бирор таниқли шахс номи билан (Мурод кўчаси, Хазрати Имом кўчаси), шаҳардан қайси томонга қараб чиқилишига кўра (Паркент йўли, Қўқон йўли, Зангиота йўли, Чимкент йўли), жой рельефининг тузилишига қараб (Пасткўча, Баландкўча, Жаркўча), шу кўчадаги бирор машҳур жой номи билан боғлиқ (Эски Намозгоҳ кўчаси) ёки касб-хунар билан боғлиқ (Парчабоф, Дегрезлик, Этиқдўзлик) кабилар тарзида берилган.

1927 йилда Тошкентнинг Эски шаҳар худудида катта-кичик кўчаларнинг сони тахминан 300 га яқин, кичик ва тор кўчалар улардан 2-3 барабар кўп бўлган<sup>59</sup>.

Шаҳарнинг энг катта кўчалари марказдан, яъни ҳозирги Эски шаҳардан дарвозалар томон йўналган. Дарвозалардан бошланадиган кўчалар нисбатан тўғри ва катта бўлиб, шаҳар ичкарасида асосий марказ (Чорсу бозори) билан боғланган. Шаҳар ташқарисида эса улар бошқа шаҳар ва қишлоқларга олиб борган. Чорсу майдони ва Ўрдани бирлаштирувчи кўча алоҳида аҳамиятли бўлиб, катта кўча (кейинчалик Тошкўча) деб аталган. Асосий кўчаларга туташган бошқа кўчалар тор ва эгри-бугри бўлганлиги муаллиф томонидан қайд этилади<sup>60</sup>.

XIX асрнинг охириги чорагида Тошкент эски шаҳар кўчаларининг қиёфаси хусусида баъзи маълумотларни ҳам қайд этиш лозим. Жумладан Тошкент 1865 йилда чор Россияси томонидан босиб олингандан сўнг уларни ободонлаштириш учун шаҳар маҳкамаси томонидан маблағ ажратилган. 1884 йилдан кўчаларга тош-шағал тўкиш бошланган. Биринчи бўлиб ҳозирги Навоий кўчасига тош-шағал тўкилиб, у Тошкўча номини олган. Шу билан бирга у "Шайхонтохур кўчаси" деб ҳам аталган. Эски шаҳар худудидаги айрим катта кўчаларга маҳаллий аҳоли томонидан

<sup>58</sup> Бўриева Х. Тошкент шаҳрининг тарихий топонимияси. // XIX аср охири - XX аср бошлари. Т., 2009. 45-46 бетлар.

<sup>59</sup> Ўша асар 46 бет

<sup>60</sup> Ўша жойда

берилган номлар 1893 йили 13 майда Тошкент шаҳар Думасининг 14-мажлисида тасдиқланган. Мазкур дума мажлиси баёнида "Кўча номларини ёзма равишда қонунлаштириш лозим", деб ёзилган эди.

Тошкент шаҳар Маҳкамасининг Думада берган ҳисоботига кўра, мазкур таклиф Туркистон генерал-губернатори томонидан тавсия қилинган. Думанинг мазкур қарорида кўчаларнинг тасдиқланган номлари узунлиги 16 вершок, кенглиги 4 вершок ўлчамли, мовий рангга бўялган тунукачаларга рус ва "сарт" тилларида ёзилиб, кўчаларга илиб қўйилиши лозим бўлган<sup>61</sup>.

Қабул қилинган қарорга кўра, 18 та кўчанинг номи расмий тасдиқланган. Бу қуйидагилар: Шайхонтохур кўчаси, Жаркўча, Ўқчи кўчаси, Оқмасжид кўчаси, Қуйи Оқмасжид кўчаси, Чархчилик кўчаси, Себзор кўчаси, Қорасарой кўчаси, Хазрат Имом кўчаси, Сағбон кўчаси, Чигатой кўчаси, Кўкча кўчаси, Самарқанд кўчаси, Чақар кўчаси, Арпапоя кўчаси, Камолон кўчаси, Анҳор кўчаси кабилар<sup>62</sup>.

Шаҳарларда маҳаллалар, даҳалар таркибига кириб, уларнинг бошқарув ва ижтимоий фаолият тизими қишлоқларниқидан бирмунча фарқ қилган. Юқорида қайд этилганидек, ўрта асрларга келиб биргина Тошкент шаҳрида тўртта йирик даҳалар мавжуд бўлган. «Даҳа» сўзи қадимги сўғд тилида «деҳа», яъни қишлоқ маъносини билдириб, шаҳарнинг бир қисми, маъмурий бўлиниши каби маъноларда қўлланилади. Тошкент шаҳри ва ривожланиши ҳудуди кенгайиши натижасида маҳаллалар сони ҳам ортиб борган. Натижада шаҳар XIX асрнинг ўрталарига келиб, Бешёғоч (Зангиота), Себзор (Кофтол Шоший), Кўкча (Шайх Зайниддин) ва Шайхонтохур даҳаларига бўлинган.

Даҳалар маҳалла йиғинлари сайловчиларининг қурултойида сайланган оқсоқоллар томонидан бошқарилган. Шаҳар туманларнинг оқсоқоллари ҳарбий губернатор томонидан тайинланадиган бош оқсоқолга бўйсунганлар. Бош оқсоқолга қуйи полиция хизматчилари – миршаблар, шаҳар суғориш тизимининг бошлиқлари – мироблар ҳамда судялар – қозилар ва бийлар ҳам тобе бўлганлар. Уларнинг барчасига алоҳида тўпланган маблағ ҳисобидан маош тўланган. Шаҳарларнинг европалик аҳолиси яшайдиган қисмларида маъмурият ҳарбий губернаторлар томонидан тайинланган.

<sup>61</sup> Бўрисва Х. Тошкент шаҳрининг тарихий топонимияси. // XIX аср охири - XX аср бошлари. Т., 2009. 45-46 бетлар

<sup>62</sup> Уша жойда.

Маҳаллада бозорларнинг ҳам ўзига хос ўрни бўлган. Улар ўз номлари билан аталган. Сўнгги ўрта асрлар шаҳар бозорларининг топографик жиҳатдан жойлашиш тартиби ҳам диққатга сазовор. Одатда шаҳарларнинг марказий қисмидаги маҳаллаларда заргарлар, саррофлар, темирчилар, турли кийим-бошлар билан савдо қилувчи ва кўпгина бошқа бозорлар жойлашган. Қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларининг айрим турлари билан савдо қилишга ихтисослашган баъзи бозорлар кўп ҳолларда шаҳар четлари ва унинг ташқарисида жойлашган.

1812 йили Ўрта Осиё хонликларига сафар қилган ҳиндистонлик Мир Иззатилла Бухородаги “от бозори” Баҳовуддин Нақшбандий мазорига яқин ерда жойлашганлигини ва ҳар чоршанба куни қизгин савдолар бўлганлигини таъкидлаб ўтган. Шунингдек, шаҳарнинг яна бир от бозори шаҳар ташқарисида – “ Самарқанд дарвозасидан 1,5 чақирим нарида” , бошқа бири эса Имом дарвозасидан, “*сигир, қўй ва тўя бозори*” эса Намозгоҳ дарвозасидан ташқарида жойлашган<sup>63</sup>.

Чор Россияси ҳукмронлиги даврига келиб минтақада маҳаллий бошқарув тизимида анъанавий тизим ўз кучини йўқота бошлаган. Бу айниқса даҳалар таркибига кирган волость бошқарувчилари ва оқсоқолликлари иш фаолиятида кўринган. Юқоридан маҳаллий аҳолига турли солиқлар солиш чор амалдорлари нуктаи назаридан одатий ҳодиса бўлган.

Йўллар, кўприклар ва бошқа иншоотларни қуриш ва таъмирлаш учун аҳолидан йиғилган маблағларни талон-ғарож қилиш, таъмагирлик ҳамда волость ва қишлоқлар оқсоқоллари лавозимини сотиш, вақф ерлари ва мулклари билан боғлиқ турли қинғир ишлар ва бошқалар содир бўлиб турган. Бу жараёнлар ўлкада маҳаллий бошқарув тизимини бошқарган ва ўрганган вилоятлар ҳарбий губернаторлари, генерал-губернаторларнинг ҳисоботлари ва ҳатто Ф.К. Гирс ва К.К. Пален каби сенаторларнинг тафтиш ҳужжатларида ҳам деярли акс этмаган. Сенаторлар волость ва қишлоқ оқсоқоллигига номзодлар тайинлашдаги порахўрликлар, қозилик ва бийлик судларининг сотқинликлари ҳақидагина ёзишни лозим топиб, сайлов тизимини бекор қилиш ва ҳамма даражаларда империя судларининг фаолият кўрсатишини жорий этиш зарурлигини талаб қиладилар.

Волостлар бошқарув ва сайлов қурултойидан иборат бўлган. Ушбу тузилма волость оқсоқоллари (волостные аксакалы) томонидан

<sup>63</sup> Уша жойда.




идора этилган. **Волость оқсоқоллигига** сайловлар икки боскичда ўтказилган. Аҳоли дастлаб қишлоқ йиғинини ўтказганлар. Унда ҳар 50 хонадондан бир киши сайланган. Кейин қишлоқ жамоасидан сайланганлар, рус маъмуриятининг кузатувчилигида ўтадиган волость курултойига йиғилганлар. Сайланганлар умумий миқдорининг 2/3 қисми қатнашмаса, волость йиғини ўтказилмаган.


Волость курултойи волость оқсоқоли, халқ судялари – қозилар, бийлар ва уларга номзодларни кўрсатиш, ариқ оқсоқоллари, мироблар, раислар, миршаблар ва бошқаларга маош белгилаш, аҳолини сув билан таъминлаш ва унинг сувдан фойдаланишини тартибга солиш, йўллар, кўприклар, турли хўжалик қурилишларининг аҳволини назорат қилиш мақсадларида ўтказилган.

## Туркистон генерал-губернаторлигининг шаҳар бошқаруви

*а) туман шаҳарлари идораси*




## б) Тошкент шаҳри идораси



Оқсоқол алоҳида сиёсий вазифаларни ҳам бажарган. Ўзига ишониб топширилган волостнинг тинчлигини назорат қилган, халқ суди қарамоғида жиноятлар бўйича дастлабки тергов ўтказган, 3 сўмгача жарима солган. Агар волость оқсоқоли фаолияти чор маъмуриятини қониқтирмаса, вилоят ҳарбий губернатори янгидан сайловлар ўтказиш ёки унинг ўрнига вақтинча бошқа кишини тайинлаши мумкин бўлган. Чор маъмурияти бу ҳуқуқдан жуда кенг фойдаланган. Масалан, Ф.К. Гирснинг ҳисоботида қуйидаги маълумотлар келтирилади: “Уч йил мобайнида Сирдарё вилоятидаги волость оқсоқолларидан 38 киши ўз вазифасидан озод қилинган, бу 35%ни ташкил этади ва у йилига деярли 13 кишига тўғри келади”. Бундай ҳодисалар бошқа вилоятлар учун ҳам хос бўлган.

## Туркистон генерал-губернаторлигининг қишлоқ бошқаруви



Маҳалланинг кейинги тараққиётига назар солсак, у ўзбеклар жамоавий турмушининг дастлабки ижтимоий тузилмаси сифатида бир қанча ривожланиш босқичларидан ўтиб келди. XX асрнинг 20 йиллари бошларида совет ҳукумати маҳаллалар фаолиятини чеклаш, ўзига бўйсундиришга интилди. Бу ҳол маҳаллалар фаолиятига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади.

Аммо, маҳалла ўзининг яшовчанлигини намоён этди, ҳар қандай тазйиқ ва ҳужумларга дош бериб, бизнинг давримизгача етиб келди. Совет ҳокимияти даврида маҳаллага нисбатан ўз умрини ўтаб бўлган эскилик сарқити сифатида қараб келинди. Аммо, у ўзининг маъмурий ва ижтимоий ваколатларини, анъанавий фаолияти ва обрўсини сақлаб қолди<sup>64</sup>.

Маҳаллалар 1917 йилгача бўлган даврда жуда кенг иш олиб бориб, маҳаллий аҳолини бирлаштирувчи, уюштирувчи ташкилий тузилма бўлиб келган. У ўзбек халқининг кундалик ижтимоий ҳаётини ва турмушини ташкил қилишда асосий бўгин сифатида ва

<sup>64</sup> Petrik Boris Mathieu. Povoïr don et reseaux en Ouzbekistan Post- Sovetienique. – Paris: Presses Universitaires de Franse, 2002. – P. 110.

асрлар давомида такомиллаштириб келган ҳаётий амалларни авлодларга ўтказиб келган. Аммо шунга қарамасдан, шўролар даврида ҳукмрон тузум ва мафкура маҳаллаларни расман тан олмади. Бироқ аҳолининг чуқур норозилигига сабаб бўлмаслик учун маҳаллаларни тақиқлаб ҳам қўя олмади, уни жамиятни бошқариш тизимига киритмади. Маҳалла ўз моҳияти, фаолияти мазмуни ва шакллари билан шарқона фикрлаш, иш кўриш тарзи каби халқимизнинг ўзига хос фазиалатларини акс эттиради. Маҳаллалар аҳолини аҳил-тотув яшашга, сидқидилдан меҳнат қилишга, касб ўрганишга, шулар орқали ҳаёт кечиришни енгиллаштиришга чакиради.

Совет даврида ҳар қанча тазйик ва фаолиятини тугатишга қаратилган ҳаракатлар ўз самарасини бермаган. Натижада Совет ҳокимияти бундай уюшма билан ҳисоблашишга ва муроасага боришга мажбур бўлади. Натижада ўзини-ўзи бошқариш тузилмасининг фаолияти 1932 йил 17 апрелда «*Шаҳарлардаги маҳалла кўмиталари тўғрисида*» низом асосида расмийлаштирилади<sup>65</sup>. XX аср 20-30 йилларида маҳалла фаоллари саводсизликни тугатиш, халқни маърифатли қилиш, жойларни ободонлаштиришда фаол иштирок этади.

1935-1936 йилларда шаҳарларда маҳалла кўмиталари ташкил этила бошланган<sup>66</sup>. Улар асосан шаҳар советига бўсунган, аммо уларга юридик шахс мақоми берилмаган. 1961 йилда Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан барча жойларда, яъни шаҳар, қишлоқ, посёлка ва овулларда маҳалла кўмиталари тўғрисида низом қабул қилинган<sup>67</sup>. Лекин улар ўз фаолиятини фуқаролар йиғинлари (горсовет ва сельсоветлар) негизида олиб борган.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари ва ундан сўнг маҳалланинг ўз фаолиятини анъанавий тарзда давом эттиришга мафкуравий тазйик ва бюрократик бошқарув тўла имкон бермади. Шундай бўлсада, халқимизнинг бағрикенглик характерига биноан у ҳақиқий байналминаллик характерини намоён этди. У аҳолини оммавий сафарбарликка жалб этиш, урушга чақирувни ташкил этиш, фронт учун озик-овқат, кийим-кечак, ўқ-дори жўнатиш, кўчириб келтирилганларни жойлаштириш ишларида иштирок этган. Айниқса маҳалла фронт худудларидан Ўзбекистонга кўчириб келтирилган

<sup>65</sup> Маҳалла / Ўзбекистон энциклопедияси. – Т., 2003. Т. 5. – Б. 548.

<sup>66</sup> Уша жойда.

<sup>67</sup> Маҳалла / Ўзбекистон энциклопедияси. – Т., 2003. Т. 5. – Б. 549.

аҳолига ҳақиқий инсонпарварлик, бағрикенгликни намойиш этди. Урушнинг дастлабки кунларида Ўзбекистонга 1 млндан ортиқ киши кўчириб келтирилган бўлса, шулардан 240 000 дан кўпроғи болалар эди.

Маълумотларга кўра биргина 1941 йил декабрга қадар Ўзбекистондаги шаҳар ва қишлоқлардаги маҳаллаларга 525 минг нафар аҳоли келтирилиши ва жойлаштирилиши режалаштирилган. Амалда уларнинг сони 665419 нафарни ташкил этган. 1942 йил январ ойининг ўрталарида Тошкент тумани маҳаллаларига 2712 киши эвакуация қилинган. Уларнинг 1252 нафари эркаклар, 1460 нафарини аёллар ташкил этган. Улар руслар - 1913, украинлар - 126, белоруслар-33, яхудийлар -569, арманлар -9, татарлар - 13, поляклар - 6, немислар - 3, греклар - 2, латишлар - 7, молдованлар - 8, шведлар-1, чувашлар - 6, эстонлар - 5, бошқа миллат вакиллари 8 нафарни ташкил этган.

Жами Тошкент вилояти маҳаллаларига 1942 йил январ ойининг ўрталаригача келганларнинг сони 5414 кишини ташкил этган. Улардан 2341 нафари эркаклар, 3073 нафари аёллар бўлган.

1941 йилнинг ноябр ойи давомида Украинадан Ўзбекистонга 54029 нафар (жумладан, Одесса областидан -9508, Киевдан- 7528, Днепропетровскдан -4238, Харьковдан -3490, Винницқдан -2810, Житомирдан -2082 киши) киши эвакуация қилинган эди. Уруш йилларида биргина Сурхондарё вилоятига 20 мингдан ортиқ аҳоли келтирилиб жойлаштирилган бўлса, уларнинг 3.5 мингтаси ёш болалар эди. Эвакуация қилинган аҳоли учун Самарқанд вилоятининг Булуңгур, Жомбой, Нарпай, Пастдарғом ва бошқа туманларидаги маҳаллаларда ҳам болалар уйлари ташкил этилади. Уларда 4270 нафардан ортиқ бола тарбияланган, Бухоро вилоятидаги маҳаллаларга эса 150 мингдан ортиқ эвакуация қилинган аҳоли жойлаштирилган.

1941 йилда Наманган вилояти маҳаллаларига Украина, Беларусия, Болтиқ бўйи республикаларидан 19 минг киши эвакуация қилинган. Уларнинг 1674 нафари иш билан таъминланган. Тўрақўрғон, Янгиқўрғон ва Поп туманларида махсус болалар уйлари ташкил қилинади. Қорақалпоғистонга эса 3891 нафар киши кўчириб келтирилган. 900 оила ота-онасидан ажралган етим болаларни ўз тарбиясига олади. Шунингдек ҳарбий хизматчиларнинг ва кўчириб келинганларнинг 20,3 минг нафар болалари болалар боғчасига ва болалар уйига жойлаштирилади.

Республиканинг барча халқлари қатори, қорақалпоғистонликлар ҳам эвакуация қилинган аҳолига ўзларининг ёрдамини аямадилар. Шунингдек, Ўзбекистонга кўчиб келтирилган ва ташкил қилинган болалар уйларига ва ўнлаб ҳарбий госпиталларга Республика ташкилотлари, маҳаллалар тасарруфига бириктириб қўйилади. Айниқса маҳаллалар ташкилотлар билан ҳамкорликда оталиқ сифатида болалар уйи ва госпиталларни озиқ-овқат, мева-чевалар билан таъминлаб турганлар.

Урушдан сўнг маҳалланинг ваколат доиралари анча чекланган. Бу даврда маҳалла кўмиталари бирон-бир молиявий-хўжалик ишлари билан шуғулланиш мумкин эмас эди. Олди-сотди, ижарага бериш ишларида қатнаша олмас эдилар.

Маъмурий-буйруқбозлик ва марказлашган асосдаги ўзини-ўзи бошқариш органлари собиқ совет даврида номига иш олиб борган. Аслида турли жамоат комиссияларининг, **посёлка совети** фаолиятининг мавжуд шакллари олдиндан режалаштирилган мазмунга эга эди. Юқори ташкилотлар ва давлат тузилмалари назорати ўзини-ўзи бошқариш тузилмасининг ривожланишига имкон бермас эди. Боз устига бу даврда ўзини-ўзи бошқариш тизими ўзига хос миллий хусусиятларни ҳисобга олмаган ҳолда ташкил топган бўлиб, миллий давлатчилик анъаналарига эътибор бермас эди.

Айниқса узоқ йиллик пахта монокультураси маҳалла аҳолиси турмуш тарзига салбий таъсир қилди. Маълумки пахта Ўзбекистон ҳудудларида қадимдан етиштириб келинади. Мавжуд археологик манбаларга кўра Жанубий Ўзбекистоннинг Сополлитепа ёдгорлиги ҳудудларида бобокалонларимиз ўтмишнинг бронза давридаёқ пахта етиштириб, тўқимачилик билан шуғулланганликлари ҳақидаги маълумотлар учрайди. Зеро, Ўзбекистонда пахтачилик тарихи эндиликда 3,5 минг йиллик тарихга эга эканлиги аниқланган<sup>68</sup>. Оқ олтин дея аталган бу неъмат халқимизнинг миллий бойлиги, ғурури ва ифтихоридир.

Аммо узоқ йиллик Собиқ иттифоқ даврида пахтага фақат бир ёқлама ёндашиш, уни етиштиришни “рекорд даража”га кўтариш сиёсати натижасида маҳалла аҳолиси турмуш тарзида салбий из қолдирди. XX аср 20-30 йилларидан бошлаб шакллана бошлаган пахта монокультураси натижасида “Пахта мустақиллиги учун кураш социализм учун кураш” шиори остидаги ғайризикологик сиёсат оқибатида ҳаво, сув, тупроқ, озиқ овқат қабиларда тузлар, ҳар хил

<sup>68</sup> Асқаров А. Ўзбекистон тарихи. Т., 1994. 72 бет.

заҳарли бирикмалар ордти<sup>69</sup>. Айниқса иккинчи жаҳон урушидан сўнг Ўзбекистон халқ хўжалигини ривожлантиришга мўлжалланган маблағларнинг катта қисми пахтачиликка ажратилади ва унинг билан боғлиқ бўлган тармоқларга сарфланди. Шу мақсадда ВКП (б) МҚнинг 1945 йил 15 июлдаги «Ўзбекистонда пахтачиликни қайта тиклаш ва янада ривожлантириш чора тadbирлари тўғрисида»ги ва собиқ иттифоқ ХКСнинг 1946 йил 2 февралдаги «1946-1953 йилларда Ўзбекистонда пахтачиликни қайта тиклаш ва янада юксалтириш режаси ва тadbирлари тўғрисида» қабул қилган қарорлари ҳам шу мақсадга қаратилган эди<sup>70</sup>. Марказнинг бу кўрсатмалари республика меҳнаткашлари учун пахта экин майдонларини кенгайтириш, унинг ҳосилдорлигини йил сайин кўпайтириб боришни назарда тутсада, истиқболда минглаб гектар ерларнинг мелиоратив ҳолати бузилишига, аҳоли саломатлигининг ёмонлашишига, экологиянинг аянчли оқибатларига олиб келди.

Айниқса, пахтачиликни ривожлантириш учун минерал ўғитлар, турли пестицидлардан фойдаланишга катта эътибор қаратилади. Бунинг натижасида сунъий равишда пахта хом-ашёси етиштириш 1946-1985 йилларда 5,5 баробар кўпайди, пахта экиладиган майдонлар 1 млн. гектардан ордти, тупроқнинг мелиоратив ҳолати бузилди, ерлар шўрланиб экологияга катта зарар етказилди. Оммавий равишда қишлоқ хўжалигига эътиборнинг кучайтирилганлиги кўриқ ва бўз ерларнинг юраги ҳисобланган Жиззах, Мирзачўл, Қарши, Сурхон-Шеробод, Фарғона чўлларидаги пахта майдонларини суғориш учун сув иншоотларидаги манбалардан керагидан ортиқ фойдаланишлар натижасида Орол ҳавзасида экологик вазиятнинг ёмонлашиши, кескин сув танқислигига сабаб бўлди. Ер ва сувнинг шўрланиши аҳоли саломатлигига салбий таъсир қилди. Шунингдек 1960-1970 йилларда унинг сув сатҳи бир йилда 18 см, 1971-1980 йилларда 53 см га, 1985 йилга келиб эса 87 см.га етган эди. 1961 йилдан 1991 йилгача денгиз ҳажми 3 баравар қисқарди, унинг кирғоғи 75-80, баъзи жойларда 100 км.га чекинди<sup>71</sup>. Минтақада экологик ҳолат кескинлашди.

Ўзбекистон мустақиллиги қўлга киритилгандан сўнг, кўни-кўшничилик жамоаси републикамизнинг барча шаҳар ва

<sup>69</sup> Обломуродов Н, Ҳазратқулов А, Толипов Ф ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи (олий таълим бакалавр босқичи талабалари учун ўқув қўлланма). Т., 2011.

<sup>70</sup> Обломуродов Н, Ҳазратқулов А, Толипов Ф ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи (олий таълим бакалавр босқичи талабалари учун ўқув қўлланма). Т., 2011. 267 бет.

<sup>71</sup> Ўша қўлланма. 268-269 бетлар.

қишлоқларида яна ўзининг азалий номи «маҳалла» атамаси билан юритиладиган бўлди. Кўп асрлик тажрибага эга бўлган маҳалла – ўзининг бутун тарихи мобайнида ўз ўрнини саклаб қолди. У ўзини-ўзи ривожлантириш борасида бой тажрибага эгаллиги ва демократик бошқаришнинг энг мақбул шакли эканлиги боис, мустабид тузум йилларида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади.

Бугунги кунда маҳалла шаҳар ва қишлоқларимизда ўзини-ўзи бошқаришнинг кичик бўғини ҳисобланади. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «Ўз-ўзини бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва қадриятларига хос бўлган усули - маҳаллалар тизими сўнгги йилларда жуда катта нуфузга эга бўлиб бормоқда. Улар амалда ўз ваколатларидаги барча ишлар учун масъулдирлар. Зеро, маҳалланинг қўлидан келмайдиган ишнинг ўзи йўқ»<sup>72</sup>.

Шу муносабат билан ҳозирги даврда ўзбек халқининг анъанавий жамоавий ҳаёт тарзи асосларини ва унинг намоян бўлишидаги ўзига хосликларни ўрганиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Демократлаштириш ва янги фуқаролик жамияти қурилиши шароитида халқнинг ўз-ўзини бошқариши ҳамда жамиятни ижтимоий ташкил этишнинг тарихий тажрибаларини тадқиқ этиш ва умумлаштириш илмий аҳамият касб этмоқда.

Маҳалланинг моҳияти ҳақида гапирганда, халқимизнинг миллий менталитети ва унинг ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратиш ўринли. Муайян миллат менталитетининг шаклланиши турли ички ва ташқи таъсирлар натижасида ўзгариб боради. Бунда муайян миллат истикомат қилаётган муҳитдаги ижтимоий-иқтисодий, жуғрофий ва иқлимий омилларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Мамлакатимизнинг текислик, қир-адирлар ва тоғлардан иборат географик ҳудудда жойлашганлиги, иқлимнинг кескин континенталлиги, қаҳратон қишнинг, жазирама иссиқ яъни ёз билан кескин алмашиши, баҳор ва кузнинг шиддат билан келиши ва кетиши миллий менталитетимизга ўз таъсирини кўрсатган. Бу халқимиз феъл-атворида аниқлик ва лўндаликни, тўпорилик, қайноқ меҳрни, қаттиққўллик ва ўзига хос интизомни таркиб топишига сабаб бўлган.

Маълумки Ўзбекистоннинг барча жойларида, айниқса тоғли қишлоқларида табиий булоқлар кўп. Улар табиий бўлгани учун ҳам халқ уларни доимий равишда муқаддас санаб келганлар. Маҳаллий

<sup>72</sup> Ислоҳ Каримов. Биздан овоз ва обод Ватан қолсин. Тошкент., 1996. 281 бет.



аҳоли бундай булоқларга ифлос нарсаларни ташлаш, уларни кўзини беркитиб кўйиш, лойқалатишни ўзига эп кўрмаганлар. Тарихда Марказий Осиёни кўпгина истилочилар босиб олганлар. Улар халқни бўйсундириш учун ана шу булоқларни ифлослашга ҳаракат қилганлар. Шу боисдан тоғ этакларидаги булоқлардан, сув олган халқда эҳтиёткорлик хислатлари шаклланган. Бу халқимизнинг тафаккурида ҳар бир нарсага шубҳа билан қарашни, дуч келган сувни истеъмол қилмаслик «*қатиқни ҳам пуфлаб ичиш*» зарур, деган хислатларни юзага чиқарган.

Халқимиз менталитетига кўра, тоғ халқлари жасур, мард кишилар деб ҳисобланганлар. Улар душманларга ўта мурасасиз, ўз юртини севувчи, оиласи, ўз қишлоғи ва кўрғонини астойдил ҳимоя қилувчи, ўз уруғи, миллати номига доғ туширмайдиган инсонлар ҳисобланганлар. Тоғликларда ўзига хос салобат, вазминлик, узокни кўра олиш, масофани чамалай билиш, об-ҳавони олдиндан айтиб бериш каби хислатлар мужассам бўлган. Зеро, мавжуд ижтимоий муҳит, табиий иқлим шароити уларни ана шундай иш тутишга мажбур қилган. Масалан қишлоқ аҳолисида осмондаги булутни узокдан кўришлари билан унга қараб ёмғир ёғиши ёки ёғмаслигини фарқлай олганлар. Шаҳарликлар булутга камдан-кам эътибор қаратганлар. Бу эса тоғли қишлоқ аҳолиси хулқ-атворида аниқлик ва равшанликни, табиийлик хусусиятларини шакллантирган.

**Маҳаллада аҳолининг этник таркиби.** Ўтмишда маҳаллада яшовчи аҳолининг этник таркиби ҳам турлича бўлган. Бу ерда аҳолининг асосий қисмини маҳаллий, туб жойли ўзбек, тожик, қозок, туркман, уйғурлар ташкил этганлар. Аҳолининг асосий қисмини ўзбеклар ташкил этган. Шу жумладан, бошқа миллат вакиллари ҳам истиқомат қилганлар. Агар тарихий рақамларга мурожаат этилса Н.Аристов томонидан берилган маълумотларга кўра, XIX аср иккинчи ярмида Туркистон ўлкасининг чор Россиясига қарашли ҳудудларида ўзбекларнинг салмоғи 5.79740 кишини, Хива ва Бухоро амирлигида эса 1.257500 кишини, сартлар 628 000 ёки 700 000 тани ташкил қилган<sup>73</sup>. Бу рақам шаҳарликлар мисолида хусусан Тошкент шаҳрида Чор Россияси томонидан аҳолини ялпи рўйхатга олиш маълумотларига кўра, ўзбеклар шаҳарликларнинг - 82,5 фоизни, руслар – 11,4 фоизни, тожиклар, тагарлар, қозоклар, Ўрта Осиё яҳудийлари, арманлар ва бошқалар 6.1 фоизини ташкил этган.

<sup>73</sup> Аристов Н. Заметки об этническом составе тюркских племен и народностей и сведения об их численности // Живая старина. - СПб., 1896. Вып. III и IV. - С. 444.

Туркистон ўлкасида Россия империяси томонидан 1897 йилда ўтказилган биринчи аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра, бутун Ўрта Осиё микёсида олинса, ўзбеклар 35,77 %, қозоқлар ва қирғизлар 44,36 %, тожиклар 6,73%, туркманлар 4,98%, руслар 3,75 %, қорақалпоқлар 2,26 %, бошқа миллатлар 2,15 % ни ташкил қилган<sup>74</sup>.

Йирик шаҳар ва қишлоқлардаги маҳаллаларда ўзбеклар билан бирга бошқа этнос вакиллари ҳам ёнма-ён, ҳатто аралаш яшай келганлар. Хусусан, ўзбеклар зич яшайдиган Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Кўкон, Хўжанд, Кармана, Термиз, Нурота каби шаҳарлардаги маҳаллаларда тожик, туркман, араб, яҳудий, уйғур, лўли (цыган) каби этнослар, этник ҳамда этнографик гуруҳлар биргаликда яшаганлар. Улар орасида сон жиҳатдан кўпчиликни ташкил этувчи халқлар ўзбеклардан сўнг тожиклар бўлиб, улар Республикамининг барча шаҳар ва қишлоқларидаги маҳаллаларда туб-жой аҳоли сифатида рўйхатга олинганлар.

**Руслар** - Туркистон ўлкаси шаҳар ва қишлоқларидаги маҳаллаларга асосан XIX аср иккинчи ярмидан сўнг келиб муқим ўрнаша бошлаганлар. Аммо уларнинг ўлкага қисқа муддатли сиёсий, иқтисодий ҳамда ўлка табиатини, аҳоли турмуш тарзини ўрганиш мақсадларидаги ташрифлари бирмунча олдинроқ бошланган, яъни бу XVII аср биринчи ярмига тўғри келади. Маълумотларга кўра XIX аср охирига келиб ўлкада русларнинг умумий аҳоли таркибидаги салмоғи 1,9% ни ташкил қилган<sup>75</sup>. Кейинчалик Марказий Россиядан ўлкага доимий яшаш учун келаётганлар сони кўпая бошлайди. Шу боисдан Туркистон шаҳарларида европалар яшовчи шаҳар кварталлари ва қишлоқлари ташкил этилади. Жумладан, 1875-йилдан то 1890-йилгача Туркистонга 1300 оила кўчиб келиб, 19 та рус қишлоғи вужудга келади. 1891-92-йилларда Россияда очарчилик кучайган вақтда Туркистонда бу қишлоқлар сони 25 тага етади. 1906 йилга келиб ўлкада 266 000 руслар рўйхатга олинган, яъни улар умумий аҳолининг 4,5 % ни ташкил қилганлар<sup>76</sup>.

Туркистонда доимий яшайдиган рус аҳолисини таркиб топтириш мустамлака сиёсатининг асосий мақсадларидан бири бўлганлиги сабабли, чор Россияси кўчириш сиёсатини амалга

<sup>74</sup> Ата-Мирзаев О, Гентше В, Мургазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. Т, 2011. С 81.

<sup>75</sup> Уша асар 81 бет.

<sup>76</sup> Ата-Мирзаев О, Гентше В, Мургазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. Т, 2011. С 87.

ошириш учун 1896-1906-йилларда 3 млн рубл миқдориди харажат қилади. 1907-йилга келиб бу харажат 13 млн рублга этди. Чоризм ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам унумдор ерларни еропалик деҳқонларга ажратиб беришга ҳаракат қилади ва ер солиқларини ошириб, маҳаллий аҳолини ўз ерларини сотишга мажбур этади. Бундай "бўш турган ерлар" биринчи навбатда ҳарбий хизматдан бўшаган аскарларга, Россиядан кўчиб келаётган деҳқонларга берилади. Ана шундай ўтроқ районлардан тортиб олинган ерлар Сирдарё вилоятида 47.600 таноб, Фарғона вилоятида 75.000 таноб, Самарқанд вилоятида 3000 таноб, Каспий орти вилоятида 7000 танобни ташкил этди.

Россиянинг Марказий қисми, Поволжье, Урал, Волгабўйи худудларидан аҳолининг ёппасига кўчиши асосан 1906-1910 йилларда ўтказилган Столыпин аграр реформаси ҳамда 1891-92-йиллардаги, 1912, 1914 йиллардаги очарчилик ва қурғоқчиликлар билан ҳам боғлиқ. Гарчанд ўлкада алоҳида рус қишлоқлари ва шаҳарларда даҳалар ташкил топган бўлсада, кўчириб келтирилган аҳолининг талай қисми қишлоқларга жойлаштирилган. Биргина Фарғона областида 1907 йилда 24 346 та шарқий славян миллатига мансуб аҳоли яшаган бўлса, шаҳарларда уларнинг сони 14 722 та бўлган, Тошкент уездининг ўзида 1917 йилга келиб 28 та рус қишлоқлари мавжуд бўлган<sup>77</sup>. Аҳолининг яна талай қисми Семиречинск ва Сирдарё областлари қишлоқларига жойлаштирилган, 1913 йилга келиб Сирдарё областида уларнинг сони тахминан 161 861 тани ташкил қилган<sup>78</sup>.

Бухоро ва Хива хонликларида уларнинг тарқалиши бирмунча бошқачароқ. Ушбу худудларда уларга алоҳида имтиёзлар берилгани боис, кўчириб келтирилган аҳоли асосан саноатда ва ўлка бошқарувида фаолият олиб борганлар. Ўлкада темир йўл қурилиши аҳолини ўлканинг ғарбий худудлари, хусусан янги ташкил этилган Чоржўй, Янги Бухоро шаҳарларидаги маҳаллаларга жойлашишларига имкон берган. Ушбу шаҳарларда ҳам алоҳида кварталлар ташкил этилган бўлсада, улар туб жой аҳоли яшовчи маҳаллаларга бемалол ўтиш имкониятига эга бўлганлар. 1917 йилга келиб Бухоро амирлигида русларнинг сони 50 минга яқинлашган<sup>79</sup>.

<sup>77</sup> Фомченко А.П. Русские поселения в Туркестанском крае в конце XIX – в начале XX века (Социально-экономический аспект).-Ташкент.-1983.-С. 63,71.

<sup>78</sup> Пален К.К. Отчёт по ревизии Туркестанского края. Сельское управление: Русское и туземное. – Часть II. Отдел I. Спб., 1911. С. 27.

<sup>79</sup> Фомченко П. Русские поселения в Бухарском эмирате.-Ташкент, 1958.-С.13-14.

Биринчи жаҳон уруши ўлкадаги этник ҳолатга ҳам таъсир қилмасдан қолмаган, албатта. Уруш бошланиши муносабати билан Чор армиясига ёппасига сафарбарлик туфайли рус миллатига мансуб аҳолининг ўлкага миграцияси бирмунча камайган. Аммо аҳолининг маълум қисмининг ўлкага мобилизация қилиниши туфайли 1914 - 1916 йилларда 264, 4 киши Туркистонга вақтинча кўчирилган<sup>80</sup>.

Шунингдек иккинчи жаҳон уруши йиллари ва ундан сўнг маҳаллаларга аҳолининг муттасил кўчиши ортган. Хусусан уруш йилларида Ўзбекистонга 1 млндан ортиқ киши, асосан шарқий славянлар, руслар, украинлар, белоруслар вақтинча эвакуация қилинган. Кўчирилган халқлар кейинчалик депортация қилинган халқлар ҳисобига ортган. Жумладан Ўзбекистонга Қримдан-151604 қрим татарлари, Грузиядан-110 мингга яқин месхети турклари, Шимолий Кавказдан 20 мингдан ортиқ ингуш, 4,5 минг арман ва греклар кўчириб келтирилган. Аммо улар уруш тугагандан сўнг бу ерда доимий яшаш учун қолиб кетганлар. Ўзбек халқи уларга ҳақиқий бағрикенгликни намойиш этди.

**Украинлар** – XX аср бошларида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига украин деҳқонлари кўчиб кела бошлаганлар. 20—30-йилларда кенг иқтисодий, маданий ва илмий алоқалар йўлга қўйилади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Украинанинг немис фашистлар босиб олган ҳудуд аҳолиси Ўзбекистонга эвакуация қилинди. Украинанинг бир қанча саноат корхоналари, ташкилот ва муассасалари Ўзбекистонга кўчирилди. Бу ерга келган кўпгина фан ва маданият арбоблари маданий ҳаётда фаол қатнашдилар<sup>81</sup>. XX асрнинг 20-йилларида собиқ совет Украинасида украинлаштириш сиёсати ўтказилади. Бироқ 20-йилларнинг охири — 30 йилларнинг бошларида бу сиёсат тўхтатилди. Украина миллий зиёлилари оммавий қатағон ва қиргин қилина бошланди. 20-асрнинг 30—40-й.лари Украина тарихидаги энг фожиали йиллар бўлди. 1921 - 23, 1932 - 33, 1946 - 47 йилларда Украинада ҳам очарчилик ҳукм сурди, украинлар оммавий равишда Сибирь, Олтой, Узоқ, Шарққа Қрим аҳолисининг бир қисми — Қрим татарлари 1944 й. Ўрта Осиёга сургун қилинди. Биргина иккинчи жаҳон урушининг бошида, яъни 1941 йилнинг ноябр ойи давомида Украинадан Ўзбекистонга 54.29 нафар (жумладан, Одесса областидан -9508, Киевдан- 7528, Днепропетровскдан -4238, Харьковдан -3490,

<sup>80</sup> Ата-Мирзаев О, Гейтшке В, Муртазаева Р. Ўзбекистон многонациональный: историко-демографический аспект. Т, 2011. С 89.

<sup>81</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 2008.

Винницқдан -2810, Житомирдан -2082 киши) киши эвакуация қилинган.

**Араблар** - нуфузи жихатдан араблар ҳам азалдан йирик шаҳарлар ва уларнинг атрофларидаги маҳаллаларда зич яшаб келганлар. Р.Ражабовнинг қайд этишича, Самарқанд ва унинг атрофларидаги қишлоқ маҳаллаларида арабларнинг сони бошқа ҳудудларга қараганда анча кўп бўлган. Хусусан, XIX аср 70-йиллари иккинчи ярмида улар 2 минг кишига яқин бўлган. Л.Н. Соболевнинг маълумоти асосида улар 10 мингдан ошиқроқ деб кўрсатилади.

Р.Ражабов Л.Н. Соболев ва 1820 йилда Бухорога саёҳат уюштирган Мейендорфнинг фикрини ўз мақоласида маъқуллаб қуйидагини қайд этади: “Араблар қишлоқларда яшайдилар, бир қисми эса Бухоро шаҳридаги маҳаллаларда яшайдилар. Айрим араблар кўчманчи, шунингдек ярим кўчманчи, Термиз йўналиши ва Қарши атрофларида кўчиб юрадилар. Уларнинг чўлларда боқиб юрадиган қўйлари борки, бу савдо-сотикда муҳим бўлган машҳур барра териларини етказиб бериш манбаи ҳисобланади<sup>82</sup>”

Тарихдан аёнки, шаҳар ва қишлоқлардаги маҳаллаларда арабларнинг тарқалиши турлича бўлган. 1926 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра Фарғона водийсидаги маҳаллаларда араб этник жамоасига мансуб 2128 нафар аҳоли рўйхатга олинган<sup>83</sup>. Изланишлар натижаларига кўра араблар зич яшаб келаётган маҳаллалар Бухоро, Самарқанд, Каттақўрғон, Кармана, Олот, Қоракўл, Термиз, Қарши, Косон, Қамаши ва улар атрофларида жойлашган.

**Яҳудийлар** - Ўзбекистоннинг кам сонли аҳолиси ҳисоблансаларда, минтақанинг азалий аҳолиси таркибига кирганлар. Уларнинг Ўрта Осиё, хусусан Зарафшон воҳасининг Самарқанд, Бухоро шаҳарлари маҳаллаларига келиб жойлашишлари бундан тахминан 2 минг йилча олдин содир бўлганлиги тарихий манбаларда қайд этилади. Маҳаллаларда Бухоро яҳудийларининг кўпчилик қисми хунармандчилик билан шуғулланганлар. Айниқса улар мато ва ипакни рангга бўяш билан машғул бўлганлар, бу *кабудгари* деб аталган. Улар бошқа миллат вакиллари билан ёнма-ён яшаб келган бўлсаларда, ўзларининг алоҳида жамоаларини ташкил қилганлар. Улар «*калонтар*» лар томонидан бошқарилган.

<sup>82</sup> Ражабов Р. Ўзбекистон арабларини социологик ўрганиш тарихидан. // Республика ёш олимлари илмий конференцияси тезислари тўплами. Т., 2003. 137 бет.

<sup>83</sup> Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар. Т., 2005 34 бет.

Туркистон Чор Россияси томонидан босиб олинган, яҳудийлар Бухоро ва унинг атрофларидан бошқа ҳудудлар, асосан катта шаҳарлардаги маҳаллаларга келиб жойлаша бошлаганлар. Жумладан, уларнинг катта қисмининг кўчиш ва жойлашиш ҳудудлари Кармана, Каттакўрғон, Қарши, Хисор, Душанбе, Чоржўй, Марв, Тошкент, Фарғона водийси, Ўш, Чимкент, Туркистон каби шаҳарлар бўлган.

Этнолог олим У. Абдуллаевнинг қайд этишича, XX аср бошларида Фарғона водийсида 3100 нафардан кўпроқ яҳудий (жўхит) лар яшаган бўлиб, уларнинг аксарияти водийнинг Кўкон (1 029 нафар), Андижон (721 нафар), Эски Марғилон (652 нафар), Янги Марғилон (188 нафар), Наманган (212 нафар), Ўш (46 нафар) шаҳарларида истиқомат қилганлар. Ушбу шаҳарларда ҳатто алоҳида “жўхит (яҳудий) маҳаллалари” бўлган<sup>84</sup>.

Ата–Мирзаев О, Гентшке В, Муртазаева Р лар томонидан ёзилган «Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект» монографиясида XIX аср охирида уларнинг умумий аҳоли таркибидаги салмоғи бор йўғи 2% ни ташкил этган<sup>85</sup>

**Лўлилар** - шаҳар ва қишлоқларда яшовчи лўлилар маҳаллаларда тиланчилик қилиб, дарбадар ҳаёт кечирганлар. Улар Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Термиз, Кўкон, Марғилон, Хўжанд каби шаҳарларда нисбатан зич тарқалганлар. 1970 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотларида улар 11,302 га яқин эканлиги қайд этилган<sup>86</sup>. Жумладан Фарғона водийси ҳудудида 1907 йилда 781 нафар лўлилар рўйхатга олинган. Шундан Андижонда 195 нафар, Кўконда 150 нафар, Скобелевда 69 нафар, Ўшда 12 нафар, Эски Марғилонда 6 нафар лўлилар истиқомат қилганлар<sup>87</sup>.

Лўлилар доимо кўчманчилик асосида дарбадар тирикчилик қилган бўлсаларда, уларнинг доимий турар-жойлари илк бор XIX асрнинг ўрталарида Ўрта Осиё шаҳарларидаги маҳаллаларда пайдо бўла бошлаган. Фарғона водийси ҳудудида бундай лўли маҳаллалари даставвал Андижон ва Кўкон шаҳарларида ташкил топган<sup>88</sup>. Уларнинг баъзи гуруҳлари шаҳарларда ўтроқ ҳаёт кечириб, асосан

<sup>84</sup> Абдуллаев У. Ўша жойда.

<sup>85</sup> Ата–Мирзаев О, Гентшке В, Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. Т, 2011. С 83.

<sup>86</sup> Стахонов Ш. Лўлиларнинг Ўрта Осиёга кўчиб келиш тарихидан.// Ўзбекистон тарихи. № 1. 2005. 53 бет.

<sup>87</sup> Абдуллаев У. Ўша асар. 32 бет.

<sup>88</sup> Назаров Х.Х. Современное этническое развитие среднеазиатских цыган (люли). // Этнические процессы у национальных групп Средней Азии и Казахстана. М., С 169.

хунармандчилик билан машғул бўлганлар. Лўли (жўги, мўлтони) лар маҳаллама-маҳалла юриб, тиланчилик, фолбинлик, табиблик ва қисман заргарлик билан шуғулланганлар. Мазанглар гуруҳи эса майда савдогарлик ва атторлик билан, товоқтарошлар эса ёғочдан турли буюмлар яшаш билан машғул бўлганлар.

Умуман лўлиларнинг Ўрта Осиё шаҳар - қишлоқларидаги маҳаллаларга кўчиб келиб жойлашиши (миграцияси) нинг энг қизгин палласи X-XI асрларга тўғри келади. Тадқиқотчи Х. Назаровнинг қайд этишича мўғуллар истилоси даврида бир мунча тўхтаб қолган лўлиларнинг кўчиши, Амир Темур ва темурийлар даврида яна жонланган. Амир Темур ва темурийлар даврида Самарқандда лўлиларнинг алоҳида маҳаллалари бўлган<sup>89</sup>. Шаҳар ва қишлоқларга келиб ўрнашган, асосан тиланчилик ва дарбадар турмуш кечирувчи лўли ва лўлисифат гуруҳлар маҳаллий халқлар тилида *лўли, жўғи, мўлтони, мазанг, товоқтарош, соғутарош, озача* номлари билан тилга олинади.

**Маҳалла бошқаруви тарихидан.** Маҳалланинг тузилиши, маъмурий бошқарув тизими ўтмишда ўзига хос бўлган. Маълумки шаҳар ва қишлоқларда маҳаллага халқ орасидан сайлаб қўйилган **оқсоқол** бошчилик қилган. Унга масжид имоми, мироб, кайвони, айрим шаҳарларда эса дастурхончилар кўмак берганлар. Шаҳарда маҳалла маҳкамасида **мирза** (котиб), **қоровул**, **мироб**, **хазиначи** каби кичик даражали мансабдорлар хизмат қилганлар. Маҳаллада жамоа бошлиғи, оқсоқол қилиб кўпинча бой бўлмаган, ўртаҳол катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, ҳурматли кишиларни сайлаганлар. Улар фуқаролар орасида ҳурмат-эътиборга эга бўлиши ва шаҳар йиғинида, маҳалла, даҳа судида аҳоли манфаатларини муносиб равишда ҳимоя қилишлари лозим бўлган.

Азалдан маҳалла раиси, яъни оқсоқол тайинлаш орқали эмас, балки халқ томонидан сайлов орқали, жамоада ўзига хос обрў-эътибор қозонгани учун сайланган. Айрим ҳолларда маҳаллалар яна ҳам каттароқ ижтимоий уюшма *«роат»* ларга бирлашганлар. Бундай уюшмалар Бухоро амирлигининг барча бекликларида бўлган<sup>90</sup>.

Агар манбаларга мурожаат этилса, адолатли жамият ҳақидаги қарашлар ва амалий фаолият, шунингдек, комил инсонни тарбиялаш, адолатпарварлик, инсонпарварлик ҳақидаги ғоялар муҳим ўрин тутган. Ўша кезларда жамиятда қонун устуворлигига эришиш,

<sup>89</sup> Ўша мақола. 48 бет.

<sup>90</sup> Соловьёва О.А. Линки власти блогородной Бухары. – Спб., 1998. – С. 49-50.

жамиятни шахс томонидан эмас, қонун бошқариши каби илк белгилар намоён бўла бошлаган. Хусусан, Абу Наср Форобийнинг "Фозил одамлар шаҳри" асарида мамлакатни бошқаришда адолатли қонун зарурлиги, фаол жамиятни шакллантириш моҳияти чуқур таҳлил этилган. Қонунлари мукамал бўлган мамлакатда адолат, инсон ҳуқуқлари устувор бўлиши муқаррар эканлиги баён қилиб берилган<sup>91</sup>. Форобийнинг фикрича "Шаҳар (мамлакат) аҳолиси хушхулққа эга бўлмаган тақдирда ҳокимиятга эҳтиёж туғилади", жиноятчилик, безорилик, қонунбузарлик қонунлар заиф, аҳоли ахлоқий, маънавий жиҳатдан баркамол бўлмаган шароитга тушади. Бундай халқни тартибга чақириш учун кучли таъсир ўтказувчи маҳаллий ҳокимият керак бўлади.

Абу Наср Форобий фозил давлат, адолатпарварлик, тенг ҳуқуқлилиқ ҳақидаги фикрларида одамлар, аввало тинч-тотувликда яшашлари лозимлигини таъкидлайди, «Одамларга нисбатан уларни бирлаштириб турувчи ибтидо-инсонийликдир, шу туфайли одамлар одамзот туркумига оид бўлганлиги учун ҳам ўзаро тинчликда яшашмоқлари лозим»<sup>92</sup>. Шунингдек, Аҳмад Югнакий<sup>93</sup>, Юсуф Хос Хожиблар<sup>94</sup> ўз давридаги одил бошқарувнинг сиёсий-иқтисодий тизимини таърифлаб, кишиларнинг жамият тараққиётидаги ўрни ва роли, ўзаро алоқалари, бурч ҳамда вазифаларини баён этади. Бу каби ғоялар Ибн Сино, Беруний, Хоразмий, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа алломалар томонидан ҳам илгари сурилган.

Амир Темур ва темурийлар даврида ҳам, маҳаллий бошқарув ўзига хос бўлган. Амир Темур давлат тизимини мустаҳкамлашга, майда ва тарқоқ феодалликларни бирлаштиришга ҳаракат қилган ва шу аснода адолатли жамият барпо этишнинг ўзига хос кўринишини яратган<sup>95</sup>. Одил жамиятни барпо этишнинг муҳим кўринишларидан бири сифатида Амир Темур «Буюрдимки, агар (хар ер ва элнинг) амалдорлари ва калонтарлари оддий фуқарога жабр-зулм қилса ва шу орқали бечораларга зарар етказган бўлса, (бундай вақтларга) етказилган зарарни калонтарлардан ундириб, жабр кўрганларга берсинлар, токи улар яна ўз ҳолларига келсинлар»<sup>96</sup>, дея эътироф этади.

<sup>91</sup> Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. -Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 1993. -Б. 160.

<sup>92</sup> Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. -Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 1993. -Б. 160.

<sup>93</sup> Югнакий А. Ҳиббатул-хақоийк. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. -316 б.

<sup>94</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Қўтағу билик. -Т.: Фан, 1972. -327 б.

<sup>95</sup> Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. -Т.: Ҷулпон, 1993. -483 б.; Алишер Навоий. Ҳайратул Аброр. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. -452 б.

<sup>96</sup> Амир Темур. Темур тузуқлари. -Т.: Наврўз, 1996. -81 б.



Амир Темур салтанатни бошқаришида учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тузук асосида бошқарди<sup>97</sup> деган фикрлари умуминсоний демократик ва миллий кадриятлар тушунчасининг илдиэларини ташкил этади. Бинобарин бирон-бир жамият маънавий имкониятларини одамлар онгида маънавий ва ахлоқий кадриятларини ривожлантирмай, ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди.

XVI-XIX асрларда Ўрта Осиёда мавжуд ижтимоий тузум ва шарт-шароитларнинг ўзгариши, ўлка жамиятини ўша давр шарт-шароитларига мослашишга мажбур этди. Бу давр Ўрта Осиё халқлари тарихида минтақада шаклланган Бухоро, Хива, Қўқон хонликлари ҳукмронлик қилган даврлар ҳисобланади. Бу даврда ўлкада ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ўзига хос шакли – ер эгаллиги тобора кучайган, давлатлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт нотекис кечган, ўзаро табақавий курашлар, ҳарбий низолар олдинги даврларга қараганда нисбатан кўпроқ содир бўлганлиги билан ҳам характерланади. Ўша давр ижтимоий муносабатлари гарчанд жамиятда бирмунча парокандаликлар юз берган бўлса-да, Мирзо Улуғбек, Захириддин Муҳаммад Бобур каби алломалар ижодида муҳим рол ўйнади<sup>98</sup>.

XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон жамияти ривожига жадиждлар ва тараққийпарвар зиёлилар фаолияти аҳолининг ўз элини бошқариш ва унинг тақдирини ҳал қилишда етакчи марраларни эгаллашга бўлган интилишининг натижаси эди. Жумладан ушбу масалалар Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Махмудхўжа Бехбудий, Абдулла Қодирий каби алломалар, ёзувчи ва шоирлар ижоди марказида эди. Чор Россияси мустамлакачилигига қарши ҳаракатларнинг миллий мустақиллик манфаатларини ҳимоя қила оладиган, иқтисодий-сиёсий қарамлик ва қолоқликдан чиқиш муаммоларини биладиган замонавий билимга эга саводли кадрлар бўлиши зарурлигини таъкидлаб, «Ислоҳни мактаб ва мадрасалардан бошлаш зарур, чунки миллат ҳаёти таълим-тарбия билан белгиланади»<sup>99</sup>, дейди. Мамлакат тақдири оилавий муносабатларга ҳам боғлиқ экани таъкидланади, «Миллатнинг тақдири мана шу миллат вакиллари яшаган оиланинг ҳолатига боғлиқдир... қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча

<sup>97</sup> Темур Тузуқлари. -Т, Ғофур Фулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991, 57-бет.

<sup>98</sup> Захириддин Муҳаммад Бобур. "Бобурнома". Т., 1989. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. -Т.: Чўлпон, 1993.

<sup>99</sup> Бехбудий Махмудхўжа. Танланган асарлар. -Т.: Маънавият, 1999.- Б. 228.

кучли ва тартибли бўлади»<sup>100</sup>. Улар фаолияти ўша даврда Туркистонда фаолият кўрсатган “Умид”, “Тараққийпарвар”, “Шўрои исломия”, “Шўрои уламо” каби миллий жамият ва иттифоқларнинг ташкилотчилари номлари билан боғлиқ. Улар миллатни ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш, Туркистон жамиятини мустақил бошқариш ғояси асосида жипслаштиришга уриндилар.

Мазкур эркинпарвар кучлар XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошларида чоризмга, мустамлакачиликка қарши барча миллий-озодлик ҳаракатларининг таянчи бўлди.

Хонликлар даврида аҳоли пунктлари беклик, унга бўйсунувчи аминлар, мингбошилар, юзбошилар томонидан бошқарилган. Чор Россияси ҳукмронлиги даврида эса вилоятлар, уездлар, волостлар, ва уларга бўсунган кишлоқ жамоалари, шаҳарларда эса маҳаллаларга бўлинган. Маҳалла маҳкамасида **оқсоқол, кўрбоши, мироб, ариқ оқсоқоли, қози, миршаб** лавозимлари бўлган<sup>101</sup>. Юзбошилар мингбошиларга бўйсунган, улар тасарруфида элликбоши ва ўнбошилар фаолият кўрсатганлар. Шаҳар ва кишлоқларда ҳам маълум ҳудудий уруғ-жамоаси ёки кишлоқ жамоасига **ўнбоши, юзбошилар** бошчилик қилганлар. Бундай бошқарув тизими аксарият кишлоқ жамоаларида мавжуд бўлган.

Юзбоши ва унинг ёрдамчилари жамоада бошқарувни ташкил этганлар, маҳалладаги барча жамоат ишлари, жумладан оилавий-турмуш маросимлари, халқ йиғинларини бошқарганлар. Демак, қўшничиликда муҳим рол ўйнаган маҳалла шаклланиши ва бошқарув тизими узоқ ўтган давр мобайнида фақат шаҳар учун хос ҳудудий бирлик эмас, балки кишлоқ аҳолиси турмуш тарзининг ташкилий шакли бўлган.

Ўтмишда маҳалла оқсоқолига катта ҳуқуқ ва ваколатлар берилган. Жумладан, мулкий ва оилавий муносабатларни назорат қилиш, қозининг баъзи ҳукмларини ижро этиш, айрим солиқларни йиғиш, сув ҳавзалари, маҳалла озодлигини таъминлаш, маҳалла ёсойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш, оилавий низоларни ҳал этиш, маҳалла ҳудудидаги савдо расталари ишини назорат қилиш ва бошқалар шулар жумласидандир. Оқсоқолнинг обрўси ва мавқеи айниқса оилавий маросим ва тадбирларни бошқаришда кўринган. Унинг маъмурий функцияси жамоа доирасидан чиқишга ҳам мажбур

<sup>100</sup> Фитрат Абдурауф. Раҳбари нажот. -Т.: Шарқ, 2000. -176 б.

<sup>101</sup> Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края. Сельское управление: Русское и туземное. - Спб., 1910. С. 86-88.

этган. У давлат ҳокимиятининг маҳалладаги вакили сифатида ўзини намойиш этган, жамоа аъзоларининг умумий фикри асосида иш юритган.

Оқсоқолларнинг роли оилавий тадбирлар, дафн маросимларига раҳбарлик қилиш, ҳашар, турли йиғинларни уюштиришдан иборат бўлган. Оқсоқоллар нафақат маданий-маиший тадбирларни умумий назорат қилганлар, балки уларга бўйсунувчи ҳудудларда уларга бошқа ваколатлар ҳам берилган. Улар қишлоқда суғориш ишларини (мироблар фаолиятини) назорат қилган, бек ёки волость бошқарувчисидан кейинчалик коллективлаштириш даврида эса колхоз раисидан зарур вазифалар олиб турганлар. Бозорлар, маҳалла гузарлари, масжидлар, мадрасалар ишини назорат қилганлар, маҳалла, тозалигига эътибор берганлар, одамларни ҳосил йиғим-теримига жалб этганлар.

Маҳалла раиси беклик, хонлик хазинасидан маош олган. Уларнинг иш вақти чегараланмаган. Ҳар бир оқсоқол маълум бир маҳаллани бошқарган, ҳар бир жамоанинг ўз ҳудуди ва маъмурий бошқарув тизими бўлган. Ўрта Осиё Чор Россияси томонидан босиб олингач, XX асрнинг 20 йилларигача қишлоқ жамоалари волостлар ва улар орқали уезд бошқарувчилари тасарруфида бўлганлар<sup>102</sup>.

Дашт, адир минтақаларида яшовчи ярим кўчманчи аҳолиси овул жамоаларига бўлинган. Жамоа оқсоқоллари волость бошқарувчиси ва улар орқали уезд бошқарувчиларига бир йилда бир марта ҳисоб бериб турганлар<sup>103</sup>. Бундай катта-кичик бир неча қишлоқ оқсоқолликларни оқсоқол ёки амин, ярим кўчманчи овул жамоаларини эса элбеги бошқарган<sup>104</sup>.

Шуни қайд этиш зарурки, XX аср 30 йилларигача қишлоқ оқсоқолининг фақатгина хўжалик ишларигагина бек ёки волость бошқарувчиси аралашган холос. Уларнинг бошқа фаолиятига ўринсиз ҳеч қандай ваколатли орган, жумладан солиқ, суд (қозилик маҳкамаси), миршаб ва бошқа мансабдорлар аралаша олмаганлар. Чунки, оқсоқол ўз мансабига ҳукумат аъзоларининг қўллаб-қувватлаши билан эмас балки, оддий халқнинг ишончи билан эришган. Шу боис О.А.Соловёва «Анъанавий ўзбек жамиятининг бошланғич ижтимоий бўғини жамоа оқсоқоли ўз вақтида давлат

<sup>102</sup> Материалы по районированию Средней Азии... – С. 253-265.

<sup>103</sup> Арандаренко Г.А. Значение власти аксакалов в отдалённых кишлаках // Туркестанские ведомости. 1872. № 25.

<sup>104</sup> Список населённых мест Самаркандской области... – Б. 74. Яна қаранг: Материалы по районированию Средней Азии... – С.13-51.

ҳокимиятининг маҳаллий вакили ва оддий халқ ўртасидаги асосий воситачидир» – дея қайд этади<sup>105</sup>.

Шаҳарда маҳалла аъзолари бажарадиган юмушлари, касб-кори, жамоадаги мавқеи, қайси этник ёки ижтимоий қатламга мансублигига қараб маҳалланинг маълум ҳудудида яшаганлар. Шаҳарда яшовчи аҳолининг асосий машғулоти хунармандчилик, савдогарлик бўлсада, шаҳар атрофида ўз ерига эга аҳоли учун деҳқончилик ёрдамчи соҳа ҳисобланган. Шаҳарда яшовчи хунармандлар касб-корларига қараб шаҳар маҳаллаларида жойлашганлар. Хусусан, **нонвойлар** **нонвойлар** маҳалласида, қассоблар **қассоблар** маҳалласида, ип йигирувчилар **дукчилар** маҳалласида, ёғочсоз ва ўймакорлар **устакорлар** маҳалласида, кулоллар **Кўзагарон** маҳалласида, кигиз, гилам, алача тўқувчилар **Наматзано** маҳаллаларида яшаганлар. Шаҳарда одамлар этник, ижтимоий жиҳатдан аралаш яшасаларда, гўрковлар, ғассоллар маҳалласи алоҳида бўлган. Бундай маҳаллалар Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хива, Хўжанд, Термиз, Нурота, Қўқон каби шаҳарларда мавжуд бўлган.

Маҳалладаги хунармандлар жамоаси **қасабалар** (қасаба) га уюшганлар, қасабага ҳам оқсоқол бошчилик қилган. Шаҳарларда қасабалар шаҳарларнинг турли ҳудудларида жойлашган. Улар деҳқон ва чорвадорларни хунармандчилик маҳсулотлари билан таъминлаб турганлар. Бундай алоқалар аҳолининг хўжалик-савдо алоқаларида муҳим омил бўлиши билан бирга, аҳоли уюшқоқлигига ижобий таъсир қилган<sup>106</sup>.

Шаҳрларда XX аср бошларида маҳалла жамоасини бошқаришда маҳалла раиси қасаба оқсоқоли билан биргаликда иш юритган. Ҳар бир қасабанинг ўз низоми (*рисола*) ва жамғармаси бўлган. Жамғарма маблағи, қасаба эҳтиёжидан ташқари, камбағал оилалар эҳтиёжи, хайр-садақа ишлари учун ҳам сарфланган. Қасаба оқсоқоли маҳаллада нафақат хунарманд аҳоли турмуш тарзидан хабардор бўлган, балки бошқа ижтимоий қатламга мансуб аҳоли хусусан, савдогарлар, диний уламолар фаолиятини ўнбоши, юзбошилар билан маслаҳатлашиб иш олиб борган.

Хайрия ҳамда хўжалик ишлари маҳалла масжиди билан ҳамкорликда олиб борилган. Хайрия пуллари асосан маҳалладаги ўзига тўқ бой-бадавлат оилалар, кичик корхоналар (тегирмон,

<sup>105</sup> Соловьёва О.А. Линки власти блогородной Бухары ... – С. 74.

<sup>106</sup> Шаҳрдаги маҳаллаларда XX аср бошларида хунармандларнинг алоҳида уюшмаси фаолият кўрсатган, улар «қасаба» деб аталган.

жувозхона, жун, ип йигириш цехлари) эгаларидан тўпланган. Маҳалла оқсоқоли ва масжид мутаваллиси маҳалладаги кам таъминланган оилаларга, етим болалар, бева аёллар ва кўп болали хонадонларга кириб ҳайит байрамларида ҳайитлик (танга, кийим-кечак, мато, бугдой, совун) тарқатганлар. Ҳайит ва жума кунлари дошқозонларда таом (шавла, гўжа, атала) тарқатилган. Қариндош-уруғ жамоа кўмагидан ташқари камбағалларнинг дафн маросимлари ҳам маҳалла жамғармасидан таъминланган.

Шаҳар ҳамда қишлоқларда маҳаллаларнинг хон ва бекликка ҳамда чор ҳукуматига, кейинчалик 20-30 йиллардан бошлаб собиқ совет ҳокимиятига деярли оғирлиги тушмаган. Чунки у ўзини-ўзи бошқарган, ўзини-ўзи таъминлаган. Ўзини-ўзи таъминлаш ва бошқариш тартиби одамларнинг вақтини тежашларида, маҳалла билан янада жипслашишларида, оилавий маросимларни ҳамжихатликда ўтказишларида катта аҳамият касб этган.

Қишлоқда ҳам шаҳарда ҳам жамоа аъзолари уюшқоқлигининг яна бир муҳим кўриниши кўни-кўшнилар, қариндош - уруғлар орасида таркиб топган «*маслаҳат кенгаши*» ҳисобланган. Оила ва маҳалла аъзоларининг хўжалик турмуши, оилавий ҳаётига оид масалалар жамоа характеридаги муаммо ҳисобланган. Маслаҳат кенгашда қариндош-уруғлар ва жамоа аъзоларининг қатнашуви, маълум масалаларни муҳокама ва ҳал қилиш учунгина эмас, балки маҳалла доирасидаги талбирларда моддий харажатларнинг маълум қисмини қоплаш учун ҳам зарур бўлган. Мазкур харажатлар маслаҳат оқсоқоллари томонидан ўзаро келишув асосида назорат қилинган. Бу оила-маҳалла ўртасидаги ўзаро алоқани мустақамловчи воситалардан бири бўлган.

Маслаҳат кенгашда муҳокама этилган масалалар жамоада нафақат эркакларнинг маълум вазифа ва функцияларини характерлайди, балки аёлларнинг ўрнини ҳам яққол намоён этади. Бундай уюшқоқликни таҳлил этар эканмиз, уларнинг умумий бирлашуви учун маълум эҳтиёж ёки зарурат мавжуд эканлигини англаймиз. Маҳаллада аёлларнинг бундай ўзаро уюшмасига *кайвони* бошчилик қилган. У аёллар орасидан сайланган ҳамда маросимларни бошқариб турувчи, жамоада обрў-эътиборга эга мансабдор ҳисобланган. Кайвони *дастурхончи* билан биргаликда фаолият кўрсатган. Баъзи ҳолларда дастурхончилар оилавий тантаналардан ташқари беклик, хон ёки амирлик саройида масъул вазифаларни ҳам бажарган.

Кайвони қишлоқ жамоасида ва шаҳарда маҳалланинг эътиборли лавозимларидан саналиб, одатда бой-бадавлат аёллар орасидан эмас, балки жамоатчи, ташаббускор, диний илмдан хабардор аёллар орасидан сайланган. Сайлов одатда маҳалла гузаридида масжид имоми, қишлоқ ва қасаба оқсоқоли иштирокида ўтказилган. Агарда масала тортишув, баҳс даражасига етадиган бўлса, бек ёки қозининг сўнги ҳукмига амал қилинган.

Кайвони жамоадаги асосий юмушлар, айниқса аёлларнинг хулқ-атвори, ўзаро олди-бердилари, анъанавий ҳашарлар, ўтиришлар, ҳатто дала юмушларидаги ўрнини ҳам назорат қилган. Шу боис бундай мансаб эгаси Н.П. Лобачёва қайд этганидек – «нафақат масалаларни умумий муҳокама этишда қатнашган балки, жамоа орасида оилавий маросимларни ташкил этиш, уни ўтказиш, зарур вазифаларни тақсимлашда ҳам ҳал қилувчи овозга эга бўлган»<sup>107</sup>.

Аёллар орасидаги анъанавий ҳашар ва йиғинлар ҳам ижтимоий характерга эга бўлиб, бундай тадбирлар кайвони мавқеини яна бир бор оширган. Анъанавий аёллар ҳашари барча оилаларда улар қандай ижтимоий ёки этник қатламга мансублигидан қатъий назар бирдек ўтказилган. Гап-гаштаклар эса асосан шаҳарларда ўзига тўқ, бой-бадавлат аёллар орасида ўтказиб турилган. Бундай уюшмалар қайси оилада ўтказилишидан қатъий назар албатта жамоа кайвониси тақлиф этилган. Агар маълум сабаб билан кайвони йиғинда қатнаша олмаса, маҳалла дастурхончиси иштирок этган. Хоразмда худди шундай вазифани бажарувчи киши *ходим* деб ағалган<sup>108</sup>.

Ўзбеклар ҳаётида жамоанинг ўрнини таҳлил этиш шундан далолат бермоқдаки, ўзаро кўни-кўшничилик муносабатларига тарихан шаклланган ўзаро қон-қариндош яқинлик, миллий менталитетимизга, урф-одатларимизга хос анъаналар, патриархал муносабатлар ҳам таъсир кўрсатган. Хусусан, миллий менталитетимизга хос анъаналарга риоя этиш баробарида жамоада қатта оила бошлиғининг, ота-онанинг ёки жамоадаги бой-бадавлат кишининг кўрсатмаси жамоа оқсоқолининг йўл-йўриқ ва кўрсатмасидан ҳам муҳимроқ ва ҳатто ҳал қилувчи овозга эга бўлган.

Маҳаллада уларнинг айтганларини бажариш ҳар бир аъзоси учун бурч ҳисобланган. Бунинг мазмун ва моҳияти таҳлил этилса ижобий ҳолдек кўринсада, ўзига хос салбий ҳолатларни ҳам намоён

<sup>107</sup> Лобачёва Н.П. Что такое свадебный обряд? // ЭО. 1995. № 4. С. 56.

<sup>108</sup> Абашин С.Н Социальные взаимоотношения в современном узбекском кишлаке... С. 20; Лобачёва Н.П. Что такое свадебный обряд? ... – С. 56.

этган албатта. Миллий менталитетимизга хос хусусиятларнинг бундай кўринишлари барча даврларда ҳам одамларда ҳамма нарсага рози бўлиб кетавериш, тақдирга тан бериш, ўз манфаати ёки ўз қариндоши манфаатини биринчи ўринга қўйиш, тарафкашлик каби салбий ҳолатларни шаклланишига ҳам олиб келган. Шу боис, бугунги кунда миллий менталитетимизга хос талай кадриятларни сақлаб қолган ҳолда, уларни жаҳон миқёсида кечаётган сиёсий, иқтисодий, ахборот соҳаларидаги жараёнлар, умуминсоний кадриятлар билан уйғунлаштиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекларга хос жамоатчилик хусусияти аҳолининг нафакат ўтроқ турмуш тарзида яшовчи қисмида, балки чорвачилик билан шуғулланган гуруҳлари учун ҳам хос хусусият бўлган. Хусусан Қизилқумга туташ ҳудудларда **овул жамоалари** ҳам қайд этилади<sup>109</sup>. Улар ўзларига қон-қариндошлар, қўни-қўшнилардан иборат жамоани бирлаштирганлар. Ўтроқ аҳолида бўлгани каби, кўчманчи аҳоли яшайдиган волостлар овулларга бўлиниб, улар кичик (хутор) ҳамда катта овул жамоаларига бўлинганлар. Кичик овуллар 4 - 5 ўтовдан, катта овуллар эса 15 - 20 ўтовдан иборат бўлган<sup>110</sup>. Волостлар 300 - 400 хонадон (ёки ўтов) дан, оқсоқолликлар эса 100-200 хонадондан иборат бўлган<sup>111</sup>. Кўчманчи аҳолининг маъмурий-худудий бўлиниши уларнинг тарихий уруғчилик муносабатларига эмас, балки ўтовлар сонига қараб бўлинган.

Юқорида қайд этилганидек, ўрта асрларда ва ундан сўнг Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларида жамоада патриархал-уруғчилик анъаналари сақланган бўлиб, улар аҳолининг анъанавий ҳаёт тарзида яққол кўринган. Масалан Ўзбекистоннинг Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро вилоятларида яшовчи ўзбекларнинг айрим гуруҳлари Зарафшон воҳасида яшовчи кўпгина ўзбек уруғлари, кўнғиротлар, қипчоқлар, найманлар, саройлар билан қадимдан яқин қариндош бўлганлар. Ҳатто айрим уруғ-жамоа гуруҳлари умумий яшаш худудига, қишлоқ ва ёзги кўчиш жойларига эга бўлганлар. Тадбирлар, байрамлар, тўй-томошалар ва дафн маросимларида бирга бўлганлар.

Ўтмишда жамоада аҳоли турли «тўп»лар, «уруғ»лар ва уларнинг кичик шахобчаларига бўлинганлар. Ваҳоланки уруғ деганда ўзининг бир аجدоддан тарқалган ва ўзаро қариндошлик алоқалари

<sup>109</sup> Қаранг: Материалы по районированию Средней Азии... С.14-36.

<sup>110</sup> Список населённых мест Самаркандской области... – С. 86.

<sup>111</sup> Список населённых мест Самаркандской области... – С. 56-85.

билан боғловчи, умумий қариндошлик асосида бирлашган кишиларнинг кичикроқ жамоаси тушуниланган. Уруғ аъзолари қишлоқларда ўз яқин қариндошлари билан бирга яшаганлар. Ҳатто бундай оилалардан бир нечтаси оилавий уруғ гуруҳларини ташкил этиб, қишлоқнинг маълум ҳудудини эгаллаганлар. Масалан Қашқадарё вилояти Косон тумани қарлуқларида яйлов ва ишлов бериладиган ерлар оила-уруғ гуруҳлари ўртасида тақсимланган. Ёзги кўчиш вақтида бир гуруҳга мансуб қарлуқлар ўзларига тегишли жойларни эгаллаганлар ва барча гуруҳ учун умумий яйловга эга бўлганлар<sup>112</sup>. Бир оила-уруғ гуруҳига мансуб оилалар жамоа яйловидан фойдаланганлар. Ўша яйловдаги қудук, булоқлар ҳам ўша жамоаники ҳисобланган.

Мазкур уруғ-жамоалар ўз навбатида катта оила гуруҳларини ташкил этганлар. Катта оила деганда ота-она, уларнинг фарзандлари, набиралари буви, бувалар ҳамда бир ёки бир нечта катта-кичик оилаларни ўзаро бирлаштирган оила жамоаси тушуниланган. Унда патриархал кўринишдаги бошқарув тизими ҳам мавжуд бўлган. У айниқса катта оилани бошқаришда яққол кўринган. Бундай жамоа ва бошқарув тизими ўтмишда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида мавжуд бўлган.

Катта оила тушунчаси турли жойларда турлича аталган. Масалан Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Оққўрғон қишлоғи кўнғиротларида «катта рўзғор», Қашқадарё вилояти Чирокчи тумани Кўрғонтепа қишлоғи чуютлари «тўра», Косон тумани Оқжангал қишлоғи манғитлари «катта қозон», Шахрисабз тумани Қутчи қишлоғи қутчилари «катта ота уйи», Қарши тумани Қоратепа қишлоғи хўжалари «дўржи рўзғор» деб атаганлар<sup>113</sup>. Бундай оилани бошқариш шубҳасиз оила ёки ўша уруғ бошлиғи, яъни эркак киши кўлида бўлган.

Маҳалладаги катта оилада кишилар сони ҳам турлича бўлган. Масалан XIX аср охирида Сурхондарё вилояти Шеробод тумани, Оққўрғон қишлоғида чорвачилик билан шуғулланувчи ва дон етиштирувчи 23 та оила битта катта оилага бирлашганлар. Кўнғирот уруғи тортувли жамоасига мансуб Дарвиш бобо оиласидаги катта рўзғорда 50-55 киши, яъни 5 авлод, 17 та эр-хотин биргаликда бир ҳовлида яшаганлар. Қуйи Қашқадарёдаги Қатағон қишлоғида бир уруғга мансуб 250 та оила биргаликда яшаганлар. Уларнинг 194 таси

<sup>112</sup> Буриёв О, Шеймардонов И, Насриддинов Қ. Ўзбек оиласи тарихидан.Т., 1995. 22 бет.

<sup>113</sup> Ўша асра. 26 бет.



3-4 кишилик кичик оила, 32 таси 6-10 кишилик бўлинмаган оила, 24 таси 20-25, 40-60 кишилик катта оилалар бўлган<sup>114</sup>.

Шундай шароитда хўжаликни юритишдаги этнохудудий хусусиятлар тарихан шакллланган кўни-кўшничилик принципларига кўра сақланиб қолган. Аммо совет даврида мавжуд тузумга хос иқтисодий муносабатлар, мулкчилик алоқалари оила-жамоа муносабатларининг анъанавий асосларига салбий таъсир этган. Хусусан, катта-кичик деҳқон хўжаликларининг колхозларга киритилиши ҳамда жамоа бошқаруви ўрнида қишлоқ советларининг тузилиши анъанавий худудий кўни-кўшничилик алоқаларини қисқаришига, ўзгаришига ва баъзан унитилишига олиб келди. Аммо улар ўз мазмун-моҳиятига кўра анъанавий этник асосини бизнинг давримизгача сақлаб келди.

Ўтмишда жамоанинг фаолиятини таҳлил этиш баробарида ўтрок аҳолида масжидлар ва мадрасаларнинг ва диний уламолар уюшмасининг ўрни катта бўлганлигини ҳам таъкидлаш лозим. Масжидлар оддий ва жомеъ масжидларига бўлинган. Жомеъ масжидларида алоҳида ҳайит байрамлари муносабати билан ёки жума намозлари ўқилган, шу сабабли бу ерга кўшни қишлоқ, овуллар, маҳаллалардан ҳам одамлар келганлар.

Маълумки масжид аҳоли ижтимоий ҳаётида муҳим рол ўйновчи маҳалланинг ўзига хос рамзи саналган. Масжидни тоза ва озода сақлаш, маросимлар учун зарур ашёлар билан таъминлаш ҳам маҳалладошлар зиммасидаги юмуш саналган. Қишлоқ йиғин ва маросимларига оид масалалар шу ерда ечим топган. Оилавий маросим ва бошқа тадбирларда жамоанинг қурбонлик ўтказиши, қишлоқ жамоаси аъзоларининг оилавий маросимлари муносабати билан йиғинлари аксарият ҳолларда қон-қариндошлар маслаҳати билан масжид айвони, хужраси ёки маҳалла гузаридида ўтказилган.

Йиғин ва маросимларга зарур анжомлар, (кўрпа кигиз, алача, дастурхон, идиш-товоқ ва ҳоказолар) ҳам масжид хужрасида сақланган. Айниқса, дафн маросимларини ўтказишда кўни-кўшнилар сингари қишлоқдаги масжид фаоллари ҳам бош бўлганлар. Марҳум дафн қилиб бўлингандан сўнг албатта масжидда марҳум руҳига атаб қуръон тиловат қилиниб, «қора ош» ҳам шу ерда тарқатилган. Масжидда жамоа учун бериладиган худойи, қурбонлик, дарвишона каби маросимлар учун маблағ масжид уламолари томонидан қишлоқ ёки маҳалла аҳолисидан тўпланган. Ҳайр-эхсон мусулмонлар учун

<sup>114</sup> Ўша жойда.

худо йўлида садақа деб қаралган. Марҳумга қабристондан жой ажратиш масаласи гўрков ва мурдашуйларни тайинлаш масаласи ҳам масжид имоми ва маҳалла оксоқоли томонидан белгиланган.

Маҳалла масжиди теварагида сайидлар, эшонлар ва бошқа диний уламоларнинг оилалари жойлашган. Улар маҳалла таркибидаги масжид қавми ёки юқорида қайд этганимиздек, «масжид жамоаси» деб аталган. Улар асосан масжид фаолиятини бошқариш, хайрия ёки вақф мулкларидан тушган маблағларни тақсимлаш, маҳалладаги диний-маърифий каби тадбирларни ташкил этганлар. Бундай диний уламолар юртимиздан кўплаб етишиб чиққанлар. Улар қаторида *Хожа Аҳмада Яссавий, Хожа Баҳовиддин Нақшбандий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Имом ал-Бухорий, Имом ал-Мотуридий, Хожа Ахрори Валий* каби уламолар номларини келтириб ўтишимиз мумкин.

Ана шундай диний уламолар фаолиятини машҳур диний уламо Хожа Ахрори Валий мисолида кўришимиз мумкин. Қайд этилишича, унинг йирик шаҳарлардаги маҳаллаларда карвонсаройлари, сардобалари, бозорлари, савдо расталари, дўконлари, ҳаммомлари, тегирмонлари, мойжувозлари бўлган<sup>115</sup>. Хожа Ахрор ўз даврининг маърифатли ва райятпарвар кишиси ҳисобланган. У даромаднинг маълум қисмини маҳаллалар ободлиги, хайрли ишларга сарфлаган, маҳаллада оддий халқ, бева-бечоралар, мискину-фақирларга хайр-эхсон тариқасида тарқатган. Халқ манфаатини ҳимоя қилган, кўплаб масжидлар, кўприклар ва сардобалар, бозорлар қурдирган, йўллар ва қабристонларни обод қилган.

XX асрнинг 30 йилларида жамоалаштириш туфайли Республикамизнинг барча жойларида Киров, Калинин, Ленин, Иттифок, Куйбшиев, Карл Маркс, Свердлов каби колхозлар ташкил этилган. Улар фаолияти маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришни ифодаловчи миллий, ҳудудий принцип асосида эмас, балки маъмурий-буйруқбозлик асосида олиб борилган. Мустақиллик йилларида эса маҳалла давлатимизнинг муҳим бошланғич бўғини сифатида тан олинган. “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш соҳасида ноёб механизм тузилдики, унинг илдизлари халқ анъаналарига ва тарихан таркиб топган муносабатлари, маҳаллага бориб тақалади” -деб уқдиради Мамлакатимиз Президенти Ислому

<sup>115</sup> *Моллабоев. Б.* Чоризмнинг Туркистонда вақф мулкчилиги сиёсати (Хужа Ахрор Валий авлодлари вақф мулклари мисолида). тарих. фан. номз. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Автореферати. -Т., 2004. -Б. 13-21. *Болтабоев С.Д.* Вақфное имущество в Туркестанском крае во второй половине XIX и в начале XX веков. Авторе. Дисс... канд. ист. Наук. - Т., 1995 10-17.

Каримов<sup>116</sup>.

Хулоса қилиб шуни қайд этиш зарурки, ўзбеклар учун хос бўлган анъанавий ҳудудий кўни-қўшничилик жамоасининг бошқаруви тарихан узоқ ўтмишга бориб тақалади. Унинг тараққий этишига минтақадаги ижтимоий-иқтисодий, географик, иқлимий омиллар билан биргаликда халқнинг миллий менталитетига хос хусусиятлар ҳам таъсир кўрсатган. Зеро, ўзбекларга хос ҳудудий кўни-қўшничилик алоқалари халқ турмуш тарзида шарқ жамиятига хос қарашлар ва ўзига хос ижтимоий муносабатлар таркиб топганлигини англатмоқда. Этнолог олим А. Аширов қайд этганидек, ўзбекларда жамоа инсонни ижтимоий назорат остида тутиб туриш, шахснинг жамоадаги мунтазам иштироки унинг умумий ахлоқий меъёрлари доирасида иш тутаётганининг исботи сифатида талқин этилади<sup>117</sup>.

Демак, маҳалла кишиларнинг ҳаётий зарурати туфайли ўзаро доимий бирлашувга асосланган ижтимоий бирлиги бўлиб, унга нисбатан узоқ тарихий босқичлардан ўтиб келган, маълум бир жойга хос бўлган кишилар гуруҳи сифатида тушуниш мумкин. Чунки унинг аъзолари маълум ҳудудда яшаб фаолият кўрсатганлар.

Ўзаро оилавий, хўжалик, маданий масалалар кишиларнинг ўзаро уюшқоқлиги, ижтимоий, қон-қариндош яқинлик муносабатлари орқали ҳал этилган. Кишилар доимо ўз фаолиятларини ўзаро яқин кўни-қўшничилик муносабатлари орқали ривожлантирганлар. Жамоани бошқарувчи лавозим эгаси оқсоқол деб аталган ва у маълум ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган. Бундай мажбурият оқсоқол ва унинг ёрдамчиларига шахсий манфаат учун эмас балки, ўз фуқаролари ўртасидаги ижтимоий алоқалар ва муносабатларни ягона тизимга солиб туриш, ўзаро ижтимоий бирликни таъминлашда ўзига хос ваколат эканлигидан далолат бермоқда.

<sup>116</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т., 1995. – Б. 37.

<sup>117</sup> Аширов А. Ўзбек миллий менталитети ҳақида баъзи мулоҳазалар // Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих. Республика илмий-назарий семинар материаллари. – Т., 2004. – Б. 55.

## АҲОЛИНИНГ ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ

Маълумки ўлкамизда тарихан ҳар бир жамоа ўз ери, яйлови, чорваси, булоғи, пичанзорига эга бўлиб, аҳоли улардан умумий тарзда фойдаланганлар. Ердан фойдаланишнинг хусусий ва жамоа мулкчилиги мавжуд бўлиб, унга кўра ерлар давлат ерлари, вақф ерлари ва хусусий ёки жамоа (**қишлоқ жамоаси**) мулки ҳисобланган. Ўтмишда ер ва мол-мулк асосан хусусий бўлсада, жамоа аъзолари у ерда ўз улушига эга бўлганлар. Ерга хусусий мулкчилик тўғрисида гап кетганда, ўлкамиз учун анъанавий бўлган ер эгаллиги тушунилади. Хусусан ўрта асрларда ерга эгаликнинг учта асосий шакли мавжуд бўлган.

**1. Давлат ерлари.** Турлича катталиқдаги ерлар бўлиб, давлат мулки ҳисобланган. Бундай ерлар асосан давлатга қаршли бўлиб, улар бу ерларда деҳқон ва мардикорларни ишлатганлар, улардан тегишли давлат солиқ тузилмалари томонидан солиқлар ундирилган.

**2. Хусусий ерлар.** Бу ерлар хусусий мулк бўлиб, мулк эгасига сотилган ёки бирон-бир хизмат учун берилган. Бундай ерларга *суюрғол* ва *иктаъ* ерлар ҳам кирган. У ердан келадиган барча даромадларга мулк эгаси ўзи эгалик қилсада, аммо солиқ ўз вақтида тўланиши шарт бўлган.

**3. Вақф ерлари ва мулклари.** Улар масжид, мадраса, хонақоҳ, қабристонлар ва диний уламоларга тегишли бўлган. Уларга вақф ер ва мол-мулклари инъом тариқасида берилган бўлиб, улар бундан ўз хоҳишларига биноан фойдаланиб келганлар. Бундай мулклар орасида ердан ташқари кўчмас мулклар, хусусан тегирмон, жувозхона, бозор, карвонсаройлар ҳам вақф қилинган. Улардан олинадиган даромад ҳисобига сайидлар, эшонлар авлодлари ҳамда хўжалар ҳам катта имтиёзларга эга бўлганлар. Улардан тўлиқ ёки қисман солиқ олинмаган.

Жамоа ерлари давлатники бўлиб, ундан турли хил шаклларда фойдаланилган. Унинг шакли қандай бўлишидан қатъий назар, мақсад битта – ерни ишлаш, ундан ҳосил ундириш ва бозорни мўлк-кўл маҳсулот билан таъминлаш бўлган. Ердан натура ва пул шаклида солиқлар ундирилган. Барча солиқлар ундирилган ҳосилнинг учдан бир, бешдан бири, ўндан бири қисмигача, баъзан эса ярмига тенг бўлган.

Маҳаллада оила аъзоларининг мол-мулкка нисбатан ҳиссаси жамоавий ишлаб чиқариш заруратини характерлаган. Яъни, оила

аъзоларига ер ва мулк оила аъзоларининг сони, ўша оиланинг жамоадаги ўрни ҳамда мавқеига қараб ҳам тақсимланган. Одатда аҳоли бир қанча оилавий қариндош уюшма (тўп) лар, улар эса катта оилалардан ташкил топганлар. Баъзи этник жамоаларда ҳар бир тўпнинг алоҳида ажратилган ерлари бўлиб, улар мустақил хўжалик юритганлар. Ўз жамоасига хўжалик юритишда кўмак берганлар. Бунда катта патриархал оила аъзоларининг мавқеи баланд бўлиб, улар қишлоқ жамоасига ва беклик хазинасига кичик хўжаликларга қараганда кўпроқ фойда келтирганлар. Шу боис бек ва амалдорлар мавжуд тузумга хос бундай муносабатлардан, хусусан жамоа еридаги ёлланиб ишловчилар меҳнатидан кўпроқ фойда олганлар.

Шу билан бирга ўтмишда оила хўжалигида ягона жамоа бўлиб ердан фойдаланиш бир хил бўлмаган. Бу ерда фақат уй-рўзғор қилиб, ажралиб чиққан оилаларгагина алоҳида фойдаланиш учун ер берилган. Шундан сўнггина улар қишлоқ жамоаси аъзоси бўлиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Катта оила таркибидаги кичик оилалар ҳам ўша катта оила еридан фойдаланганлар.

Оила аъзоларининг қўшимча алоҳида ерлари ҳам бўлиб, бундай ерлар Ўзбекистоннинг барча туманларида *чорбоғ*, *ҳаёт*, *ёзги боғ* деб аталган. Айниқса Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд вилоятлари тоғли қишлоқларидаги ўзбекларда ҳар бир оиланинг ўз ёзги томорқаси бўлиб, оилалар эрта баҳорда ўз чорваси, рўзғор буюмлари билан у ерга кўчиб ўтганлар. У ерда мавсумий яшаб, кеч кузда албатта маҳалла кўргонига кўчиб тушганлар. Бундай яшаш тарзи Фарғона водийси, Зарафшон воҳаси, Қашқадарё, Жиззах, Навоий вилоятларида истиқомат қилган ўзбек уруғларининг барчасида мавжуд бўлган. Гарчанд ер жамоа мулки ҳисобланган бўлсада, ердан олинган ҳосил ўша уруғ жамоа мулки ҳисобланиб, катта оила мулкига қўшилган ва тенг тақсимланган.

Ҳар бир маҳаллада оиланинг алоҳида ажралиб чиққан аъзосига ер тақсимлангандан сўнг, албатта оила аъзоларининг асосий вазифаси ерга уруғ экиш, парваришlash, ҳосил пишгандан сўнг уни йиғиштириш бўлган. Ҳосил пишиши билан ҳар бир оила қишлоқ жамоаси еридаги ўзига тегишли ҳосилни навбат билан ўроқчилар кўмагида йиғиштириб олганлар. Бунда кўни-қўшнилар қўшни оилага 2 тадан 4 хатто 5, 10 тагача ёрдамчи (ўроқчи) бериши керак бўлган. Йиғим-теримда эркаклар ҳам аёллар ҳам бирдек қатнашганлар.

Хирмондаги доннинг миқдори кўз билан чамаланиб ёки махсус қоп (халта) да ўлчаниб оиланинг катта - кичиклигига қараб

таксимланган. Катта оилага хизмат қилувчи чоракор, мардикорлар ёки етим-есирларга алоҳида «етим ҳаққи» ажратилган. Айрим қишлоқ маҳалларида қишлоқ оқсоқолининг ёрдамчиси масжид имоми, мироб ёки сартарош, темирчи, чўпонларга ҳосилдан маълум улуш қўшимча тарзда берилган. Солиқ эса олинган ҳосилнинг маълум миқдорида белгиланган ва у *хирож* деб аталган. Солиқ тўлашда ҳар бир оила олинган ҳосил, даромад ҳисобидан уни тўловига алоҳида жавобгар бўлганлар. У мажбурий характерга эга бўлган, бу масалага маҳалла оқсоқоли аралашмаган.

Бу даврда маҳаллаларда анъанавий бўлган *хирож*, *закот*, *ушр*, *алаф пули*, *сув пули*, *жуйча пули*, *ўтин пули*, *сурувона*, *тамга* каби солиқлардан ташқари жуда кўплаб катта-кичик йиғимлар жорий этилган. Улар асосан ўзаро низолар туфайли тез ҳувиллаб қоладиган хазинани тўлдиришга, қўшинлар таъминотига, хон ва сарой аъёнлари харажатларини қоплашга сарфланган. Асосий солиқ тўловчилар халқ (раъийят), деҳқонлар, хунармандлар, савдогарлар, чорвадорлар эди.

Турли солиқлардан ташқари қишлоқ ва шаҳар аҳолиси турли ишлар, каналлар казиш, ариқларни тозалаш, қурилиш ишлари ва бошқалар (*бегар*)га мажбуран жалб этилган. Бундан ташқари, мазкур тадбирлар учун сарфланадиган харажатлар аҳолидан турли йўллар билан ундириб олинган. Мамлакат фуқаролари бўлмаган савдогарлардан олинадиган солиқлар (бож) деярли ўзгаришсиз бўлиб, кўпинча уларнинг миқдори сиёсий муносабатларга ҳам боғлиқ бўлган.

Маҳаллий солиқлар беклик ёки волостларининг махсус тайинланган ходимлари яъни **мушрифлар**, **божмонлар**, **танобчилар** (айрим ҳолларда диний уламо ва авлиёлар ҳам бу ишга аралашганлар) томонидан йиғиб олинган. У хон, амир, беклик хазинасига, уезд ва волостлар миқёсида эса генерал-губернаторлик хазинасига тушган. Солиқ йиғишда қишлоқ жамоаси оқсоқоли унга бошчилик қилган. Солиқларни йиғиб олишдаги мустахлак тизими ҳамда унда жамоа оқсоқолларининг ўрни ҳақида тарихчи С.Тиллабоев ҳам маълумот беради<sup>118</sup>. Солиқ тўлашдан бош тортган маҳалла аҳолиси беклик хазинаси учун мажбурий меҳнат, яъни **бегарга** тортилган ёки маълум муддатга мардикорликка олинган.

Ҳосил пишиб этилгандан сўнг солиқчи, амлоқдор, айрим ҳолларда танобчи, маҳалла оқсоқоли ўз одамлари билан далага келиб,

<sup>118</sup> Қаранг: Тиллабоев С. Россия империясининг Туркистонда маъмурий-худудий бошқарув соҳасидаги сиёсатининг баъзи хусусиятлари // Ўзбекистон тарихи. – 2005. – № 3. – Б. 79.

ҳосилни чамалаб, далада неча таноб ер борлигини ва ундан қанча солиқ олиш лозимлигини белгилаганлар. Натижада ҳар иккала томон солиқ миқдорини тахминий рақамлар билан белгилаб, ўзаро бир қарорга келишганлар. Амлоқдор бир неча кун давомида кишлоқ далаларини айланиб чиқиб, олинадиган солиқларни ҳисоблаган, уларни ўз муҳри билан муҳрлаб, ҳисоб-китобларни кишлоқ ва маҳаллаларга жўнатган. Деҳқонлар мазкур ҳисоб-китобларни олганларидан кейингина ҳосил ўримига киришганлар.

Маҳалла аҳолисидан солиқ ундиришда шуни қайд этиш зарурки, маҳалладаги мадрасалар, диний ўқув муассасалари, масжидлар, диний авлиёларнинг вақф, суюрғол сифатида, васиқа асосида инъом этилган. Расмий ҳужжат асосида васият қилиб қолдирилган вақф ерларидан солиқлар олинмаган.

Аммо 1880 йилда Губернатор Фон Кауфманнинг буйруғига биноан вақф маҳкамалари ерларидан «земство солиғи» олиш жорий этилади. Бундай тадбирнинг амалга оширилиши ўлкада оммавий норозилик, халқнинг умумий қаршилигига олиб келади. Шу билан бирга халқнинг турмуш тарзини анча оғирлашишига сабаб бўлган. Агарда манбаларга мурожаат этилса, 1886 йилда чиқарилган “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги низом”нинг 265, 266, 267, 236, 289 ҳамда 299 моддалари бевосита вақф масаласига тегишли бўлган<sup>119</sup>.

Туркистон генерал-губернатори Фон Кауфман вафот этгандан сўнг, 1882 йилда подшо Александр III “Туркистон ўлкасини тафтиш қилиш” тўғрисида буйруқ беради. Мазкур буйруққа кўра ўлкада тафтиш ишлари бошлаб юборилади. Унга ҳарбий маслаҳатчи Гирс бошчилик қилади<sup>120</sup>.

Туркистон генерал – губернатори 1886 йилда тасдиқлаган “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида”ги Низомга мувофиқ маҳалла масжидларига қарашли вақфномалар қонуний ёки қалбаки эканлигини текшириш назарда тутилган. Низомда вақфнома асл нусха бўлмаса ноқонуний деб топилса, вақф ташкилотининг мазкур ерга бўлган ҳуқуқи тан олинмаган. Бу ерлардан давлат ер солиғи олинади деб кўрсатилган. Туркистон генерал-губернаторлигининг 1887-йил 19 мартда Вилоят бошқармалари учун ишлаб чиқилган қўлланманинг 3-бандининг изоҳида кўрсатилишича, ҳар бир вақф

<sup>119</sup> Маллабоев. Б. Чоризмнинг Туркистонда вақф мулкчилиги сиёсати (Хужа Ахрор Валий авлодлари вақф мулклари мисолида). тарих. фан. ном. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Автореферати. -Т, 2004. –Б. 14 бет.

<sup>120</sup> Маллабоев. Б. Чоризмнинг Туркистонда вақф мулкчилиги...15 бет

хужжатида Бухоро амири ёки Қўқон хонларининг камида 1 та муҳри бўлгандагина давлат ер солиғидан озод қилинади - дейилган эди<sup>121</sup>.

1894 йилга қадар вақф мулкларига эга бўлган маҳаллалар ҳамда вақф ерида яшаётган аҳолидан хирож ва таноб солиғи олинган. Лекин бу тадбир ҳукуматнинг 1894 йил 9 июндаги 27–сонли буйруғига асосан ер учун белгиланган умумий давлат солиғи билан алмаштирилган.

Бу даврда маҳаллалардаги масжидлар ва бошқа диний муассасалар ўз фаолиятларини биров қисқартирганлар. Ўз ўрнида улар давлатга земство солиқларини тўлаб турганлар. Масжид, мадрасаларга вақф қилинган мулклар ичида энг асосийсини ер майдонлари ташкил этган. Масалан, Қўқондаги энг йирик маҳаллалардан бирида жойлашган “Минг Ойим” мадрасаси шаҳар атрофидаги тўққизта кишлоқ маҳаллалари ерларидан олинган солиқларидан фойдаланган<sup>122</sup>. Бу эса ўз даврида барча чеклашларга қарамасдан мадрасаларга вақф мулкларини бошқариш ҳамда солиқ тўловлари масаласида улар ўз ички имкониятларидан келиб чиқиб иш юритганлигини кўрсатмоқда.

Биргина Тошкент шаҳри маҳаллаларида вақф ерлари 1866 йилда 6615 танобни ташкил этган. 1892 йилда Туркистон мадрасаларининг ерлари, яъни вақф мулкларидан келадиган даромади 140923 сўмни ташкил этган. Шундан 10740 сўми Тошкент мадрасалари ҳисобига тўғри келган<sup>123</sup>.

Тошкент маҳаллалари мадрасалари орасида вақфдан тушадиган энг юқори даромад Хожа Аҳрор мадрасаси зиммасига тўғри келган. Унинг йиллик даромади 3100 сўмдан иборат бўлган. Хусусан “Туркестанские ведомости” газетаси сонларининг бирида қайд этилишича, 1876 йилда Тошкент мадрасалари орасида вақф мулкларидан тушадиган даромадлар қуйидагича бўлган:

*Хожа Аҳрор мадрасаси – 1,5 минг тилла, Бекларбеги мадрасаси – 800-1000 тилла, Эшон қули додхоҳ мадрасаси – 600 тилла, Бароқхон мадрасаси – 400 тилла, Маҳмуд дастурхончи мадрасаси – 300 тилла, Шукурхон мадрасаси – 250 тилла, Абулқосим мадрасаси – 180 тилла, Бўрихўжа мадрасаси – 50 тилладан иборат бўлган*<sup>124</sup>.

Хўжалик ишларини ташкил этиш шакли деҳқончилик билан шуғулланувчи маҳаллалар учун ҳамда чорвадор аҳоли учун ҳам бир

<sup>121</sup> Ўша жойда.

<sup>122</sup> Туркистон мадрасалари. // Фан ва турмуш. 1992. № 2. 10 бет.

<sup>123</sup> Султонов Ў. XIX асрда Тошкент мадрасаларининг ҳолати. // Ўзбекистон тарихи. 2005 №3. 71 бет.

<sup>124</sup> Ўша жойда.



хил бўлган. Хўжалик ишлари бўйича тажрибага эга катта оила бошлиғи оилада имтиёзли ўринга эга бўлган. Уларнинг кўрсатмаларини бажаришга барча оила аъзолари жалб этилган. Жамоа оқсоқоли деҳқончиликда ҳосилдорликни ошириш, чорвачиликда чорва моллари сонини кўпайтириш, янги яйловларга кўчиб ўтиш, ишларни тақсимлаш, ёш авлодга деҳқончилик ва чорвачилик сирларини ўргатиш қабиларга бошчилик қилган. Оила бошлиғи қишлоқ йиғинларида оиланинг расмий вакили ҳисобланган ва зарур ҳолларда оиланинг хўжалик иш тартиби ҳақида маҳалла оқсоқолига ҳисоб бериб турган.

Кўриниб турибдики азалдан халқимиз хўжалик турмуш тарзида биргаликда ишлаш, меҳнат қилишда асосий ўринни эгаллаган. Доимо биргаликда меҳнат қилиб топганини биргаликда баҳам кўришга, ота-боболар удум ва анъаналарига риоя қилишга, ота-она фикрига кулоқ тутишга, бориға шукр қилиб яшашликка одатланган. Бунинг исботи сифатида шу ўринда қуйидаги ривоятни эслаш кифоя:

Бир одам ўзининг ўлими олдидан ўғлини чақириб унга васият қилибди:

*- Ўғлим, мендан сенга мана шу ҳовли-жой мерос бўлиб қоляпти. Худо кўрсатмасину агарда бир фалокатга йўлиқиб оч - ялангоч қолсанг, ёки маблағ зарур бўлиб қолса уйни сотишга ҳавасманд бўлма. Бу ҳовлини бу ҳолатга етказиш учун мени қанча кучим меҳнатим сарф бўлган.. Мободо сотадиган бўлсанг уйни бир чеккасига молхона, ёки товўқхона, жуда бўлмаса бирорта тандир қургинда кейин сот. Ана шунда сен ҳовлидан ажрамайдиغان бўласан-депти.*

*Ота вафот этибди. Ўғил отасидан қолган маблағни кайф-сафога харжлабди. Бир куни уйда на ейишга, на ичишга ҳеч вақоси қолмабди. Шунда йигит уйни сотиш тараддудига тушибди ва барча ёққа жар солдирибди. Йигитнинг аёли эса уйни сотишдан олдин отасининг васиятига кўра бирор нарса, ҳеч бўлмаганда тандир қуриб қўйишлик зарурлигини эслатибди. Йигит “Сотиб юборадиган уйимга тандир қуриб менга нима фойда” - деган фикрда уни қуришни хаёлига ҳам келтирмабди. Хотини эса агар тандир қурмаса уйни бўшатмаслигини маълум қилибди. Йигит мажбуран икки кун деганда тандирни қуриб битказибди-ю ўйланиб қолибди. У кичкинагина бир тандирни қуриш учун икки кун уринибди. Ўғил отаси бу уйни қуриш учун бор умрини сарфлаганини ҳис қилибдида, ўз ишидан пушаймон*

*бўлиб, меҳнат билангина бахтли турмуш қуриш мумкинлигини англабди.*

Ривоят жуда қисқа, айти чокда жуда мазмунли. Меҳнат самараси инсонни улуғлаш эканлигини англаш мумкин. Айти ана шу хусусият Ўрта Осиё халқлари миллий менталитетида меҳнат ортидан ғурурланишини, роҳат топишини неча-неча асрлар давомида ўз феъл-атворида шакллантириб келган.

Халқимиз менталитетида меҳнатни улуғлаш, меҳнатдан қочмаслик фазилати юксак қадрланишининг гувоҳи бўламиз. Менталитетимизнинг меҳнат билан боғлиқ хусусиятларидан бири бўлган ҳашарлар юрт фаровонлиги, ободончиликнинг бир кўриниши бўлиб, бир-бирига меҳр-мурувват кўрсатиш, бировнинг ташвишига кўмакдош бўлиш, бир-бирининг қадр-қимматига етиш фазилатларини шакллантирган.

Юқорида қайд этилганидек, оила хўжалик ҳаётида жамоанинг ўрни ерга ишлов бериш, экин экиш, ҳосилни йиғиб олиш, суғориш, канал қазиш, сув тақсимооти кабиларда яққол кўринган. Хусусан, кўни-кўшнилар навбат билан бир-бирига ҳашар орқали кўмак берганлар.

Ўтмишда ҳашарнинг асосан икки тури мавжуд бўлган. Биринчиси, *оилавий ҳашар*, яъни катта оила аъзолари ота-она, ака-ука, тоға, амакилардан иборат ишнинг ташкил этилиши. Улар ҳашарда нафақат ўз оиласи зиммасидаги хўжалик ишларни ҳал этганлар, балки қишлоқ жамоасининг бошқа аъзоларига ҳам зарур ҳолларда ёрдам берганлар. Иккинчиси, *жамоавий ҳашар*, яъни бунда юмушлар асосан жамоанинг умумий ери ёки чорваси билан боғлиқ бўлиб, унда барча қишлоқ жамоаси ёки маҳалла аъзолари қатнашганлар.

Жумладан оила аъзолари ариқ, зовур, каналлар қазишга қарор қилсалар, қишлоқ оксоқоли кўрсатмасига биноан одамлар бу ишга жалб этилган. Ариқ қайси томорқа худудидан ўтса, ўша оила бир кетмончи (ишчи) беришга мажбур бўлган. Кетмончининг иш қуроли ва овқати ўз ҳисобидан бўлган. Бу тартибга биноан маълум хўжалик ёки жамоа номидан ишга чиққан ёрдамчи ариқ қазишда бир марта, агар яқин кўшниси бўлса, бир неча марта қатнашган. Бой-бадавлат хонадонларга ёрдамга чакирилган одамлар ҳатто 15 кунгача ишлаб берганлар. Ишнинг бу тартибда ташкил этилиши Фарғона водийсида

ҳам бўлган ва у *“пойишка”* деб аталган<sup>125</sup>. Ариқлар бир неча маҳаллалар ҳудудидан ўтган бўлса, уни қазिशга бекликнинг катта ёшдаги аксарият аҳолиси жалб этилган.

Ерга сув чиқаришда бошқа тартиб ҳам мавжуд бўлиб, бу тартибга кўра ариқлар оилаларга тақсимлаб берилган. Ҳар бир оила ўз чекига тушган иш нормасини бажарган. Баъзи ҳолларда кўни-кўшиллар пул йиғиб мардикор ҳам ёллаганлар. Ишнинг бундай ташкил этилиши *«тақсим»* деб аталган. Ўз навбатида мардикорларга меҳнати эвазига пулдан ташқари натура шаклида ҳақ тўланган. Масалан, кетмончига ҳар икки - уч кунда ёки ҳафтанинг жума ёки якшанба кунлари буғдой, хўл мева, гуруч, тарик, масхар берилган. Чорвадорларда эса бундай иш ҳақи ҳар бир боқилган мол сонига қараб берилган. Бундай иш ҳақининг ўзига хос тури *«ҳашар оши»* ёки *«оши ҳалол»* деб аталган. Бу ҳақда О.Бўриев, И.Жалиловлар Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари мисолида ҳам қайд этадилар<sup>126</sup>. Агар мардикор катта ер эгаси ерида ўз ишини вақтида бажара олмаса, кўшимча тарзда ишлаб беришга мажбур бўлган.

Ўзбекистоннинг айрим лалмикор (дашт-адир минтақа) ерларида ерни суғоришда коризлардан<sup>127</sup> фойдаланилган. Суғоришнинг бундай анъанавий тури Ўзбекистоннинг Фарғона водийси, Қашқадарё, Самарқанд вилояти туманларида кенг тарқалган. Кориз сувидан ҳар бир оила навбат билан фойдаланганлар. Кориз қовлаш, шунингдек коризни тартибли саклаш учун таъмирлашда бажариладиган кўл меҳнатининг оғирлиги ту файли, кориздор дехқонлар бундай ер ости иншооти билан боғлиқ барча ишларни маҳалла аъзоларининг кўмагида бажарганлар.

Кориздан оқиб чиқадиган сув миқдори унчалик кўп бўлмаганлиги боис, ундан фойдаланувчи оилаларнинг навбати маҳалла оқсоқоллари томонидан қатъий белгилаб қўйилган. Масалан,

<sup>125</sup> Кушелевский В.И. Материалы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. – Новый Маргелан, 1890. – С. 67.

<sup>126</sup> Бўриев О., Жалилиев И. Анъанавий қишлоқ жамоасининг ижтимоий таркиби хусусида // Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва назарий методологик ёндашувлар. Академик К. Шониезов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган халқаро илмий анжуман материаллари. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 153.

<sup>127</sup> Ўзбекистонда далаларни суғоришнинг Навоий вилоятининг Нурота туманига хос анъанавий тури, коризлар ҳақидаги маълумотлар бир қанча тадқиқотчилар ишларида учрайди. Қаранг: Пален К.К. Орошение в Туркестане (Отчёт по ревизии Туркестанского края). – СПб., 1910; Абдураимов М.А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве. – Т., 1966. Т. 1; Бабаханов А.Б. О некоторых древних водохозяйственных сооружениях Узбекистана // Изв. АН УзССР. – 1959. – № 4. – С. Толипов Ф.С. “Нурота воҳаси аҳолиси оилавий турмуш тарзида жамоа анъаналари” (XIX аср охири - XX аср бошлари) Номзодлик диссертацияси. Т., 2006. Мухаммаджонов А. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи – Т.: Фан, 1972. – Б. 305.

кичикрок коризларда кориздор хўжаликлар сони 20 баъзан 35 тадан ошмаган. Ҳар бир кориз жамоа кучи ҳисобига қурилгани учун, ўша жамоанинг мулки ҳисобланган. Шунга асосан кориз сувидан фойдаланишда оилалар тенг ҳуқуқли бўлиб, кориз суви ва ер миқдорига қараб бир хилда тақсимланган.

Сув тақсимоти асосида хўжалик юритишда ҳар бир хўжалик 2 - 3 гуруҳга бўлинганлар. Ҳар бир гуруҳ кичикрок коризларда 2 - 3 хўжалиқдан, каттароқ коризда 4-5 хўжалиқдан иборат бўлган. Бундай уюшмани Нурота ва Қўшработда *ҳамбоз ёки шерик* деб атаганлар. Кориз суви билан суғориладиган ер майдони ҳам ҳамбозларнинг сонига қараб бўлинган. Ҳар бир ер бўлаги *тахта* деб аталган. Катта коризларда тахта 16 таноб (4 гектар) ва кичик коризларда 6 - 8 таноб (1,5 - 2 гектар) га тенг бўлган. Кориз қовлашда бир қанча кориздор хўжаликлар оилаб ҳатто йиллаб қудуқ қовлашга тўғри келган. Шу сабабли ҳар бир оила жамоа кўмагига эҳтиёж сезган.

Сув тақсимотида навбат қондасига қатъий амал қилинган. Ҳар йили баҳорда ҳамбозлар ўртасида чек ташлаш йўли билан тахталар тақсимланиб, суғориш навбати белгиланган. Чунончи, навбатлар турлича яъни, даврий навбатлар, ариқлар ўртасидаги навбатлар, қишлоқлар ўртасидаги навбат, бир-бирига қўшни уруғ-жамоалар ўртасидаги навбатлар, хўжаликлар ўртасидаги навбатлар таризида бўлган.

Одатда сувдан фойдаланиш бир, икки сутка билан белгиланиб, у *шаби-рўз*, яъни кеча-кундуз деб аталган. Бундай ўзаро ҳамкорлик натижасида жамоа аъзолари оилаларнинг катта-кичиклиги, томорқанинг ҳажмини ҳисобга олиб сувдан фойдаланишни белгиланганлар. Жумладан етим-есир оилаларга биринчи навбатда сув навбатлари белгиланган. Баъзан оилалар қариндош-уруғчилик асосида қишлоқ ҳудудининг маълум қисмини эгаллаган бўлсалар, белгиланган тартибда сув олганлар. Сув тақчил маҳалда навбатга қатъий амал қилиниб, суғориладиган ер майдони ҳам оилалар сонига қараб бўлинган. Ўзаро шерикчилик тарзидаги қоидага амал қилмаганларга маҳалла оқсоқоли мироб ёрдамида чоралар кўрган, яъни ўша оила кейинги навбатдан чиқарилган ёки умуман сувдан маҳрум қилинган.

Муҳим жиҳати шундаки, қудуқлар бир неча маҳалладаги оилаларга тегишли бўлган. Ҳар бир маҳалла қудуғининг сонига қараб боғини суғорган. Бир неча оилалар ўзаро келишиб ўз қудуқларини сотиш ҳуқуқига ҳам эга бўлганлар. Унинг нархи анча қиммат бўлиб,

ботмон ҳисобида ғалла ёки бош ҳисобида қўй, сигир, туя билан белгиланган. Энг серсув коризларнинг бир кора<sup>128</sup> суви 20 - 25 қўй нархига тенг бўлган. Бу ерда сув танқис бўлганлиги учун жамоа аъзолари коризни сотиб олса ёки мерос тариқасида ота-боболаридан қабул қилса, шу кориздан сув оладиган қишлоқ жамоасини чақириб зиёфат берган, жамоа оқсоқолига нарсалар улашганлар. Бериладиган бундай зиёфат «ниммарди», отасига тегишли сувга эга бўлса «падари мурд» деб аталган<sup>129</sup>. Шу зиёфатдан сўнг кориздор киши кориз жамоасига қўшилган.

XX аср ўрталаригача Нурота туманидаги энг серсув Нуробод, Мастон кориз, Тошлоқ, Қувондиқ кориз, Калта кориз, Савробод, Тошқудук, Хайробод, Жомон туркман коризлари анчагина қиммат нархда қўлдан-қўлга ўтиб турган<sup>130</sup>.

Тоғ қишлоқларида боғлар сой ва булоқ сувлари билан ҳам суғорилган. Суғориш тизимининг бундай кўриниши Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам учрайди. Жумладан, М. Абдураимовнинг ёзишича Тошкент воҳасининг шимолий-шарқий томонидаги тоғ қишлоқларида сой ва булоқ сувидан бедазор, полиз ерлари, боғлар ҳатто шולי, пахта ҳам суғорилган<sup>131</sup>.

Хўжалик ишларида бугдойни унга, кунжутни ёққа айлантириш ишлари маҳалланинг ўзида олиб борилган. Бунда маҳалланинг бир нечтадан сув тегирмонлари, жувозхоналари бўлган. Бундай тегирмон ва жувозхоналар хусусий бўлсада, улар катта патриархал оила эҳтиёжини таъминлаш учун маҳалланинг бой-бадавлат қатлами томонидан ижарага берилган. Қишлоқ жамоасида далада алмашлаб экиш, дарахт ўтказиш, суғориш тизимларини тозалаш, ерни шудгорлаш ишларида ҳар бир оила ўз томорқасида иш олиб борган. Бунда кўни-қўшнилари кўмаги доимо зарур бўлган. Экин экиладиган оилаларнинг ерлари ёнма-ён бўлиб ҳўкизлари биттадан бўлса, уларни кўшиб ер ҳайдашган.

Одатда, ер ҳайдаш вақтида бир неча кўни-қўшни бирлашган. Уларнинг экин майдонининг сифати ва олинадиган ҳосил ҳам иш ҳайвонларининг сони ва қўшчилар маҳоратига боғлиқ бўлган.

<sup>128</sup> Нуроталикларда «Шабӣ рӯз» 96 кора (оби каройи) га тенг бўлиб, вақт билан ҳисоблаганда кориздан оқиб чиқаётган бир кора сувни 15 дақика билан белгилаганлар. Қаранг: Шавкат Исмоилзода. Судур бобо ёхуд Нурато тарихидан саҳифалар. – Т., 2005. – Б. 64.

<sup>129</sup> Шавкат Исмоилзода. Судур бобо ёхуд Нурато тарихидан саҳифалар ... – Б. 65.

<sup>130</sup> Бабаханов А.Б. О некоторых древних водохозяйственных сооружениях Узбекистана // Изв. АН УзССР. – 1959. – № 4. – С. 45

<sup>131</sup> Абдураимов М. Пережитки сельской общины в узбекском кишлаке Хумсан // СЭ. - 1959. – № 4. – С. 43.

Маҳаллада умумий фойдаланиш учун кўш, яъни хўккиз, омов, дон янчиш учун от, рўзгорга булок ва қудуқдан сув ташиш учун туяси бўлган. Маҳалла аъзолари иш ҳайвонларидан бошқа мақсадларда фойдаланмаганлар. Жумладан, рўзгор учун мўлжалланган от чавондозларга берилмаган, улоқ-кўпқарида фойдаланилмаган. Туя ва эшакдан фақат юк ташиш учун фойдаланилган.

Ҳар бир оиланинг 2-3 ҳатто 5-6 та хўкизи, омовчи бўлган. Оила аъзолари бундай воситаларга зарурат сезса уларни кўни-кўшнилardan олиб турганлар. Бундай шароитда кўни-кўшнилари бир-бирларига камситувчи шартлар қўймаганлар, аксинча бир-бирининг эҳтиёжига яраётганидан мамнун бўлганлар. Барча чорва моллари жамоанинг асосий мулки бўлиб, уларнинг чорвага эгаллиги бўйича мол-мулк ҳуқуқлари чекланмаган. У оила ва жамоа бошлиқлари томонидан назорат қилиб турилган.

Ўрта асрлардан бошлаб ўтроқ аҳоли яшайдиган жамоаларда *пайкал* тизими ҳам мавжуд бўлган. Хусусан Қашқадарё, Сурхондарё ҳамда Самарқанд вилоятининг айрим туманларида пайкалга асосан қишлоқдаги қариндош-уруғлар сўнгра яқин кўшниларига аъзо бўлганлар. Унга 10 - 18, баъзан 50 - 60 киши кирган. Пайкал қишлоқ жамоасининг таркибий қисми бўлсада, жамоа аъзолари ер-мулкнинг маълум қисмига мустақил эгаллик қила олганлар. Бундай ўзаро бирикиш солиқ тўлови, мол айрибошлаш, мол-мулкни сотиш, далаларга сув чиқариш кабиларда жамоа аъзоларининг мажбурлов чоралари орқали эмас балки ихтиёрий уюшқоқлиги билан бажарилган.

Уюшмани “*пайкалбоши*” ёки “*қўқбоши*” бошқарган. Худди шундай кўринишдаги тузилмани Қашқадарё воҳасида “*чакбоши*” ёки “*пайкалбойи*” деб аталган. Унга камида 5-8 киши кирган<sup>132</sup>. Пайкал тизими Қарши, Шеробод воҳаларида ҳам учрайди.

Маҳаллада азалдан ёнма ён ҳатто аралаш яшаб келган ўзбек, тожик, қозоқларда хўжаликнинг тоғ, дашт шароитига мос турлари жумладан, деҳқончилик билан бирга тоғ чорвачилигида, йилқичилик, даштда эса туячилик ҳам ривожланган. Бундай ҳолларда ярим ўтроқ чорвадор аҳоли оила хўжалиги турига қараб ва табиий шароитга мос чўпонларнинг мавсумий турар-жойлари хиргоҳ, чайлада, ярим ўтроқ аҳоли эса мавсумий ўтовларда яшаганлар.

Айни пайтда у ерда ҳам маҳалла оқсоқоллари тўпланиб

<sup>132</sup> Бўриёв О. Жанубий Ўзбекистон қишлоқ жамоасида пайкал тизими (XIX аср охири XX аср бошлари) // Бойсун баҳори очик фольклор фестивали материаллари. – Бойсун, 2002. – Б. 15-16.

туришган. Турли юмушлар кўриб чиқилган жумладан, хўжалик масалалари ҳам ҳал этилган. Кўчма турар жойларнинг дашт-яйлов типига хос турлари хақида этнограф олимлар К.Ш. Шониёзов, О. Бўриевлар ҳам маълумот берадилар<sup>133</sup>. Ўтроқ аҳоли сувга яқин жойларда айниқса тоғ ён бағирларида жамоа бўлиб чорбоғлар барпо этганлар, ҳар бир оила ўз ҳовлисининг катта қисмини боққа ажратганлар.

Ярим ўтроқ чорвадорларда хўжаликнинг муҳим тури бу чорвачилик бўлган. Ҳар бир жамоанинг яйловда боқиш учун ўз қорамоллари, қўй-эчкиси, туялари бўлиб, улар бошқа жамоаникidan ажралиб туриши шарт бўлган. Бу молга «эн солиш» деб аталган. Ўтмишда кўчманчи ва ярим кўчманчи халқлар от, туя, қўй - эчки ва йирик шохли қорамолларга маълум бир белги-тамға босганлар. Ҳар бир уруғнинг ўз тамғаси бўлган. Улар шу тамғага қараб ўз молларини таниганлар<sup>134</sup>. Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Навоий, Фарғона водийси ҳамда Самарқанд вилоятининг даштли туманларида тарқалган аксарият ўзбек уруғларида ҳар бир жамоанинг ўз тамғаси бўлиб, тамға жамоа чорва хўжалигида молларини бошқа жамоаникidan ажратиб турган.

Чорвадорлар жамоасининг ўтроқ кишлок жамоаларидан фарқи шунда бўлганки, уларнинг турмуш тарзи мавсумий кўчиб яшашга асосланган. Шу боис ўз ўтовлари (қора уй) ни янги ўтлоқларга олиб бориб ўрнатганлар. Натижада оила аъзолари ўртасидаги мулкий муносабатлар, хўжалик ҳаёти ҳам турмуш тарзининг шу формасига мослашган. Жумладан, чорвадор катта оила хўжалигида ажралмаган кичик оила мустаҳкам бўлмаган. Чунки улар асосан чорвачилик билан шуғуллангани учун, заифлашиб қолса, оила аъзоларининг бир қисми алоҳида ўтовлар қилиб ажралиб чиққанлар. Шу билан бирга, сувга яқин сой ва булоқ хавзаларига ўрнашиб чорвачиликни деҳқончилик билан бирга қўшиб олиб борганлар.

Кишилар оила хўжалигини юритишда бир-бирига кўмаклашганлар. Хусусан, кейинчалик ўтроқлашган бой-бадавлат оилалар ўрта ҳол ёки камбағал оилалар, етим-есирларга умумий ҳосилдан бир қисмини ҳар йил кузда *кафсан* тариқасида ажратганлар. Ёки ўз еридан маълум муддат фойдаланиб, ҳосилнинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқини ҳам берганлар. Бу ҳам жамоа доирасида

<sup>133</sup> Шониёзов К.Ш., Исмоилов Ҳ. Этнографические очерки материальной культуры узбеков конца XIX - начала XX века. - Т., 1981; Яна қаранг: Бўриев О. ва бошқалар. Ўзбек оиласи тарихидан ... - Б. 28-29.

<sup>134</sup> Шониёзов К.Ш. Канг давлати ва канглилар. - Т., 1990. - Б. 131.

ўзаро хўжалик алоқаларини ривожлантирган. Бой-бадавлат аҳолига камбағаллар чорвани боқишда кўмаклашган бўлсалар, улар ўз навбатида камбағалларга деҳқончилик ишларида, уй-жой, ўтов, оғилхона, сомонхона, кўра-кўтонлар ва бостирмалар қуришда ёрдам берганлар.

Хўжалик юритишдаги оила-жамоа муносабатлари чорвадорлар хўжалигида янада яққол кўринган. Каттароқ тадбир муносабати билан овул аҳолиси оила аъзоларига уй (ўтов), кўра- кўтонлар қуришда, қирқимда, алача, кигиз, тўқишда кўмак берганлар. Ҳатто камбағал ёки ўртаҳол оилаларга тушган қарз ҳам ўша уруғ аъзолари томонидан тўланган. Этник аралаш қишлоқларда чорвадор аҳоли деҳқонларга узум узиш, қовун-тарвуз йиғиштириш, хашак жамғариш, том ёпишда кўмаклашган бўлсалар, ўз навбатида улар чорвадорларга бошқа хўжалик ишларида кўмаклашганлар.

Асосан тоғ чорвачилиги ва деҳқончилиги билан шуғулланган аҳоли турмушида ўтроқлик ва деҳқончиликнинг адир-тоғ шароитига мослашган боғдорчилик, узум етиштириш турлари ривожланган. Узумнинг маҳаллий шароитга мос *қор кишимши, ҳусайини, тойифи, маска, султони* каби навлари етиштирилган. Кўни-кўшни аёллар узум узиш, уни қуриштириш, узумдан шинни, шароб, мураббо, қиём тайёрлашда бир-бирларига кўмаклашганлар. Бундай кўмакка жамоа аёллари ўзаро ҳашар орқали бирлашганлар. Бу айрим туманларда *қўл солиши* деб аталган.

Маҳаллаларда сўнги ўрта асрларда жамиятнинг турли вакиллари мансабдор шахслар, турли касб-хунар эгалари, савдо аҳли ва зиёлилар билан бир қаторда, йирик ер эгалари ҳам истиқомат қилганлар. Катта ер эгалари даромадлари ҳисобидан кўпинча ўз маблағларини кўчмас мулк сотиб олишга сарфлаганлар. Улар одатда бозорлар, карвонсаройлар, дўконлар ҳамда бошқа кўчмас мулк турларини сотиб олиб, эгалик қилганлар. Улардан даромад олиш билан ўз бойликларини кўпайтириб борганлар.

Савдо марказлари бўлган бозорлар ўрта аср шаҳарларининг кўрки бўлган. Бу ерда турли маҳсулотлар билан савдо қилувчи шаҳарликлар, қишлоқ ва дашт аҳолисини, узоқ ва яқин мамлакатлардан Ўрта Осиё шаҳарларига ташриф буюрган савдогарларни учратиш мумкин бўлган<sup>135</sup>.

<sup>135</sup> Аъзамова Г. А. Сўнги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарларида хунарамдчилик ва савдо. Т., 2000. 40 бет.



XVI асрда Бухоро хонлиги маҳаллаларида оқ мато билан савдо қилинадиган “сафедфурушлар бозори”, “тақиядўзлар бозори”, “базозлар бозори”, кийим бош турлари билан савдо қилинадиган “жомафурушлар бозори”, “махсидўзлар бозори”, “темир буюмлар бозори”, “арқон бозори”, “бўйра бозори”, озиқ-овқат билан савдо қилинадиган “ошпазлар бозори”, “саррофлар бозори” бўлган.

Бу даврда Бухорода эчки терисидан тикилган этиклар бозори, балиқ бозори, шам бозори, ун, сули, жўхори бозори, туз бозори, кўмир бозори, бўз бозори, тери бозори, куриқ мевалар бозори, дори дармонлар бозори, тарвуз ва қовун бозори, анор ва нок бозори, тухум бозори, сут бозори, от эгар-жабдуқлари бозори, пичоқ бозори, ёғ бозорлари бўлган<sup>136</sup>.

Сўнгги ўрта асрлар шаҳарларидаги маҳаллалар бозорларининг топографик жиҳатдан жойлашиш тартиби ҳам диққатга сазовордир. Одатда шаҳарларнинг марказий қисмида заргарлар, саррофлар, темирчилар, турли кийим-бош хиллари билан савдо қилувчи ва кўпгина бошқа бозорлар жойлашган. Қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларининг айрим турлари билан савдо қилишга ихтисослашган баъзи бозорлар кўп ҳолларда шаҳар четлари ва унинг ташқарисида жойлашган. Шундай бозорлардан бири катта худудни талаб қилувчи чорва моллари билан савдо амалга ошириладиган бозорлар бўлган.

Қишлоқлардан фарқ қилиб шаҳар маҳаллаларида аҳоли деҳқончилик билан бирга, хунармандчилик ва савдо билан ҳам доимий шуғулланиб келганлар. Жумладан Тошкент шаҳри маҳаллалари мисолида олсак, ижтимоий келиб чиқишига кўра XX аср бошида шаҳар аҳолиси қуйидаги гуруҳларга бўлинган: йирик ва майда зодагонлар, уламолар, савдогарлар хунармандлар, майда дўкдорлар, деҳқонлар, шунингдек, муайян касби бўлмаган ва ёлланиб ишлайдиган кишилар яъни мардикорлар. Бу даврда ҳам Тошкент маҳаллалари аввалгидек хунармандчилик ва савдо маркази сифатида мавқеини сақлаб қолган.

Қайд этилганидек Тошкент маҳаллалари аҳолисининг асосий машғулоти хунармандчилик, савдо ва деҳқончилик эди. Қадимдан бир хил касб билан шуғулланадиган кишилар маълум бир маҳаллалар ёки шаҳарнинг муаян қисмида яшаб келганлар. Мисол учун Шайхонтохур аҳолиси чўян қуйиш, эгар ясаш, ёғ ишлаб чиқариш ва айниқса, бўйра-бордон тўқишда машхур бўлганлар. Себзорда аҳоли

<sup>136</sup> Уша асра. 41 бет.

қадимдан тўқимачилик ва ип-газламаларни бўяш, шунингдек, этикдўзлик билан шуғулланганлар.

Кўкча кўнчиликда шуҳрат қозонган бўлиб, унинг худудидан оқиб ўтган Жараиқ бунга имкон яратган эди. 1871 йилда бу ерда жойлашган 695 устахонадан 341 таси чарм маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бу ерда 6 та ғишт заводи, 7 та сопол идишлар ишлаб чиқариш устахонаси, 22 та ёғ ишлаб чиқариш корхонаси фаолият кўрсатиб, шаҳарнинг ушбу қисми аҳолисини ўзида банд этган. Бешёғоч аҳолиси эса, асосан боғдорчилик билан шуғулланган<sup>137</sup>.

Ўзбекистоннинг бошқа худудларида ҳам шундай манзаранинг гувоҳи бўлиш мумкин. Қишлоқда хунармандчилик билан машғул аҳолида уй хунармандчилиги, хусусан гилам тўқиш ҳам анчагина ривожланган. Кўни-кўшни аёллар навбат билан бир-бирларига бу ишда кўмаклашганлар. В.Г. Мошкованинг қайд этишича Нурота воҳасида жунни авайлаб олиш учун кўй қирқимда аёлларнинг ўзлари иштирок этганлар. Кўй жуни махсус қопларга жойланиб, ювиб, сўнгра яхшилаб ийланган. Тозалаб ажратилган жундан ип тайёрлаш учун у жамоанинг кекса аёллари томонидан урчукда йигирилган<sup>138</sup>. Жамоа аёлларида жун тақчил ҳолларда уни бозордан биргаликда сотиб олиш одати бўлган. Шу тариқа аёллар ўзаро кўмак орқали гиламни навбат билан биргаликда тўқиганлар.

Тарихан жамоада **аёллар ҳашарининг** бундай турлари кенг тарқалган бўлиб, одатда қишлоқ аёллари катта ҳажмдаги юмушларни ўзаро ҳамкорликда, бир-бирларига ёрдамлашган ҳолда бажарганлар. Қизлар бундай уюшмага 8 ёшдан сўнг кира олганлар. Ҳашарга оиладаги ҳар бир хотин-қизнинг қатнашиши шарт бўлган. Мободо аёл узрли сабаб билан ҳашарга қатнаша олмаса, қизи қатнашган ёки у орқали турли таомлар юборган. Ҳашарлар ҳам навбат билан ташкил этилиб, ҳашарга келаётган аёл ўзи билан бирга зарур анжомлар, маҳсулотларни, егулик ва идиш-товоқ кабиларни олиб келганлар.

XX аср 20-йилларидан бошлаб Совет давлатининг Туркистонда амалга ошира бошлаган ер-сув ислоҳоти ўлка қишлоқ жамоалари, хусусан ўзига тўқ деҳқонлар фаолиятига ҳам таъсир кўрсатган. 1925-1929 йилларда қишлоқлардаги ер-сув ислоҳоти натижасида ер, мол-

<sup>137</sup> Уша асар. 15 бет.

<sup>138</sup> Нурота воҳаси ўзбек-туркманларига хос гилам тўқиш анъаналари ҳақида батафсил маълумот олиш учун қаранг: Мошкова В.Г. Ковроделие узбеков племени туркман Нурагинского междугорья // Ковры народов Средней Азии (материалы этнографических экспедиций 1929 - 1945 гг.). – Т., 1970. – С. 69-77.

мулк, от-улов, меҳнат куроллари давлат тасарруфига ўтказила бошланган. Бунга қарши чиққанлар эса «кулоқ» қилинган. Хусусан деҳқонлар ғалласини зўрлик билан тортиб олиш, хўжаликлардаги мол-мулк сонини ҳисобга олиб уни мусодара қилиш, қамоққа олиш, ўзга юртларга бадарға қилиш ва ҳоказолар амалга оширилади.

Бу даврда қишлоқ маҳаллаларида мулкий муносабатлар тубдан ўзгаради, ишлаб чиқариш муносабатлари ва воситаларига деярли тўлиқ давлат бошқаруви ўрнатилади. Давлат томонидан режалаштириш асосида маҳсулотни ишлаб чиқаришда ва тақсимлашда тўлиқ назорат остига олиниши иқтисодий сиёсатда зўравонлик томон йўл очилишига, иқтисодий омиллар ўрнига маъмурий чоралар кенг қўлланишга имкон беради. Хусусан биринчи беш йилликдан бошлаб хўжаликни индустрлаш, қишлоқ хўжалигини жамоалаштиришга зўр берилади.

Индустрлаштириш сиёсати қишлоқ ҳисобига амалга оширила бошланади. Урушдан олдинги 3 беш йиллик мобайнида (1928 - 1941 йиллар) Ўзбекистонда 500 га яқин саноат корхоналари, электростанциялар ишга туширилади. Булар орасида Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлик заводи, Чирчиқ электр кимё, Тошкент тўқимачилик комбинати, Самарқанд, Бухоро, Марғилон пиллакашлик фабрикалари бор эди. Индустрлаштириш экстенсив усуллар билан олиб борилиб, бироқ саноат корхоналарига, айниқса, оғир саноатда, малакали ходимлар ва тажрибали ишчилар Россиянинг марказий шаҳарларидан жалб этилади, пировард натижада уларда туб аҳолига мансуб ишчилар озчиликни ташкил этган эди.

Республикадаги мавжуд саноатнинг 90 % қишлоқ хўжалик хом ашёсини ишлашга ихтисослашган эди. Асосий эътибор пахта билан боғлиқ соҳаларнинг равнақи, яъни қишлоқ хўжалик машинасозлиги, кимёвий воситалар, аввало, минерал ўғитлар, ирригация қурилиши, металл, конструкциялар ишлаб чиқишга, кон саноати, рангли ва нодир металллар, олтингургурт, озокерит, волфрам, молибден, тошқўмир, туз, графит қазиб олишга қаратилган эди. Республика саноати собиқ Иттифоқни хом ашё қарамлигидан халос этишга ёрдам берадиган йирик минтақага айланади.

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида хулоса қилиб шуни қайд этиш зарурки, ҳудудий кўни-қўшни жамоа катта-кичик оилалардан, қариндош-уруғлар, ҳудудий кўни-қўшнилاردан таркиб топиб, уларнинг ўзаро бирлашуви турмушда барча моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондирган. Жамоадаги бошқарув тизими,

хўжалик, маданий алоқалар, ишлаб чиқариш ва ўзаро ижтимоий муносабатлар жамоа аъзоларини биргаликда яшашларини таъминлаганлигини англатди.

Одамлар доимо ўз қавму-қариндошлари ёки маҳалла, яъни кўни кўшнилари кўмагига эҳтиёж сезган. Бундай уюшқоқлик ўтроқ аҳолида деҳқончиликда хусусан, суғориш, сув тақсимооти, чорвадорларда эса чорва хўжалигида хусусан, мол боқиш, кўпайтириш, юнгини қирқиш, бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, ўтовлар қуриш қабиларда кўринган.

Хўжалик ишини ташкил этишнинг маҳаллий шакли деҳқончилик йўналишидаги хўжаликлар учун ҳам, чорвадор хўжаликлар учун ҳам бир хил бўлган. Хўжалик ишлари бўйича катта тажрибага эга оқсоқоллар оилада имтиёзли ўринга эга бўлишган. Уларнинг кўрсатмаларини бажаришга барча жамоа аъзолари мажбур бўлганлар. Айниқса жамоа оқсоқолларининг ўзаро маслаҳати ва катта оила аъзоларининг бу масалаларда бир қарорга келишлари муҳим хусусият саналганлиги, жамоада ўзбеклар менталитети учун хос каттага ҳурмат, жамоа туйғусига мойиллик, бағрикенглик каби фазилатлар устувор бўлганлигини англатади.

Юқорида қайд этганларимиз орқали, ўзбекларда нафақат жамоани бошқариш ёки оилавий маросимларда, балки хўжалик ҳаётда ҳам жамоанинг ва жамоа раҳбарининг мавқеи ўзига хос тарзда эканлигини англадик.

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, халқимиз менталитетида биргаликда жамоа меҳнатига асосланиб иш тутиш ва хўжалик юритиш доимо катта аҳамият касб этиб келган. Халқимиз бугунги ишини эртага қўймасликни афзал кўради. Аксинча ғарб менталитетида эса “Бугунги оқшомдан эртанги тонг ақлли” деган фикр устун. Халқимиз қилаётган ишларини жараёнига эмас, балки натижасига қараб баҳолашни хуш кўрадилар. Бир ишни бошлашдан аввал етти марта ўлчаш, ишни шошилмай, пишиқ-пухта бажаришга ҳаракат қилиш халқимизнинг энг муҳим миллий хусусиятларидан биридир.

## ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИДАГИ ТАРИХИЙ АНЪАНАЛАР

Маълумки тарихий тараққиёт жараёнида ўзбекларда бола тарбиясида жамоа яъни маҳалланинг ўрни катта бўлган. Бундай анъаналар ўзбеклар миллий менталитетига хос бўлиб, фуқароларда маънавий, ахлоқий кўникмаларни характерлаган. Оила ўз имконияти доирасида яшасада, маҳалла орқали жамиятга боғланган. Шу сабабли оилада барча даврларда жамоатчилик фикрига, қон-қариндошчилик, худудий кўни-қўшничилик алоқаларига бефарқ қаралмаган. Кўни-қўшнилари, қариндошлар ўртасидаги худудий яқинлик бола тарбиясида ҳам жамоа аъзоларини бир-бирига ўзаро қўмақдош бўлишга ундаган. Ҳар бир оиладаги боланинг аҳволини ҳеч ким кўни-қўшнилари каби яхши билмаган. Бу маҳалланинг бола тарбиясидаги ўрнида ҳам яққол кўринган.

Биз боланинг жамоадаги ўрни ва улар билан боғлиқ анъаналарнинг тарбиявий аҳамиятидан, бола тарбиясидаги тарихий анъаналардан келиб чиқиб бу даврни 3 босқичга ажратдик:

Биринчи босқич – 3 - 6 ёшгача давом этган. Бу даврда болада дастлабки тарбия кўникмалари пайдо бўлган. У жамоа орасида мустақил бўлишга интиланган. Тарбияси билан энди нафақат ота-она, оила балки, кўни-қўшнилари ҳам шуғуллана бошлаганлар. Бундай болалар оилада майда юмушларни бажариб, улар дунёқарашида илк ахлоқий нормалар шакллана бошлаган.

Иккинчи босқич – 7 - 12 ёш. Бу даврда ўғил болалар суннат қилинган (қўли ҳалолланган) лиги боис жамоага қўшилганлар. Энди бола бажарадиган жисмоний юмушлар, диний-ахлоқий одатга кўра «ҳалол» саналган. Қиз болаларга катталар кўмагида ҳаё, ибодат каби сифатлар ўргатила бошланган. Қиз бола ва ўғил болалар ўртасида жинсий тафовутлар шаклланган. Ёш ва жинс хусусиятларига кўра, ўғил болалар ва қизлар жамоасига ажратилганлиги учун, ўғил болалар тарбияси билан эркеклар, қизлар тарбияси билан кўпроқ аёллар шуғулланганлар. Қизлар уй-рўзғор юмушларига тўла жалб этилган бўлсада, оилавий ва бошқа тадбирларда қисман қатнаша олганлар.

Учинчи босқич – 13 - 16 ёш. Бу даврда ёш ўсмирлар маҳалла аъзоларига тўлиқ қўшилганлар. Катталар орасида ўзларини эркин сезганлар. Анъанага кўра бу ўтиш даври бўлиб, ўғил ва қиз болалар ташқи кўриниши, кийинишидаги тафовутлар кўзга ташланган, яшаш

ва иш жойлари ажратилган. Тарбияда меҳнат тарбиясига эътибор кучайган. Қизлар уй-рўзгор ишларидан ташқари маросимлар, халқ сайиллари, байрамларда тўлик иштирок этиб, жиддий масъулият талаб этадиган юмушлар, жумладан нон ёпиш, дастурхон саранжомлаш, меҳмонларни маросимга жалб этиш, кайвони, дастурхончиларга кўмаклашиш, урчиқ йнгириш, палос, кигиз, гилам тўқиш, жун титиш ва дўппи тикиш каби ишларни бажара бошлаганлар.

Тарихий-этнографик тадқиқотлар болалар ва ўсмирларни оилавий маросимлардаги иштироки, уларни жамоа орасида қандай тарбия топганлигини кўрсатди. Оилавий маросимлар ва оммавий тадбирларда аёллар ва эркаклар иштирокида тафовутлар бўлсада, бола тарбиясида аёллар хусусан, доя момо, кайвони, дастурхончи, отин ойи, биби халфа ва онанинг ўрни ўзига хос бўлган. Хусусан оилавий маросимлар болалар иштирокисиз ўтмаган. Унга оила аъзолари, қариндошлар пухта тайёрланганлар. Белгиланган вақтга кўни-қўшни аёллар ширинлик, нон, патир, қатлама, сомса ва бошқа пишириқлар тайёрлаб келганлар. Болаларнинг дастурхон атрофида уюшишлари уларда, маънавий-ахлоқий сифатларни, жамоага яқинлашиш, даврада ўзини қандай тутиш кўникмаларини шакллантирган.

XIX аср 70-80 йилларида Туркистон ўлкасига ташриф буюрган этнограф олимлар эр-хотин Наливкинлар жамоанинг бола тарбиясидаги ўрни ҳақида қайд этар эканлар, бола биринчи бор атрофдагилар билан мустақил сўзлаша бошлагач, оила аъзолари айниқса ота-оналар уларга илк бор ахлоқий кўникмалар ва диний сабоқлар бериб, Курьондан кичик оят ва сураларни ҳам ўргата бошлаганлигини ёзадилар<sup>139</sup>. Кўринадики, болаларда одоб-ахлоқ, уюшқоқлик, жамоага интилиш каби дастлабки кўникмалар диний ахлоқий мазмунда ҳудудий кўни-қўшнилари, қариндошлар таъсирида шакллана бошлаган. Ўзбеклар ҳаётида болаларнинг ёши ва жинсига қараб гуруҳларга бўлиниши уларда ижобий хулқ-атворларни шаклланишига олиб келган.

**Жамоада ўғил болалар тарбиясидаги тарихий анъаналар.** Маълумки ўзбеклар турмуш тарзида ҳамда жамият ҳаётида тарихан эркакларнинг ўрни катта бўлган. Айниқса ўғил болалар тарбияси алоҳида аҳамият касб этган. Ўғил болаларнинг эркаклар сафига қўшилишида ёш хусусиятлари муҳим бўлиб, тўққиз ёшдан сўнг

<sup>139</sup> Наливкин В., Наливкина М. Очерк быта женщин ... – С. 182.

болалар оила ва маҳалланинг мустақил аъзоси сифатида оилавий турмушда, маросимларда мустақил қатнаша олганлар. Тадқиқотлар тарихий анъаналарга хос тарзда болаларнинг ёш ва жинс хусусиятларига кўра меҳнат тақсмоти таркиб топганлигини кўрсатди.

Маҳаллада ўтказилган маросимларда оила ва маҳалла турмушига доир масалалар ўз ечимини топиб, болалар иштироки уларда аҳиллик, уюшқоқлик, ўзаро ёрдам муносабатларини шакллантирган. Катталарга тақлид қилар эканлар улар тенгқурлари орасида жўра-ўртоқлик орқали ўзларининг «кичик жамоалари»ни тузганлар. Кимдир оқсоқол, кимдир ота-она яна кимдир иш бошқарувчи бўлган. Дастлабки катталарга хос кўникмалар пайдо бўла бошлаган. Оилавий маросимлар, жамоавий йиғинлар, байрам сайиллари, чойхоналар, масжидлар, маҳалла гузарларидаги тадбирлар, мактаблар дастлабки тарбия масканлари ҳисобланган.

Тарихдан аёнки шаҳар ва қишлоқларда эркакларнинг мулоқот жойлари қишлоқ ҳамда шаҳардаги **гузар** ёки **чойхоналар** бўлган. Катта ёшдаги кишиларга яқинлашаётган болаларнинг чойхонадаги юмуши кўпинча ўтин келтириш, сув ташиш, самовар қайнатиш, сўри, чорпояларни тартибга солиш, супуриб-сидириш бўлган. Бундай юмушлар болаларда дастлабки жисмоний, ахлоқий кўникмаларни шакллантирган.

Оилавий маросимларда болалар иштироки уларнинг янада қизиқарли ўтишини таъминлаган. Маҳалладаги шундай анъаналарни XIX аср охирларида Тошкент уездида маҳаллий халқлар турмушини ўрганган Н.П. Остроумов қайд этади. Муаллиф чойхона ва хужраларда эркаклар гуруҳ-гуруҳ тўпланишиб мусиқа жўрлигида ўйин-кулгу қилишганини, кичик ёшдаги болалар учун алоҳида болахоналарда қизиқчи ва масхарабозлар ўйин кўрсатганлигини, кўнгилочар томошалар бўлиб турганлигини ёзади<sup>140</sup>.

Ўтмишда Ўрта Осиёнинг барча халқларида патриархал кўринишдаги эркаклар уйлари (меҳмонхона-оловхона)<sup>141</sup>, гапхона, гап-гаштак, жўра (дўст-биродарлар жамоаси), кўна ўтиришлари, тўкма муҳим жамоавий йиғинлар бўлиб, бундай тадбирларда болалар ҳам иштирок этганлар. Чорвадор ҳамда ўтроқ аҳоли орасида бундай

<sup>140</sup> Остроумов Н.П. Саргы. – Т., 1896. – С. 68.

<sup>141</sup> Эркакларнинг анъанавий йиғинлари ҳақида муаллиф тадқиқотлари эътиборга моликдир. Қаранг: Снесарев Г.П. Традиция мужских союзов в её позднейшем варианте у народов Средней Азии // МХЭ. Вып 7. – М., 1963; Уша муаллиф. О реликтах мужских союзов в истории народов Средней Азии. – М., 1964.

Ўтиришлар айниқса йилнинг куз, баҳор, қиш фаслида мавсумий ўтказиб турилган. Меҳмонхонани ўзига тўқ кишилар саховат учун ёки ҳар бир маҳалла ҳашар йўли билан қуришган. Меҳмонхонаси бўлмаган маҳаллаларда гаштаклар навбат билан хонадонларда ўтказилган<sup>142</sup>.

Ўтмишда шаҳарлардаги маҳалла гузарларида жойлашган меҳмонхоналар жамоа аъзолари маросимлар ўтказадиган, меҳмонлар дам оладиган, эркаклар гап, гаштак ва бошқа жамоа йиғинлар ўтказадиган жой ҳисобланган. Албатта бундай тadbирларни кузатган болалар катта ёшли эркаклардаги ҳар қандай фазилатни ўзлаштириб олишга ҳаракат қилганлар. Катталар қандай ҳаракат қилсалар шундай бўлишга интиланлар. Бу ҳол баъзан болаларда салбий кўникмаларни ҳам ҳосил қилган. Чунки йиғинда албатта шароббозлик, май ичиш, қимор ўйинлари ўтказилган. Булар болалар тарбиясига салбий таъсир кўрсатган. Аммо кекса ахборотчиларимизнинг айтишларича, зиёфат ўтказилаётган хонадонга ёш болалар киритилмаган, йиғин аъзолари бунга йўл қўймаганлар. Чунки меҳмонхонада болалар ёшига мос юмушлар билан машғул бўлганлар. Кўпинча кечқурунги йиғинга болалар жалб қилинмаган.

Меҳмонхона раиси (шерда) алоҳида тартибда ўтказиладиган маросим олдидан болаларга тарбия ҳақида, инсоннинг бурч ва вазифалари, одоб-ахлоқ тўғрисида панд-насиҳатлар қилган. Уларга ёшига қараб юмушларни тақсимлаган.

Маҳаллалардаги меҳмонхоналар қадимги даврларда шаклланган бўлиб, улар жамиятда эркакларнинг юқори мавқега эга бўлиши учун кураш шаклларида бири сифатида таркиб топган<sup>143</sup>. Улар «эркаклар уйлари» деб аталган манзилларнинг трансформация (ўзгариш)га учраган кўриниши бўлиб, болаларнинг ахлоқий тарбиясида ўрни ўзига хослигини кўрсатди.

Тошкент, Самарқанд, Кўқон, Марғилон, Хўжанд, Хива, Бухоро каби йирик шаҳарлардаги маҳаллаларда меҳмонхонадаги гап, гаштак, халфана ва ўтиришлар эрта баҳоргача давом этган. Улфатлар гаштак ёки навбат билан бериладиган зиёфатлар баҳонасида болаларини олиб меҳмонхонага чиққанлар. Турли суҳбатлар қилинган, эртак, топишмоқлардан сўнг болалар ўртасида навоийхонлик, бедилхонлик тadbирлари ўтказилган.

<sup>142</sup> Бўриев О. Уғил улфат кўрганми // Фан ва турмуш. – 1993. – № 3. – Б. 10-11.

<sup>143</sup> Қаранг: Снесарев Г.П. Традиция мужских союзов в её позднейшем варианте у народов Средней Азии // МХЭ. Вып. 7. – М., 1963.



Албатта анъанавий эркаклар йиғинларидаги бундай уюшқоқлик ҳозирги кунда асосан катталар орасида ўтказилиб келинсада, кўпроқ уларнинг кўнгил очиши, дам олиш тадбири ҳисобланганлиги боис, унга ёш болалар таклиф этилмайди. Бундай йиғинлар шаҳарларда «жўрабоши» лар томонидан назорт қилинади.

Болалар турли тадбирларда ва оилавий маросимларда ўтин ёриш, ташиш, кўлга сув куйиш, (*обкаш, оббиёр*) чой қайнатиш юмушларини бажарганлар. Болалик чоғидан ҳар бир бола маърака ва маросимларда кўлда човгум, чилобсин (дошшўй) елкасида сочик билан даврадаги меҳмонлар кўлига сув куйиб чиқишни билиши керак бўлган<sup>144</sup>. Қишлоқларда меҳмонлар узоқ масофадаги маърака ва маросимларга кўпроқ от, эшакда борганлар. Маслаҳат кенгаш, тўй, худойи, ифторлик маросимларида от уловларни боғлаш, кекса мўйсафидларни маросим сўнгида кузатиб қўйишни ҳам катталар билан бирга болалар бажарганлар. Шу боис халқ мақолларида «*Отанг-маҳалла, онанг-маҳалла*», «*Бир болага етти маҳалла ота-она*» дейилган<sup>145</sup>.

Одатда қишлоқлар икки-уч маҳаллага бўлиниб, ҳар бир маҳалланинг ўз масжиди ва гузари бўлган. **Масжидсиз ва гузарсиз маҳалла мустақил маҳалла сифатида эътироф этилмаган.** Чунки масжид ва гузарлар фақат маҳалла маркази бўлиб қолмасдан, болалар учун сабоқхона, мусулмон одоб қоидалари уқдириладиган жой саналган<sup>146</sup>. Маҳалла гузари бўш вақтини ўтказиш, маданий хордик учунгина эмас балки, тарбия, инсон бурч ва вазифалари ҳақида ёшларга сабоқ бериш жойи саналган. Гузарда маҳалладошлар ёши, мавқеига қараб ўтирганлар.

Масжид хужраларида имом болаларга нафақат диний, ахлоқий сабоқ берган, балки уларда ҳаётий кўникма ва малакаларини ҳам шакллантирган. Маҳалла масжидларида ва гузарларида XX аср 20 - 30 йилларида динга қилинган хужумлар маҳалида ҳам болалар йиғинлари ўтказилиб турилган. У ерда болалар онгига диний-ахлоқий сифатлар, маҳалла анъаналари, меҳмондўстлик, ота-онани қадрлаш сингдирилган. Анъанага кўра ижтимоий аҳамиятга эга барча маросимлар, хайрли юмушларни бошлашдан олдин, одамлар масжидга келиб имомдан фотиҳа олиб кетганлар.

Бухоро, Фарғона, Андижон, Наманган, Самарқанд шаҳарларида

<sup>144</sup> Дала ёзувлари.

<sup>145</sup> Ўзбек халқ мақоллари. – Т., 1989. – 112 бет.

<sup>146</sup> Абашин С.Н. Социальные взаимоотношения в современном узбекском кишлаке (По материалам Ферганской долины): Автореф. дис. ... канд. истор. наук. – М., 1997. – С. 15.

илгарилари болаларни шогирдликка олиш маросими ҳам масжиддан бошланган. Бу одат бола 6 - 7 ёшдан ошгандан сўнг амалга оширилган. Маросим барча касбларда деярли бир хил бўлган. Шогирдликка одатда болани ёшликдан (8 - 10 ёшда, айрим пайтларда 6 - 7 ёшда) ота-онаси олиб келиб устага топширган.

Болалар ахлоқсизлик қилса, биринчи галда ота-онасига танбех берилган. Агар у ҳам фойда бермаса фарзанднинг ўзи билан суҳбатлашиб, уни тўғри йўлга солишган. Бунда ота-оналар ҳам ўз фарзандлари қилмишлари учун қўни-қўшнилар олдида хижолатда бўлганлар. Маҳалладошлар болалар юриш-туришига кўз-қулоқ бўлиб турганлар, болалар томонидан содир этиладиган ҳар қандай нохуш ҳолатда унинг ота-онаси огоҳлантирилган.

Болалардаги ахлоқий фазилатлар нафақат оилани, балки бутун жамият, қолаверса маҳалла турмушини белгилаган. XIX аср охирида Туркистон халқлари маиший турмушини ўрганган Н.С. Лыкошиннинг ёзишича, маҳаллий ўғил бола бировга нохушлик келтирмаслик учун жамоа олдида ўзини тутишни яхши билган, катталар орасида ўз ўрнини билиб, ўринсиз дастурхондаги таомга қўл узатмай, атрофидагилар суҳбатига аралашмай, уйга келганларга қондали салом берган. Унга савол беришганда эса, қолган меҳмонлар диққатини жалб қилмаслик учун фақат шивирлаб қўйган ҳолос<sup>147</sup>.

Ота-оналар ҳамма вақт бола тарбиясида маҳалла фикрини эътиборга олишган. Фарзанднинг одоби учун қўни-қўшнилاردан отанга раҳмат деган сўзни эшитиш ота-она учун гурур ҳисобланган. Шунинг учун ҳам халқ орасида **“Онаси мақтаган қизни олма, эл мақтаган қизни ол”** - деган мақол бўлганлиги бежиз эмас.

Халқимиз анъаналарига биноан қизга совчи келса унинг кимлигини, дастлаб қўшнилاردан суриштиришган. Ота-оналар маҳалладаги эпни, ахлоқли қизни кўз остига олиб юрганлар. Келажақда турмуш курадиган фарзандларининг бир-бирига мос тушишига аҳамият берганлар. Шунинг учун Ризоуддин ибн Фахруддин *«Оила қурувчи қиз ва йигит хулқу табиатда бир-бирига мувофиқ келиши керак дейди»*<sup>148</sup>. Болаларнинг ёши, жинсига қараб тарбиялашга алоҳида аҳамият берилган.

Кексаларнинг айтишларича, маҳалла оқсоқоллари руҳсати билан тўй маросимлар, халқ сайилларида болалар иштирокида тарафма-

<sup>147</sup> Муаллиф мазкур асарда XX аср бошларида Туркистон халқлари миллий менталитети, ахлоқи, шариат-дин масалаларига эътибор қаратар экан, бола тарбиясидаги миллий ўзига хосликларни ҳам қайд этади. Қаранг: Лыкошин Н.С. Хороший тон на Востоке. – Т., 1915. – С. 4.

<sup>148</sup> Ризоуддин ибн Фахруддин. Оила / Маъсул муҳаррир Ирисов А. – Т., 1991.

тараф, ёки маҳаллалар ўртасида кураш, югуриш, кўпқари мусобақалари уюштирилган. Тадбирлар болалар ва ўсмирлар учун чиникиш бўлиб, уларда эпчиллик, чаққонликни шакллантирган. Баъзан бундай йиғинлар икки томонлама муштлашиш, уруш-жанжалларда ҳам ўз ифодасини топган. Анъанавий рақобатчилик удумлари қадимий манзилгоҳларнинг жуфт қисмлар (икки ёки тўрт)га бўлинишида ўз ифодасини топган. Бухородаги шаҳар миқёсидаги маҳаллалараро анъанавий рақобатчиликни О.А. Сухарева таҳлил қилар экан, тарихан шаклланган анъанани аҳоли турмушидаги архирик қолдиқ, деб кўрсатади<sup>149</sup>. С.П. Толстов рақобатчиликни синфий жамиятга хос тарзда шаклланган, ибтидоий даврга мос дуал муносабатларнинг замонавий тарзда ифодаланиши дейди<sup>150</sup>. Рақобатчилик қайд этилганидек ҳозиргача маълум формада сақланиб қолган қадимги одат сифатида, шаҳар ёки қишлоқни икки қисмидаги алоҳида-алоҳида маҳаллаларни ўзаро муносабатлари қай тарзда эканлигини кўрсатмоқда.

Биз мазкур китобда болалар тарбиясининг баъзи этнолокал хусусиятларини куйидаги жиҳатларда устувор эканлигини англадик.

Тарихан шаклланган анъаналар ҳамда табиий-географик омилларга кўра ўзбек оилаларида ўғил болага эҳтиёж юқори бўлган. Буни куйидаги жиҳатлар билан изоҳлаш мумкин:

1) *ўзбек халқи одатларига мувофиқ қадимдан кўп болаликдан ҳар бир оила ҳамда жамият манфаатдор бўлган. Оилада ўғил бола мавқеининг юқори тутилганлигининг боиси шунда бўлганки, уй ва маҳалла юмушларида ўғил болалар меҳнатидан кўпроқ фойдаланилган. Бу оиладаги, умуман жамоадаги иқтисодий даромаднинг каттагина улушини ташкил этганлиги учун ҳам уларга эҳтиёж катта бўлган. Ҳатто баъзи ҳудудларда, хусусан Зарафшон, Қашқадарё, Нурота воҳасида истиқомат қилган айрим ўзбек уруғларида ер ҳам ўғил болалар сонига қараб тақсимланган;*

2) *ўзбек халқига хос анъаналар ва миллий урф-одатлар ҳам муҳим омиллардан бири бўлиб, серфарзанд оилалар, айниқса ўғил боласи кўп оилалар қадрланган. Халқ орасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган. Уларга авлод давомчилари сифатида қаралган. Бу ўз навбатида ўғил боланинг жамиятдаги мавқеининг бирмунча баланд эканлиги билан изоҳланади;*

3) *ўтмишда ўзбек оилаларида қизларни эрта турмушга бериш*

<sup>149</sup> Сухарева. О.А. Квартальная община позднефеодалного города Бухары. – М.: Наука, 1976. – С. 47

<sup>150</sup> Толстов. С.П. Древний Хорезм. – М., 1948. – С. 283-284

одати бўлган. Табиийки бу ҳолат оилада ўғил болага бўлган эҳтиёжни талаб этган. Чунки турмушга берилган қизларнинг ўрнини албатта ўғил болалар эгаллаганлар. Ўғил болаларга нисбатан оила меросхўрлари сифатида қаралган;

4) аёлларнинг жамиятдаги ўрни яна шу билан характерланганки, ўзбек аёллари асосан уй ишлари ва бола тарбияси билан банд бўлганлар. Бу шубҳасиз рўзгор ва дала юмушларида эркаклар, хусусан болалар меҳнатини кўпроқ талаб этган.

**Жамоада қиз бола тарбиясидаги тарихий анъаналар.** Қиз бола ҳаётида маҳалла аёлларининг ўрни катта бўлиб, ёшлигидан улар онгида одобли, ҳаёли, иболи бўлиш кўникмалари шакллантирилган. Муқаддас Қуръони Каримда ҳам қиз болалар ўғил болалар сингари «илоҳий эҳсон» эканлиги асослаб берилган. Улар тарбиясига оид мулоҳазалар шарият ҳукми даражасида амр этилган<sup>151</sup>.

Авваламбор қизларга ёшлиқдан оилада «алла айтиб» бешик тебратиш ўргатилган. Чақолоқни бешикка белаш асосан аёллар ва болалар иштирокида ўтказилиб, бешик солдида кўпинча ёши улуг серфарзанд аёллар, кўни-қўшнилар, қариндошлар иштирок этганлар. Маросимда болаларнинг ҳам иштирок этиши уларда жамоага уюшиш ҳиссини шакллантирган. Чақолоққа узок-умр, соғлиқ-саломатлик тилаб тез орада даврадаги болалар қаторига қўшилиши ният қилинган. Кайвони аёл ёш онага болани боқиш, чўмилтириш, ҳар хил гигиеник муолажалар қилиш, алла айтишни қанда қилмаслик ҳақида ўз билганича маслаҳат берган. Бешик устидан турли ширинликлар сочилиб, жамоадаги болалар уни териб олганлар. Бу болаларни жамоага яқинлаштириш билан бирга, чақолоққа келажакда қутли баракали, онага эса серфарзанд бўлиши тиланган.

Оила турмушига дахлдор тадбир ёки маросим аёллар жамоаси бошлиғи (кайвони) сиз ўтмаган. У доимо оқсоқол билан маслаҳатлашиб иш тутган. Барча бола тарбиясидаги маросимлар, чилла, бешик тўйи, ақика, оёқ тўйи ва бошқа тадбирларни у аёлларни рўзгор юмушларидан бўш вақтига қараб, маҳалла оқсоқоли билан ўзаро келишиб белгилаган.

Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий вилоятларининг кўпчилик туманларида маълум сабабга кўра жамоа кайвониси тадбирда иштирок эта олмаса, уни кушноч ёки доя аёллар, Самарқанд, Бухоро, Кармана, Нурота шаҳрларида дастурхончи, бибиҳалфа, Тошкент, Фаргона водийси шаҳар ва қишлоқларида отинойи ёки бувотинлар

<sup>151</sup> Қуръони Карим ... – Б. 182.

бошқарган. Баъзи қишлоқларда аёлларнинг каттароқ йиғинларида кайвони ва дастурхончи аёлларга ёш қизлар орасидан ёрдамчилар ҳам тайинланган. Овул жамоасида, қизларга кўпроқ чорвадорларга хос хунарлар ўргатилган. Улар катталар қатори кигиз, гилам тўқиганлар, пўстак тайёрлаганлар.

Аёлларнинг ахлоқий фазилатлари, оиладаги ҳуқуқ ва бурчи кўплаб миллий анъаналарда намоён бўлади. Аёл ҳамиша бола тарбиясига садоқати, меҳри билан ажралиб турган. Бундай одат ўзбек аёли менталитетига ҳам чуқур сингиб кетган. Куръони Каримда айтилганидек, оилада «Аёлларнинг қанча ҳақлари бўлса, шунча вазифалари ҳам бор»<sup>152</sup>. Бундай вазифалар оила аъзолари ўртасидаги муносабатда, меҳнат тақсимооти кабиларда ифодаланган.

Аёллар оила юмушлари билан банд бўлишлари билан бирга, дала ишларида эркаклар ўрнида ҳам ишлаганлар. Ишдан бўш пайтларда кўни-кўшни аёллар йиғилишиб, болаларни эртақ, достон, латиφα айтишиб овулганлар. Қишлоқларда хотин-қизлар учун махсус тўпланиш жойлари бўлмасида, улар бирон-бир хонадонга киришиб, қизу-жувонларга дўппи, қийик тикиш, чарх йиғиришни ўргатганлар. Отинбилардан турли қиссалар тинглаганлар, шеърхонлик қилишиб, чистон, топишмоқлар айтишганлар. Маҳаллада отинойилар кўпроқ диний ахлоқий масалалар тарғиботи билан шуғулланганлар. Одатда, бундай лавозим аксарият ҳолларда онадан қизига мерос тарзда ўтган. Бундай анъана Бухоро, Самарқанд, Навоий вилоятлари шаҳар ва қишлоқларида ҳам мавжуд бўлган.

Қиш фаслида дала ишлари бироз тингач, кўни-кўшни болалар янада ўзаро кучлироқ уюшганлар. Кекса аёллар болаларга эртақ, афсона, ҳикоялар айтиб берганлар. Эр-хотин Наливкинлар шарқ халқларига хос бу одатни болаларни, айниқса қизларни маънавий ахлоқий тарбиялашдаги ўрни муҳимлигини қайд этишиб, қишда бошланган эртақ айтишлар, баҳорнинг илиқ тунларида ҳам давом этганлигини ёзадилар<sup>153</sup>.

Жамоада қизларни 9 - 10 ёшдан ўғил болалардан алоҳида бўлишга кўниктириб борилган. Энди уларнинг асосий юмушлари ҳалат, тўшак, ёстиқча тикиш ёки бирор нарса тўқиш билан боғлиқ бўлган. Бундай давр қизлар ҳаётидаги илк кўникмалар даври бўлиб, барча ҳатти-ҳаракатлар катталар, айниқса аёллар назоратида бўлган.

<sup>152</sup> Куръони Карим. «Бақара» сўраси... – Б. 6-44.

<sup>153</sup> Фаргона водийси утрок аёлларининг турмуш тарзини ўрганган муаллиф жамоада бола тарбиясидаги эътиборга эътиборга молик фикрларни билдиради. Қаранг: Наливкин В., Наливкина М. Очерк быта женщины ... – С. 189.

Аждодлардан авлодларга мерос тарзда ўтган ахлоқий ва жисмоний мазмунга йўналтирилган гўдакларни овутишга йўналтирилган ўйинларда жамоага уюша олиш нормалари вужудга келган. Бундай алоқадорликда қизларнинг ўзаро мулоқотлари, атрофдагиларга нисбатан муносабатлари шакллана бошлаган<sup>154</sup>. У Қорабоевнинг қайд этишича Нурота воҳасида болалар ўйинлари оилаларда турли кўринишда ташкил этилган. Қизлар ўртасида “бекинмачоқ”, “хола-хола”, “ҳаккалак”, “она-бола”, “бешқарсак”, ўғил болаларда “ола кучук”, “лаппар”, “мушкетти”, “ошиқ”, “бола чивиқ”, “ов-ов”, “уруш-уруш”, “сафед чивиқ” ўйинларида ўзаро жамоага уюшиш шаклланган<sup>155</sup>.

Қизларнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб уй ва ёввойи ҳайвонларга, қушларга таклид қилишлари “ола ҳакка”, “лайлак келди соз бўлди”, “ола товук” ўйинларида ўз аксини топган. Уларга мос байт ва ашулалар айтилган. Болаларнинг гўдаклигида ўтказилган ўйинларида ўйин жойи (майдонча) алоҳида аҳамиятли бўлиб, улар мавсумий ёз, куз, баҳор фаслида ўтказилган. Худди шундай ўйинлар XIX аср охири - XX аср бошларида Тошкент ва Чимкент уезди шаҳар аҳолисида баҳорда қор эриб битмаган маҳалда болаларнинг жамоавий ўйинлари уйларнинг томларида ва айвонларда ўтказилган<sup>156</sup>. Баҳор келиши даракчилари турна, қалдирғоч, лайлаклар бўлиб, уни кўрган болалар кўл ушлашиб “*лайлак келди гоз бўлди, қаноти қозғоз бўлди*”, “*лочин келди*”, деб байт айтганлар. Жамоа таъсирида болаларда кимдир ота-она, кимдир “*жамоа сардори*” бўлишга интилиш, катталарга тақлид шаклланган. Болалар ота-оналари тарбиясидан узоклашгандан бошлаб тенгқурлари даврасида аста-секин катталарга қўшила бошлаганлар.

Маҳаллада фалончининг қизи “кўзга кўриниб қолди” - деган фикрда унинг тарбиясига фақат оила аъзолари эмас, балки маҳалла ҳам жавобгар бўлган. Қизлар маълум ёшга етганда ихтиёрий равишда аёлларга кўшилганлар. Баъзи шаҳар ва қишлоқларда бундай тадбир 12 - 13 ёшдан қизларнинг “мурсак” кийиш маросими билан бошланган. Маросимда маҳалла хотин-қизлари иштирок этиб, кизга атаб кийим-кечак тикиб келганлар, таом тановулидан сўнг мурсак кийдириш маросими ўтказилган. Маросим қизнинг балоғатга етаётганлигини аниқлатган.

<sup>154</sup> Симаков Г.Н. Общественные функции киргизских народных развлечений в конце XIX - начале XX века. - Л., 1984. - С. 16.

<sup>155</sup> Қорабоев У. Ўзбек халқ ўйинлари. - Т., 2001. - Б. 25.

<sup>156</sup> Пещерова Е.М. Некоторые игры среди оседлого населения Туркестана. - Т., 1915. - С. 83.

Хулоса қилиб шуни қайд этиш зарурки, бола тарбиясида жамоанинг ўрни ўзига хос тарзда бўлиб, у ўзига хос хусусиятларга ҳам эга бўлганлигини кўрсатди. Бу болалар тарбиясида ота-онанинг, эркак ва аёлнинг ўрни, уларнинг хулқ-атворининг шаклланиши ва ривожланишида маҳалланинг ўрни яққол кўринган. Болалар ёшлигидан катталар сафига қўшилишга интиланлар. Ўғил болаларнинг эркаклар сафига қўшилишида ёш хусусиятлар муҳим бўлиб, беш ёшдан сўнг болалар жамоанинг мустақил аъзоси сифатида оилавий турмушда, маросимларда мустақил қатнаша олганлар. Тадқиқотлар тарихан Республикамизнинг турли минтақаларида болаларнинг ёш ва жинс хусусиятларига кўра ўзига хос меҳнат тақсмоти таркиб топганлигини кўрсатди.

Айниқса қизлар тарбиясида жамоа кўникмаларидан ташқари индивидуал жиҳатлар ҳам таркиб топиб, улар маълум ёшдан сўнг хўжалик ва рўзгор ишларида мустақил қатнаша олган бўлсаларда, жамоада улар шарқона одоб-ахлоқ меъёрлари асосида иш олиб борганлар. Балоғат ёшида қизлар аёлларга яқинлаша бошлаганлар, уларда дастлабки ахлоқий кўникмалар шакллана бошлаган. Шундай қилиб маҳалла тарбия маскани, урф-одат ва анъаналар, ўзига хос турмуш тарзи шаклланган жой саналган. Тадқиқотлар жамоа болаларни бир-бирига оқибатли, кўмакдош қилишда, барчага хусусан, катталарга ўзаро яқинлардек муомалада бўлишга ундаганлигини кўрсатди.

Бугунги кунда маҳалла давлат бошқарувининг дастлабки бўғини сифатида, халқимизнинг, айниқса ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясида муҳим ўрин тутмоқда. Маҳаллаларда болаларнинг хулқ-атвори, ҳатти-ҳаракатлари доимо кўни-қўшнилар назоратида бўлиши, бунда айниқса, бой, ҳаётий тажрибага эга бўлган оила бошлиқлар, катталарнинг кўрсатмалари билан иш тутиш талаб этилмоқда. Ёшларда миллий ғурур, ифтихор, ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш, миллий кадриятларимизга ҳурмат ҳиссини шакллантириш барчамизнинг муҳим вазифамиздир. Бунинг учун маҳалла кўмиталари, фуқаролар йиғинларининг, хотин-қизлар кенгашларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича олиб бораётган фаолиятини янада такомиллаштириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

1) оила-маҳалла-мактаб дастурини амалга оширишда маҳалла маъмурияти, фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар кенгашлари, маҳалла фаоллари билан биргаликда, тарбияга оид масалаларни

ечишда мактаб маъмуриятига яқиндан кўмаклашишни кучайтиришимиз зарур. Чунки мамлакатда таълим-тарбияни замонавий талаблар даражасида аниқ белгиланган мақсад сари йўналтирмасдан, ёшлар муаммолари билан шуғулланишни яхшиламасдан туриб кўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди;

2) маҳаллаларда ҳуқуқий тарбияни кучайтириш зарур. Тарбияси оғир, мактабдан, таълим-тарбиядан ажралиб қолган ёшларни мактабга жалб этиш, кўр-кўрона пул топиш илинжида юрган болалар ва уларнинг ота-оналари билан жамоат жойларида, маҳаллаларда, ҳуқуқ-тартибот, адлия органлари вакиллари иштирокида суҳбатларни кучайтириш лозим. Бунинг учун оила-маҳалла алоқаларини мустаҳкамлаш, ёшларда миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримизга нисбатан ҳурмат ҳиссини, улар онгида миллий ғурур ва ифтихор туйғусини шакллантиришни даврни ўзи тақозо этмоқда;

3) таълим-тарбия ишларида миллий урф-одатларга эътиборни кучайтириш зарур. Чунки ҳар бир халқнинг ўзига хос миллий хусусиятлари авваламбор тарбия орқали амалга оширилади. Бу эса миллатимиз обрўси ва нуфузини дунё миқёсида оширишга хизмат қилади. Буни авваламбор миллий тарбия анъаналарини ёшлар онгига сингдиришдан бошлаш керак. Бунда ўзбеклар маҳаллий бошқарувининг негизи маҳалла муҳим ўрин тутуди;

4) мамлакат ва вилоятлар миқёсида «Энг обрўли, Энг фаол маҳалла» ва маҳаллада «Энг тартибли оила» танловларини ўтказиш, иштирокчилар ва ғолибларни моддий рағбатлантиришни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Чунки, бундай тадбирлар оила ва маҳалла муштараклигини кучайтиради, барча оила ва маҳалла аъзоларини ўз жамоаси ва ватани учун фаол бўлишга чақиради;

5) маҳалла ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари иш тажрибаларини, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимларини оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш, маҳалланинг нуфузини халқаро миқёсда тарғиб қилиш, чет эллик олимлар ва мутахассисларни Ўзбекистонда маҳаллалар иш тажрибаларини ўрганишга жалб этиш зарур деб ўйлаймиз.



## ОИЛАВИЙ МАРОСИМЛАРДА ҚЎНИ-ҚЎШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

Тўй оила ва маҳалла ҳаётидаги қувончли маросим саналади. У ўз мазмунида халқнинг ўзига хос турмуш тарзини акс эттиради. Ушбу маросимни дунёдаги халқлар ўз урф-одатларига мос тарзда нишонлайдилар. Жумладан, ўзбек тўйларининг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, у қариндош - уруғлар, қўни-қўшнилари, умуман, кенг жамоатчилик иштирокида ўтказилиши билан ажралиб туради. Шунинг учун халқ орасида «Маслаҳатли тўй тарқамас» деган мақол мавжуд<sup>157</sup>.

Тўй ҳар бир миллатнинг тарихи, турмуш тарзи ва бошқа омиллари таъсирида шаклланади. Тўйлар билан боғлиқ урф-одат, расм-руслар миллатнинг ўзига хос қиёфасини акс эттирувчи хусусиятлардан биридир. Ўзбекларда қуда-андачиликка катта эътибор берилади, *“Қудачилик минг йилчилик”* ёки *“Қуёвни пайғамбар сийлаган”* деган нақллар бежиз айтилмаган. Шу муносабат билан шунга яраша қудаларга, куёвга ҳурмат эҳтиром билдирилади. **Айтишларича ўтмишда ота ўз қизи тушган маҳалладан отдан тушиб пиёда ўтган экан.** Ҳаётимизда тўй билан боғлиқ шундай одатлар жуда кўп топилди.

Ўзбек тўйлари ташкил этилиши, мазмун-моҳияти, ўз мақсади ва вазифаларига кўра бир қанча турларга бўлинади. Уларнинг ҳар бирини илмий ўрганиш ва таҳлил этиш алоҳида тадқиқотни талаб этади. Шу боисдан биз мазкур китобда ўзбек халқи оилавий турмуш тарзида муҳим ўрин тутган ҳамда жамоанинг энг катта маросимлардан саналган, суннат ва никоҳ тўйлари ҳақида фикр юритмоқчимиз ҳолос.

**Суннат тўйи** - оилавий маросимлар ичида алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳадисда болани хатна қилиш мусулмончилик одати эканлиги ва уни бажариш шарт эканлиги ҳусусида сўз юритилди<sup>158</sup>. Бу маросим айниқса, Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта шарқ мамлакатларида кенг нишонланади. У билан боғлиқ урф-одатлар бир-бирига ўхшаш жиҳатларга эга бўлсада, Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистоннинг баъзи ҳудудларида айрим этноҳудудий хусусиятларга ҳам эга. Ўзбекларда суннат тўйини ўтказиш деярли бир-бирига ўхшасада, тўйгача ёки тўй жараёнида ва ундан сўнг ўтказиладиган маросимлар

<sup>157</sup> Ўзбек халқ мақоллари. – Т., 1994. – 314 бет.

<sup>158</sup> Имом Исмоил Ал-Бухорий. Ҳадис. – Т., 1995. Т. II. – Б. 510.

бир-биридан фарқ қилади.

Жумладан Ўзбекистоннинг Нурота, Фориш, Қўшработ туманларида анъанага мувофиқ азалдан тўйгача, тўй жараёнида ва тўйдан сўнг бир қанча маросим ва тадбирлар, турли ўйин ва томошалар ўтказилган. Булар «*Ўтин ҳашари*», «*Тандир қурди*», «*Кўрна йиғди*», «*Супраошти*», «*Сўқим сўйди*», «*Эрталабки ош*», «*Парчабуррон*», «*Чукрон сарпоси*», «*Бола кўрди*», «*Уста йўқлади*», «*Кўпқари*», «*Бозихона*», «*Чорқарсак ва бешқарсак*», «*Туя уруштириш*» ва бошқа маросимлар. Машхур рус этнограф олими Г.П. Снесаревнинг ёзишича ўзбек халқида ўтмишда барча жойларда кўни-кўшнилар иштирокида ўтказиладиган суннат тўйи қуйидаги гартибда бўлган: маслаҳат кенгаш яъни кенгаш тўйи, тандир қуриш, нонвой тушиди, сўқим сўйди, нон еди, хатми қуръон ва ниҳоят катта тўй<sup>159</sup>. Бой-бадавлат хонадонларда ўтказиладиган суннат тўйи бир неча кун давом этган ва уларда катта томошалар кўрсатилган, йирик мусобақалар жумладан, улоқ, қураш, пойга кабилар ўтказилган.

Ўзбеклар анъанасига мувофиқ барча жойларда тўй бошланишидан олдин, тўй эгасиникида маросим учун муҳим ҳисобланган кенгаш тўйи, асосан эркаклар иштирокида ўтказилган. Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд, Жиззах вилоятларининг айрим қишлоқларда у «*қора қозон*» деб аталган. У айрим ҳудудларда «кичик маслаҳат» деб юритилган. Бундай уюшмага уруғ-жамоаси ва узоқ-яқиндаги қариндошлар(асосан эркаклар) чақирилган. Тўй олдидан ўтказилган бундай йиғинда жамоа функциясининг асосий мазмуни шунда бўлганки, тўйда харажатларнинг маълум қисмини кўтариш ва юмушларни ихтиёрий бажаришга асосланган.

Шу билан бирга Зарафшон, Фарғона водийси ҳамда Қашқадарёнинг юқори ҳавзасида яшайдиган ўзбекларда ҳам «қорақозон» уюшмаси мавжуд. У катта патриархал оила жамоасига нисбатан ишлатилган, бу атама ажралмаган оила бюджети моҳиятини ифодалаган. Кенгашга қишлоқ ва овул оқсоқоллари, қариндошлар, кекса кишилар ҳам таклиф этилган, улар тўйни ташкил этиш ва уни ўтказишда ҳал қилувчи рол ўйнаганлар. Умуман ўзбек халқи орасида маслаҳат кенгашининг икки хил тури учрайди, биринчиси тўйдан 15 - 20 кун олдин ўтказилиб унга асосан оила қариндош жамоа аъзолари, қишлоқ оқсоқоллари таклиф этилган. Иккинчиси «катта маслаҳат»

<sup>159</sup> Суннат тўйи ҳақида қаранг: Снесарев Г.П. К вопросу о происхождении праздника суннат-той в его среднеазиатском варианте // СЭС. Т. III. Занятия и быт народов Средней Азии. – JL, 1971. – С. 257-272.

кўни-кўшни, қариндошлар иштирокида тўйдан 2 - 3 кун олдин ўтказилган.

Маросимда йиғилганларга имкониятларига қараб вазифалар тақсимланиши, маросимда тўйда бажариладиган юмушлар олдиндан режалаштирилиб олиниши, маълум масалаларни муҳокама қилиш учунгина эмас, харажатларнинг маълум қисмини қоплашда ихтиёрий бириқишга асосланган. Маҳалла аҳлининг «катта маслаҳат кенгаши» тўйдан узоғи билан 2-3 кун олдин ўтказилган. Маросимда жамоадаги ёшу-қари маслаҳатбошининг йўл-йўриқларидан сўнг, хизматларни мажбурлов тарзида эмас, ихтиёрий равишда олганлар. Бу, тўй жараёнида барчанинг бирдек иштирокига асосланиб, тўйбоши хизматларнинг бажарилишини, меҳмонларнинг келиш ва кетишларини назорат қилиб турган.

Этнографик маълумотларга асосан ўтмишда суннат тўйида юмушлар куйидагича бўлган: *тўйга айтувчилик (жарчи), «самоварчи», «гўшт тарқатувчи», омборхонада «масаллиқлар тарқатувчи», «ўтин ҳозирловчилар», «меҳмонларни кутиб олувчилар», «от-уловларни боғловчилар», «дастурхончилик», кўноқ олувчилар», тўйдаги ўйин ва томошаларни бошқариш (бош ҳакамлик), меҳмонларни кузатиб кўйиш ва бошқалар.* Вазифаларнинг барчаси ижтимоий моҳиятига кўра аҳамиятли бўлсада, иштирокчи ва бажарувчилар ёш ва жинс хусусиятларида умумийлик ва этнохудудий фарқлар мавжуд.

Одамларни тўйга таклиф этиш ва тўйдан хабардор қилувчи (жарчи) нинг вазифаси ана шундай юмушлардандир. Самарқанд, Навоий вилоятларининг баъзи ўтроқ аҳолисида ҳамқишлоқларни тўйга таклиф этишни яқин-яқин вақтларгача аёллар бажарганлар. Хусусан Навоий вилоятининг айрим қишлоқлари, жумладан Синтоб, Катта Эж қишлоқларида жарчининг вазифаси шунда бўлганки, иккита аёл уйма-уй киришиб, уй эгасини «бугун фалончиникига-ошга, эртага тўйга» - деб хабар берганлар ва у ерда қисқа фурсат бўлишган. Одатда ҳар бир уй эгаси уларга дастурхонда нон, канд-курс, мева-чевалардан олиб чиққанлар, хабарчи аёллар улардан олиб халтачаларига солганлар. Бу билан бирга ўз халтачаларидаги мева-чевалардан уй эгасининг дастурхонига ҳам кўйишган. Улар ўз вазифаларини бажариб бўлишгач, мева-чеваларни тўй эгасиникига олиб бориб болаларга улашганлар. Бу барчанинг дастурхони тўйдаги каби мўл-кўл бўлсин деган маънога ишора қилинган.

Жумладан маслаҳат кенгашда йиғиннинг алоҳида лавозим эгаси

саналган хабарчининг муҳим вазифалари ҳақида А.Е. Бижанова ҳам қорақалпоқлар мисолида қайд этади<sup>160</sup>. Тожикистоннинг Конибодом воҳаси ўзбек ва тожикларида шаҳар ёки қишлоқ гузариди оилавий тантана, жумладан суннат тўйларини ўтказиш учун махсус чақирик ва эълонлар ўқилган<sup>161</sup>. Шунга ўхшаган одат Хоразм воҳаси ўзбекларида ҳам бўлган<sup>162</sup>. Хоразм вилоятида шундай вазифани бажарувчи аёл «**ходим**» деб аталган. Гурлан туманида баъзан аёллар орасида бу вазифани бажарувчи бўлмаса, уни 10 - 12 ёшли болалар бажарганлар<sup>163</sup>.

Меҳмонларни тўйга жалб қилишнинг яна бир кўриниши бу, тўй куни эрталаб қишлоқ, овул ёки маҳаллаларда махсус жарчилар орқали хабар беришдир. Бундай одат кўпроқ ўтроқ аҳолига хос бўлиб, бу кўни-кўшниларнинг ўзаро худудий яқинлиги билан характерланган.

Жиззах вилоятининг Фориш тумани маҳаллаларида тўйга чорловчи махсус «**жарчи**»лар бўлган. Жарчилар эркаклар орасидан танланиб ҳозирги кунда ҳам баъзи маҳаллаларда учрайди. Улар тўйларда «**жарчилик**» вазифасини бажарадилар. Улар асосан ўз маҳаллалари худуди доирасида жарчилик қилишиб, тўйга айтиувчидан шуниси билан фарқ қилганки, улар бутун маҳаллани «ёппасига» баланд овозда тўйга чакирганлар. Тўйга чакиришнинг шунга ўхшаш кўриниши Ўрта Осиёнинг бошқа худудларида ҳам учрайди. Хусусан, Конибодом воҳасида ҳам у «ёппасига» деб аталган<sup>164</sup>.

Республикамизнинг аксарият қишлоқларида тўй олдидан «Хатми Куръон» (қадми Куръон) ўтказилиб, унга қишлоқ жамоаси кексалари, масжид имоми ва қариндошлар тақлиф қилинган. Унда оила аъзолари бирон хайрли юмушни бошлашдан олдин барча ўтганлар хотирасига атаб Куръон ўқитилиб, диний илмдан хабардор кишига савоб йўлида тиловат қилдирганлар. Давра тўрида мулла ёки имом ҳар бир ўқилган ояти-қаримадан сўнг тадбирни хайрли ўтиши учун фотиҳа қилиб турган. Меҳмонлар муллага кўнгилларидан чиқариб пул, танга, рўмол, белбоғ беришган. Маросим сўнггида уй эгаси муллага тўн, яқтак, жойнамоз, камбағалроқ оилаларда оқ

<sup>160</sup> Бижанова А. Е. Семейно-бытовые обряды..... – С. 13.

<sup>161</sup> Турсунов Б. Р. Особенности семьи и семейных обрядов населения Ферганской долины в XX веке (на примере Канибадамского оазиса): Автореф. дис. ... канд. истор. наук. – Ташкент - Худжанд, 2002. – С. 16.

<sup>162</sup> Батафсил маълумот олиш учун қаранг: Исмоилов Х. Ўзбек тўйлари. – Т., 1992. – Б. 49.

<sup>163</sup> Ўша жойда

<sup>164</sup> Бундай одат Конибодом воҳаси ўзбекларида ҳам учрайди. Батафсил маълумот олиш учун қаранг: Турсунов Б. Р. Особенности семьи и семейных обрядов населения Ферганской долины ... – С. 16.

рўмолга тугилган 2 та нон, курук мева, пул, танга берганлар. Бу Республикамизнинг деярли барча худудларига хос одат бўлиб, ҳозирги кунда ҳам ўтказилади. Унда дастурхон ёзилиб, нон-туз кўйилиб, тўй хайрли ўтсин деб фотиҳа қилинган<sup>165</sup>.

«**Ўтин оши**» - Навоий вилояти Нурота туманидаги Синтоб, Катта Эж кишлоқларида тўй олдидан тўй эгасига кўмак сифатида кишлоқдаги йигитларнинг тоғдан бодом, арча, даштдан саксовул, шувоқ кабиларни эшак, от, туяда тўйхонага ташишлари қариндошлар, кўни-кўшниларининг ўзаро ўтин ошида иштирок этишлари. Маълумки, тўй қилувчи катта харажатдор бўлади, тўйхонада икки-уч кун қозон, самовар қайнаб туриши ўтмишда кўп ўтинни талаб қилган. Шунинг учун маҳалладошлар даладан саксовул, шувоқ, тоғдан арча, бодом кабиларни уловларга боғлаб олиб келганлар. Ҳашарчилар ўтинни олиб келиб кўни-кўшниларикига туширганлар. Тўйдан олдин ва тўй куни ва тўйдан сўнг кўшниларикида тандирларда нон, қозонларда овқат пиширилган. Бу нафақат тўй эгасига кўмак балки, барчаникида доим шундай хурсандчилик, тўй-тантана бўлсин деган маънога ишора бўлган. Шунинг учун ҳам «**Узоқдаги қариндошдан яқиндаги кўшни яхши**» – мақоли бежиз айтилмаган<sup>166</sup>.

Одатда тўй олдидан маҳалладаги яқин кўни-кўшниларикидан идиш-товок, кўрпа-тўшак ва бошқа тўй учун зарур буюмлар йиғиб тўйхонага келтириш анъанаси мавжуд, бунда барча ёшлар қатнашганлар. Шу боисдан бу маросим ижтимоий характер касб этиб, бутун жамоадошларнинг ташвиши ҳисобланган, бу жараёнда барча ишларнинг боришини маҳалла оқсоқоли ёки тўй раиси (Фарғона водийси, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларининг айрим кишлоқларда «**тўй боши**», «**саркор**» ёки «**жебоши**») бошқариб борган.

«**Кўноқ**» – тўй учун узоқ масофадан келган меҳмонлар жойлаштириладиган жой. У тўйдан олдин кўни-кўшниларикида ҳозирланиб, меҳмонларнинг от-уловлари учун алоҳида жой ажратилиб, меҳмонлар учун озиқ-овқат, от-улов учун ем-хашак кўшнилари ёки тўй эгасининг ҳисобидан бўлган. Улар учун дастурхонга тортилган овқат «**кўноқ оши**» деб аталган. Ўзбекистоннинг турли вилоятларидаги табиий шароитдан келиб чиқиб таҳлил этилса кўноқлар албатта узоқ масофадан келганларга нисбатан айтилган. Шу билан бирга кўпқарига келаётган чавондозлар маълум зарурат туфайли йўлда бошқа кишлоқларда тўхтаб тунасалар

<sup>165</sup> Дала ёзувлари.

<sup>166</sup> Ўзбек халқ мақоллари. – Т., 1994. – Б. 69.

ҳам вақтинчалик қўноқ ҳисобланган<sup>167</sup>. Қўноқ халқ орасида қўним, жой бериш маъносида («қўниқ», «қўную», «қўшхона») тарзида учрайди<sup>168</sup>.

Нурота, Фориш, Қўшработ, Чирокчи, Қамаш, Бойсун, Шеробод, Поярик, Ғаллаорол туманларида қўноқлар уйида от боқувчи отбоз ёки чавондозларникига тақсимланган. Меҳмонлар жой билан овқат, отлар ем-хашак билан таъминланиши билан бирга, чавондозларга қўноқ эгаси тунда туриб отни кўпқарига тайёрлаши учун шароит яратиб берган<sup>169</sup>.

Баъзан қўноқ олишда меҳмонлар сони 12 кишидан ошмаслиги керак бўлган. Меҳмонларга тўй эгаси ёки айрим ҳолларда хонадон эгаси томонидан қўй сўйилган ва 12 мужжа (бўлакка) га тақсимланган. Ўн иккига нисбатан рамзий тимсоллаштириш, унга табиатнинг мукамаллигини англатувчи сон сифатида мурожаат этилганлигини англатади. Қўноқларнинг 12 та бўлганлиги фақат оти билан келган меҳмонлар эмас, балки қўшни қишлоқлардан келган чавондозларга, оти ва чавандозини қўллаб-қувватлаш учун келган мухлислар ҳам қўшиб ҳисобланган. Бир қўноққа бир сўйиш (эчки-қўй) берилган<sup>170</sup>.

Тошкент шаҳри ва аксарият вилоятларда «**Чукрон**» маросими ҳам ўтказилган. Болани хатна қилишдан олдин уйда, жамоанинг ёши катта, кексароқ кишилар йиғилганлар. Улар тўй бола ҳақида ҳазил-ҳузул гаплар қилишиб, анча вақт чақчақлашганлар. Шу билан бирга устага амални яхши бажаринг» - дея ўз атаганларини берганлар. Бу «чукрон пули» деб аталган<sup>171</sup>. Хатна ўтказилаётган уйда жамоанинг кекса оқсоқоллари, хонадон яқинлари, боланинг қариндошлари, яқин қўни-қўшнилар қолишган. Баъзи шаҳар ва қишлоқларда хатнадан олдин, бази ҳолларда хатнадан сўнг даврадагилар болага пул, рўмолчада тугилган нон, мева-чева беришган. Бу нафақат болани овутиш, балки маҳалладошлар, яқинларнинг тўй эгасига тўёнадан ташқари, яна қўшимча ҳадялари ҳам ҳисобланган.

<sup>167</sup> Зиманов С.З. Общественный строй казахов... - С. 67.

<sup>168</sup> Қўноқ - Кавказдаги адигей халқларида ҳам булган ва аънамага қўноқ энг муътабар меҳмон ҳисобланган. Қаранг: Гарданов В. К. Общественный строй адигейских народов. - М., 1967. - С. 308-312; Кустанаев Х. Этнографические очерки киргиз Перовского и Кезалинского уездов. - Т., 1894. - С. 17.

<sup>169</sup> Дала ёзувлари. Маълумотлар муаллиф Ф.Толипов томонидан Нурота ва Фориш туманлари қишлоқларидан тўпаланган.

<sup>170</sup> Дала ёзувлари. Қўшработ тумани, Қўролос қишлоғи.

<sup>171</sup> «Чукрон» - тожик тилидаги «чикбури», «чикибурон» сўзининг ўзгарган формаси бўлиб у тожик тилида «болани хатна қилиш» маъносида қўлланилади. Қаранг: Народы Средней Азии и Казахстана. - М., 1962. Т. 1. - С. 661; Яна қаранг: Кисляков Н.А. Семья и брак у таджиков. - М.-Л., 1959. - С. 59.

Суннат тўйида *анъанавий халқ ўйин ва томошалари* маҳаллада қариндошлар, қўни-қўшниларнинг ўзаро муносабатларини қарор топтириш манбаи бўлган. Улар кўпроқ суннат тўйларида, халқ байрам ва сайлларида оммавий ўтказилган. Унда халқнинг барча қатламлари қатнашиб, аҳолининг турмуш-тарзини ўзида акс эттирган. Халқ ўйинлари айниқса байрам, тўй, сайл кунлари авжига чиққан. Айниқса у Республикамизнинг Нурота, Фориш, Бойсун, Чирокчи, Яккабоғ, Шахрисабз, Ургут, Хатирчи, Ғаллаорол туманларида халқ орасида оммабоп бўлган. Жумладан «пойга», «қураш», «ёстик ўйин», «тош ўйин», «ағдарош», «човгон», «қобок ўйин»<sup>172</sup>, «От пойгаси» каби ўйин ва мусобақалар айнан тўй кунлари авжига чиққан<sup>173</sup>.

«*Чор қарсақ, беш қарсақ*» – хурсандчилик билан боғлиқ оилавий маросимлар, айниқса суннат тўйларида кенг расм бўлган маросим. Маросимда тўпланганлар махсус усулда қарсақ чалишиб, айтилаётган кўшиқларнинг нақоратларига кўшилиб туришган. Чорқарсақ хатна тўйларининг энг қизиқ ва ҳал қилувчи пайти бўлиб, тўй иштирокчилари катта доира шаклида турганлар, ички қатордагилар эса тиз чўкиб ўтиришган. Ўртага бир неча киши тушишиб, чалинаётган қарсақка ритм асосида чорқарсақнинг биринчи бўлими, «*яллама ёрим - яққу-яқ*» кўшиқларига ўйнашган<sup>174</sup>. Даврадагилар қўлларига, рўмолча қошиқ, зангилаларни олиб бир-бирига уриб ёки силкитиб рақсга тушганлар.

Ўйин иштирокчилари якка, жуфт-жуфт, ёки бир гуруҳ бўлишиб ўртага тушиб қарсақ ва бешқарсақларнинг оҳангига мос равишда олов атрофида айланиб ўйин қилишган. Эрақларнинг аёллар кийимида чиқишлари, аскиячиларнинг хангомалари, масҳарабозларнинг қуш ва ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатларини кулгили қилувчи ҳаракатлари тўйхонага байрам тусини берган.

---

<sup>172</sup> От устида камонда отиш бўйича мерганлик. Бу ўйин нафақат беқлик ва хонлик қўшини таркибдаги харбийлар балки оддий фуқаролар ўртасида ҳам ўтказилган. Қорабоев У. Ўзбек халқ ўйинлари. – Т., 2001.

<sup>173</sup> Ўзбек миллий халқ ўйинлари бўйича тадқиқотлар олиб борган У. Қорабоев Нурота тоғ тизмаси атрофларида тарқалган қадимий халқ ўйинларини тўплаб, уларни Фориш тумани тажрибалари мисолида оммалаштирган. 1990 йил халқ ўйинлари туманининг Сайёд ва Бирлашган кишлоқларида, 1991 йил туман миқёсида, 1992, 1993 йиллар Жиззах вилояти даражасида, нихоят 1994, 1996 йилларда I ва II Республика халқ ўйинлари олимпиадасини ўтказилганлиги воҳада халқ ўйинлари қадимги илдиэга эга эканлигини кўрсатиб турибди. Қаранг: Қорабоев У. Ўзбек халқ ўйинлари. – Т., 2001.

<sup>174</sup> Доира шаклида тизилиб суннат тўйларида ўйин-қулу қилиш Амударё хавзаси ва Сарахс туркманларида ҳам бўлган ва у «Гешдек» деб аталган. Батафсил маълумот олиш учун қаранг: Джикисъ А. Этнографический очерк населения Юго-Восточного Туркменистана. – Ашхабад, 1972. – С. 96.

Ўтмишда ана шундай олов атрофидаги ўйинлар Самарқанд вилоятининг Булунгур, Ургут туманларида, Сурхондарё вилоятининг Бойсун атрофларида ҳам ўтказилган<sup>175</sup>. Тўй маросимларда болалар иштирокида турли ўйинлар уюштириш, Марказий Осиё халқларида ҳам кенг тарқалган. Тўй маросимларда олов атрофида қилинган маросимлар исломгача бўлган зардуштийлик эътиқодидаги «Олов уйи» томошаларини эслатади. Аждодларимизнинг маросимларда кечаси гулхан ёқишиб, қўшиқ айтиб, рақсга тушганликларини бизнинг давримиздаги тўйларда ўтказиладиган турли ўйин ва томошаларнинг мантикий давоми деса бўлади.

Ўтмишда Тошкент воҳасининг ярим кўчманчи чорвадор халқларида ҳам кечкурунги олов ўйинлари ўтказилганлигини этнолог олим К.Ш. Шониёзов қайд этади. Унинг ёзишича бундай ўйинлар нафақат ўтроқ аҳоли орасида, балки ўрта асрлар ва ундан сўнг чорвадор халқларда ҳам ўтказиб турилган. Ўйин нафақат суннат тўйида балки киккоҳ тўйларида кўпинча 2 - 3 йил мобайнида тажрибали чўпонга шогирд тушиб, қўйчивонлик қилган ёш чўпонларга бағишлаб ўтказилган. Тўйга чўпон қон-қариндошларидан ташқари, чўлда қўй боқувчи чўпонлар ҳам таклиф қилинган. Кундуз кунни кўпқари, кураш, пойга ўтказилган бўлса, кечкурун ўтов атрофида катта гулхан ёқиб унинг атрофида ўйин-кулгу қилинган<sup>176</sup>.

«*Туя уриштириш*» – Самарқанд вилоятининг Кўшработ, Навоий вилоятининг айрим туманларида суннат тўйларида берилган томошаларидан бири. Унда махсус томоша учун тайёрланган туялар уриштирилган. Бир неча уруғ-жамоага бўлинган жамоаларда туя ўргатувчилар бўлган. Туяси бор одамлар халқ томошасини уюштириш ва совринга эга бўлиш учун туяларни етаклаб тўйга борганлар. Тўй кенгаши ва жамоа маслаҳат оқсоқоллари, тўй эгаси ва қариндошлари ўртага қўйилган совринни олиб махсус «равоқ» тайёрлаб унинг атрофига тўпланганлар. Тўй жарчилари баланд овозда ким қандай туяда майдонга чиққанини, кимнинг туяси баланд келса қандай солим кутаётганлигини эшиттирган. Томошанинг кўчқор ва хўроз уруштиришдан фарқи шунда бўлганки, туялар бўйин ва

<sup>175</sup> Имомов К., Мирзаев Т. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т., 1990. – Б. 132.

<sup>176</sup> Шаниязов К.Ш. Традиционные игры и развлечения узбеков, отражающие быт скотоводов. (конец XIX – начало XX в.). // Всесоюзная сессия, посвященная итогам полевых исследований 1976 - 1977. Тезисы и доклады. – Ереван, 1978. – С. 233-235.



ўрқачларидан тишлаб бир-бирини йиқитганлар<sup>177</sup>. Айрим ҳолларда ғолиб чиққан кучнинг эгаси тўй совринини олиш билан бирга, жарчининг етакловида давра айланиб, томошабинлардан туяни боқиб уруштиришга тайёрлагани учун эҳсон сифатида пул тўплаб олган.

Кўшработ тумани, Жўш қишлоғилик Чаққонов Ражаб бобонинг айтишича қишлоқда туя ўргатувчи «туябозлар» бўлган<sup>178</sup>. Тўйларда туркман-митан, сарой-қўнғирот, сарой-қўролос, тарафма-тараф туя уриштирилган. Агар келишмовчилик чиқса, маҳалла оқсоқоллари аралашиб келиштирганлар. Ҳайвоннинг мақсад, йўналиши ҳам аҳамиятли бўлиб, у нафақат туяга нисбатан эътиқодни балки қўшни қишлоқ ёки маҳалла эркакларининг ўзаро йиғини шаклини олган.

**Кўпқари** – Марказий Осиёнинг ўзбек, қозоқ, туркман, қирғиз, қорақалпоқ ва тожик халқлари орасида кенг тарқалган миллий халқ ўйини ва томошаси. Аслида кўпқари сўзининг маъноси форс-тожикча «кўп»-«кор»- «и», яъни «кўпнинг, кўпчилиكنинг иши» маъносини англатади. Кейинчалик бу сўз «кўпқари» тарзида ўзгарган. Ушбу анъанавий халқ ўйини азалдан асосан суннат тўйларида, халқ томоша ва сайилларида, оммавий байрамларда ўтказиб келинган. У кўпроқ оммавий тадбирлар, сайилларда ўтказилган бўлсада, суннат тўйининг миллий халқ ўйини ва томошаси ҳам ҳисобланган. Одатда тўй куни ёки тўйнинг иккинчи куни тўй эгаси қишлоқ ва қўшни қишлоқ полвонларига кўпқари берган. Унинг ўзига хос жиҳати шунда бўлганки, кўпқарига полвонларнинг ташрифи учун махсус чақириқ ёки таклиф шарт бўлмаган. Унинг довруғини эшитган полвон ва чавондозлар узоқ жойлардан ҳам келиб кўпқарида иштирок этганлар.

Кўпқари барча жойда умумий жиҳатларга эга бўлсада, Ўзбекистоннинг Бойсун, Шеробод, Чирокчи, Китоб, Нурота, Паркент, Пайариқ, Фориш, Кўшработ, Хатирчи туманларида эркакларнинг анъанавий халқ ўйини сифатида ўзига хос жиҳатларга ҳам эга. Азалдан халқимиз тўйни йилнинг исталган пайтларида ўтказиб келган бўлсаларда, кўпқари асосан куз, қиш ва эрта баҳорда ўтказилган. Кўпқари мавсуми асосан йилнинг салқин кунларига тўғри келади. Биринчидан, бу улоқ чопадиган отларни йилнинг иссиқ кунлари, яъни ёзда нобуд бўлишидан сақлаган. Иккинчидан, аҳоли

---

<sup>177</sup> Хусусан, Нурота воҳасининг Кўшработ, Нурота тумани туркман, тома, қўнғиротларида қадимдан туя тотемига алоҳида эътибор берилган. Ваҳолянқи воҳанинг дашт-адир зоналарида туя ўзига хос уй ҳайвони бўлиши билан бирга ундан асосий транспорт воситаси сифатида ҳам фойдаланилган: Туя култи ва улар билан боғлиқ эътиқодлар ҳақида қаранг: Бичуриин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. – М., 1958. Т. 2. – С. 272.

<sup>178</sup> Дала ёзувлари.

турмуш тарзидан келиб чиқиб белгиланган бўлиб, яъни одамларнинг бўш пайтлари кўпинча қиш мавсумига тўғри келади. Марказий Осиё халқлари хўжалигида қиш мавсуми (декабр ойидан март ойига қадар) дехқонлар ҳосилни йиғиб олган, экин-тикин ишлари тугаган даврдир. Бундай вақтни танлаш фақат кўпқари мусобақаси учун хос бўлган.

**Улоқ** - одатда кўпқари қуни камида 1, 1,5 ёшли эркак улоқ (серка) сўйилиб, ичак- чавоқлардан тозаланиб, унинг ичига туз ёки қум тиқилган. Сўнгра у яхшилаб тикилиб тайёр ҳолга келтирилган. Тузланган улоқ сомон тиқилган улоқдан вазни анча оғир бўлиб, чамаси 50 - 70 кг ни ташкил қилган. Туз тиқилганлигининг боиси шундаки, улоқ полвонлар қўлида ва от туёқлари тагида мажақланиб, ундаги туз маълум вақт оралигида гўшт таркибига сингиб у таом тайёрланиш ҳолатига келади. Кўпқари тугагач, полвонлар бирор хонадонда йиғилишиб, унинг гўшtidан қайнагма ёки тандир тайёрлаб истеъмол қилишган.

Анъанага мувофиқ тўй оқсоқоллари маслаҳати билан тўй кунини эълон қилган кундан бошлаб тўй юмушлари улоқни тайёрлаш, бериладиган совринларни белгилаш, қўноқ олиш, отларга ем-хашак жамғариш ишлари тақсимланган. Кўпқаридан олдин полвонлар тўйхонада имом ёки тўй оқсоқолидан оқ фотиҳа олишган, шундан сўнг кўпқари мусобақаси бошланган. Кўпқарининг энг муҳим томони шундаки, уни ўтказиш учун махсус жой ёки майдон зарур бўлмаган. Мусобақа қир адирларда, тоғ ёнбағрларида, ёки текисликларда ўтказилиб келинган.

**Чортоқ**- полвонлар улоқни олиб келиб ташлайдиган махсус жой. Унинг айланаси чамаси 25-30 метр квадратни ташкил қилиб, доира чегараси сомон ёки похол билан белгилаб чиқилган. Чортоқ сўзи аслида «тўрт тарафли» яъни тўрт томони ҳам очиқ майдон маъносини англатади. Ўйин қондасига кўра улоқни қўлга киритган полвон чортоққа ҳоҳлаган тарафдан от чоптириб келиб, унга улоқни ташлаши мумкин бўлган.

Кўпқарининг барча учун ҳар тарафлама қулайлиги шунда бўлганки, яъни бошқа мусобақалардагидек унга қатъий чекловлар ёки талаблар қўйилмаган. Ўйин иштирокчилари учун махсус форма ёки уст бош талаб қилинмаган. Ўйин иштирокчиларининг ҳам сони чегараланмаган. Шунинг учун у «ҳалол» ҳисобланган. Ўйиннинг энг асосий талаби шунда бўлганки, улоқни тортиб олиб, узоқ масофадан тақимга солиб кўтариб келган полвон сомон устига ёки айлана ичига улоқни ташласа «ҳалол» ҳисобланган. Полвонлар махсус совғалар,

қимматбаҳо буюмлар, кўй, улоқ, қорамол ҳатто от, туя билан ҳам тақдирланганлар.

Улоқ чавондозлар ўртасида якка-якка ҳолда ёки жамоа бўлиб тортилган. Ўйиннинг ҳалол ёки ҳалол эмаслиги махсус ҳайъат аъзолари ва чортоқбошилар назоратида бўлган. Одатда ўйин майдонида чортоқбоши кўрсатмаси билан улоқ маълум масофага олиб бориб ташланган. Ўйинда иштирокчилар сони чегараланмаган бўлсада, чавондозлар улоқни тортишиб, бир-бирини тақим солдида кўллаб туришган. Ўзбекистонда кўпқарининг тўрт тури «чортоқ», «қоқма», «пилла», «қувма» турлари ўтказиб келинади.

**Кураш** – Ўзбекистоннинг барча жойларида ўтказилган миллий халқ ўйинларидан бири. У айниқса суннат тўйида омавий тарзда ўтказилган. Кураш Марказий Осиёнинг қадимги ўтроқ ва ярим ўтроқ чорвадор халқлари маданий турмуши, хўжалиги ва бошқа этник хусусиятларини ўзида акс эттирган маросим. У анчагина қадимги тарихга эга. Академик А. Асқаров Қадимги Бактрия (Сурхондарё вилояти, Тожикистон, Шимолий Афғонистон) худудидан топилган археологик топилмаларга таяниб, ўзбек курашининг илдизлари камида 3,5 минг йиллик тарихга эга эканлигини қайд этади<sup>179</sup>.

Мусобақа кишлоқ ёки маҳалладаги турли этник қатламлар ҳамда жамоалар ўртасида алоҳида-алоҳида, ёки аралаш, ўзбеклар, тожиклар тарқалган кишлоқларда ҳатто тарафма-тароф ҳам ўтказилган. Курашувчилар ҳатти-ҳаракати, маросим қоидаларида умумий элементлар кўзга ташлансада, баъзи худудларда айрим тафовутларга ҳам эга бўлган. Айрим жойларда полвонлар бир-бирларини оёқларидан ҳам тутганлар. Ўзбекларда эса бир-бирларини белбоғ, тасмаларидан (белдан юқори) тутиб кучоқлашиб чалиш, қайириш, елкадан ошириб ташлаш, бошдан ошириб отиш сингари усулларни кўллаб курашга тушганлар.

Кураш майдонига кўшни маҳалла, овул, ҳатто узоқ беклик марказидан ҳам полвонлар мусобақа довуғини эшитиб келганлар. Мусобақа доира шаклидаги томошабинлар қуршовида **тўшак, похол, сомон, кум ёки чим** (бўз) устида ўтказилган.

Ўйин қоидасига кўра, уни ўртадаги ҳакам ишораси билан олдин маҳалладаги кичик болалар сўнгра ўсмирлар, бошқа ҳолларда кекса полвонлар бошлаб беришган. Шундан кейингина даврага ҳақиқий полвонлар чиқиб бел олишган. Бу аввало тарбиявий аҳамият касб

<sup>179</sup> Асқаров А. Ўзбек миллий курашининг археологик материалларда акс этиши // Турон тарихи. – 2002. – № 2. – Б. 15.

этган. Қадимда замонавий кураш мусобақасидаги каби курашувчи полвонларнинг махсус кийим (форма)лари ҳам бўлиб, майдонга тушувчилар эгниларига камзул (ёқасиз яктак), белбоғ, бошларига оқ, қизил, сарик, кўк тасма (боғлагич) боғлаб, оёқ яланг курашга тушганлар.

Беллашувчиларнинг эгниларидаги камзули айрим ҳолларда алоҳида рангда бўлмаган бўлсада, курашнинг махсус қондаларига кўра, ҳар бир полвонни бир-биридан ажратиб турувчи махсус белгиси бўлган. Полвонлар бошига боғланган алоҳида рангдаги тасма, оқ сурп ёки бўздан тикилган камзул уларни бир-биридан ажратиб турган. Белбоғ бир-бирларини тутишда қулайлик туғдирган.

Ранглар қадимда инсонларнинг «бу дунё», «нариги дунё» тўғрисидаги тушунча ва тасаввурларига биноан танланган бўлиб, полвонларнинг оқ, кўк яктақда майдонга тушишлари поклик, софлик, мардлик тимсолларини белгилаган. Баъзи этник жамоаларни алоҳида ажратиб турувчи белги (ранг) лари бўлиб, хусусан *ўзбек-туркман* уруғи таркибига кирган қора туркманларнинг рамзий белгиси қора, (бу ерда «қора» буюклик рамзи бўлиб ўзбекларнинг қорахон, қора манғит, қоратўнли, қораабдал, қорақуёнли уруғларида ҳам учрайди) *қонжигали туркманлар*да эса қизил ранг мифологик эътиқод тимсоллари саналган.

Қадимда кураш майдонига олишишга чиқадиган полвонлар бир-биридан алоҳида ажралиб туришлари учун билагида *татуировка* (бадандаги ўйилган белги ёки ёзув) си бўлган. Татуировкали йигит - қизлар туркий халқларда полвонларнинг полвони, таниқли курашчилар ҳисобланганлар<sup>180</sup>.

Миллий халқ ўйинларининг мутахассиси У. Қорабоев ҳам ўз илмий ишларида ўзбек кураши ҳақида қимматли маълумотларни қайд этади. «Тўйлар ва сайилларда ўтказилган ўйин ва маросимлар халқнинг турмуш тарзига боғлиқ ҳолда ўзининг қадимий кўринишларини сақлаб келмоқда. Улар ўз маъно ва вазифаларини бироз ўзгартирган бўлсада, уларни ўрганиш, таҳлил этиш, улар ҳақида тасаввур ҳосил қилишга, айрим маросимлардаги халқ ўйинларининг ўзларида сақлаб қолган маъно ва моҳиятини тўлароқ очишга имкон беради»-дейди олим.

Суннат тўйидаги ўйин ва томошалар маросимларнинг бошқа турлари каби ўзининг тарбиявий, жамоавий характери ва жисмоний аҳамиятига кўра қўйидаги вазифаларни адо этган:

<sup>180</sup> Аскарอฟ А. Ўзбек миллий курашининг археологик материалларда ... – Б. 19.

**1. Жамоавий аҳамияти** – биринчидан, ўйин ва томошалар кишиларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириб, халқ турмуш-тарзини, кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатларини характерлаган. Халқнинг барча қатламларини ўзаро бирлаштирган. Иккинчидан, жамоада қўни-қўшничилик, жамоавий яқинлик анъаналарини турмуш-тарзининг чорвадор аҳолиси орасида ҳам, ўтроқ аҳоли орасида ҳам бирдек сақланишига ёрдам берган.

**2. Тарбиявий аҳамияти** – халқ маиший турмушининг бир бўлаги сифатида улар кўпинча катта ёшдагилар орасида оммабоп бўлган бўлсада, кичик ёшдаги болаларда болалиқдан жамоага хос ҳамда индивидуал сифатларини тарбиялаган. У икки йўналишда, биринчидан ахлоқий тарбияни юзага чиқарса, иккинчидан жисмоний чиниқиш учун синов бўлган.

**3. Ҳарбий-жисмоний аҳамияти** – халқ ўйинларида бу сифат кўпроқ намоён бўлган. У ёшларда эпчиллик, жасурлик, қўрқмаслик кўникмаларни шакллантирган.

**4. Эстетик-томошавий аҳамияти** – жамоа аъзолари орасида ўйинлар туридан қатъий назар барчанинг бирдек иштирокини таъминлаган. Фақатгина ўйинда қатнашувчиларда эмас, балки томошабинларда ҳам жамоа орасида ўзини тутиш, ўзаро муомала маданиятини юзага чиқарган. Ўйин иштирокчилари ҳатти-ҳаракатлари тақлид, имо-ишора, сўз ўйинлари (дорбоз, масхарабозлик, кураш, кўпкари, ҳайвон ва паррандаларни уруштириш) уларнинг томошавий оммабоплигини таъминлаган.

**Никоҳ тўйи** - Ўрта Осиё халқлари, жумладан ўзбеклар, тожиклар, қозоқларда жамоанинг энг катта маросими саналади. Ўзбекларда никоҳ тўйи бошқа оилавий маросимлар каби қачон ва қай тарзда ўтказилишидан қатъий назар доимо жамоа, қариндош-уруғлар иштирокида ўтказилган. У энг катта оилавий маросим сифатида кишиларнинг жамоага уюшишида алоҳида ўрин эгаллаган. Худудий қўни-қўшничилик, қон-қариндошчилик муносабатларини мустаҳкамлаган.

Никоҳ тўйи анъанавий тарзда бир қатор босқичлардан ўтиб, кўплаб урф-одатларга амал қилиш, маросимларни биргаликда ўтказиб, жамоавий муносабатларда акс этади. Ота-она фарзандини уйлантириш ёки қизини турмушга беришда йигит-қиз оиласининг ижтимоий аҳволи, насл-насабини қўни-қўшнилardan суриштирганлар. Яъни қуда томон хусусида маълумотларга эга бўлиб, уларнинг ижтимоий келиб чиқишини, жамоада тутган ўрнини

ва обрў-эйтиборини ҳисобга олганлар. Зеро, Авестода ҳам никоҳга киришишда яъни жуфт-ҳалол танлашда шошма-шошарликка йўл кўймаслик, ота-она, яқин қариндошлар маслаҳати билан иш юритиш хусусида ҳам эйтиборга молик фикрлар баён этилган<sup>181</sup>.

Қизларнинг хулқи, одоби маҳалладагиларга аён бўлган. Улар фалончини қизи бўйи етиб қолипти, ота-онаси ҳам тарбияли экан, деган маънода бу ҳақда турмуш ўртоғи ёки қариндош-уруғларига хабар берганлар. Шаҳардаги ёки қишлоқдаги аксарият қариндош-уруғлар кўпинча ўзларининг қариндошлари доирасида қиз олиб қиз берсалар, айрим уруғларда бунинг акси бўлган. Бундай одат Ўзбекистоннинг барча жойлари учун характерли бўлган.

Жамоа аъзолари ўртасидаги ҳудудий, қон-қариндош яқинлик уларни жамоада кимнинг қизи ёки ўғли қандай эканлигини билишига имкон берган. Ҳеч ким оиланинг ижтимоий аҳволини қариндошлар ва маҳалла оқсоқоли каби яхши билмаган. Шу боисдан совчилар келиб кетгандан сўнг қизни қайси хонадонга узатиш масаласида яқин қариндошлар, айниқса оқсоқолнинг яқиний фикрига кулоқ тутилган. Зеро жамоа фикри доирасида никоҳ муносабатларига киришиш тўйнинг маросимий хусусияти билан бирга қон-қариндошликка асосланган ижтимоий аҳамиятини ҳам белгиллаган.

Икки томон ўртасидаги муносабатлар совчилик орқали ўзаро розиликдан сўнг бошланган. Одатда совчиларга оқ рўмолга тугилган иккита нон, қатлама ёки рўмолча берилган. Тўй эгасига бундай моддий кўмак ва аёлларнинг маросимдаги иштироки тўла ихтиёрийликка асосланган бўлиб, аёллар маросимда ўз ҳоҳиш ва истақлари билан қатнашганлар.

Йигит-қиз унаштирилгандан сўнг маҳаллада айрим ҳолларда уларнинг яширинча учрашувлари бўлиб турган. Бундай учрашувларда маҳалладаги кўни-кўшнилари, келин ёки куёвнинг янғаси алоҳида рол ўйнаган. Келиннинг бўлажак янғаси яқин кўшнилари билан бирга бу ҳақда хабар берган, яширин учрашув кўшникида, баъзан қиз уйида ўтказилган. Учрашувларни уларнинг ота-оналари билса ҳам гўё билмагандек бўлишган, йигит-қизнинг ўзаро мулоқатларига имкон берганлар. Бундай учрашувларни ташкил этишда кўни-кўшнилари ўрни катта бўлган. Самарқанд вилоятининг айрим қишлоқларида у «ирга кўрди» деб аталган.

<sup>181</sup> Қаранг: Ҳомидов Ҳ. Авесто файзлари. – Т., 2001. – Б. 59-60. Яна қаранг: Аширов А. «Авесто» ва Зардуштийларнинг онла-турмуш маросимлари // УИФ. – 2002. – № 1. – Б. 49-53.

Бундай одат Фарғона водийси ўзбекларида «қаллиқ ўйини» номи билан юритилган<sup>182</sup>.

Никоҳ тўйи биринчи босқичдаги ҳал қилувчи вазият бу қиз ва йигитни унаштириш бўлиб, тўйнинг асосий қисми шундан сўнг юзага чиқсада, тўй куни ва ундан сўнг баъзи маросимлар ўтказилган. Уларнинг барчаси жамоада маълум бир вазифа адо этиши билан характерлидир.

Биз тўй маросимларида жамоанинг иштироки ва вазифаларидан келиб чиқиб унинг асосий босқичи, яъни келин тушириш маросимида меҳмонларга хизмат кўрсатиш шаклини уч вариантда таҳлил этдик:

1) *тўй эгаси хонадонида меҳмонларни кутиб олиш, жойлаштириш ва уларга хизмат кўрсатиш. Бунинг характерли хусусияти шунда бўлганки, харажат тўй эгасидан ташқари, қон-қариндошлар зиммасига ҳам тушган.*

2) *тўйга келган баъзи меҳмонларни маҳалладаги кўни-кўшниларникига жойлаштириш. Бу асосан узоқдан ташриф буюрган ва бир кун-икки кун тунаб қоладиган кўноқларга хизмат кўрсатишидир.*

3) *меҳмонларга тўйгача маҳалладошлар томонидан тўпланган харажат ҳисобидан хизмат кўрсатиш ҳам характерли бўлиб, бунда маблаз тўй эгасида бўлгани ҳолда, тўй куни ва тўйдан сўнг хизматчиларга харажатлар бозор-ўچار қилиш учун зарур ҳолларда берилган.*

Умуман оила ҳаётида маҳалла аъзоларининг ўрнини таҳлил этиш шундан далолат бермоқдаки, ўзаро кўни-кўшничилик муносабатларига тарихан шаклланган ўзаро яқинлик, миллий менталитетимизга, урф-одатларимизга хос анъаналар таъсир кўрсатган. Бунинг мазмун ва моҳияти таҳлил этилса, мутлақо ижобий ҳолдек кўринсада, баъзан ўзига хос салбий ҳолатларни ҳам намоён этган. Менталитетимизга хос хусусиятларнинг бундай жиҳатлари айрим ҳолларда жамоа аъзоларида лоқайдлик, ҳамма нарсага рози бўлиб кетавериш, тақдирга тан бериш, мустақил фикрни очик-ойдин айта олмаслик, ўз манфаати ёки ўз қариндоши манфаатини биринчи ўринга қўйиш, тарафкашлик каби салбий ҳолатларнинг шаклланишига олиб келган.

Хулоса қилиб шуни қайд этиш зарурки, суннат ва никоҳ тўйи ҳам жамоа аъзолари ўртасидаги ўзаро ижтимоий муносабатларни такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этганлигини кўрсатди.

<sup>182</sup> Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар. – Т., 2005. – 152 б.

Чунки, маросимлар ўз ташкилий жиҳатлари ва ўтказилишига кўра молиявий жиҳатидан анча сарф харажатни ҳамда жисмоний меҳнатни талаб этган.

Оила ва никоҳ муносабатлари муайян икки оила ўртасида таркиб топсада, кишилар ўртасидаги ўзаро ижтимоий муносабатларини юзага чиқарган. Жамоавий анъаналар, яъни кўни-кўшничилик алоқалари оилавий маросимларни бошқаришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бундай алоқаларнинг таркиб топиши, тўй билан боғлиқ юмушларни бажаришда тўй эгасига анчагина енгиллик туғдирган. Қариндошлар, уруғ-жамоа аъзолари ўз фаолиятларини биргаликда фикр алмашиб, маслаҳат орқали бажараганлар. Бу жамоа оқсоқоллари томонидан назорат қилиб турилган. Барча маросимлар бошланишидан то якунигача қариндошлар, оқсоқоллар умуман кўни-кўшнилари иштирокида маслаҳат йиғинидан бошлаб жамоа аъзоларининг ўзаро ҳамжиҳат келишуви билан бажарилган.

**Дафн ва таъзия маросимлари.** Дунёдаги барча халқлар сингари ўзбекларнинг ҳам оилавий турмушида дафн ва мотам маросимлари муҳим ўрин тутади. Мазкур маросимнинг бошқа тадбирлар қатори ижтимоий характери шундаки, у маҳалла аъзолари фаол иштироки билан ўтиши, жамоа аъзоларининг бурч ва вазифаларини англаб олишларига, уларда ўзаро масъулият ҳиссини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Марказий Осиё халқлари, жумладан ўзбекларда жамоа анъаналарининг тарихан таркиб топган кўринишлари хусусан, маросимларни ўтказишда қон-қариндошлар, кўни-кўшнилари ўртасидаги ўзаро алоқалар, жамиятда кишилар ўртасидаги муносабатларни қай даражада эканлигини кўрсатади<sup>183</sup>.

Маълумки маҳалладаги ўзаро яқинлик киши бетоб бўлиб ётганда ундан хабар олиб туришда, айниқса ўлим тўшагида ётган кишилардан ҳол-аҳвол сўраб, кўнглини кўтаришда, уни ноумид қилмасликда намоён бўлган. Маҳалла аъзоларининг уюшқоқлигининг муҳим жиҳатларидан бири беморнинг аҳволи оғирлашгач, одатда унинг яқинлари ва кўни-кўшнилари ҳар куни кечқурун ўша оилага тўпланишган. Бемордан ҳол-аҳвол сўраб турганлар. Беморнинг умри тугаётганлиги маълум бўлса, оила аъзолари, қариндошлар, кўни-кўшнилари унинг ҳузурда тўпланиб қолмасдан навбат билан кириб

---

<sup>183</sup> Насриддинов Қ.Н. Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари. – Т.: Мерос, 1996. - 17 бет.



ҳол-аҳвол сураб турганлар. Олдиндан кўз ёши қилиб, беморнинг ҳам ўзларининг ҳам юракларини эзмасликка ҳаракат қилганлар<sup>184</sup>.

Юқорида қайд этганимиздек оксоқоллар мотам ва дафн маросимларида марҳум яқинлари – аёллар, болаларни ҳовлига чиқиб йиғламасдан уйда бўлиб туришларига ундаган. Жон танани бутунлай тарк этганлигига тўла ишонч ҳосил қилинган, майитнинг қўл-оёқлари тўғриланиб, ияги ростлаб боғланган. Оилада бу амалларни қилувчи киши бўлмаса, дарҳол қўшниларга хабар берилиб, кексароқ киши бу ишни бажарган. Шаҳарларда майитни ювувчи махсус тайинланган ғассоллар бўлган. Бундай мансаб эгаси “*покишўй*” ёки “*мурдашўй*” деб аталган. Чорвадор аҳолида бу ишни жамоанинг бошқа кексароқ имтиёзли аъзолари бажарганлар, ичкарига бегоналар қўйилмаган. Бойси марҳум яқинлари суяк эгалари ҳисобланишган<sup>185</sup>.

Бу орада яқин қариндошлар марҳум билан видолашиб олганлар ва ўзаро уюшқоқлик шу кундан хонадон аъзоларини ўзаро жипслаштирувчи восита саналган. Кўни-қўшниларининг барчаси азадор хонадонга моддий кўмак бера олмасада, кўнгил сўраб кўйишни ўзларининг бурчи деб билганлар. Маълумотлардан кўринадики, мотам маросими тадқиқотчилар қайд этганидек, жамоанинг ҳаёт тарзини акс эттирган. Одамлар орасида ўзаро меҳр-оқибатни, жамоа аъзоларининг муштарак мулоқотини таъминлаган<sup>186</sup>.

Одатда киши ўлган кунидеъ, иложи бўлса тонг саҳарда қишлоқ ёки маҳалладагиларга жаноза ҳақидаги хабар *жарчи, чопар (хабарчи)* орқали етказилган. Жарчи хабарни ҳаммага етказиш учун қишлоқма-қишлоқ юриб ҳар бир маҳалла, гузарда тўхтаб алоҳида-алоҳида баланд овозда чақирган. Ўзбекистоннинг турли шаҳар ва қишлоқларида жанозага хабар етказишнинг турли кўринишлари учрайди. Биринчиси, хабарчи ҳар бир хонадонга алоҳида-алоҳида кириб хабар бериб чиққан. Бу айниқса қишлоқларда мавжуд бўлган. Иккинчиси, хабарчи маҳаллани ёппасига жанозага чақирган. Бу асосан ўтроқ аҳоли ва шаҳарларда урф бўлган. У қуйидагича чақирилган:

*“Хў-хў-хў-хў ... Одамлару-одамлар, бугун фалон маҳалладаги ёки қишлоқдаги фалончиникига пешинга жанозага”.....*

Жанозага марҳумнинг оиласидаги катта ёшли эркак номидан (одатда ота ёки ўғил номидан) чақирилган. Хеч кими йўқ, ғариб,

<sup>184</sup> Дала ёзувлари.

<sup>185</sup> Кармышева Б.Х. Архаическая символика в погребально-поминальной обрядности узбеков Ферганы // Древние обряды, верования и культы народов Средней Азии. – М., 1986. – С. 142-143.

<sup>186</sup> Сухарева.О.А Квартальная община поднефеодалного города Бухары .... – С. 30.

мусофир кишилар вафот этганда, жанозага оқсоқоллар маслаҳати билан мархумни дафн этишни ўз бўйнига олган киши номидан чакирилган<sup>187</sup>. Азалий чорвадор халқларда узоқ овул ва қишлоқларга бундай хабар кўпинча чопар орқали етказилган.

Мархум дафн қилинишидан олдин қишлоқ ёки маҳалладаги махсус ювувчи „ғассол“ мархумни ювиб поклагандан сўнг у кафанга ўралган. Аксарият қишлоқларда, айниқса ярим ўтроқ аҳоли ва човадорларда қишлоқда махсус белгиланган ғассоллар бўлмаган. Бундай ишни бажариш албатта жамоадаги диний илмдан хабардор, ўқимишли, баданида яра-чақаси бўлмаган обрўли кишилар бажаришган. Айрим маҳаллаларда маҳалла аъзоларининг махсус ювувчилари бўлган, яъни *“суягимизни бошқага ушлатмаймиз”* деган маънода буни суяк эгалари бажарганлар.

Агар киши пешиндан сўнг вафот этган бўлса, аксарият жойларда мархумни меҳмон қилиш одати бўлган. Бойси, узоқ масофадан келувчи мархум яқинларини кутишга мажбур бўлинган Ташриф буюрган кишилар эртаси кунги жанозагача мархум билан бирга бўлишган. Шу куни аксарият жойларда „қора оши“ мархум хонадонида эмас кўни-қўшниларникида таркатилган<sup>188</sup>. Аммо Фарғона водийси маҳаллаларида бундай одат бўлмаган. Яъни, киши тушдан сўнг ёки кечки пайт вафот этган бўлса ҳам уни кейинги кунга қолдирмасдан дафн этганлар<sup>189</sup>. Кейинчалик бу одат унутилиб, мархумни пешингача, жаноза намозидан сўнг дафн этиш анъанага айланган. Г.П. Снесарев буни кечаси одамлар ўликдан кўрққанлиги сабабли келиб чиққанлигини таъкидлайди<sup>190</sup>.

Одатда жаноза маросимига кириб келишнинг ҳам маълум тартиб-қоидалари бўлган. Маҳалладошлар, масжид қавмлари маросимга кўпчилик бўлиб бирга кириб келганлар. Бу кишиларда жамоага яқинлашишни, кўпчилик ҳаракатига қараб иш тутишни, зийрак ва хушёрликни шакллантирган. Жаноза турли қатлам ва табақадаги кишиларни аздор хонадонга яқинлаштирувчи диний маросим ҳисобланиб, унда қатнашиш учун одамлар зарур юмушларини ҳам ташлаб келганлар. Маълум ислом қоидалари асосида ўтказилувчи маросимда асосан катталар иштирок этиб,

<sup>187</sup> Насриддинов К.Н. Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари. – Т., 1996. – Б. 33.

<sup>188</sup> Насриддинов К. Н. Ўзбек дафн ва таъзия. ... 31 бет.

<sup>189</sup> Аширов А. Фарғона водийси аҳолиси турмуш тарзида ғадимий диний эътиқод излари. Тарих фанлари номз. ... дис. – Т., 2000. – Б. 35.

<sup>190</sup> Снесарев Г. П. Реликты домусулманских верований и обрядов узбеков Хорезма. – М., 1969. – С. 131-132

болалар уйдан ташқарига чиқарилмаган ёки кўчадан ҳовлига киритилмаган. Бу жаноза ўқиб бўлингунча давом этган. Жаноза ўқиладиганда одамлар йиғиси ва қолган рўзгор юмушлари тўхтатилган.

Жанозага келганлар марҳум хонадонидан ташқари, кўни-қўшниларникига тақсимланганлар. Кўни-қўшнилар уларни қабул қилишни бурч деб билганлар. Ўзбеклар менталитетидаги бағрикенглик барча этник гуруҳ, этник қатламлар учун хос бўлиб, у билан боғлиқ урф-одатларнинг анъанавий тарзда сақланганлиги маросимларда айрим тафовутлар ва умумий элементларни ифода этади. Ўтроқ яшаган аҳолида бундай муштараклик яққол кўзга ташланган. Бу аҳолининг ўтроқ турмуш тарзи ва жамоадаги кўни-қўшниларнинг ўзаро ҳудудий яқинлиги билан боғлиқ.

Бундай ҳолатда одамлар ўзларини ёлғиз ҳис қилмаганлар. Улар ҳамма вақт зарур моддий ёрдам ва мададдан ташқари ўзини атрофдагилар билан яқин тутган ва азадор хонадонга зарур кўмакни беришга интиланганлар. Шу кўни жаноза ва дафнгача марҳум руҳи учун тайёрланган овқат **“қора оши”** ҳам ўша хонадонда эмас, кўни-қўшниларникида тарқатилган. Бунда азадор хонадонга оғирлик туширмаслик мақсадида зарур ашёлар, масалликлар, ўтин, ёқилғи, идиш-товоқ, кўрпа-тўшак билан таъминлашни ҳам кўни-қўшнилар ўз зиммаларига олганлар.

Уларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатлари таҳлил этилса одамлар жаноза кўни сўйиладиган қурбонлик ва ўтказиладиган худойини маросимга келган меҳмонлар учун савоби тегади, садақа бўлсин, деб унинг диний жиҳатидан узоқлашиб, кўпроқ маросимий жиҳатига эътиборни қаратганлар. Қора оши ҳам шундай маросим деб ҳисоблаганлар. Бу билан улар жамоада ўз ўринлари борлигини намоён этишга эҳтиёт бўлганлар. Бунда қўй сўйиб дастурхонни тўйдагидек тўлдирадилар, уни марҳум руҳи учун Оллоҳ йўлида ўтказиладиганлигини унутиб қўйганлар.

Маросимдаги харажатлар кўни-қўшнилар, қариндошлар кўмагидан қоплансада, азадор хонадонда ортикча харажатлар, анчамунча исрофгарчилик бўлишига олиб келган. Тадқиқот даврида ахборотчиларимизнинг айтишича ҳамманинг ҳам бундай маросимларни ўтказишга қурби етавермаган. Чунки, мазкур тузумга хос феодал муносабатлар, хўжалик ишлаб чиқариш шакллари, оила-жамоа бошқарувидаги патриархал муносабатларда, аҳоли турмуш-тарзида ижтимоий ҳамда синфий табақаланиш кучли сақланган.

Одатга кўра жанозадан сўнг майитни дафн қилиш учун қабристонга эркаклар олиб боришади. Айниқса шаҳарларда ва қишлоқдаги ўтроқ аҳолида айрим оилага мансуб қариндош-уруғдагиларни алоҳида ажратилган қабристонларга дафн қилиш одати бўлган. Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Қўқон, Андижон, Наманган вилояти шаҳарларида «хилхона» га дафн этиш одати учрайди. Битта жамоа қабристонининг алоҳида-алоҳида ажратилганлиги жамоадошлар ўртасидаги ҳудудий кўни-қўшничилик муносабатларнигина эмас, кишилар ўртасидаги ижтимоий табақаланишни ҳам характерлайди.

Яъни мазорлар маҳалладаги қариндош-уруғларга бўлиб берилган бўлиб, улар ўз мавқеларига кўра ажратилган жойларга дафн этилганлар. Бундай алоҳида ажратилган жой хилхона деб аталган. Бу одат бир уруғга мансуб қариндошларнинг бир сафда ёнма-ён тартиб билан дафн этилишини таъминлаган. Бундай қабристонлар барча жойда, хусусан Тошкент, Бухоро, Қўқон ва бошқа шаҳарларда ҳам учрайди. Ҳар бир маҳалладаги қариндош-уруғлар шаҳар қабристониди ўзининг махсус хилхонасига эга бўлганлар<sup>191</sup>.

Ўзбекистоннинг айрим шаҳар ва қишлоқларида қабристонларда қариндош уруғлар жамоаси сағаналари ҳам мавжуд. Уларнинг ички қисми супасимон қилиб тайёрланиб, эркаклар учун алоҳида, аёллар учун алоҳида бўлган. Қабрларнинг оғзи ва тепаси тоғ тошлари (чағот) билан бекитилган. Бундай дафн этиш одати Нурота туманидаги Синтоб қишлоғида кузатилди. Хусусан Сурхондарё вилоятининг Далварзинтепа ҳудудидан қадимги кушонлар даврига оид алоҳида-алоҳида зардўштилар қабрлари ҳам топилган. Бунда мархумлар зардўштилар жамоаси одатига кўра, қариндош-уруғларига қараб кўмилган<sup>192</sup>.

Бухоро, Термиз, Кармана, Қарши, Нурота шаҳрларидаги маҳаллаларда аҳолининг юқори табақаси ҳисобланган сайидлар, эшонлар, охунлар ва яна бир қанча этник қавмлар ўз мархумларини шаҳар қабристониди алоҳида ажратилган махсус жойга "жамоа хилхонаси"га дафн этганлар. Уруғ-жамоа яқинлигига қатъий риоя қилинган баъзи маҳаллаларда бошқа оилага турмушга чиққан аёлнинг мурдаси ҳам унинг яқинлари талаб қилса, ота-онаси кўмилган мазорга (хилхонага) олиб келиб дафн этилган. Маҳалладошлар

<sup>191</sup> Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш-тарзи ва маданияти. – Т., 2003. – Б. 68.

<sup>192</sup> Пидаяев Ш. Сирли кушонлар салтанати. – Т., 1990. – Б. 27.

қабристонига бегона мархумларни дафн этилмаганлиги, жамоадаги ўзаро яқинлик анъаналари яхши сақланганлигини аниқлашмоқда.

Аксарият шаҳар ва қишлоқларда мархум дафн қилиб бўлингандан сўнг маросимда қатнашганларга пул, танга, майда-чуйдалар тарқатилган. Ахборотчиларнинг айтишларича, бу илгарилари одамлар йўқчилик туфайли жонозага келмай қўйишган ва уларни шу йўл билан маросимга жалб қилинган. Бу «*йиртиши*» деб аталган. Одамлар азадор хонадонга оғирлик тушмасин учун йиртишнинг катта қисмини ўзлари кўтарганлар, рўмол учига пул, танга, нон тугилган.

Аза маросими 3 кунгача, баъзи ҳудудларда бир йилгача давом этган. Аммо одатда 3 кун, ҳатто 7 кунгача ўша хонадонда чироқ ўчирилмаган, овқат пиширилмаган, ис чиқарилмаган. Одатда пайшанба, жума кунлари кечқурун ўлик ётган хонада (уч, етти, қирқ кунгача) чироқ (шам, «нукча», баъзи қишлоқларда «лукча» ҳам дейишади) ёқиб қўйиш одати бўлган.

Шаҳар маҳаллаларида мархум қариндошлари азадор бўлганликлари учун уларга «*дастурхончи*» лар хизмат қилганлар. Бу маълум маънода азадорларни моддий асосдаги қўллаб-қувватлашга асосланган ижтимоий кўмакни аниқлашган. Бундай эҳтиёж кишиларни дафн маросимларида ўзаро бир-бирига яқинлаштирган. Бу одатга кўра жамоа аёллари мархум хонадонига егулик, овқат тайёрлаб келиш анъанаси сақланган. Булар ош, мошхўрда, гўжа, чалпак, бўғирсоқ, ширинлик (қанд-курс) ва ҳоказолар бўлиб, айнан қандай таом ва ширинлик маросимий саналганлигига ҳам аҳамият берилган.

Ўтмишда ўтроқ аҳолида нон, қатлама, патир устига мева-чева қўйиб олиб борилган бўлса, чорвачилик билан шуғулланган сарой, кўнғирот, қипчоқ, туркман уруғларида маросимга кўпроқ гўштли, сутли таомлар билан бирга қовурдоқ, лакчак (унош), бўғирсоқ, қайнатма гўшт, қазӣ олиб борилган. Бундай одат бошқа ҳудудларда ҳам учрайди. Масалан, Тошкентда мархумга атаб ёзилган таъзия дастурхонига ҳолвайтар, толқон, юпка, бўғирсоқ рамзий таом сифатида аёллар томонидан олиб келинган. Қовоқ оши маросимида қовоқ қайнатилиб ёки дамланиб пиширилган ҳолда гўшт билан бирга дастурхонга тортилган.

Одатда қўни-қўшниларнинг ўзаро олд-бердиси ижтимоий зарурат туфайли азадор хонадон пулга, озиқ-овқат, масаллиқлари, кўрпа-гўшак, идиш-товоқ ва бошқа маҳсулотларга эҳтиёж сезганда зарурат учун амалга оширилган. Бундай муносабатлар жараёнида

қўни-қўшнилари бир-бирига камситувчи шартлар қўймаганлар. Аксинча бир-бирининг эҳтиёжига яраётганидан мамнун бўлганлар. Натижада марҳум хонадонидаги иқтисодий имкониятлар қай даражадалигидан қатъий назар, улар орасида тенглик ихтиёрийликка асосланган муносабатлар юзага келган.

Халқимизга хос инсонларга хайр-саховат, меҳр-мурувват кўрсатиш тамойиллари тарихан жамиятдаги одоб-ахлоқ меъёрларига хос тарзда таркиб топган. Бу шарқ халқларининг илк ёзма мероси “Авесто” мазмунида ҳам акс этган бўлиб, минтақа халқларига хос ҳуқуқий мезонлар, ҳар бир тоифа, ижтимоий қатламга мансуб инсонларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини белгилаб берган. Жамиятнинг ҳар бир аъзосининг жамоада ўзига хос ўрни ва мавқеи бўлган. Зардуштийлик тамойилларининг узвий давоми сифатида Ўрта Осиёда ислом динининг кенг ёйилиши баробарида бу анъана давом этиб, хайр-саховат, инсонларга меҳр-мурувват кўрсатиш анъаналари такомиллашиб борган.

Маросим кунлари марҳумнинг яқин қариндошлари марҳум руҳи билан яқин бўлишга интилганлар, қўни-қўшнилари, яқин-қариндошлар уларни иссиқ таомлар билан таъминлаб, еб ичиб туришга, бандаликни қабул қилиб, бардошли бўлишга чақириб, руҳий мадад бериб турганлар. Уч кундан сўнг мотам маросими тугаган. Шундан сўнг марҳумнинг хотира яни (ёд қилиш), *«етти»*, *«йигирма»*, *«қирқ»*, *«йил»* маросимлари ўтказилган. Бунда харажатларнинг маълум қисми жамоа гарданидаги юк ҳисобланар экан, жамоадошлар марҳум хонадонига қўмак учун «қада пули»(баъзи қишлоқларда «аза пули» ҳам деб аталади.) бериб турган. Бу одат ҳозирги кунда айрим қишлоқларда учрайди.

Демак, дафн маросимида ҳам жамоавийлик муҳим омил ҳисобланган. Чунки қўшничилик муносабатларидаги аҳиллик, ўзаро ёрдам жамоанинг, қолаверса бутун давлатнинг осойишталиги гарови ҳисобланган. Маросимларда элга ош берилган, Қуръони қаримдан оятлар ўқилиб марҳум хотирлаб турилган. Айниқса йигирма, қирқ маросимлари катта эътибор билан ўтказилиб, аксарият аёллар кўк, қора кийимларини ташлаганлар. Нурота шаҳрида марҳумнинг қирқ кунги *«қўжларингизни ташлангизлар»*- деган маънода аёлларга оқ, қизил мато тарқатилган.

Мусулмон халқлари одатига кўра, агар марҳум руҳи ёдга олинмаса, тирик юрган кишиларга зарар етказиши мумкин, агар тириклар мусулмон урф-одатларига риоя этмаса арвоҳлар руҳини

безовта қилади- деган тушунча бўлган. Киши доимо марҳумлар руҳи билан яқин бўлса, унинг руҳи шод бўлади, - деб тушинилган.

Ҳар бир даврда маросимларга оид расм-русумлар сақланади ёки ўзгаришга учрайди. Ўлим билан боғлиқ урф-одатларда зардуштийлик, жон ва руҳ билан боғлиқ қадимий диний эътиқод излари ҳам учрайди. Ўзбеклар ва тожикларда ўлган кишининг руҳи у дунёда ҳам бу дунёда ҳам яшайди, руҳ тириклар орасида улар билан боғланган - деган тушунча мавжуд. Шу сабабдан ўлган киши руҳи билан яқин бўлиш, аждодлар руҳига атаб маросимлар уюштириш одати мавжуд. Марҳум хотирасини 7, 20, 40, йил маросимлари ана шундай маросимлар саналади. Ундан ташқари ҳар пайшанба ва якшанба кунлари, ҳайитларда ўтказилиб турувчи кичик маросимлар ҳам бор.

Бундай маросимларда марҳум ёди учун ис чиқарилиб, Қуръони Каримдан оятлар ўқилиб, марҳум хотирлаб турилган. Бу *худоий* деб аталган. Унда махсус жонлик сўйилиб худо йўлида жамоага овқат тарқатилиши, унинг негизида исломий урф-одатларни юзага чиқариб, жон ва руҳ ҳақидаги анимистик тасаввурларни акс эттирган. Дафн маросимидан сўнг марҳум руҳига бағишлаб диний тадбирлар ўтказиш, мол сўйиб қурбонлик қилиш, дастурхонга нон-туз тортиш одати нафақат Марказий Осиё халқларида, балки бошқа халқларда ҳам бўлган.

Маросимга келган меҳмонларни жамоа иштирокида қуюқ сийлаш одати қозоқларда ҳам бўлган. Жамоадаги мавжуд урф-одатлар ва маросимлар ҳар бир инсоннинг маънавий-ахлоқий шаклланишида муҳим рол ўйнаб, бутун оила ва жамоа турмушига таъсир этадиган ижтимоий ҳодиса саналган. Энг асосий хусусият эса мусулмончилик анъаналарига кўра одамлар ўлик ҳақида эшитганда, *ўлим ҳақ, у ҳаммининг бошида бор нарса* – деган тушунча бўлган. Шу орқали кишилар топганини савоб йўлида хайр-садақа қилишга, еган-ичганини қайтариш тушунчаси билан яшаганлар.

Аммо кишилар ўртасидаги барча ҳатти-ҳаракатларни ижобий тус олган ёки анъанавий худудий кўни-кўшничилик алоқалари барча даврларда ҳам ижобий аҳамият касб этган деб бўлмайди. Чунки, бундай анъаналар баъзан жамоада уруғ-аймоқчилик, ўз уруғини биринчи ўринга қўйиш, қариндош-уруғчиликка мойиллик каби салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқарган. Натижада этник зиддиятлар ҳам содир бўлиб турган. Мотам маросимлари ўзига тўқ бўлмаган оилаларни иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволга солиб қўйган.

Кўпчилик оилалар бой-бадавлат ер эгаларидан олинган қарз ҳисобига маросимларни ўтказганлар. Қарзни тўлаш албатта маълум фоиз ҳисобига бўлган. Натижада уни тўлаш оила иқтисодини қийинлаштирган. Қарзни ўз вақтида тўлай олмаслик эса заминдор ерида маълум муддат ишлаб бериш шарти билан алмаштирилган.

Сўралганларнинг кўпчилик қисми бой ва ўрта ҳол оилаларни касодга учрашига оилада содир бўлган ўлим сабаб бўлганлигини кўрсатадилар. Ўзига тўқ оилалар марҳум хотира маросимларини катта эътибор билан ўтказганлар. Харажатлар нафақат маросим ўтказилаётган оила зиммасига тушган, балки жамоа эҳтиёжидаги нарса, буюмлар оила бюджети ҳисобидан ёки мардикорлик тарзида ёлланиб ишлаётган деҳқонлар ҳаққининг бир қисми ҳисобига ўтказилган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг халқ маънавий мероси, қадриятларининг тикланиши билан бирга тўй ва дафн маросимларини тартибли, камчиқим, камхаражат қилиб ўтказиш масаласи кун тартибига қўйилмоқда. Ўзбеклар оилавий турмушининг анъанавий маросимлари қаторида дафн маросимлари ҳам давр тақозоси билан янгича кўринишлар касб этаётганлигининг ўзиёқ уларни ҳозирги шароитга мослаб ўтказишни, ортиқча дабдабозликлардан воз кечишни талаб этмоқда. «**Динимиз бизни хамиша халол, пок яшашга, камтар, камсуқум, турмуш кечиришга ўргатиб келади. Тўй-ҳашамларимизни, маърака ва маросимларимизни дабдабасиз, меъёр доирасида адо этишни буюради**» – деб уқтиради Президентимиз Ислам Каримов<sup>193</sup>.

Инсон ўлими билан боғлиқ урф-одатлар, жамоа анъаналари таҳлилидан шуни англаш мумкинки, улар ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Ўз моҳиятига кўра улар жамоада тарихан шаклланган анъаналарни давом эттирувчи восита эканлигини англатди. Жамоа аъзосининг зиммасида биродари вафот этса ҳамдардлик билдириш, жанозада қатнашиш, уни сўнгги йўлга кузатиш, марҳум қариндошларига моддий кўмак бериш ҳам қарз ҳам фарз деб қаралган. Кишини тириклигида қадрлаш, ўтгандан сўнг руҳини шод этиш уни номини ёдга олиш савоб. Бунинг учун қарз-ҳавола қилиб маросимбозликларга берилиш шарт эмас.

Кейинги вақтларда “пайшанбалик”, “якшанбалик” ёки худойи ва “йигирма”, “қирқ”, “йил оши” номи билан қозонларда ош дамлаб катта маросимлар ўтказиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Айниқса,

<sup>193</sup> Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – Б. 291.



бундай маросимларни манманлик, шуҳратпарастлик билан марҳумларни ёдлаш учун эмас, балки шуҳратпарастлик мақсадида ўтказаятганлар ҳам пайдо бўлмоқда. Аслида инсонни тириклигида қадрлаш, ўтгандан сўнг руҳини шод этиш учун номини хотирлаш дуруст амаллардан, ammo дабдабозлик билан катта маросимлар ўтказиш динимизга, қадриятларимизга ётдир. Бу борада биз қуйидагиларга амал қилишни тавсия қиламиз:

Масжидларда, таъзия бўлган хонадонларда одамларга “пайшанбалик худойи”, “якшанбалик худойи” ва шу каби бошқа маросимлар халқимизнинг миллий анъаналари, ислом дини талабларига зид келмаган ҳолда ўтказишни тушунтириш лозим; Мусибат етган хонадонда муайян кунга боғламасдан ҳамда оила иқтисодига зарар етказмайдиган ҳолатда бир марта худойи қилиб ўтказса кифоя. Уни илмий мажлис тарзида ўтказиб тиловат қилиб, Ҳадиси шарифлар асосида амри-маъруф тариқасида ўтказиш мумкин. Бу марҳумнинг яқинларига сабр-қаноат, иштирокчиларга руҳий мадад беради; Марҳум мухтож оиладан бўлса, унинг оила аъзоларига моддий ёрдамлар уюштириш зарур, бу борада ёрдам, хайр-эҳсон савобли ишлардан саналиб, инсонийлик, аҳиллик, биродарликнинг ифодасидир; Миллий ва диний қадриятларимизга тўғри одатлар, яъни дафн маросимларида қатнашганларга рўмолча, белбоғ, мато ва айрим ҳолларда пул улашиш одатларига барҳам бермоқ керак;

Маълумки, марҳумлар хотирасига бағишланган урф-одатлар асосан ислом динига боғлаб амалга оширилади. Шунга биноан “Хотира ва қадрлаш куни”да марҳумлар хотирланса, қабристонлар тозаланса, саранжом-саришта қилинса мақсадга мувофиқ бўлади.

Жамият мустаҳкамлиги оила мустаҳкамлигига боғлиқ. Оила мустаҳкамлиги унинг шаъни, баракасидир. Ҳар бир оиланинг орномуси бўлганидек, ўзбек оиласи ҳам ўзининг миллий қиёфасини маънавий ва умуминсоний қадриятларини сақлаган ҳолда тараққиётимизга катта мазмун бериши барчамизга аён. Юқорида қайд этилган таклифлар фақат тавсиялар, холос. Уларни жойлардаги шарт-шароитлар, мавжуд муҳит, имкониятлар ва жамоатчилик фикрини ҳисобга олган ҳолда ҳаётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Халқимиз азалдан маросимларни биргаликда ўтказиб келишга одатланган. Аза маросимлари ҳам бундан мустасно эмас. «Ойнинг ўн беши ёруғ ўн беши қоронғи» бўлганидек халқимизда тўй-томошалар ўтказишга мойиллик кучли. **Зеро, хурсандчилик қилишни биладиган халқ, юракларни музлатиб садр тепишни, аза тутишни**

**ҳам биладн.** Шу билан биргаликда, халқимизнинг миллий менталитетида ахлоқий қарашларни қадрлаш, камсукумлиқ, камтаринлиқ, соддадиллиқ фазилатлари билан бирга тежамкорликка ҳам катта эътибор қаратиб келинган. Бу эса ушбу маросимларни ҳам шу асосда ўтказишни даврнинг ўзи талаб этмоқда.

Бу борада биз ишимиздаги дафн маросимлари ҳақидаги умумий умумий хулосалардан келиб чиқиб ҳозирги кунда қуйидагиларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб биламиз:

*Биринчидан, ўтказиладиган ҳудойиларда катта дастурхон ёзмасдан уларни маърифий, тарбиявий йиғин сифатида, Қуръон тиловат қилиб, ҳадислар асосида ўтказиш мақсадга мувофиқ.*

*Иккинчидан, маҳаллаларда ўтказиладиган маросимларни назорат қилиш ва уларга қатъий аралашуш масаласида маҳалла қўмиталари, фуқаролар йиғини кенгашлари раисларининг ваколат доираларини янада кенгайтириш зарур.*

*Учинчидан, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари байрам кунлари бўлгани учун бу кунларни азага айлантормасдан, хурсандчиликда шукроналик рамзи сифатида ўтказиш лозим. Марҳумларнинг қариндошлари, яқинларига хайриялар қилиб турилса мақсадга мувофиқ балади. Аммо улар ҳайит байрамларига салбий таъсир кўрсатмаслиги лозим.*

## МАҲАЛЛАДА АНЪАНАВИЙ ЙИГИНЛАР

Маълумки шарқ халқларига хос жамоавий уюшқоқлик, ўзаро ёрдам, бирдамлик гуйғулари ўзининг қадимги тарихига эга. Бунда халқ орасида азалдан ўтказиб келинган анъанавий халқ йиғинлари муҳим аҳамият касб этган. Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарлари оилавий тантаналар, йиғинлар, маросимлар анъанавий тарзда ўтказиб келинган ҳудудлардан ҳисобланади. Бундай маросимлар эркаклар орасида кенг тарқалган бўлиб, шу минтақага хос йиғин ва маросимлар алоҳида аҳамият касб этган. Бундай тадбирлар халқ орасида «гаштак», «тўкма», «зиёфат» номлари билан учрайди. Тошкент шаҳрида эса ушбу эркаклар йиғинлари «гап» номи билан аталади. Мазкур оммавий йиғин нафақат байрам сайиллари ёки маросимлар олдидан балки оилавий ва жамоавий маросим сифатида мавсумий тарзда ёки йил фаслларида қатъий назар бирдек жўра – ўртоқлар ўртасида навбат билан ўтказиб келинган.

Маросим ва йиғинлар ўз мазмунига кўра ижтимоий аҳамият касб этиб, уларда маҳалла, оила умуман жамият ҳаётига оид кўпгина масалалар муҳокама этилган. Жўра–ўртоқлар ўртасидаги шахсий масалалар, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига оид муаммолар ўз ечимини топган. Ўтмишда бундай маросимлар **Тошкент, Фарғона, Қўқон, Термиз, Бухоро** каби шаҳарларда чойхоналар, маҳалла гузарларида ёки оилаларда навбат билан ўтказиб келинган. Шу боис улар ўзига хос тарбия тадбирлари ҳисобланган.

Одатда эркаклар орасида ўтказиб келинган анъанавий «гап» лар ўтказиладиган жойлар шаҳардаги маҳалла гузарлари ва чойхоналар бўлган. Тадқиқотчиларнинг қайд этишларича бундай йиғинларга одатда 20-30 киши аъзо бўлганлар, улар ўзаро йиғилишиб, зиёфат мобайнида чакчаклашиб хурсандчиликлар қилганлар, ўзаро суҳбатлашиб янгилеклардан хабардор бўлишган, китоблар мутоала қилишиб, баҳс-мунозаралар ҳам ўтказилган<sup>194</sup>.

Тадқиқотчиларнинг қайд этишларича ўтмишда Ўрта Осиёнинг барча халқларида патриархал кўринишдаги эркаклар уйлари (меҳмонхона-оловхона), *гапхона, гап-гаштак, жўра (дўст-биродарлар жамоаси), кўна ўтиришлари, тўкма, жоро бозо* муҳим жамоавий йиғинлар бўлиб, бундай тадбирларда жўра-ўртоқлардан ташқари айрим ҳолларда кўни-қўшни, маҳалланинг фаол аъзолари

<sup>194</sup> Тошкент маҳаллалари: анъаналар ва замонавийлик. / Масъул муҳаррир. т.ф.д. З.Х.Орифхонава.Т., 2002. 64-65 бетлар

ҳам иштирок этганлар.

Бундай ўтиришлар айниқса йилнинг куз, баҳор, қиш фаслида мавсумий ўтказиб турилган. Айрим ҳолларда бундай маросимлар шаҳардаги маҳалла гузариди жойлашган меҳмонхоналарда ҳам ўтказилган. Меҳмонхонани ўзига тўқ кишилар саховат учун ёки ҳар бир маҳалла ҳашар йўли билан қуришган. Меҳмонхонаси бўлмаган маҳаллаларда гаштаклар навбат билан хонадонларда ўтказилган<sup>195</sup>. Маҳалла гузариди жойлашган меҳмонхоналар жамоа аъзолари маросимлар ўтказадиган, меҳмонлар дам оладиган, эркаклар гап-гаштак ва бошқа жамоа йиғинлари ўтказадиган жой ҳисобланган.

Одатда шаҳардаги маҳаллаларда гузарлар, меҳмонхоналар ёки шахсий хонадонлардаги гап, халфана ва ўтиришлар куз, қиш, баҳорда давом этган. Улфатлар гаштак ёки навбат билан бериладиган зиёфатлар баҳонасида болаларини олиб меҳмонхонага чиққанлар. Турли суҳбатлар қилинган, эртақ, топишмоқлардан сўнг болалар ўртасида навойихонлик, бедилхонлик тадбирлари ўтказилган. Этнолог олима З.Х.Орифхонова илгарилари шаҳарда ўтказилган эркаклар йиғинларида уларнинг иштирокчиларининг куйидаги уч тоифасини ажратиб кўрсатади:

1. 18-20 ёшдан 30-35 ёшгача.
2. 36-40 ёшдан 50-55 ёшгача.
3. Қариялар (55 ёш ва ундан катталар)<sup>196</sup>.

Бундай йиғин ва маросимларда айрим ҳолларда болалар ҳам иштирок этганлар. Болаларнинг иштироки уларнинг янада қизиқарли ўтишини таъминлаган. Хусусан, XIX аср охирларида маҳалладаги худди шундай анъанавий йиғинларни Тошкент шаҳри мисолида ўрганган Н.П. Остроумовнинг қайд этишича, чойхона ва хужраларда эркаклар гуруҳ-гуруҳ тўпланишиб мусиқа жўрлигида ўйин-кулгу қилишганини, кичик ёшдаги бола (бачалар учун алоҳида болаходаларда қизиқчи ва масхарабозлар ўйин кўрсатганлигини, кўнгилочар томошалар бўлиб турганлигини ёзади<sup>197</sup>.

Кўпинча болалар иштирокидаги йиғинлар кундуз кунлари ташкил этилиб, кечқурунги йиғинга улар жалб қилинмаган. «Гап» раиси, меҳмонхона бошлиғи (шерда) алоҳида тартибда ўтказиладиган маросим олдидан болаларга тарбия ҳақида, инсоннинг бурч ва вазифалари, одоб-ахлоқ тўғрисида панд-насиҳатлар қилган, уларга

<sup>195</sup> Буриев О. Ўғил улфат кўрганми // Фан ва турмуш. – 1993. – № 3. – Б. 10-11.

<sup>196</sup> Тошкент маҳаллалари: анъаналар ва замонавийлик. / Масьул муҳаррир. т. ф. д. З.Х.Орифхонова Т., 2002. 64 бет.

<sup>197</sup> Остроумов Н.П. Саргы. – Т., 1896. – С. 68.

ёшига қараб юмушларни тақсимлаган.

Эркакларнинг бундай йиғинлари қадимги даврларда шаклланган бўлиб, улар жамиятда эркакларнинг юқори мавқега эга бўлиши учун интилиши натижасида шаклланганлиги ҳам қайд этилади<sup>198</sup>. Улар «эркак уйлари» деб аталган манзилларнинг трансформацияга учраган кўриниши сифатида, жамиятда эркаклар ўртасидаги ўзаро муносабатларни, ижтимоий тотувликни ва ўзаро ҳурмат тамойилларини шакллантирган. Албатта анъанавий эркаклар йиғинларидаги бундай уюшқоқлик ҳозирги кунда эркаклар ҳамда аёллар орасида бирдек ўтказиб келинсада, кўпроқ у йиғин аъзоларининг кўнгил очиш, дам олиш тадбири ҳисобланади. Бундай йиғинлар шаҳарда «жўрабоши» лар томонидан назорат қилинади<sup>199</sup>. Ҳар бир йиғиннинг ўз «жўрабоши»си бўлиб, тадбирга иштирок этишнинг ҳам ўз тартиб-қоидалари бўлган. Бундай тартиб-қоидаларнинг бузилиши ўз навбатида уларга нисбатан чора кўрилиши, гапдан четлатилиши, ҳатто жазоланиш билан яқун топган.

Ўтмишда эркаклар орасида оммавий тарзда ўтказиб келинган бундай йиғинлар ўз мазмун ва моҳиятига кўра нафақат ижтимоий, балки моддий, маънавий аҳамият касб этиб, жўра-ўртоқларнинг моддий томондан ва маънавий жиҳатдан уюшувида ҳамда бирикишида ўзига хос ўрин тутган. Одатда бундай йиғин ва тўкмаларда унинг аъзолари дастурхонга қўйиладиган зарур егулик ва озиқ-овқатларни ўзлари билан олиб келган бўлсалар, айрим ҳолларда бундай моддий таъминот ўртага ташланган харажатлар ҳисобидан қопланган. Бундай йиғинга Тошкент шаҳрида анъанавий таом «норин» тайёрланган. Ночорроқ оилаларда кўпинча палов тайёрлаш анъана тусини олган, пишириклар, хўл ва куруқ мевалар, шаҳар учун одатий бўлган сомса, қази каби таомлар ҳам тортилган.

XX асрга келиб шунингдек дастурхонда таомлар тури янада бойиди, улар орасида европача таомларнинг айрим турлари пайдо бўлди. Одатга кўра йиғин тугагандан сўнг ўзаро келишув ва жўрабоши кўрсатмасига мувофиқ тадбирни ўтказиш навбатдаги кишига топширилган. Айрим ҳолларда иштирокчилардан белгиланган миқдорда пул маблағлари йиғиб оlinиб, унга зарур масаллиқлар, озиқ-овқат сотиб олинган.

Бугунги кунда ижтимоий ҳаётнинг ахборотлашуви,

<sup>198</sup> Қаранг: Снесарев Г.П. Традиция мужских союзов в её позднейшем варианте у народов Средней Азии // МХЭ. Вып. 7. – М., 1963.

<sup>199</sup> Petik Boris Mathieu. Povoit don et reseaux en Ouzbekistan Post- Sovetienique. – Paris: Presses Universitaires de France, 2002. – 169 p.

демократлашуви, кундалик ҳаётимизга европача удумларнинг жадал кириб келиши натижасида анъанавий йиғинларни ресторан ва кафеларда ўтказиш оммалаша бошлади. Ҳаддан ташқари дабдабали дастурхон уюштиришлар, уларда кулоқларни жунбушга келтирувчи мусиқий чиқишлар, спиртли ичимликларни керагидан ортиқ истеъмол қилишлар одат тусига кира бошлади.

Айниқса иштирокчиларнинг ёш ва жинс хусусиятларида тафовутлар унчалик сезилмаяпти. Ҳаттоки оилавий, қариндош уруғлар, тоға, амаки, холаваччалар ўртасида ўтказиладиган гаплар ҳам пайдо бўлмоқдаки, уларда дастурхонга тортилаётган баъзи спиртли ичимликлар, йиғинларнинг керагидан ортиқ вақт давом этиши, ресторан, кафеларда ўтказилиши, атрофдагилар, айниқса ёшлар тарбиясига баъзан салбий таъсир кўрсатаётганлигини ҳам қайд этмоқ зарур. Баъзи ҳолларда бундай йиғинларга ҳатто бита-иккита тўйга кетадиган сарф-харажатлар ҳам ишлатилмоқда. Бу жўра-ўртоқлар ўртасида «ким ўзарга ўйнаш», «мен ҳам сендан кам эмасман» каби тушунчаларнинг шаклланишига сабаб бўлмоқда.

Бу борада биз ўтмишда анъанавий ўтказиб келинган эркакларнинг йиғинлари ҳақидаги умумий маълумотларимизни таҳлил қилган ҳолда, зарур хулосалардан келиб чиқиб, бундай йиғинлар ҳар бир хонадоннинг шахсий иши ёки юмуши бўлсада, бу борада ҳозирги кунда қуйидагиларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

- *ўтказиладиган йиғинларда катта дастурхон ёзмасдан, ортиқча харажатлардан воз кечиб, камтарона ўтказиш, уларни маънавий-маърифий, тарбиявий йиғин сифатида уюштириш мақсадга мувофиқ. Бу ўша хонадон бюджетини моддий томондан тежашли билан бирга, жамиятда кишилар, яқин биродарлар, таниш-билишлар ўртасида ижтимоий тотувликни мустаҳкамлайди;*

- *маҳалла гузарлари, чойхоналарда ўтказиладиган анъанавий йиғин ва маросимларни назорат қилиш ва уларга ўз ваколатлари доирасида арлашишни маҳалла қўмиталари, фуқаролар йиғини кенгашлари раисларининг ваколати қилиб белгиланса, бундай йиғинларни ўтказиш янада ижобий характер касб этади деб ўйлаймиз.*

## МАҲАЛЛА ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ ЙИЛЛАРИДА

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгач, барча жабҳаларда бўлгани сингари, маҳалланинг тарихий анъаналари ва нуфузини қайта тиклаш борасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширила бошланди. Минг йиллар давомида шаклланиб, халқимизнинг ўзига хос ҳаёт тарзига айланган бу жамоавий тузилма мустақиллик йилларида том маънода янги мақом ҳамда мавқега эга бўлди. Жамият ҳаётида амалга оширилаётган жадал ўзгаришлар натижасида барча шаҳар, қишлоқ, ва овулларда янгидан маҳаллалар ташкил этилиб, уларнинг сони ортиб, нуфузи янада ошмоқда. Хусусан, бугунги кунга келиб мамлакатимизда маҳаллалар сони 8144 мингдан ортиқни ташкил этиб, уларнинг ҳар бирида уч мингдан ўн минг нафаргача аҳоли истиқомат қилади.

Президентимиз ташаббуси билан “Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 1992 йил 12 сентябр, “Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасига маблағ ажратиш тўғрисида”ги 1992 йил 8 октябр Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг “Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги 1992 йил 17 октябр қарорига асосан, Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамғармаси ташкил этилди. Шунингдек маҳаллалар раҳбар ходимлари ва фаолларининг малакасини ошириш мақсадида Республика “Маҳалла” хайрия жамғармаси ҳузурида “Маҳалла зиёси” ўқув услубий маркази ташкил қилинган. Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамғармасининг нашри – Республика “Маҳалла” газетаси таъсис этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенаги Кенгашининг “Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ мамлакатимизда маҳалла бошқарув тизими **2,5 йил** муддатга сайланади. Олиб борилган ишлар юзасидан улар ўз ҳисоботларини бериб борадилар.

Фуқаролар йиғинларида **раис, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, масъул котиб ва маҳалла посбони** жамоат тузилмаси фаолият кўрсатади. Айни пайтда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ишида фаолиятнинг асосий турлари бўйича комиссияларга раҳбарлик

килувчи обрўли ва хурматга сазовор фуқаролар жамоатчилиқ асосида иштирок этади<sup>200</sup>.

Президентимиз И. А. Каримов алоҳида таъкидлаганидек: "...Ўз-ўзини бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва қадриятларига хос бўлган усули - маҳаллалар тизими сўнгги йилларда жуда катта нуфузга эга бўлиб бормоқда. Улар амалда ўз ҳуқуқларидаги барча ишлар учун масъулдирлар. Зеро, маҳалланинг қўлидан келмайдиган иш йўқ".

Бу борада 1993-йил 2 сентябрда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши маҳаллаларнинг нуфузини янада кўтарди ва масъулиятини оширди. Ҳаёт ўртага қўйган янги талабларга, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй берган туб ўзгаришларга мувофиқ "Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида" ги қонунга **1997-йил 25 апрелда** ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Давр тақозосига кўра бу қонун **1999-йил 14 апрелда ва 2013 йил** Олий Мажлис томонидан янги таҳрирда қабул қилинди.

"Мен яна бир бор маҳаллалар фаолиятига аҳамият беришга, уларнинг даражасини кўтаришга даъват қиламан. Зеро барчамиз маҳаллада ўсганмиз. Унинг нуфузини кўтариш, билингки, нафақат иқтисодий, ижтимоий, балки бу-сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масаладир. Биз маҳаллаларга шу нуқтан назардан қарашимиз лозим. Маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишга қурби этади. Нега деганда энг адолатли муҳит, энг адолатли ижтимоий шароит, вазият фақат маҳаллада бўлиши мумкин.

Ҳеч бир корхона, ҳеч бир давлат идораси ёки жамоат ташкилоти бу борада маҳалла билан тенглаша олмайди. У ерда ҳаёт тажрибаси катта, заминга яқин, кўпни кўрган, барча ишни жой-жойига қўя оладиган фидойи одамлар яшайди ва ишлайди. Шундай экан, барча масалада маҳаллаларга суянган ҳолда ишлашимиз, келажагимизни улар ёрдамида қуришимиз лозим" - эканлигини таъкидлайди Президентимиз.

Маҳаллий ҳокимият органларига «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси» да вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органларидир, дейилган. Улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ва ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар.

<sup>200</sup> Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш – амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасидир. "Тошкент оқшоми" газетаси. 2014 йил 26 феврал.



**Фуқароларнинг ўзини-ўзи (маҳаллий) бошқариш органлари.** “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси” да “Шаҳарча, кишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди”- дейилган.

1992 йил Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси қабул қилингунга қадар маҳаллий ҳокимият органлари тизимини шакллантириш ва иш фаолиятини такомиллаштириш мақсадида бир неча ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Булар орасида 1992 йил 4 январда қабул қилинган *“Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ҳокимият органларини қайта тузиш тўғрисидаги”* қонун алоҳида аҳамият касб этади. Бу қонун асосида маҳаллий ҳокимият органлари тизимида бутунлай янги орган-ҳокимлик ва ҳоким лавозими таъсис этилди ва унинг вакиллик органларига бошчилик қилиши тамойиллари белгилаб қўйилди. Маҳаллий ўзини - ўзи бошқаришнинг қўйи тузилмаси эса шубҳасиз ҳокимликларнинг жойлардаги энг ишончли вакиллариدير.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг маҳалланинг яратувчилигига, маънавий-мафкуравий, тарбиявий кучига ишонч, эътибор ортди. Ҳозир маҳалла миллий кадриятларимизнинг, умуминсоний фазилатларимизнинг, моддий ва маънавий эҳтиёжларимизни қондиришнинг маркази сифатида юзага чиқмоқда. Қолаверса маҳалла халқнинг дардини англовчи, унга яқиндан ёрдам берувчи орган, яъни тизим сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **“Маҳалла”** хайрия жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги Қарори (1993 йил 1 декабр) **“Маҳалла”** хайрия жамғармасининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида тутган ўрни тобора ошиб бораётганлигини эътиборга олиб, унинг фаолиятини янада такомиллаштириш вазифасини илгари сурди. Шуниси диққатга сазоворки, унда республика вазирликлари, идоралар, концернлар, корхоналар, хўжаликлар ва ташкилотларга **“Маҳалла”** хайрия жамғармаси ҳамда унинг қўйи бўғинларига мунтазам равишда моддий, молиявий ва амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси топширилди.

Маҳалла хайрия жамғармасининг асосий вазифалари Ўзбекистон аҳолисининг тарихан таркиб топган удум ва анъаналарини авайлаб асраш ва бойитишга ҳар томонлама

кўмаклашиш, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, етимлар ва ёлғиз қолган қарияларга нисбатан инсонпарварлик ва меҳр-шафқат муносабатида бўлиш ҳолатларини тарғиб қилиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллаларни ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат.

Маҳаллалар ҳудудида жойлашган корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари тегишли маҳаллаларда маданий-маърифий, ободончилик ишларини амалга ошириш, миллий байрамларни ўтказишда, шунингдек оқсоқолларнинг таклифлари асосида кам даромадли ва боқувчисини йўқотган оилалар ва ёлғиз қолган кишиларга моддий ва маънавий ёрдам бериш чора-тадбирларини кўриш зарур. Ижтимоий кўмаклашувнинг янги тизими доирасида кам даромадли оилаларга бериладиган моддий ёрдам одамларга энг яқин турувчи маҳалла раиси томонидан белгиланадиган бўлди. Шунингдек, "Маҳалла" жамғармаси турар жойларни ободонлаштириш, тозалаш, новвойхона, чойхона, дам олиш масканларини, савдо дўконларини қуриб, ишга туширишга ҳам бошқош бўлмоқда.

Кўп асрлик тарихга эга бўлган маҳалла биринчи марта республикаимиз Конституциясига мувофиқ ўзининг ҳуқуқий мақомига эга бўлиб, маҳаллий давлат ҳокимияти бобида ўзига хос ўрин олди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар фаолиятининг, уларга берилган ваколатларнинг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун ҳамда Президентимиз томонидан чиқарилган фармонлар, Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар ташкил этади.

Президентимиз И.А.Каримов 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» да фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда. Бунда маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий

қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозим<sup>201</sup> - дея қайд этади.

Шу билан бирга, Юртбошимиз мазкур мажлисда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини янада такомиллаштириш бўйича оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичидан сайланишини, фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтиришда маҳалланинг аҳамияти ва роли оширилишини таъминлайдиган чора-тадбирларни назарда тутадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни таклиф қилдилар.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш фурсати етди. Қонунда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предметини, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйиш зарурлиги мазкур концепцияда бир бор илгари сурилди<sup>202</sup>.

XX асрнинг тўқсонинчи йиллари бошида мамлакатимизда маҳаллага катта умид билан қаралганлиги бежиз эмас. Президент Ислон Каримов бу ҳақда шундай деган эди: **«Агар маҳалла жамиятимизда муносиб ўрин эгалласа, агар маҳаллада тинчлик ва осойишталик бўлса, ҳамма нарсага кучимиз етади».**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси маҳалланинг фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органи сифатидаги роли ва аҳамиятини ошириш, миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизни,

<sup>201</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т., 2010. – 56 б.

<sup>202</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т., 2010. – 56- 57 бетлар.

ўзаро меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлашдаги нуфузини кўтариш, аҳолини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш мақсадида 2003 йил — “Обод маҳалла йили” деб эълон қилиниши муносабати билан “Обод маҳалла йили” Давлат дастури қабул қилинди.

“Обод маҳалла йили” Давлат дастури ижроси бўйича 2003 йилда кенг кўламдаги бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Кўплаб маданий-маиший бинолар, спорт майдончалари, хиёбон ва боғ-роғлар барпо этилди. Бир йилнинг ўзида унга 1 миллиард 745 миллион сўм миқдориди маблағ сарфланиб, 310 та маҳалла гузари бунёд қилингани, шаҳар ва қишлоқларимизда 25 миллиондан зиёд дарахт кўчатлари ўтказилгани бунинг яққол мисolidир. Мазкур даврда маҳалла аҳолисини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш учун қарийб минг километрлик сув тармоғи ва 1 минг 322 километрлик газ тармоғи ишга туширилган<sup>203</sup>.

2003 йили юртимиздаги 5 минг 630 та маҳалла ҳудудида кўплаб кичик ва ўрта бизнес корхоналари ташкил этилиб, қарийб 155 мингта янги иш ўринлари яратилган. Дастур доирасида маҳаллаларга 2003 йилда 1 миллиард 200 миллион сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилган. Икки ёшгача бўлган болалар тарбияси билан шуғулланаётган 400 мингдан зиёд аёлга давлат томонидан нафақа пули тайинланган. 180 минг кам таъминланган оиллага қарийб 4 миллиард сўм миқдориди моддий кўмаклар берилган. 2003 йилда 25 мингдан зиёд ёлғиз пенсионер ва ногиронларга 630 миллион сўмлик моддий ёрдамлар кўрсатилган<sup>204</sup>.

Яна рақамларга мурожаат этилса, ушбу ташкилотнинг фуқаролик жамияти қурилишидаги ўрнини қуйидагиларда ҳам кўришимиз ҳам мумкин. “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва маслаҳатчилари сайлов тўғрисида”ги қонунга кўра мамлакатимизда биргина **2006 йил май-июнь ойларида** бўлиб ўтган фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилди. Бу сайловда 10 мингта (9941) яқин фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайланди. Шунингдек 8843 нафар фуқаролар йиғини раис (оқсоқол)ларини сайлаш учун 27 715 та номзод кўрсатилди 97273 нафар раис маслаҳатчилари ҳам сайландилар. Сайланганлардан 6016 киши ёки ҳамма раисларнинг 68

<sup>203</sup> Меликулов Х. Маҳалла-ватан ичидаги ватан. Т., 2006. 91 бет.

<sup>204</sup> Ҳақиқат.

фоизи олий маълумотга эга, 4177 нафари (47%) 50 ёшга, 818 нафари (9%) эса 40 ёшга етмаган фуқаролардан иборат. Улар орасида аёллар сони кўпайган, 2003 йилда улар 734 нафар (9%) бўлган бўлса, 2006 йилда 981 нафар (11%)ни ташкил этган<sup>205</sup>.

Маҳаллада ижтимоий масалалар, хусусан ижтимоий ҳимоя масаласига ҳам алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Унинг моҳияти шундан иборатки, мамлакатимизнинг келажаги ҳисобланмиш болалар ва кам даромадли оилалар бу ёрдамдан баҳраманд бўлувчи асосий кишилар бўлиб қолаверади. Ижтимоий кўмаклашувнинг таъсирчан тизимини ташкил этиш йўллариини излаш натижасида биз Ўзбекистонда маҳалла орқали муҳтожларга ёрдам бериш, ижтимоий кўмаклашишнинг энг содда, аммо самарали воситаси эканлигига амин бўлдик.

Президентимиз И.А. Каримов қайд этганидек “Ижтимоий кўмаклашувнинг янги тизими доирасида кам даромадли оилаларга бериладиган моддий ёрдам одамларга энг яқин тўрувчи маҳалла аҳолиси йиғинида тайинланадиган бўлди. Халқнинг ўзи сайлайдиган, Қонун асосида ўзини-ўзи бошқариш органи мақомини олган маҳалла оқсоқоллари, уларнинг маслаҳатчилари ва фаоллари маҳаллада яшовчи ҳар бир кишининг моддий ва мулкий аҳволини, ҳар бир оиланинг даромад манбаларини биладилар”<sup>206</sup>. Гувоҳи бўлганимиздек, ижтимоий адолатни фақат бевосита маҳаллалар орқали ижтимоий ёрдам кўрсатиш билан амалга ошириш мумкин.

Шу билан бирга Республикамызда кўрик-танловлар, саҳоват дастурхонлари, шонли саналар, анъанавий ва замонавий байрамларда кам таъминланган оилаларга алоҳида манзилли ёрдам кўрсатиш ва бошқа шу каби хайрия тadbирларини ўтказиш бўйича жами 6677115,0 минг сўмлик молиявий ва 151447,3 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган. Бу соҳадаги амалий ишлар учун 819162, 3 минг сўм сарфланган. Бунда маҳалланинг ўрни катта бўлмоқда.

Ёлғиз кекса пенсионерлар, ногиронларга ҳамда боқувчисини йўқотган болаларга, шунингдек, Саҳоват ва Мурувват уйларига республикадаги ҳомий ташкилотлар, идора ва муассасалар томонидан 550,3 млн. сўмлик аниқ йўналтирилган мурувват ёрдамлари ҳамда халқаро инсонпарварлик ташкилотлари орқали 1 млрд. 301 млн.

<sup>205</sup> Файзуллаев Т., Кенжаев Э. Демократиянинг амалдаги ифодаси // “Жамият ва бошқарув”, 2006, №4. –35–37-б.

<sup>206</sup> Қаримов. И. А Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. —Т.: «Ўзбекистон» нашриёти, 1996, 3-том, 268-272-бетлар

сўмлик ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилган. Бевосита маҳаллалар томонидан ҳам аҳолига барча йўналишлар бўйича моддий ва молиявий ёрдамлар кўрсатилиб, сарфланган харажатлар 14853634,0 минг сўмни ташкил этган.

Ҳозирги вақтда маҳаллаларда Рамазон ва Қурбон ҳайитлари кунларида элга ош берилиб, муҳтож оилаларга мурувват кўрсатиш, ҳаж сафарига отланганларни қўллаб-қувватлаш, қайта тикланган қутлуг анъаналаримиздандир. Хатна тўйларини ўтказишда ҳам янгича анъаналар қарор топмоқда. Маҳаллалар, маҳалла жамғармалари, ҳомийлар тўйни ўтказишга қурби етмаган оилалар фарзандлари учун бош-қош бўлмоқдалар. Айрим харажатларни ўз зиммаларига олиб, тўйлар ўтказилмоқда. Бундай тадбирлар республикамиз миқёсида янада кенг кулоч ёйган. Жумладан, бугунга келиб маҳаллаларда ўтказилган хайрия тадбирлари сони бир йилда ўртача қарийиб 200 дан ошиб кетган.

Муҳтож оилаларга аниқ йўналтирилган ижтимоий ёрдам кўрсатиш борасида тўпланган ижобий тажрибани эътиборга олиб, Президентимиз И.А. Каримовнинг 1999 йил 13 январда "Аҳолини аниқ йўналтирган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида" ги Фармони чиқарилди. Ушбу Фармонга биноан **1999 йил 1 мартдан** бошлаб аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича амалдаги чора-тадбирлар билан бир қаторда маҳалла ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали ишламайдиган оналарга, боласи 2 ёшга етгунга қадар парвариш қилиш бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш, ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз пенсионерларни асосий озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ваколатлари берилган.

Ҳар бир оила давлат раўнақи, жамият келажаги учун қайғурадиган оила сифатида шаклланмоқда. Демак, республикамиз мустақиллиги йилларида оила раўнақи учун барча шарт-шароитлар яратилди. Хусусан мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллиги муносабати билан Президентимизнинг "Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш - бизнинг бош мақсадимиздир" номли маърузасида бугун юртимиздаги оилаларнинг 98,5 % ўз уйи ёки квартирасига, қишлоқдаги оилаларнинг 97,5 % ўз томорқасига эга эканлигини қайд этади. Агар 21 йил илгари 10 та оиладан биттасида енгил автомобил

**бўлган бўлса, ҳозир ҳар учинчи оилادا биттадан, айрим хонадонларда ҳатто бир нечтадан шахсий автомашина бор – деган эди.**

Ижтимоий соҳада эришилган натижалар, хусусан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилган давлат харажатларининг 5 баробардан ортиқроққа кўпайгани «Ўзбек модели» бежиз халқаро эътирофга сазовор бўлмаётганини англатади. Аҳоли турмуш даражасининг яхшилангани натижасида оналар ўлими 2 баробардан кўпроқ, болалар ўлими эса 3 баробарга камайгани, одамларнинг ўртача умр кўриши **67 ёшдан 73 ёшга**, жумладан, аёлларнинг ўртача умр кўриши **75 ёшга** етгани ҳам Ўзбекистоннинг XXI асрдаги ривожланиш динамикасини янада яққолроқ намоён этапти.

Айниқса, маҳаллда бола тарбияси, кексаларга ёрдам, меҳнатга лаёқатини йўқотганларга ғамхўрлик қилиш, оилавий анъаналарни сақлаш ва маънавий муносабатларни тартибга солиш каби муҳим аҳамиятга эга ижтимоий муносабатлар мужассамлашгандир. Конституциямизнинг 14 боб, 66 моддасида “Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналар ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар”<sup>207</sup> - деб ёзиб қўйилган. Бу авваломбор жамиятимизда фарзандларнинг ўрни ва мавқеини, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг миллий менталитетимизга хос хусусиятлари оиладан бошланишини яна бир бор кўрсатмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майда “**Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**” Фармон қабул қилинди. Бу фармонда ёш оилаларга давлат томонидан моддий ва маънавий ёрдам бериш, уларга айрим енгилликлар яратиш кўзда тутилди. 2007 йил 1 сентябридан давлат тасарруфидаги вақтинча фойдаланилмаётган ётоқхоналарни ёш оилаларга ажратиш учун уй-жойлар, кўп хонадонли уйлардаги бўш турган хоналар негизида оилавий ётоқхоналар ва ёш оилалар учун имтиёзли нархларда ижарага бериладиган квартиралар ташкил этилди.

Шу мақсадда ёш оилалар учун **2012-2013 йилларда** ҳар бири 48 та хонадонга эга бўлган 100 та кўп қаватли уй-жой куриш ишлари амалга оширилган. 2012 йилнинг ўзида 2 минг 400 та хонадон фойдаланишга топширилган бўлса, **2013 йилда** яна шунча хонадон куриб ишга туширилган. Ана шундай уйларни сотиб олишда қулайликлар яратиш учун минглаб ёш оилаларга 15 йил муддатга

<sup>207</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2012, 12-бет.

мўлжалланган 210 миллиард сўмга яқин имтиёзли ипотека кредитлари берилган. 2011 йилда 7 минг 400 та оила умумий майдони 1 миллион 100 минг квадрат метр бўлган, ҳар томонлама қулай уй-жойларга, замонавий шароитларга эга бўлган хонадонга эга бўлган бўлса, 2012 йилда 8 минг 510 та оила шаҳар шароитидан ҳеч кам бўлмаган ана шундай янги уй-жойларга кўчиб ўтганлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра маҳаллада ёш оилаларга имтиёзли шартлар асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил қилиш, уй-жой қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш (ижарага олиш), уй хўжалигини йўлга қўйиш, мебель ва узок муддат фойдаланиладиган ҳаётий зарур товарлар сотиб олиш учун биргина 2007 йилнинг ўзида 50 миллиард сўм ажратилган. Бу эса оилага, унинг фуқаролик жамиятни шакллантириш ва ривожлантиришдаги ўрнига эътибор ва жамиятнинг ҳақиқий қуйи бошланғич ижтимоий бўғини мақомини олганлигини яна бир бор тасдиқламоқда

Маҳалла раислари зиммасига коммунал хизмат корхоналари билан биргаликда сув, электр энергияси, газдан фойдаланиш сарф-харажатлари ҳамда коммунал хизматлар ҳақи тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини ташкил этиш ҳамда назорат қилиш вазифалари ҳам юкланган. Шу асосда фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларини рағбатлантириш тизими жорий этилди. Фойдаланиш сарф-харажатлари ва коммунал хизматлар учун тўловларнинг белгиланган тушумлари 100 фоиз таъминланган тақдирда ушбу сумманинг 20 фоизи, 75 фоиздан кўпроғи таъминланганда эса унинг 10 фоизи маҳаллаларнинг махсус ҳисоб-варақларига ўтказиладиган бўлди.

Белгиланган тартиб бўйича маҳалла ҳисоб варағига ўтказилган пул маблағининг 60 фоизи уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш учун кам таъминланган оилаларга, 25 — 35 фоизи маҳалла ҳудудини ободонлаштиришга, 5 фоиздан 15 фоизгача - маҳалла фаолларини рағбатлантиришга йўналтирилганлиги фикримиз тасдиғидир. Шу билан бир қаторда маҳаллаларга ўз маблағлари ҳамда жалб этилган маблағлар ҳисобидан, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий маблағлари ҳисобидан моддий мададга муҳтож бўлган ёш оилаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ваколати ҳам берилган.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, 2000 йил бўйича мамлакатимиз миқёсида 2160 та маҳалла уй-жой-коммунал хизмат корхоналари билан тузилган шартномани 75 фоиздан ошириб, 1266 та маҳалла 100 фоиздан ошириб бажарганлар ва уй-жой коммунал



хизмат корхоналаридан маҳаллалар ҳисоб варақларига 143,8 млн. сўм пул маблағи ўтказиб берилган. Бу борада Самарқанд вилояти Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси томонидан олиб борилаётган амалий ишлар эътиборга сазовордир.

Биргина 2000 йилда вилоятларда уй-жой коммунал хизмат корхоналаридан маҳаллаларга ўтказиб берилган умумий пул миқдори 9,4 млн. сўмни ташкил этган бўлса, шунинг 5,2 млн сўми уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш учун кам таъминланган оилаларга, 2,4 млн сўми маҳаллалар ҳудудини ободонлаштириш учун ва 849 минг сўми маҳалла фаолларини рағбатлантириш учун сарфланган. Мисол сифатида таъкидлаш лозимки, 2000 йилда Самарқанд вилояти бўйича 3850 та кам таъминланган оиллага уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш учун моддий ёрдамлар кўрсатилган.

Масалан, Республика миқёсида уй-жой-коммунал тўловларни амалга ошириш бўйича ўзларига давлат томонидан берилган ваколатларни етарли даражада амалга оширишда Фарғона вилояти Сўх тумани "Ғазнов" маҳалласи, Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳридаги "Зарифобод" ҳамда Усмон Носир номли маҳаллалар, Жиззах вилояти Гагарин туманидаги "Мирзадала", "Туркистон", Тошкент шаҳридаги Шароф Рашидов номли, "Бўз", "Беруний" каби кўпгина бошқа маҳаллалар намуна бўлганлар<sup>208</sup>.

Маҳаллаларда истиқомат қилаётган аҳолини моддий ва маънавий рағбатлантиришда **"Маҳалла"** хайрия жамғармаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари айниқса фаоллик кўрсатмоқдалар. Жамғарма бўлим ва бўлинмалари Янги йил, "Наврўз", "Хогира ва қадрлаш куни", "Ўзбекистон мустақиллиги куни" ва бошқа байрамлар муносабати билан ўз ҳисобидан аҳолининг ночор, муҳтож табақаларини моддий рағбатлантириб келмоқда. Айрим ташкилот, ксрхоналар, фирмалар, тадбиркорлар ҳам улуғ айём кунлари ўз ҳисобларидан аҳолига моддий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Аҳолининг кам даромадли, муҳтож ва ночор табақаларига маҳалла орқали кенг кўламда ёрдам берилаётгани адолатли усул бўлиб, юртимизда тинчлик, осойишталик, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда ўз вазифасини ўтаб келмоқда. Жойларда маҳалла жамғармаси ҳисобидан аҳолининг бундай табақаларига беғараз ёрдам кўрсатилиши фуқаролар йигинларининг обрў-эътиборини сезиларли даражада оширмоқда.

<sup>208</sup> Жалилов Ш. Кучли давлатдан-кучли жамият сари. Т., 2001 63 бет.

"Маҳалла" хайрия жамғармасининг ташкил этилиши, унинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари, ҳукумат захирасидан жамғарма учун пул маблағи ажратилиши, корхона ва ташкилотларнинг жамғармага моддий ва молиявий ёрдам кўрсатиб боришлари давлатимиз таракқиётининг асосий тамойилларидан бири бўлмиш кучли ижтимоий ҳимоя тамойилини маҳаллаларда тўла амалга ошириш имконини бермоқда.

Аҳолининг кам таъминланган ва муҳтож қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш борасида аниқ йўналтирилган самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, таълим, кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаларида мақсадли умуммиллий дастурларни ҳаётга татбиқ этиш масалаларига катта эътибор қаратилди.

Агар рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, Республикамизда 2007 йил «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастурида кўзда тутилган тадбирлар ижроси учун қарийб 284 миллиард сўм, жумладан, 133 миллиард сўм бюджет маблағи, 151 миллиард сўмдан зиёд идора ва ташкилотлар, ҳомийлар маблағи сарфланган. Дастурда кўрсатилган тадбирларни амалга оширишда "Меҳрибонлик" уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, боқувчисини йўқотган болаларга давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибори ва ғамхўрлигини кучайтириш, шу тариқа "Сен ёлғиз эмассан" даъватини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган ишлар алоҳида ўрин эгаллайди.

Биргина 2007 йил мобайнида 15 та махсус мактаб-интернат ва "Меҳрибонлик" уйларида жами 4 миллиард 800 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари бажарилганини, Халқ таълими вазирлиги томонидан "Меҳрибонлик" уйлари тарбияланувчиларига салкам 112 миллион сўмлик кийим-бош ва зарурий жиҳозлар олиб берилганини қайд этиш лозим.

Шуниси эътиборга лойиқки, бу савобли ишларга жойларда кўпгина ташкилот ва ҳомийлар ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Мисол учун, Самарқанд, Навоий ва Жиззах вилоятларида шу мақсадда қарийб 580 миллион сўмлик маблағ сарфлангани бунинг тасдиғидир. Шу йил давомида давлат бюджетидан 4 миллиард 600 миллион сўмга яқин маблағ сарфланиб, республикамиздаги 28 та "Меҳрибонлик" уйи ҳамда 86 та ихтисослаштирилган мактаб-интернатга Самарқанд шаҳрида ишлаб чиқарилган 114 та замонавий автобус берилди, 4 та

оилавий болалар уйи эса “Дамас” микроавтобуслари билан таъминланган.

“Ижтимоий ҳимоя йили” Давлат дастурига мувофиқ ва ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга кириб келишда уларга зарур ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизмлари ва амалий рағбатлантириш омилларини яратиш ҳамда уларнинг уй-жой ва майиший шароитларини яхшилаш мақсадида “Ўзбекистон Республикасида ёшларга доир давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Унга кўра ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданият, спорт соҳаларида ёшларнинг фаолиятлари ва ташаббусларини қўллаб қувватлаш мақсадида кенг имкониятлар яратиб берилди.

Республика “Маҳалла” жамғармаси ва унинг жойлардаги бўлим ва бўлинмалари кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини ташкил қилишда ижобий натижаларга эришмоқда. Бундай хайрли ишга жамғарма вилоят бўлимлари жойларда катта эътибор бериб келмоқдалар.

Масалан, Наманган вилояти Оксоқоллар Кенгаши ҳамда “Маҳалла” хайрия жамғармаси ўз низомларида белгиланган талаблар, иш режалари ҳамда жамғарма Республика бошқарувининг дастур ва тавсиялари асосида бир қатор хайрия ишларини амалга оширди. Янги йил байрами муносабати билан 2000 йил кам таъминланган оилалар фарзандларига 875000 сўмлик 350 та совға вилоят бўлими томонидан олиб берилган. 2000 йилни кутиб олиш ҳамда муборак Рамазон ҳайити олдидан вилоятда 2000 йил 1-10 январ кунлари “Мурувват ўн кунлигини” ўтказиш юзасидан белгиланган тадбир режасига асосан вилоят бўлим ва бўлинмалари томонидан кам таъминланган 15935 нафар фуқарога 8430397 сўмлик хайрия қилинган.

Жамғарманинг Наманган шаҳар бўлинмаси ҳисобидан шаҳардаги 20-Меҳрибонлик уйига 2 млн 300 минг сўмлик ёрдам кўрсатилиб, 1 та “Дамас” русумли автомобил ҳамда кийим-кечаклар олиб берилган. “Наврўз” байрами муносабати билан жамғарманинг бўлим ва бўлинмалари ўзларининг тадбирларини ишлаб чиқиб, шу асосда бир қатор ишларни амалга оширганлар. Вилоятнинг барча маҳаллаларида Наврўз шарафига оммавий сайллар ўтказилиб, сумалаклар тайёрланган. Наврўз арафасида ва байрам кунлари бўлим

ва бўлинмалар якка-ёлғиз фуқаролар ва ногиронлар ҳолидан хабар олиб, 800 дан ортиқ оилага 850 000 сўмдан кўпроқ моддий ёрдам кўрсатган. Шунингдек, вилоят Кўзи ожизлар жамияти, Ногиронларни тиклаш маркази, 20-Меҳрибонлик уйи ҳамда вилоят кар-соқовлар жамиятига 45 000 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари хайрия қилинган.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, ўз-ўзини бошқариш органларини ташкил қилишда Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусияти шундаки, ушбу масалани ҳал қилишга миллий анъаналарни, тарихий кадриятларни тиклаш, аҳолининг туб манфаатларига мос келувчи йўлни танлаш нуқтаи назаридан ёндашиш бўлди. Хусусан, ўз-ўзини бошқаришда асосий таянч қилиб маҳаллалар белгиланди. Улар инсон қалбида Ватан туйғусининг шаклланишига катта таъсир кўрсатиб келган.

Барчамизга маълумки мамлакатимизда ҳар йили давлат бюджетини қабул қилишда айна ижтимоий соҳани ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилади. **2013 йилда бу соҳага ажратилган маблағлар бюджетимиз умумий харажатларининг 60 фоизини ташкил этди.** Бу эса 2012 йилга нисбатан 1 триллион сўмга кўпроқдир.

Бу борада Юртбошимиз қайд этганларидек “Бугунги кунда одамларимизнинг ҳаёт даражаси қандай ўсиб бораётгани ҳақида гапирганда, якқол кўзга ташланадиган баъзи бир кўрсаткичларга эътиборингизни қаратмоқчиман. **Ҳозирги вақтда мамлакатимизда яшаётган ҳар учта оиланинг биттаси шахсий энгил автомобилга эга. Юртимиздаги ҳар 100 та оилага ўртача 80 та холодильник, 146 та телевизор тўғри келмоқда.** Бу эса баъзи оилаларда икки-учтадан телевизор борлигини кўрсатади. Шунингдек, аҳолининг кир ювиш машинаси, пилесос, микротўлқинли печлар, шахсий компьютер ва бошқа зарур воситалар билан таъминланиш даражаси ортиб бормоқда. **Республикамизда мобиль алоқа хизматидан фойдаланувчилар сони 19 миллион нафарни ташкил этиб, ҳар бир оилага ўртача 3 та уяли телефон тўғри келмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда интернет абонентлари сони ўтган йилга нисбатан 18,3 фоизга ўсиб, ҳозирги пайтда 7 миллион 100 минг нафарни ташкил этмоқда**<sup>209</sup>.

2013 йилнинг ўзида қишлоқ аҳлига уй-рўзгор буюмлари сотиб олиш учун қарийб 68 миллиард сўмлик истеъмол кредитлари, ёш

<sup>209</sup> Қаримов И.А. «Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажакимизнинг асосий омилidir» Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. Т. 2013.

оилаларга уй-жой куриш ва уларнинг шу борадаги интилишларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 346 миллиард сўмдан ортик, яъни ўтган йилга нисбатан 10 фоиз кўп ипотека кредитлари ажратилганини таъкидлаш зарур<sup>210</sup>.

Ўз-ўзини бошқариш муассасалари фаолиятининг кенгайиши бевосита маҳаллаларнинг мавқеини кучайтириш билан боғлиқ. Маҳаллаларнинг вазифаси, аҳолини давлат ва жамият ишларида иштирокини таъминлаш кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишда иштирок этиш билан чекланиб қолмаяпти. Уларнинг муҳим вазифаси ҳар бир шахснинг онгини, маънавий камолатини ошириш, ватанпарварлик, Ватанга ҳурмат билан қараш руҳида тарбиялашдир.

Сўнгги пайтларда давлат томонидан бажариладиган вазифаларни фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига ўтказилиши, нодавлат ташкилотлар фаолиятини такомиллаштиришни талаб қилади. 2013 йил Олий Мажлис томонидан янги таҳрирда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрири айнан шу мақсадга қаратилган.

Бугунги кунда Фуқаролар йиғинлари фаолиятининг самарали бўлиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришга катта эътибор билан қаралмоқда. Республика маҳаллаларининг **3520 таси маҳалла** ўз гузарларига эга бўлса, шундан **2000 га яқини** мустақиллик йилларида замонавий усулда қурилган. Маҳаллаларда "Маънавият ва маърифат" хоналари, хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари учун алоҳида жиҳозланган хоналар сони 8000 дан ошиб кетган.

Мустақиллик йилларида маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилмоқда, улар бугун ўзини-ўзи бошқариш идораси, ҳақиқий «демократия дарсхонаси» сифатида кенг кўламли фаолият олиб бормоқда. Давлатчилигимиз тарихида биринчи марта «маҳалла» тушунчаси Конституциямизга киритилиб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми қатъий белгилаб қўйилди. Маҳалла бошқарувида бундай катта эътибор бугун мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг халқчиллигидан далолат беради. Айни пайтда у юртимизда амалга оширилаётган "**Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари**" тамойилининг амалий ифодаси бўлиб, маънавий ҳаётимизни янада мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг

---

<sup>210</sup> Ўша жойда.

онгу тафаккурини замонавий асосда шакллантириш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги жамият бунёдкори бўлмиш баркамол инсонни тарбиялашда ҳозирги пайтда маҳаллаларимизда самарали фаолият олиб бораётган, бу ноёб тузилмани том маънода ўзини-ўзи бошқариш идорасига айлантиришга катта ҳисса қўшиб келаётган маҳалла фуқаролар йиғинларининг **диний, маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиларининг** ижобий таъсири тобора ортиб бормоқда.

Инсон ҳаётидаги унутилмас воқеалардан бири тўйдир. Уни кадриятимизга, маънавиятимизга мос, чиройли ўтказиш маҳалла оқсоққолларига боғлиқ. Бугун мамлакатимизда мустақкам қарор топган тинчлик, осойишталик ҳамда халқимиз фаровонлигининг юксалиб боргани туфайли тўйларимиз ҳар жиҳатдан чиройли ўтаётир.

Бу борада давлатимиз раҳбари томонидан **1998 йил 28 октябрда** қабул қилинган тўй ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ихчам ва содда тарзда ўтказиш тўғрисидаги Фармонининг ўрни беқиёс. Фармон талабларидан келиб чиқиб, тўй ва маросимларни дабдабасиз, камчиқим, маънавиятимиз ва кадриятимизга мос ҳолда ўтказиш бўйича жойларда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Фармон талабларидан руҳланган давлат ва жамоат ташкилотлари, зиёлилар фуқароларимиз тўй ва маросимларни ўтказиш маданиятини ошириш, ёшларимиз онги ва тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи иллатларга барҳам бериш, кадриятларимизни улуғлаш ва юксак маънавий-ахлоқий мезонларни тарғиб қилиш мақсадида тегишли чора тадбирларни амалга ошириб, зарур тавсия ва мулоҳазаларни оммавий ахборот воситалари орқали ҳам мунтазам билдириб келишяпти<sup>211</sup>.

Шунга қарамай, ҳали ҳам босар-тусарини билмай қолган шухратпарастлик, манманлик дардига гирифтор бўлган айрим маънавияти саёз кишилар учраб турибдики, улар тўй ва маросимларни фақат ўзларини кўз-кўз қилиш мақсадида кадриятимиз ва жамоатчилик фикрларини менсимай дабдабали ўтказиб келишмоқда. Бу эса фуқароларимизнинг эътирози ва норозиликка сабаб бўлмоқда. Улар тўй ва маросимларнинг урф-одатларимиз,

<sup>211</sup> Тўйларимиз маърифати // Нашрга тайёрловчилар Р.Шералиев, Г.Йулчиева. Т., 41 бет.

маънавиягимиз, қадриятларимизга ҳурмат билан муносабатда бўлган ҳолда ўтказишни ҳақли равишда талаб қилишмоқда<sup>212</sup>.

Хонадондаги тўй-томошанинг овозаси етти маҳаллага тарқалиши кам таъминланган, камҳаражат оилалар, етим есирларнинг турмуш қийинчиликларига енгиллик тугдирмайди, аксинча, уларнинг қалбини ўкситади, кайфиятини туширади. Шу маънода бой бадавлат одамларни тўкин дастурхонга чорлагандан кўра, бир бева-бечоранинг қорнига яраган минг чандон савоб эканлигини маҳалла аҳлига тушунтирмоқ лозим.

Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари таркибини фуқаролар йиғинлари, хусусан, маҳаллалар ташкил этади. Жамиятда ўзини-ўзи бошқарув тизимининг муҳим органи бўлган маҳалла – бу, ҳудудий, касбий, турли ёшга оид ва бошқа шу каби турли хил ижтимоий гуруҳларнинг қизиқиши ва иродасини ўзида мужассамлаштириб, уларни ижтимоий ҳаётга жорий қилувчи умумий ҳамда алоҳида ҳолатларни намоён қилади. Бунда энг муҳими, аҳолининг касб ва ижтимоий таркиби манфаатларини янада тўлароқ ифодалаш ва ҳимоя қилишда нодавлат, жамоат тузилмаларининг ҳуқуқ ва мавқеларини ошириш даркор. «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» деган сиёсий қурилиш дастурининг моҳияти ана шунда яққол намоён бўлади. Айнан шундай ёндошув фуқароларнинг ўзларига-ўзлари ҳаёти ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда ва тенг ташкил этишда кенг иштирок этиш учун имконият яратади»<sup>213</sup>.

Маҳаллалар ўз ҳудудида ишлаб чиқаришни ташкил этиши, кичик корхоналар очиши, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиши, унинг бир қисмини маҳалладаги эҳтиёжмандларга бепул тарқатиши, ўз ҳудудидаги аҳолини иш билан таъминлаши, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиши мумкин.

Ҳозирги пайтда маҳалла кўмиталари, бозор иқтисоди қонунлари асосида, ўз ишларини ташкил қилишлари учун барча имкониятлар очиб берилди. Улар олди-сотди, тўй-марака маросимлари ўтказиш, ҳашарлар уюштириш, маҳалладаги оилавий низоларни бартараф этиш, беморлар ҳолидан хабар олиш ишлари билан шуғулланадилар. Кўпчилик маҳаллаларнинг ўз масжиди бор, турли маъракалар учун керакли ашёлар (дошқозон, палос, идиш-товоқ, чойнак-пиёла, тобут ва бошқалар) мавжуд. Эндиликда ҳар бир маҳалла ўз маданий марказини қуриб, шу ерда чойхона, новвойхона, сут-қатик дўкони,

<sup>212</sup> Уша жойда.

<sup>213</sup> Каримов И.А. «Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан қураимиз». Т.7. – Т.: «Ўзбекистон», 1999, 389-бет.

турли ўйинлар масканига эга бўлмоқда. Маҳалла кўмитаси - ташаббускор жамият ташкилотидир. Маҳаллада хўжалик ва маданий қурилиш, унинг ҳудудини ободонлаштириш, уй-жойларни ва ҳудуддаги шаҳар хўжалигини сақлаш, озодликни таъмин этишда, омма куч-ғайратини бунёдкорликка йўналитиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Маҳаллаларнинг иш фаолияти хорижий мамлакатларнинг диққат - эътиборига тушмоқда.<sup>214</sup>

Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонуннинг 6-моддасида айтилгандек, «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принциплари демократизм, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик, маҳалла асосида ўзаро ёрдам»<sup>215</sup> деб белгиланган. Айтиш мумкинки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган маҳалла демократияси, унинг халқ ҳаётига яқинлиги, аҳоли турмуш тарзи ва кундалик ҳаёти билан уйғунлиги сабабли кундалик ҳаёт тарзимизда қайтадан қарор топаётган бошқарув тизими сифатида ўз ифодасини топмоқда.

Жамият тараққиётидаги ҳар қандай ўзгаришлар, янгиликлар, айниқса, инсоният ривожига катта туртки берадиган жараёнлар, кашфиётлар ўз-ўзидан юз бермайди. Бунинг учун аввало асрий анъаналар, тегишли шарт-шароитлар, тафаккур мактаби, маданий-маънавий муҳит мавжуд бўлмоғи лозим. Иқтисодий тараққиёт суръатлари авж олган сари одимларнинг маърифатга интилиши ҳам кучайиб бориши зарур.

Ўзбекистон Республикасининг асосий куч-қудрати манбаи – бу, халқимизнинг умуминсоний кадриятларга содиқ қолганлигидир. Ўзбекистондаги ана шундай умуминсоний кадриятлар сарчашмаларидан бири - маҳалла тизимига юқорида тўхталиб ўтган эдик. Президентимиз И.Каримов «Туркистон» газетаси муҳбири саволларига берган жавобларида – «Маҳалла, таъбир жоиз бўлса, кишилиқ жамиятида алоҳида тарбиявий аҳамиятга молик бўлган ўзига хос маскандир, дейиш мумкин. Бу ноёб тажриба - аҳолининг маҳалла бўлиб яшаш тарзи жаҳоннинг бошқа мамлакатларида кам учрайди. Шунинг учун ҳам инсонни жамияти билан бирга яшашга ўргатадиган, шу руҳда тарбиялайдиган бирламчи беқиёс макон – бу

<sup>214</sup> Абдуллаев М. ва бош. «Мустақиллик». Изоҳли илмий-оммабоп лугат. Тошкент: «Шарқ», 1998, 113-114-бетлар.

<sup>215</sup> Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонуни. «Постда» газетаси. 1999 йил 22 январь.



махалладир», деб берган жавобни ушбу тизимни оммабоп жараёнга айлантириш айна муддао эканлиги тўғрисидаги ғоя деб ифодаласа бўлади.

Ўзбекистонда 2003-йилнинг ноябр - декабр ойларида Фуқароларнинг ўзини- ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтган сайловлар жамиятимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида баҳоланди. Сайловларда 11 млн. сайловчи (қатта ёшли аҳолининг 85 фоизи) қатнашди. Сайлов натижасида 10 мингга яқин оксқоллар ҳамда 75 мингга яқин уларнинг маслаҳатчилари сайланди.

Маҳаллада ҳар бир кишининг маданий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, ижодий қобилиятини ривожлантириш, ахлоқий ва жисмоний ўсишига эътибор бериш, уларнинг бўш вақтларини оқилона уюштириш қатта аҳамиятга эга. Зеро, бўш вақтни оқилона уюштириш кишиларнинг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлашнинг, маданий савияси ва дунёқараши ўсишининг, ахлоқий ва эстетик тарбиялашнинг муҳим шартларидан биридир. Чунки бўш вақт кишиларнинг тобора ўсиб бораётган маънавий эҳтиёжларини қондиришга, бадий ҳаваскорлик ижоди учун зарур имкониятлар яратишга, қобилиятларини ривожлантиришга, бадий ва эстетик дидни тарбиялашга хизмат қилади. Бинобарин, баркамоллик, етуклик мезони моддий ва маънавий эҳтиёжларнинг ахлоқий кўникмаларга мос келиши ва меҳнат натижалари билан ҳамоханглигидир. Маънавий эҳтиёж ҳар доим моддий талаб ёки имкониятларга мос келавермаслиги мумкин. Кўнгил нималарни тусамайди. Аммо кўнгил майлини оқилона жиловлаш маънавий эҳтиёжни қондиришга йўл очади.

Ҳозир илмий-техника тараққиёти натижасида меҳнат жараёнлари тўхтовсиз марақаблашиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида ёшларни ақлий ривожлантиришни, касб, билим ва малакаларини оширишни, маънавий эҳтиёжларини қондириб боришни тақозо этади. Бу муаммоларни ҳал қилиш, ўқиш-ўқитиш ишларини яхшилашга, меҳнатни тўғри уюштиришга, дам олишни яхши ташкил этишга боғлиқ. Чунки, ўқиш, меҳнат қилиш билан дам олиш ўзаро боғлиқдир, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Хуллас, ёшларга таълим-тарбия бериш, уларнинг бўш вақти ва маданий дам олишларини уюштириш давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим ижтимоий ҳодисадир.

Маҳаллада кишилар бўш вақтини оқилона уюштириш уни тўғри

ташқил қилиш маданий-маърифий муассасалар олдида ҳам долзарб вазифадир. Шу боисдан бу соҳадаги ишларни давр талаблари асосида кўриб чиқиш, уларнинг иш усуллари ва шакллари хусусида фикр юритиш, амалий тажрибаларни умумлаштириш мақсадга мувофик.

Маданий-маърифий муассасаларнинг ёшлар дам олишини ташқил этиш борасидаги фаолияти ёшларда меҳнатга онгли муносабатни тарбиялашнинг, улар ижодий ташаббускорлигини кучайтиришнинг муҳим омилидир. Инсон омили мазмунли дам олишни уюштиришга янгича ёндошишни тақозо этади. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришиш кишиларнинг меҳнат ғайрати ва ижтимоий фаоллиги замиридаги жамики ижодий кучларни тўла сафарбар этишга тўғри келади. Зотан, инсонга эътиборли бўлиш, меҳнат аҳлининг манфаатлари ҳамма нарсадан устувор бўлиши керак.

Ижтимоий ҳаётнинг муҳим масалалари хусусида одамлар бир-бирлари билан баҳслашишлари, фикр алмашишлари ва бир-бирларининг жавобларини диққат билан гинглашилари, суҳбатлашиш учун бир жойга тўпланишлари лозим бўлади. Одамларнинг бундай эҳтиёжларини қондирадиган жой бизда маҳалла, гузар ёки чойхона, европаликларда эса кинотеатр, клуб, кафе, казинолар шундай масканлардир.

Маҳалланинг яна бир муҳим жиҳати ўз ҳудудларида маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланиши, маданий-тарбиявий ишларнинг кучайтирилиши каби масалаларга бевосита аралаштиришлари билан боғлиқдир. Кишилар маданий дам олишларни уюштириш учун шарт-шароит яратишда маданий маиший муассасалар катта имкониятга эгадир. Ёши, жинси, маълумоти, касби, миллати, қизиқишлари ҳар хил бўлган кишиларнинг турли-туман маданий талабларини қондириши ва дам олишни уюштириши муҳим. Бу иш маданият ходимларидан ташаббускорликни, топқирликни, тажриба ва малакани, ижодий изланишни, аҳолининг истак ва талабларини ўрганишни, турли тадбирларни уюштириш йўлларини билишни талаб қилади. Айниқса, маданият ходимлари қишлоқ меҳнатқашларининг маданий дам олишларини уюштириш ҳамда ундан унумли фойдаланиш йўлларини билишлари зарур. Меҳнат жараёнининг тараққиёти натижасида ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигини ошириш бўш вақтнинг кўпайишини, меҳнатқашларнинг техника билимларига бўлган қизиқишлари кучайишини, маданий талабларнинг ошишини, талант ва ижодий қобилиятларни ўстиришни тақозо этади.

Маълумки, одамлар ҳаёти ва турмушида радио, телевидение, кино, вақтли матбуот, бадий адабиёт кенг ўрин олган. Бу воситалар орқали кишиларнинг билим доиралари янада бойиб, улар дунё воқеаларидан, маданият янгиликларидан мунтазам хабардор бўлиб бормокдалар. Кишиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришларини уюштиришда маҳалла фаоллари биринчидан, маданий-маърифий муассасалар маърифий-тарбиявий, оммавий-бадий ишлар билан дам олишни қўшиб олиб боришлари, иккинчидан, дам олишнинг турли усул ва шаклларидан фойдаланиши билан бирга дам олувчиларнинг истаган иш шаклларини уюштиришлари, учинчидан, дам олувчиларнинг ташаббуси ҳамда ташкилотчилигидан кенг фойдаланишлари лозим.

Маҳаллада ёшлар дам олишларини ташкил этишда турли тадбирлар алоҳида аҳамиятга эга. Тадбирларнинг режасида ҳам у ёки бу инсоннинг қизиқишлари, талаблари ва улар нима билан шуғулланишларини ҳисобга олиш зарур. Дам олиш кечалари бадий ҳаваскорлик жамоалари ҳамда санъаткорларнинг концертлари, бадий ва ҳужжатли филмларни намойиш қилиш, техника соҳалари, адабиёт ва мусиқага оид кўргазмалар, оммавий-атракцион ўйинлар, кулгу, савол-жавоб кечалари шаклида бўлиши мумкин.

Маҳаллада спорт иншоотлари соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларининг чинакам маркази бўлиб қолиши лозим. Маданият ва спортнинг мавжуд барча моддий базасидан бўш вақтни ташкил этишда, ижодий қобилиятларни ривожлантириш ҳамда жисмоний чиниқиш йўлида фойдаланиш даражасини ошириш зарур.

Маҳаллада ўсмирларнинг ҳам дам олишини ташкил этишни такомиллаштириш, болалар оромгоҳларида тарбия ишларини ислоҳ қилиш, юқори синф ўқувчиларини касб-хунарга жалб этиш зарур. Биз жойларда маҳалланинг назоратини ўрнатишга тўла эриша олмасак, ёшлар ўртасидаги жиноятчилик, турли оқимлар таъсирига тушиб қолиш, порахўрлик, қонунбузарлик, ўз мансабини суиистеъмол қилиш каби иллатларни таг-томири билан тугатишнинг имкони бўлмайди. Бунга эришиш учун энг аввало маҳалла вакилларининг маънавий, сиёсий, ижтимоий савиясини ўстириш керак.

Бизнингча ҳар бир маҳалла ранси ўз соҳасини, бошқарувни, ўз ҳуқуқини яхши билиши ва уни ҳимоя қила олиши зарур. Одамларни ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш уларнинг асосий вазифаларидан бири бўлиши шарт. Токи, жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз ҳуқуқи, ўз бурчи ва

масъулиятини пухта билмас экан, уни ҳаётӣй эҳтиёж сифатида англамас экан, бизнинг ислохот, янгилиниш ҳақидаги барча саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетаверади.

Ҳаётимизда қонун талаблари бузилишига асосий сабаб - ижтимоӣй ташкилотлар, нодавлат ташкилотлар, маҳалла, аёллар, ёшлар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг ҳаётимизга таъсири ва ўрни етарли даражада шаклланмагани билан изоҳлаш мумкин.

Маҳалла назоратининг туб моҳияти шундаки, маҳалла амалга ошираётган ислохотлар суръатини, уларнинг сифатини, ислохотлар бошида турган раҳбарларнинг ғайратини, лаёқатини ҳолисона ўрганиб, ютуқларини эътироф қилиб, айрим раҳбарларнинг иш камчиликларини рӯй-рост очиб ташлашлари, муаммолар ечими ва бу борада ўз таклифлари билан чиқа олишлари керак.

**Зеро, ҳозирги жадал ўзгаришлар ва тараққиёт давлат органларининг айрим ваколатларини босқичма-босқич, аста-секинлик билан нодавлат нотижорат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига бериш лозимлигини кўрсатмоқда.**

Энди бевосита маҳалла иштироки асосида амалга ошадиган жараёнлардан бири сайловлар ҳақида. Халқ сайловда илғор, етук ва ўзида таассурот қолдирган раҳбарни, лидерни танлаб олишига интилади. Сайланган ишончли вакиллар халқни бошқара олмайдиган, лоқайд раҳбарлардан воз кечишга, ҳар томонлама етук, илғор ғояларни олға сурувчи, жамиятнинг ривожланишига ўз хиссасини кўшувчи раҳбарларни қўллаб-қувватлашга катта ёрдам беради.

Иқтисодиётнинг ривожланишида, жамиятда адолат ва демократия қарор топишида турли хил маҳаллий ташкилотларининг ўрни жуда катта. Агар нодавлат ташкилотлар, ижтимоӣй ташкилотлар, ёшлар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг ҳаётимизга таъсири қанчалик кучли бўлса ва улар ўз ўрнига эга бўлса, демократик, ҳар томонлама ривожланган давлатнинг қарор топиши шунчалик тезлашади.

Маҳалла халқнинг кундалик ижтимоӣй ҳаётини ва турмушини ташкил қилишда излаб топган ва асрлар давомида такомиллаштириб келган ҳаётӣй амалидир. Аммо шунга қарамасдан, шўролар даврида ҳукмрон тузум ва мафкура маҳаллаларни расман тан олмади. Бироқ аҳолининг чуқур норозилигига сабаб бўлмаслик учун маҳаллаларни тақиқлаб ҳам кўя олмади, уни жамиятни бошқариш тизимига

киритмади. Маҳалла ўз моҳияти, фаолияти мазмуни ва шакллари билан шарқона фикрлаш, иш тарзи каби халқимизнинг ўзига хос фазиалатларини акс эттиради. Маҳаллалар аҳолини аҳил-тотув яшашга, сидқидилдан меҳнат қилишга, касб ўрганишга, улар орқали ҳаёт кечиришни енгиллаштиришга чақиради.

Жамиятда ўзини-ўзи бошқарув тизимининг муҳим органи бўлган маҳалла – бу, худудий, касбий, турли ёшга оид ва бошқа шу каби турли хил ижтимоий гуруҳларнинг қизиқиши ва иродасини ўзида мужассамлаштириб, уларни ижтимоий ҳаётга жорий қилувчи умумий ҳамда алоҳида ҳолатларни намоён қилади.

Умуман, маҳаллалар ўз худудида ишлаб чиқаришни ташкил этиши, кичик корхоналар очиши, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиши, унинг бир қисмини маҳалладаги эҳтиёжмандларга бепул тарқатиши, ўз худудидаги аҳолини иш билан таъминлаши, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиши мумкин. Бунинг учун ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида барча имкониятлар бор.

Ҳозирги пайтда маҳалла кўмиталари тўй-марака маросимлари ўтказиш, ҳашарлар уюштириш, маҳалладаги оилавий низоларни бартараф этиш, беморлар ҳолидан хабар олиш ишлари билан шуғулланибгина қолмасдан ўз ери, мол мулки ва тадбиркорлик ҳисобидан айрим олди-сотди ишлари билан ҳам шуғулланмоқдалар. Аксарият маҳаллаларнинг ўз масжидлари бор, турли маъракалар учун керакли ашёлар (дошқозон, палос, идиш-товок, чойнак-пиёла, тобут ва бошқалар) мавжуд. Эндиликда ҳар бир маҳалла ўз маданий марказини қуриб, шу ерда чойхона, новвойхона, устахона, дўкон ва бошқа масканларга эга бўлмоқдалар.

Маҳалла кўмитаси - ташаббускор жамият ташкилотидир. Маҳаллада хўжалик ва маданий қурилиш, унинг худудини ободонлаштириш, уй-жойларни ва худуддаги шаҳар хўжалигини юритиш, озодаликни таъмин этишда, омма куч-ғайратини бунёдкорликка йўналитиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Кузатишлар шуни кўрсатадики, маҳалла муносабатларида барча қатламлардаги кишиларнинг иштирок этиши бир текис ҳолатда кечмайди. Бу эса жамиятда ўрта қатлам муносабатларига киришиш натижасида маҳалланинг одамлар ҳаётига яқинлиги, аҳоли турмуш тарзи ва кундалик ҳаёти билан уйғунлиги кўп жиҳатдан жамиятда демократик жараёнларни чуқурлаштириш имкониятларини янада тезлаштиради.

Одамларнинг ҳатти-ҳаракати, воқеликка ва ҳар қандай янгиликка

нисбатан муносабати, энг аввало юксак ахлоқ-одоб, шарқона вазминлик, ота-боболаримизга хос мулоҳазамандлик, қийин ва мураккаб вазиятларда шахсий манфаатлардан умумдавлат ва умумхалқ манфаатларини устун қўйиш, жамоа учун яшаш каби инсоний фазилатларга қаратилган. Шу ва шунга ўхшаган фазилатлар миллий қадриятлар даражасига кўтарилмоқда.

Албатта жамият тараққиётидаги ҳар қандай ўзгаришлар, янгликлар, айниқса, инсоният ривожига катта туртки берадиган жараёнлар, кашфиётлар ўз-ўзидан юз бермайди. Бунинг учун аввало асрий анъаналар, тегишли шарт-шароитлар, тафаккур мактаби, маданий-маънавий муҳит мавжуд бўлмоғи лозим. Иқтисодий тараққиёт суръатлари авж олган сари одимларнинг маърифатга интилиши ҳам кучайиб бориши зарур.

Ўзбекистон Республикасининг асосий куч-қудрати манбаи – бу, ҳақлимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқ қолганлигидир. Ўзбекистондаги ана шундай умуминсоний қадриятлар сарчашмаларидан бири - маҳалла тизимига кўп бора тўхталган Президентимиз И.Каримов «Туркистон» газетаси муҳбири саволларига берган жавобларида – «Маҳалла, таъбир жоиз бўлса, кишилиқ жамиятида алоҳида тарбиявий аҳамиятга молик бўлган ўзига хос маскандир, дейиш мумкин. Бу ноёб тажриба - аҳолининг маҳалла бўлиб яшаш тарзи жаҳоннинг бошқа мамлакатларида кам учрайди. Шунинг учун ҳам инсонни жамияти билан бирга яшашга ўргатадиган, шу руҳда тарбиялайдиган бирламчи бекиёс макон – бу маҳалладир», деб берган жавобини ушбу тизимни замонавий жараёнга айлантириш айти муддао эканлиги тўғрисидаги ғоя десак бўлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва тараққиёт сиёсатининг мақсади юртимизда истиқомат қилувчи барча инсонлар учун муносиб ҳаёт шароитини яратиб бериш, ривожланган демократик мамлакатларда кафолатланадиган турмуш даражаси ва эркинликларини таъминлаш замирида адолатли жамиятни шакллантириш ғояси ётади. Шу нуқтаи назардан, ижтимоий адолат Ўзбекистоннинг бундан кейинги фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш йўлида ривожланишининг зарурий шarti бўлиб қолмоқда.

Ўз мазмун-моҳиятига кўра ижтимоий муносабатларнинг бутун бошли тизимига дахлдор бўлган жамиятнинг демократлашиб бориши шароитида тобора ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этади. Шунингдек,

эркинлик ва демократиянинг ифодаси сифатида муҳим кадрият ҳисобланади. Демократик жамиятни барпо этиш қонун устуворлигини ва фуқаролар эркинлигини таъминловчи ўзаро муносабатлар қарор топгандагина, у ҳаётий мазмунга эга бўлади. Собиқ шўролар даврида ижтимоий адолат одамларни ижтимоий гуруҳлар ва ҳатто жамият даражасида бараварлаштириш, тенглаштириш рамзи деб қаралган бўлса, ҳозирда у инсон эркига, ижтимоий мувозанатга, барқарор тараққиётга олиб борувчи умуминсоний кадрият сифатида талқин этилмоқда.

Юртбошимизнинг миллий ва умуминсоний кадриятларга таянган ҳолда демократик жамият қуриш жараёнида ижтимоий адолат тамойилларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратаётганлиги ҳам шундан. Зеро, мамлакатимизда фаровон фуқаролик жамиятини барпо этиш — мақсад, амалга оширилаётган ислоҳотлар — восита бўлиб, Республикаимизда ҳукм сураётган ижтимоий-сиёсий барқарорлик, ўз навбатида, ислоҳотлар учун шарт-шароитдир. Буларнинг барчаси ижтимоий адолатнинг жамиятимиз ҳаётига нечоғлик жорий бўлишига боғлиқ.

Маҳаллада ўрнатилган ижтимоий муносабатлар — дам олиш ва соғлиқни сақлаш учун имкониятларнинг яратилиши, кишиларнинг ижтимоий омиллари — касблар, ижтимоий функциялар, имкониятлар, маданий кадриятлар ижтимоий сиёсатнинг объекти ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ижтимоий сиёсат кенг маънодаги ижтимоий-сиёсий масала бўлиб, унинг қоидаларини ҳаётга жорий этиш маҳалланинг демократлашувига бевосита таъсир кўрсатади.

Маҳаллада кенг қамровли ислоҳотлар учун ҳуқуқий асосларни яратиш, мустаҳкам ва барқарор макроиктисодий вазиятни сақлаш, молиявий ташкилотларнинг бир маромда ишлашини таъминлаш, маблағ ажратиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож қатламлари учун кўмак бериш кабиларда намоён бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг давлат ва ҳукуматга бўлган ишончини оширади, фаоллик туйғуларини шакллантиради. Чунки бозор равнақи учун асосий институционал муҳитни ва самарали мулк ҳуқуқини кучли давлатгина таъминлай олади.

Кучли ижтимоий сиёсат юритиш ҳам ижтимоий адолат қоидалари билан мустаҳкам боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-моддасида “Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади”, — деб белгиланган.

Давлатнинг ижтимоий адолат ва демократия қоидаларига содиқлиги Конституциянинг “Муқаддимасида” ҳам қайд қилинган. Лекин фақатгина давлатнинг кучи билан жамиятда адолатни ўрнатиб бўлмайди. Нодавлат ташкилотлар, жамоатчилик, сиёсий партияларсиз адолат тамойиллари жамият ҳаётига чуқур сингмайди. Шу маънода барча сиёсий партиялар бу соҳада ташаббускор бўлишлари, сайловлар даврида фаол иш олиб боришлари, маҳаллалар эса бу ишга ўз ҳиссаларини қўшишлари талаб этилади.

Ўзбекистонда иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши ва ислоҳот-ларнинг имкон даражасида олға бориши сари аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими шаклланди. Ижтимоий ҳимоялашнинг янги тизимига аҳолининг турли қатламларига қатъий табақалашган ҳолда ёндошиш, мақсадли йўналтирилган ижтимоий ёрдам масалаларини ҳал қилишда давлат корхоналари билан бирга жамоа корхоналари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари, хайрия ва нодавлат жамғармалар ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Зеро, амалдаги ижтимоий ҳимоялаш тизими турли қатламдаги аҳоли гуруҳлари даромад даражаларини ошишига ёрдам беради. Бунда кам даромадли ва кам таъминланган аҳоли қатламини моддий қўллаб-қувватлаш учун турли имкониятлардан фойдаланилади. Бизд серфарзанд ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш тизими ўзига ҳослиги билан ажралиб туради.

Ижтимоий ҳимояни таъминлаш, муҳтож оилаларни аниқлаш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш маҳаллий ўз-ўзини бошқарув органи маҳалла фуқаролар бошқаруви зиммасига юклатилган. Кам таъминланган оилаларга ва кўп болали муҳтож оилаларга моддий ёрдам тўловларини молиялаштиришнинг асосий манбаси республика ва маҳаллий бюджет орқали амалга оширилади. Шу маънода юқорида қайд эилганидек кам таъминланган оилаларга давлатнинг моддий пул ёрдами маҳаллалар орқали берила бошланди.

1997 йил 1 январдан бошлаб фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари зиммасига кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларнинг муҳтожлик даражасини аниқлаш, серфарзанд оилаларга нафақа белгилаш каби илгари корхоналар ёки ижтимоий таъминот органлари бажарган вазифалар юкланди. Хусусан 1998 йилда кўп болали оилаларнинг 36% и нафақалар олган. Ўртача нафақа миқдори битта оиллага деярли 1483 сўмга тўғри келган ёки олдинги даврларга қараганда (жумладан 1996 йилга нисбатан) беш баробар ўсган.



Аҳолининг кам таъминланган қатламларининг давлат томонидан моддий таъминлаш доимий равишда такомиллаштириб борилмоқда. 1997 йил сентябрь ойидан бошлаб, ҳар йили 1 синф ўқувчиларига бепул ўқув анжомлари, дарсликларни бериш жорий этилди, кам таъминланган оилаларнинг бошланғич синфларда ўқийдиган болаларига бепул қишқи иссиқ кийимлар бериш йўлга қўйилган.<sup>216</sup>

Аҳоли ижтимоий муаммоларининг маҳалла орқали ечилиши, маҳалланинг тарихий роли ва мавқеини тиклашга қаратилган илк чоралардан бири сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда. Агар рақамларга мурожаат этилса, 1998 йилда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали республикадаги 700 минг ёки умумий оилаларнинг 11,8 фоизига кам таъминланганлиги учун моддий ёрдамлар кўрсатилган. Кўрсатилган моддий ёрдам миқдори ҳар оилага ҳисоблаганда ҳар ойда 1730 сўмдан ортиқни ташкил этган.

Эндиликда кучли ижтимоий сиёсат аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишга, муҳтож аҳоли гуруҳларини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилиши лозим. Бунинг учун эса аҳоли даромадлари ва меҳнат ҳақларининг фаол иқтисодий фаолиятига рағбатлантиришдаги ролини ошириш, шунингдек, аҳолининг самарали иш билан бандлигини таъминлаш даркор. Шу боис, кичик бизнесни ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, иқтисодиётнинг аниқ секториди янги иш ўринларини яратиш, меҳнат бозори инфратузилмалари, шу жумладан, меҳнат биржалари фаолияти самарадорлигини ошириш зарур. Кам таъминланган аҳолини мақсадли, ишончли ижтимоий ҳимоялаш учун, авваламбор, аниқ эҳтиёжлардан ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда муҳтож оилаларга субсидия, микрокредитлар бериш, уларга микрофирма, кичик корхона, фермер ва деҳқон хўжаликларини ташкил этиш учун шароитлар яратиш керак.

Маҳаллалар ночор ва муҳтож оилалар тўғрисида умумий маълумотлар базасини яратиши, улар ҳар бирининг муҳтожлигини аниқ ва тўлиқ ҳисобга олиши, уларнинг ишлаб чиқаришдан, меҳнат салоҳиятидан максимал фойдаланишлари учун шароит ҳозирлаши лозим. Натижада улар моддий ёрдам олувчилардан ўзини-ўзи боқувчига, жамият учун наф, фойда келтирувчига, солиқ, ижтимоий суғурта бадалларини тўловчиларга айланадилар.

Меҳнат фаолияти билан шуғулланиш имкониятига эга бўлмаган ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларга кўрсатиладиган кўмакнинг

<sup>216</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. —Т.: Ўзбекистон. 1999.

самарадорлигини ошириш учун давлат маблағлари билан бир қаторда меҳнат жамоалари, жамоат ва ҳайрия ташкилотлари жамғармаларининг маблағларини кенг жалб қилишга эришилмоқда.

Турли ҳайриялар асосида нодавлат суғурта, ҳайрия жамғармаларининг ташкил этилиши ҳамда уларга кам таъминланган аҳоли қатламларни ижтимоий ҳимоя қилишга, турли ижтимоий дастурларни амалга оширишга йўналтирилиши бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланмоқда. Ҳайрия жамғармаларнинг ташкил этилишида турли жамоат ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштирилмоқда. Бундан ташқари, давлатнинг турли солиқ, кредит имтиёзлари тизимини яратиш орқали фуқароларнинг, жамоат ташкилотларининг хўжалик субъектларининг ҳомийлик, ҳайрия ишларига маблағлар ажратишларини рағбатлантириш чора-тадбирларини кучайтириши ҳам мақсадга мувофиқ бўлмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида олиб борилаётган ислохотларни жадаллаштириш, аҳолининг қабул қилинаётган қарорлардан хабардор бўлиши ва қарорлар ижросини таъминлашда масъулиятни ошириш, жамоатчилик назоратини янада кучайтириш олдимизга қўйган юксак эзгу мақсадларга етишда катта аҳамият касб этади. Шу маънода, Президентимиз томонидан 2007 йилга «Ижтимоий ҳимоя йили» деб номланиши замирида, аввало, ҳаётимизни янада юксакроқ босқичга кўтариш, кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, энг муҳими, жамиятимизда ўзаро кадр-қиммат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш каби олижаноб мақсадлар мужассамдир.

Бунда ижтимоий ҳимоя масаласи фақат давлат ва ҳокимият ташкилотлари, ижтимоий таъминот ва ҳайрия муассасаларининг иши бўлиб қолмаслиги керак, албатта. “Ижтимоий ҳимоя йили” шиорининг қамрови кенг бўлиб, 2007 йил ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида маълум бир босқич бўлса, ажаб эмас. Айнан шундай ёндашув “Ижтимоий ҳимоя йили давлат дастури”нинг асосий мазмун-моҳиятини белгилаб берди.

Давлатнинг ижтимоий сиёсати жамиятда тоғувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга, иқтисодий ўсиш учун қулай ижтимоий шароит яратиш беришга йўналтирилгандир. Бу орқали мамлакатимизда инсонга унинг миллати, тили, динидан қатъий назар

муносиб турмуш шароитларини яратиш ва унинг фаровонликка эришиши кўзда тутилган. Шунинг учун ҳам ҳар қандай жамиятнинг бош мақсади инсон манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилади.

Ўзбекистон давлати мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ аҳолининг муҳтож табақаларини ҳимоялаш ва уларнинг камбағаллашиб кетишига йўл қўймасликни мақсад қилиб қўйди. Чунки, собиқ тоталитар тузум даврида шаклланган ижтимоий ҳолат ва иктисодиётнинг таназзулга учраши ижтимоий тафовутларнинг кескинлашиб кетишига олиб келган эди. Мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ ижтимоий барқарорликни таъминлашга интилган Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ислохотларни муваффақиятли ўтказишнинг гарови эканлиги аён бўлди.

Бозор муносабатларининг тобора ривожланиб бориши билан аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг чоралари ва воситалари ҳам ўзгариб боради. Энг муҳими — ижтимоий ҳимоялашнинг аниқ механизми белгиланиб, ўзгариб бораётган иктисодий шароитларга мос воситалар қўлланилди. Бунда давлат томонидан тақсимланадиган маблағларнинг салмоғи доимий кўпайтирилиб, муҳим имтиёزلардан фойдаланилади. Жумладан, иш ҳақининг мунтазам ошириб борилиши, пенсия, стипендия, турли нафақалар ва имтиёзли тўловлар кенг қўлланилади.

Аҳоли даромадлари даражасининг ўзгариб боришида аҳолининг айрим табақалари қамраб олинди. Бу йўналишнинг Ўзбекистонга хос жиҳати шундаки, иш ҳақи, пенсия, стипендия, омонатдаги жамғармалар ставкаси бир вақтда марказлашган тарзда қайта кўриб чиқилди. Иш ҳақи ва пенсияларнинг энг кам миқдори белгилаб борилди. Мустақиллик йилларида ягона тариф сеткаси қўлланилиб, энг кам иш ҳақини ошириш йўли билан ўртача иш ҳақи ҳамда пул даромадларини давомли ошириб боришга эришилди. Иш ҳақининг сарфланган меҳнат натижаларига, унинг миқдори ва сифатига боғлиқ равишда ўзгаришини таъминлаш орқали даромадларда асоссиз катта тафовут бўлишига ва аҳолининг кучли ижтимоий табақаланишига йўл қўйилмади.

Ижтимоий ҳимоянинг самарасини таъминлашда миллий валютанинг харид қобилияти муҳим аҳамиятга эга эканлиги маълум бўлди. Ислохотларнинг биринчи босқичидаёқ меъёрланган тақсимлашдан воз кечилди. Босқичма-босқич эркин нархларга ўтиш таъминланди ва кучли “эсанкирашларга” йўл қўйилмади.

Дастлаб юқорида таъкидланган чоралар маҳаллада аҳолининг барча қатламларига жорий этилди, шунингдек, муҳтож аҳоли қатламини мақсадли ҳимоялаш борасида ҳам фаол ижтимоий сиёсат юритилди. Масалан, пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали ва кам даромадли оилалар, ишсизлар ва ўқувчи ёшларни ҳимоя қилиш — давлатнинг муҳим ички сиёсатиغا айланди. Давлат бюджети ҳисобидан ҳақ ва коммунал тўловлар соҳасида имтиёзлар берилди. Натижада, республика аҳолисининг кескин қашшоқлашувининг олди олиниб, кишилар тинчлиги, аҳиллиги ва тотувлигини таъминлашга эришилди. Кишиларда эртанги кунга ишонч ва республика мустақиллигини мустаҳкамлашдаги шижоатлари янада ошди.

Давлат томонидан қўллаб-қувватлашлар муҳтожларга тегишли эканлигидан муҳтожликни аниқлаш усуллариининг аниқ белгиланиши ва боқимандаликка барҳам берилиши ижтимоий ёрдамнинг мақсадли самарасини таъминлашга хизмат қилмоқда. Шунинг учун ҳам ижтимоий ҳимояни амалга оширишда табақалаштирилган тарзда ёндашув муҳим ҳисобланади, яъни ушбу ёрдам кам таъминланган ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга берилиши лозим. Ижтимоий ёрдамга муҳтожликни аниқлашнинг аниқ воситаларини белгилаб олиш мураккаб ва масъулиятли вазифалар сирасига киради.

Эндиликда ижтимоий ҳимоянинг асосий объекти бўлган оила муҳтожлигига эътибор берилиб, умуминсоний қондалар, миллий анъаналар ҳисобга олинадиган бўлди. Бундан мақсад халқ фаровонлигини таъминлашдир. Халқ фаровонлиги ҳар бир шахс ва оила фаровонлиги билан боғлиқдир. Бунда инсоннинг шахсий манфаатлари жамият манфаатлари билан уйғунлашиб кетади ва ҳар бир фуқаронинг фаровонлиги – бутун жамият фаровонлигидир, деган тамойил амалга ошади.

Бу ҳақиқатни англаб етиш учун, маҳаллада аҳоли барча қатламларининг олиб борилаётган ислохотлар моҳиятини ҳис қилиши ва бунда фаоллик кўрсатиши муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг учун эса кишиларнинг дунёқарашини, меҳнатга, ҳаётга, ўзига бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш керак. Фаровон турмуш асоси эркинлик, тadbиркорлик ва ташаббускорликдир.

Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси миллати, динидан қатъи назар шахс сифатида ўз қобилиятини, истеъдодини намойиш этиш ва ўз ҳаётини фаровон қилиш имкониятига эга. Халқимизда мулкка, ерга эгалик ҳиссини тарбиялаш, ўз кучига, иродасига ишонч руҳини камол топтириш, хўжалик юритишнинг замонавий усулларига ўтиш давр

талаби эканлигини англаб етиш бу борадаги устувор ва ҳал қилувчи вазифаларга киради. Бу эса жамиятда комил инсонни шакллантиришнинг муҳим омилидир. Комил инсонни шакллантириш цивилизациянинг маъно-мазмунини ташкил қилади.

Тарихга назар ташласак, Ҳар қандай жамиятда комилликнинг энг асосий кўрсаткичи инсоннинг эзгуликка, ижтимоий бахт-саодатга, гуманистик ғояларга муносабатида, ҳамда уларга асосланган амалий фаолиятида намоён бўлади. Яъни, жамиятнинг умумий ривожига, инсоният цивилизациясига ижобий таъсир кўрсатувчи комиллик мезони-инсонни, шахсни баркамол қилиш орқали жамиятни бахтли, саодатли қилишдан иборат бўлиб келган.

Инсондаги комиллик, энг аввало, унинг фикр, тафаккур ва амалий фаолият эркинлигини англашидадир шу маънода, буюк юнон файласуфи Сукротнинг: “Ўз-ўзингни бил”, деган даъвати ҳам инсоннинг ўз насл-насабини, ҳаёт мазмунини, кишининг келажақ авлодлар олдидаги масъулият ва мажбуриятини англашга қаратилган чакириқдир.

Оила ва маҳаллада комил инсонни тарбиялаш масаласида ва унинг жамият билан ўзаро боғлиқ бўлган икки жараёни кўриш мумкин. Биринчиси – комил инсоннинг жамият тараққиётига ижобий таъсир қилиши. Комил инсон ғоясининг мавжудлиги ва у билан боғлиқ амалиёт жамият ривожланиш даражасини белгилайдиган мезон сифатида намоён бўлади. Зеро, биз ҳар қандай жамиятни унда яшаётган кишиларнинг ҳатти-ҳаракатларига қараб баҳолаймиз. Иккинчиси – жамиятнинг характери унинг комил инсонни тарбиялаш борасидаги имкониятларида, унга бўлган муносабатида намоён бўлади. Яъни, эркинлик, мустақиллик комил инсон ғоясини амалга ошириш учун тегишли шарт-шароит яратади. Шунинг учун ҳам ўзбекистонда комил инсонни тарбиялаш учун ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий-ташкилий вазифалар давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши этиб белгиланган. Зеро, баркамол авлод келажаги учун қайғурмаган халқ, миллат ва давлатнинг истиқболи бўлмайд.

Маҳаллаларимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг олий мақсади-халқимизга муносиб турмуш шароитини яратишдан иборатдир. Бу мақсадга эришиш учун жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ва бошқа соҳаларидаги қатор муаммолар ҳал қилинмоқда.

Иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартириш, мулкчиликнинг муқобил шакллари таркиб топтириш ва мулкка эгалик ҳиссини

тарбиялаш, эркин рақобат, тадбиркорлик, ташаббускорлик муҳитини вужудга келтириш халқ фаровонлигини таъминлашнинг асосий шартларидандир.

Мамлакатимизнинг бой табиий ресурслари, фуқароларимизнинг интеллектуал салоҳияти, энг асосийси, келажакка бўлган умидишончи, сиёсий барқарорликнинг мавжудлиги халқ фаровонлигини таъминлаш заминидир.

“Алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган навбатдаги устувор вазифа — кишлоқ турмуш даражасини юксалтиришга, кишлоқларимиз кифоасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг қўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир.”<sup>217</sup>

Юқорида таъкидланган муаммоларни ҳал этишда **маҳалла каби ноёб ижтимоий ташкилотга таяниш мақсадга мувофиқ деб топилди**. Натижада, кишиларга ёрдам беришнинг адолатли тизимини қўллаш имконияти туғилди. Чунки, маҳалла аъзолари бир-бирларининг ижтимоий аҳволи ва оилавий имкониятларидан ҳамиша хабардордирлар. Муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш учун маҳаллаларда турли маблағлар ҳисобидан махсус жамғармалар ташкил этилди.

Бугунги кунда маҳаллаларимизда юздан ортиқ миллат вакиллари яшамоқдалар. Шубҳасиз улар ўзбеклар билан ёнма ён ёки аралаш яшаб келадилар. Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир миллатнинг умумий манфаатлари билан бирга ўз қадриятлари ҳам бор. Умумий қадрият ва хусусий манфаатлар бир-бирига зид келиб қолиши ёки уйғун бўлиши мумкин. Бунда муайян мамлакатдаги миллий сиёсат муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ўзбекистон каби кўпмиллатли мамлакатда турли миллатлар манфаатларини уйғунлаштириш, улар орасида тотувликни таъминлаш тараққиётнинг ҳал қилувчи омилларидан бири ҳисобланади. Зеро, миллатнинг истиқболи бошқа халқлар ва мамлакатларнинг тараққиёти, бутун жаҳондаги вазият ва имкониятлар билан ҳам боғлиқдир. Халқимизнинг **«Маҳалла ҳам отанг ҳам онанг»**,

<sup>217</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон. 2009. 41-бет.

**«Қўшнинг тинч – сен тинч»** деган мақолида ана шу ҳақиқат назарда тутилган. Бутун дунёда, биринчи навбатда, қўшни мамлакатларда ёнма-ён яшаётган этнослар орасида тинчлик, осойишталик, барқарорлик, ҳамкорлик, ҳамжихатлик, тенг ҳуқуқли муносабат бўлмаса, улардан ҳеч бири ўзининг порлоқ истиқболини таъминлай олмайди. Шундай экан маҳаллада яшаётган турли миллатлар орасида тинчлик ва қардошлиқ ўрнатилмас экан, жамиятимизда ижтимоий ҳамкорликка эришиб бўлмайди.

Шундай шароитда жамиятимизда миллатлараро тотувлик ғояси ана шу масалани тўғри ҳал қилишга ёрдам беради. Бу ғоя – бир жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжихатликнинг маънавий асосидир. Бу ғоя – ҳар бир миллат вакилининг истеъдоди ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун шароит яратади ва уни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби эзгу мақсадлар сари сафарбар этади.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистоннинг бу борадаги ўзига хос сиёсатини баён этиб, қуйидагича таъкидлаган: **«Республика аҳолиси ўртасида кўпчиликни ташкил қиладиган ўзбек миллатининг муқаддас бурчи она тилини, ўз миллий маданияти ва тарихини тиклашдангина иборат эмас, балки биргаликда ҳаёт кечирувчи кам сонли халқларнинг тақдири учун, уларнинг ўзига хос маданий-маънавий хусусиятларини сақлаб қолиш учун, камол топиши ва ўзлигини намоён этиши учун уларга тенг шароит ва имкониятлар яратиб бериш борасида масъул бўлишдан ҳам иборатдир»**. Бундай муҳит миллатлараро муносабатларда турли муаммолар туғилишига асло йўл қўймайди ва Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби умуммиллий ғояларни ҳамкор ва ҳамжихат бўлиб амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Неча минг йиллик тарихимиз шундан гувоҳлик бермоқдаки, олижаноблик ва инсонпарварлик, миллатлараро тотувликка интилиш халқимизнинг энг юксак фазилатларидан ҳисобланади. Бу борадаги анъаналар маҳалларимизда аجدодлардан-авлодларга ўтиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида **«Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади»**, деб аниқ белгилаб қўйилган. **«Ўзбекистон халқи»** тушунчаси мамлакатимизда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга

мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик учун маънавий асос бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари Конституциямизда «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади», деб таъкидланган. Бу борада ҳаётимизда кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 1992 йилдаёқ миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “**Байналминлал маданият**” маркази ташкил этилгани бунга мисол бўлади. Ўшанда 12 та миллий-маданий марказ фаолиятини бирлаштирган бу жамоат ташкилоти бугунги кунда 100 дан ортиқ марказлар ишини мувофиқлаштириб турибди.

Маҳаллада истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларининг ўз она тилида ўқиши учун кенг имкониятлар яратилгани, олий ўқув юртлари ва мактабларда бунга амал қилинаётгани, кўплаб тилларда газета ва журналлар чоп этилиб, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар олиб борилаётгани ва бошқа ишлар ҳам бу борадаги самарали фаолиятнинг яққол далилидир.

Узоқ тарихга эга бўлган миллий анъаналарни ривожлантириш, кенгайтириш, маҳаллаларни ободонлаштириш, кўчалар ва ҳовлиларни ободонлаштириш, кўни-кўшнилар, айниқса ёрдамга муҳтожларнинг уй-жойларини таъмирлашга кўмаклашиш, маърака ва тўй-ҳашамларда елкадош бўлиш, аҳолига зарур бўлган чойхона, новвойхона, сартарошхона ва бошқа маиший хизмат идораларини шу йўл билан ташкил этишга эътиборни кучайтириш зарур. Тўй ва маросимларни, ҳар бир жойнинг маҳаллий шароитидан келиб чиқиб тартибга солиш, уларни маҳаллада ишлаб чиқилган тавсиянома асосида ўтишини бошқариш ҳозирги бозор иқтисодига ўтиш даврида алоҳида аҳамиятга молик.

Маҳаллада ёшлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, касб-хунарга, хизматга ҳурмат уйғотиш, меҳнатга яроқли, лекин вақтинча иш билан таъминланмаган маҳалла аҳолисини, айниқса ёшларни иш билан таъминлаш, бунинг учун маҳалла ҳудудида кичик корхона ҳамда кўшма корхоналар, ширкатлар ташкил этиш билан шуғулланиш лозим.

Олиб борилаётган тизимли сиёсат натижасида бугунги кунда маҳалла ўз фаолиятини оилаларни мустаҳкамлаш, оилавий



жанжалларни тинч йўл билан бартараф этиш, оилаларда ажралишларни камайтириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ёшлар орасида жиноятчиликни қисқартириш, ёшларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш, маҳаллада турли спорт майдончаларини қуриш ва бошқа тадбирларни ташкил этишга қаратмоқда.

Маҳаллаларда соғлом авлодни вояга етказиш, ёшларда Ватанга садоқат туйғуларини кучайтириш, миллий мафқурани тарғиб қилиш, оилалар тотувлиги ҳамда фаровонлигини таъминлаш борасида анча ишлар қилинди ва қилинмоқда. Маҳалла аҳлини ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Ногиронларга, кам таъминланган оилаларга, уруш қатнашчиси бўлган фахрийлар хонадонига алоҳида эътибор берилмоқда. Уларга имтиёзли равишда зарур озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа ёрдам кўрсатилмоқда.

Аммо республикамизнинг айрим вилоятларида, айниқса айрим қишлоқ маҳаллаларида бу масалаларга кам эътибор берилмоқда. Ёшларнинг бир қисми ишсиз, бўш вақтини кўнгилли ўтказиш учун имконият йўқ. Маҳалла оқсоқоллари, фаоллари ёшларни ишга жойлаштириш, турли кичик корхоналар очиш, гузарлар ташкил этишда маблағнинг йўқлигини баҳона қилмоқдалар. Бундай маҳалла фаолларининг аввалгидай ҳукуматдан маблағ ва буйруқ кутиб ўтиришгани, ҳозирги давр моҳиятини тушунмасликларини кўрсатади. Энг самарали тарбия ўчоғи, ўзини ўзи бошқариш органи бўлган маҳалла ҳали кўп изланиш ва тарғиботни талаб қилади.

Президентимиз давримизнинг энг нозик, оғрикли нуқталари ҳақида ўз фикрини билдириб **"Ҳар қайси ижтимоий тоифа ва қатламнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, умумий гаплар билан эмас, амалий ишлар билан маънавиятни юксалтириш диққатимиз марказида бўлиши шарт"**—деган эдилар. Бу соҳадаги ишларимизнинг пировард-мақсади иймон-этиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришдир. Яъни мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс — комил инсонни тарбиялашдан иборат<sup>218</sup>— деб таъкидлаганида ёшларни назарда тутган эди. Чунки ёшлар айнан ижтимоий ҳаётимизда юз бераётган ўзгаришларни тўла

<sup>218</sup> Қаримов. И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т. «Ўзбекистон», 2000 25-6

англаб олмайдиган демографик гуруҳ эканлигини ҳеч қачон ёддан чиқармаслигимиз керак.

Чиндан ҳам ёшлик инсон ҳаётининг энг масъулиятли даври, чунки ҳар бир инсон айнан шу даврда оёққа туриш, шаклланиш, жисмоний ва ижтимоий жиҳатдан балоғатга етиш жараёнини бошидан кечиради. Зеро, 14-30 ёшда инсон ҳаёти жуда жадал ривожланади ҳамда турли тасодифий ҳодисаларга бой бўлади. Бу даврда ёшларнинг маънавий дунёси, ахлокий қиёфаси ўзгаради. Бу даврда, агар жамият ва оила томонидан ёшларнинг ҳаёти тўғри изга солинса, уларда ўз-ўзини англаш, ҳаётнинг хилма-хил мураккаблиklarини ҳис этиш, айниқса, билим олиш ва ҳаётий тажриба орттириш даври ҳисобланади.

Лекин шуни айтиш керакки, бу даврда ёшларда ҳар томонлама такомиллашув уйғун тарзда амалга ошмайди. Жинсий балоғатга етиш ёшини 15-16 ёшлар десак, ҳуқуқий— 18, мутахассисликка эга бўлиш—20-25, касбий маҳорат эгаллаш ва етук мутахассис бўлиш 28-30 ёшларни ташкил этади. Иқтисодий мустақилликка эга бўлиш эса 20 ёшдан 30 ёшгача давом этади.

Ижтимоий етукликка эришиш жараёни мураккаб бўлиб, бу даврда ёшларнинг дунёқараши тўла шаклланмаган, яшаш тарзида катийлик вужудга келмаган бўлади. Шунингдек, бу даврнинг ўзига хослиги яна ёшларнинг бу даврдаги қизиққонликлари, ишонувчанликлари ва фаолликларига ҳам боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам бу даврда айрим ёшлар ўзлари англамаган ҳолда жиноят кўчасига ҳам кириб қоладилар.

Қолаверса, ёшларнинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳаётга кириб келишлари ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг жадаллашуви туфайли жуда кеч бошланмоқда. Чунки, ижтимоий, маънавий, ишлаб чиқариш ва илмий-техникага оид тажрибаларни ўзлаштириш жараёни ҳар бир ёш умрининг 12-15 йилини, айрим ҳолатларда 18 йилини сарф қилишига олиб келмоқда. Шундай қилиб, ёшларнинг жисмоний балоғатга етиши билан ижтимоий-иқтисодий, мутахассислик ва техникани эгаллаш борасидаги етуклик ўртасида объектив ҳолатда номувофиклик мавжуд.

Дарҳақиқат, бу даврда ёшлардан ҳаёт йўлини танлаш, уни мустаҳкамлаш, ўз мақсадларини амалга ошириш учун тинмай изланиш, қийинчиликларни енгиш, ҳаётда ўз ўрнини тониш учун тинимсиз меҳнат қилиш талаб этилади.

Аммо ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши осонгина амалга ошмайди. Бу мураккаб жараён бўлиб, оилада ота-она масъулиятини оширсан, жамиятда тарбиявий муассасалар ва таълим тизимини доимий равишда такомиллаштириб боришни талаб этади. Бу соҳада мамлакатимиз олиб бораётган сиёсат, уни амалга ошириш тадбирларининг моҳияти теран, кўлами кенг. Лекин яна бир масала борки, бу ёшларни маънавий баркамоллигига яққол таҳдид солаётган ҳолатлардир. Бу **диний экстремизм ва халқаро терроризм**дир. Бундай ёвуз кучлар айрим ёшларимизни дунёқараши тўла шаклланмагани, қизиқувчанлигига, енгил пул топишга мойиллигини эътиборга олиб, ўз мақсадлари йўлида улардан фойдаланмоқда.

Ёш авлодни соғлом, маънавий жиҳатдан давримизнинг етук фарзанди қилиб тарбиялашда оммавий ахборот воситаларининг ҳам аҳамияти катта. Кейинги йилларда матбуот, радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувлар фаолиятига, ундаги материалларнинг мазмунига назар ташланса, уларнинг мазмуни кескин ўзгарганлигини, бозор муносабатлари билан боғлиқ мақолалар, хабарлар ва бошқа турдаги маълумотлар кўпайиб борганлигини кўрамиз.

Унда халқимиз миллий кадриятларини тиклаш, бой маънавий-маданий меросимизни тарғиб қилиш оммавий ахборот воситаларининг бош мавзуларидан бирига айланди. Давлатимизнинг динга нисбатан ижобий муносабати юртимизда диний бағрикенгликнинг ривож топишига йўл очди. Бу мавзу фақат диний нашрларда эмас, балки умумий нашрларда ҳам ўз аксини топмоқда.

Бир сўз билан айтганда, минг йиллар давомида шаклланиб, халқимизнинг ўзига хос ҳаёт тарзига айланган бу жамоавий тузилма мустақиллик туфайли том маънода янги мақом, мавқе, кадрга эга бўлди. Вақт ўтиши билан аҳоли сонининг ўсиши ҳамда янги турар-жойлар барпо этилиши ҳисобидан шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳаллалар сони кўпайиб бормоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг аксарияти айни пайтда ўзининг қадимги тарихий номлари билан атала бошланди. Ёшларни миллий кадриятларимиз руҳида тарбиялаш, улар шуuriда ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, эл-юрт шаънини ардоқлаш каби улуғвор фазилатларни камол топтиришда маҳалланинг ўрни беқиёс эканлигини барчамиз яхши англамоқдамиз. Бу борада қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2008 йили Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви ва **“Камолот”** ёшлар ижтимоий ҳаракати

Марказий Кенгаши ҳамкорлигида «Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам» шиори остида «Маҳаллам тарихини ўрганамиз» республика кўрик-танлови ўтказилди.

Кўрик-танлов Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри маҳаллалари ёшлари ишгиригида бўлиб ўтди. Кўрик-танловнинг республика босқичида ҳар бир вилоятдан тавсия этилган фуқаролар йиғинининг ёшлар билан ишлаш комиссияси томонидан олиб борилаётган ишлар ўрганиб чиқилди. Ушбу кўрик-танловнинг мақсади маҳаллалар тарихи, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва номлар тарихини ёшларимиз онгига сингдиришдан иборатдир.

Бугунги кунда маҳаллаларда бозор иқтисодиёти қонунлари асосида ўз фаолиятларини ташкил этишлари учун барча шароитлар яратилган. Улар маҳаллада тўй ва маъракаларни ўтказиш, ҳашарлар уюштириш, оилавий масалаларни ҳал этиш, якка ёлғизлар, нафақахўрлар, кам таъминланган оила аъзолари ҳолидан хабар олиш ишлари билан мунтазам шуғулланиб келмоқдалар. Аксарият маҳаллалар ўз масжидларига эга, у ерда маърака ва маросимлар учун керакли ашёлар мавжуд.

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз маънавий меросимиз, ислом дини қоидалари, талаблари ва мезонлари асосида шаклланиб келган. Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришганидан сўнг асрлар давомида халқнинг орзуси ҳисобланган миллий ва диний қадриятлар қайта тикланди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг бу борадаги ташаббуслари ва саъйи ҳаракатлари таҳсинга сазовордир. Зеро, маънавий-диний қадриятлар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлгимизни тасаввур эта олмаймиз. Уларни халқ онги ва шуъурига сингдиришда шубҳасиз маҳалланинг ўрни бекиёсдир. Чунки маҳалла маънавий тарбия ўчоғи, миллий ғоя ва ватанпарварлик қарашларини фуқаролар онгига сингдириш манбаидир. Бунинг исботи сифатида маҳаллада диний қадриятларни тиклаш ва такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар бекиёсдир.

Мустақиллик йилларида бу борадаги илк ишлар жумладан мусулмонлар учун энг кадрли **Рамазон ҳайити ва Қурбон ҳайити** кунларининг умумхалқ байрамлари сифатида юртимизда кенг нишонланиши, унинг биринчи кунлари эса дам олиш кунлари деб эълон қилиниши, мусулмонлар учун масжидларнинг эшиклари кенг очилиши, виждон эркинлиги тамойилларининг асосий қомусимиз - Конституцияда ўз аксини топишида ифодаланди. Муқаддас Қуръони карим нашрдан чиқарилди, буюк ҳадисшунос Имом ал-Бухорийнинг тўрт жилдлик Ҳадислар тўплами ўзбек тилида нашр этилди.

Бугунги кунда маҳаллаларимизда минглаб масжидлар фаолият олиб бормоқда. Ҳар йили минглаб юртдошларимиз ҳаж сафарига бориш имкониятига эга бўлмоқдалар. Муқаддас умра ва ҳаж амалларини бажариб келмоқдалар. Буюк аждодларимизнинг номлари қайта тикланди, уларнинг ҳоклари ётган масканлар муқаддас қадамжоларга айлантирилиб, янги меъморий обидалар барпо этилди. Республикамызда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муҳим ишлардан бири "**Маънавият ва маърифат**" марказини ташкил қилиш ва уларнинг иш самарадорлигини оширишга қаратилган 1994-йил 23 апрелдаги Президент фармони Республикада маънавий ва мафкуравий ишларни юксалтиришда катта аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йилнинг 2 июндаги Республика Маънавият ва маърифат кенгагини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги янги фармони мамлакатимизда маънавий-маърифий ислохотларни изчил амалга ошириш, миллий ғояни халқимиз онги ва қалбига сингдириш борасида улкан ишларни амалга оширишга қаратилган муҳим дастур бўлди.

Маълумки, ўз миллий давлатчилигини яратмоқчи бўлган халқ юксак вазифаларни амалга ошириш йўлида одамларни бирлаштириш ва сафарбар қилиш, уларнинг қалбида ишонч уйғотиш, эски ижтимоий тузумдан янги тузумга ўтишда таянч бўладиган ягона мақсад ва орзу-интилиш ифодаси бўлган миллий ғояга суяниб келган.

Миллий ғоя аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиши ва умид-мақсадларидир. Зеро, миллий ғоя шу юртда яшаётган барча одамларнинг олижаноб ниятларини, ҳаётий манфаатларини мужассам этадиган юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, комил

инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби юксак тушунчаларини ўз ичига олади.

Президентимиз И.А.Каримов 2000 йил "Фидокор" газетаси мухбири саволларига берган жавобларида миллий истиклол мафкурасининг моҳияти, аҳамияти, унинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий асослари тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этган эдилар. Маҳаллаларда тарғибот кенгашлари фаолият юритмоқдалар, маҳалла раислари ва уларнинг маслаҳатчилари, посбонлар ҳаётимизга суқилиб киришга интилаётган ёт ғояларга қарши курашиш нуктаи назаридан "Ўз уйингни - ўзинг асра" шиори остида маҳаллаларда ички ишлар органлари ходимларига яқиндан ёрдам бериб келмоқдалар.

Огоҳлик, мустақилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва тинч тотув яшашнинг муҳим шarti эканлиги Юртбошимиз Ислоҳ Каримовнинг барчага қарата айтган "Огоҳ бўлинг, одамлар" деган даъвати билан боғланиб кетди. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжихатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ жараёндир<sup>219</sup>. Мамлакатимиздаги кўплаб маҳаллаларда "Тинчлик учун курашмоқ керак!", "Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди" деган шиорлар остидаги ҳаракатлар, уларнинг тинчликни мустаҳкамлашдаги аҳамияти кенг баён этилмоқда.

Маҳаллаларда фуқароларимизни турли мафкуравий таҳдидлардан асраш, инсонлар онгида мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш учун маҳаллаларда кишиларимизга аввало, тараққиёт қонунларини ўзида чуқур акс эттирадиган соғлом, инсонпарвар мафкура билан куруллантириш зарурлиги уқдирилмоқда.

Ёшларнинг ҳуқуқий ваколати масаласида Мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларида 18 ёшга тўлган фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқига эга эканлиги, Ўзбекистон Президенти сайлови, Олий Мажлис сайлови, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлови умумий тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши мустаҳкамлаб қўйилган. Ҳар бир фуқаро сайловчи бир овозга эга, 21 ёшга тўлганлар вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига депутат этиб сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Кейинги йилларда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари мазкур сайловларни ошқора, демократик тарзда ўтказилишига бош

<sup>219</sup> Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. -Т.: Ўзбекистон, 2005. -160 бет.

бўлмоқдалар. Жумладан фактларга мурожаат этилса, кейинги 15 йил ичида сайловлар ўтказилган жойларнинг салкам 85 фоизи маҳаллаларнинг идоралари ва ўша маҳалла ҳудудларида жойлашган ўқув мауассасалари биноларида ташкил этилган. Маҳалла ва фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари раислари орасидан ҳам туман, вилоят кенгашаларига депутатликка сайланаётган оқсоқоллар кўпчилиқни ташкил этмоқда.

Шунингдек сайловлар борасида рақамларга мурожаат этилса, **2013 йилнинг ноябр-декабр** ойларида фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтганлигини мисол тариқасида қайд этиш мумкин. Сайлов жараёнларида 237 нафар фуқаролар йиғинлари раислари қайта сайланган. Улардан 238 нафари янги сайланганлардир<sup>220</sup>. Янги сайланган раислардан 8 нафарини 40 ёшгача, 87 нафарини 50 ёшгача, 232 нафарини 60 ёшгача, 148 нафарини эса 60 ёшдан ошган фуқаролар ташкил этган. Шунингдек, 6718 нафар раис маслаҳатчилари ҳам сайланган бўлиб, уларнинг 2617 нафари илк бор сайланганлардир. Шулардан 2442 нафарини хотин-қизлар ташкил этган. Республика бўйича жами сайланган раисларнинг 4231 нафари олий маълумотга, 2046 нафари ўрта-махсус маълумотга, 445 нафари ўрта маълумотга эга фуқаролардир<sup>221</sup>.

Айни пайтда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ишида фаолиятнинг асосий турлари бўйича комиссияларга раҳбарлик қилувчи обрўли ва ҳурматга сазовор фуқаролар жамоатчилиқ асосида иштирок этадилар<sup>222</sup>.

Кейинги пайтларда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари фаолиятини янада кучайтириш билан бирга, уларнинг фаолиятини маҳалла аҳли томонидан назорат қилинишига зарурат сезилмоқда. Умуман, фуқаролар йиғинига сайланган кишилар аҳоли манфаати ва эҳтиёжини қай даражада ҳисобга олиб иш кўрмоқда? Деган савол туғилиши табиий. Бизнингча бундай назоратни кучайтирувчи механизмни такомиллаштириш лозим. Мазкур қонунга доир таклифда фуқаролар йиғинининг сайланадиган органлари маҳалла аҳли назоратида талаб даражасида иш юритиши, унинг фуқаролик жамиятига хос хусусиятларини янада ривожлантиришга урғу берилиши аҳамиятлидир.

<sup>220</sup> Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш – амалга оширилаётган кенг қўламли ислохатлар самарасидир. // Тошкент оқшоми. 2014 йил 26 феврал.

<sup>221</sup> Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш – амалга оширилаётган кенг қўламли ислохатлар самарасидир. // Тошкент оқшоми. 2014 йил 26 феврал.

<sup>222</sup> Ўша жойда.

Сайловчилар умумхалқ овозига қўйилган қарорларни, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодларни ва ҳокимиятнинг вакиллик органларига кўрсатилган номзодларни ёқлаб ёки уларга қарши ташвиқот юритиш ҳуқуқига эгадирлар. Сайлов комиссиялари ошкорлик асосида тузилади. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари суд йўли билан ҳимоя этилади.

Шундай қилиб, қисқа муддатда мамлакатимизда демократик фуқаролик жамияти асослари яратилди. Бу борада эришилган ютуқлар жамиятни янгилаш борасидаги йўлимизнинг дастлабки босқичидир. Бундан кейинги тараққиётимизнинг устивор йўналишларидан бири мамлакат сиёсий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштиришдан иборат. Бу борадаги асосий вазифалар,- деб таъкидлади Ислом Каримов Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида қилган маърузасида – *«ҳокимият барча тармоқларининг бир-биридан мустақил ҳолда иш юритиши таъминлашини мустаҳкамлаш, ҳокимият ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма – босқич ўтказиш бориш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этишни кучайтиришдан иборат».*

Зеро, давлат ва жамият қурилишидаги мезонларни, маҳаллий давлат бошқарув тизимини ривожланган демократик давлатлар намунасида ва миллий андозаларда такомиллаштиришни, қўйи ҳокимият органларини замонавий фикр юритадиган, халқ манфаатларига содиқ, юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлашни, бир қатор ваколатли вазифаларини давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига топширишни тақазо этади.

Мустақиллик йилларида халқимизга унинг маънавий ва маданий қадриятларини қайтариш борасида кўплаб ишлар қилинди. Халқимизга ўз тарихи ва хотирасини қайта тиклаш имконияти берилди. Миллий ва жаҳон маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган ватандошларимизнинг юбилей ва тантаналари кенг нишонланди. Ўтган йилларда Алишер Навоий, Бобур, Амир Темур, Камолитдин Беҳзод, Аҳмад ал Фарғоний юбилейларининг республика ва халқаро миқёсда нишонланиши бунинг яққол исботидир. Алоҳида тантаналар билан халқаро миқёсда Мирзо Улуғбекнинг 600-йиллиги, Амир Темурнинг 660-йиллиги, Имом ал Бухорий 1225 йиллиги ўтказилиши, Жалолитдин Манғуберди таваллудининг 800 йиллиги ва



“Алломиш” эпосининг 1000 йиллиги каби маросимларнинг ўтказилиши ва нишонланиши тарихий ва маданий қадриятларимиз тикланишининг исботидир. Айниқса қатагон қурбонларининг беғуноҳ тарихий хотираси тикланиши катта аҳамиятга эга бўлди. Улар орасида кўплаб маданият арбобларининг номлари борлиги, жадидчилик ҳаракатининг йўлбошчилари, шоир ва ёзувчилар Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдурауф Фитрат, Чўлпон ва бошқаларнинг ўтмиш аجدодларимиз миллий қадриятлари ривожига ҳиссаси катта эканлигидан далолатдир.

Мустақиллик йилларида маҳаллада миллий анъана ва қадриятларни қайта тиклаш ва келажак авлодларга етказиш борасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилди. Хусусан “Наврўз”, “Рамазон ҳайити”, “Қурбон ҳайити” каби қадимги халқ ва диний байрамлар расман нишонлана бошланди. Ҳайр мурувват удумларини давом эттириш ва ёш авлодни баркамол ҳамда соғлом вояга етказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Соғлом авлод учун жамғармаси” ташкил қилиниб, «меҳрибонлик» каби саховат фестиваллари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Ўзбекистонда халқаро кино, театр ва “Шарқ тароналари” каби мусиқа фестиваллари ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Халқ баҳшичилик санъатига эътибор кучайиб Республика танловлари ўтказила бошланди. Шунингдек миллий курашимиз халқаро мақомга эга бўлди.

Ўзбек маҳалласидаги ўзига хос анъанавий қадриятлар узоқ тарихий тараққиёт жараёнида шаклланган ва ривож топган. Унинг ўзига хос этник хусусиятлари ўтмишнинг узоқ даврларига бориб тақалади. Шу жиҳатдан олиб қараганда азалдан дунёнинг барча халқларида бўлгани сингари ўзбекларда ҳам оилага жамиятнинг анъанавий бирламчи бўғини яъни, жамиятнинг бошланғич ижтимоий уюшмаси сифатида қараб келинган.

Ўзбекистон мустақиллиги қўлга киритилгандан сўнг барча соҳаларда жадал ижтимоий-иқтисодий ислохотлар амалга ошириляётган ҳозирги кунда жамиятнинг бошланғич уюшмаси яъни, оила фаолиятини янада такомиллаштиришга ҳамда ваколат доирасини оширишга катта аҳамият берила бошланди. Чунки, ўзбек халқи миллий менталитетида тарихан оилада ўзаро уюшқоқлик, каттага ҳурмат, кичикка иззат тамойиллари устун бўлиб калган, оилавий маросимлар, умумхалқ тадбирлари доимо маҳалла-кўй, кўни-кўшнилари, қариндош-уруғлар иштирокида ўтказиб келинган. Зеро, «Айнан оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат,

уларнинг оиладаги умрбод қарздорлик бурчини чуқур англаш ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизи, оиланинг маънавий оламини ташкил этади» – деб уқтиради Президентимиз И.А.Каримов<sup>223</sup>.

Бу эса жамиятда кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни янада такомиллаштиришда, тарихий анъаналарнинг тикланишида, фуқаролар онгида оилага, ота-онага, фарзандларга ҳурмат-иззат, меҳр-мурувват кўрсатиш каби миллий менталитетимизга хос маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бизнинг жамиятимизда маҳалла манфаатларининг бирлиги, кўпчилик фикрининг устуңлигига асосланиш - халқимизнинг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб келган<sup>224</sup>.

Оила никоҳ асосида шаклланади. Ундан мақсад авваломбор муносиб фарзанларни дунёга келтириш ва тарбиялашдир. Фарзанд эса оила бахти. Агарда оила фарзандли бўлмаса, мустаҳкам бўла олмайди. Ҳар бир аёлнинг ҳаётдаги энг бахтли онлари, бу оналик бахтидир. Бундан кўриниб турибдики, авлод қолдиришлик оила мустаҳкамлигини сақлашда ҳам муҳим рол ўйнайди. Оиланинг мустаҳкамлиги нафақат унинг фарзандни дунёга келтириш ва тарбиялашда, балки келин ва куёвнинг, қайнота ва қайнонанинг ҳамда бошқа оила аъзоларининг хулку-одоби, ўзаро ҳурматида, бир-бирини тушунишларида ва илиқ муносабатларида ҳам акс этади.

Мустақилликни қўлга киритгач, дастлабки кунларданок аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавият ва маданий меросимиз, **миллий қадриятларимизни** тиклаш – давлат сиёсатининг муҳим йўналишларига айланди. Натижада халқимиз ўз тақдирининг чинакам эгаси, ўз тарихининг ижодкори, ўзига хос миллий қадриятларининг, маданиятининг соҳибига айланди. Миллий анъана, урф-одат ва маросимларни тиклаш, бойитиш учун янада кенг имкониятлар пайдо бўлди. Бу авваломбор ўз она тилимизни қайта тиклашда ўз ифодасини топди. Бу хусусда Президентимиз шундай қайд этади: “Тил ҳақидаги баъзи мулоҳазалар билан ўртоқлашмоқчиман. Биринчи навбатда шуни айтмоқчиманки, ўзбек тилига давлат мақомининг берилиши ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа туғдирмаса керак. Бу

<sup>223</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. Т., 2008 й.

<sup>224</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида муаммолар ва режалар / Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.: Ўзбекистон, 1996. Т. 3. – Б. 355.

аллақачон юз бериши лозим бўлган ҳодиса эдики, аҳолимиз кўпчилигининг қонуний талаби ҳам шундай эди.

Халқимиз тарихи минг йилларга бориб тақаладиган гўзал урф-оддат ва анъаналарга беҳад бойдир. Замонлар ўтиши, иқтисодиётнинг ривожланиши ҳамда маданиятларнинг тўқнашувлари натижасида миллий урф-одат ва анъаналар ҳам ўзгариб бормоқда. Баъзи ҳолларда эса иқтисоди кўтарган бадавлат оилаларнинг тўй – ҳашамлардаги европача вальслар ва бошқа турли ғарбона урфларнинг ўзларича “жорий” қилиши бошқаларнинг гап-сўзлари, мақтовлари ва ҳаттоки ҳавасига сабаб бўлмоқда. Ўз-ўзидан бошқалар ҳам уларга тақлид қилади ва ўзларининг тўй-ҳашамларида шундай янгиликларни киритишади, натижада бир пасда янги бемаъни одат пайдо бўлади қолади.

Ачинарлиси, ўтганларнинг хотирасига бағишланган маъракаларни ҳам ўтакетган дабдабали равишда ўтказишлар ота-боболаримиздан қолган миллий расм-русларимизга путур етказиш, муқаддас анъаналаримизни обрўсизлантиришга олиб келмоқда.

Мазкур интилишларнинг носоғлом мусобақага айланиб кетиш ҳоллари дабдабали тўй-ҳашамларни ўтказишга қурби етмаган орномусли кишиларни оғир аҳволга қўймоқда.<sup>225</sup>

Ҳолбуки, аҳолининг миллий урф одатлар асосида ихчам ва ортиқча сарф-харажатларни олдини олган ҳолда тўй ўтказишларини жорий қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 28 октябрдаги "Тўй ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни тартибга солиш тўғрисида"ги 2100-сонли Фармони эълон қилинган бўлиб бу Республиканинг барча ҳудудида мажбурийдир.

Ортиқча харажатлар билан тўй ҳашамлар ўтказилиши Тошкент шаҳрида кўпроқ кузатилади. Бунга қарши Тошкент шаҳар ҳокимининг 2012 йил 10 сентябрдаги «Тошкент шаҳридаги тўйхона, ресторан ва кафеларда тўй-ҳашам, оилавий тантана, маърака ва маросимларни ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган бўлиб, ушбу қонуности ҳужжати миллий урф-одатларимизнинг ортиқча безаклар ва ўзгаришлардан ҳоли тарзда мерос бўлиб сақланишига хизмат қилади.

---

<sup>225</sup> "Тўй ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни тартибга солиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1998 й.

Аммо маҳаллада амалга ошираётган ишларимиз ва барча ислохотларимизни асло маҳаллийчилик сифатида қарамаслигимиз керак. Маҳалла муносабатлари ва маҳаллийчилик ўртасидаги фарқ жуда катта. Маҳаллийчилик салбий қуср. У кишиларда ўзлари туғилиб ўсган жой билан боғлиқ ҳолда шаклланадиган ҳудудий яқинлик туйғусининг салбий шаклда намоён бўлишидир. У кишиларнинг уруғ-аймоқчилик ва қон-қариндошлик алоқалари билан боғланган бирлигини ҳам англатади. Президент И.Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик муносабатларини таҳлил қилиб, шундай таъкидлайди: “Уруғ-аймоқчиликни ажратиб турувчи белги – уни аъзоларининг бир жойда тўпланганлигидир. Шунинг назарда тутиш керакки, бунда машғулот турларининг умумийлиги, маънавий манфаатлар, дунёқарашларнинг муштараклиги эмас, балки айнан туғилган жойнинг умумийлиги асосий белгидир”.

Маҳаллийчиликнинг энг номақбул томони маҳалла, ҳудуд, минтақа манфаатларини жамият манфаатларидан устун қўйишдадир. Жамиятда бундай қараш ва муносабатлар тизимининг мавжуд бўлиши давлатнинг ҳудудий яхлитлиги, барқарорлиги, ва тараққий этишига салбий таъсир кўрсатади. Маҳаллийчиликнинг кучайиши ўз навбатида ҳудудларнинг ўзини-ўзи чегаралаб қўйишига, мавжуд хўжалик ва ижтимоий алоқалар тизимининг кучсизланишига, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий таназзулига олиб келиши ҳам мумкин. Шунингдек, давлат ичида муайян ҳудуд ўзининг устунлигини таъминлаш мақсадида, ўзларига бузғунчилик ғояларини шиор қилиб ҳокимият учун курашадиган экстремистик ва қўпоровчилик гуруҳларини вужудга келтириши ҳам мумкин.

Маҳаллийчиликнинг ҳар қандай кўриниши жамият учун хавфлилигини тушунган ҳолда унинг келиб чиқишининг олдини олиш ва бинобарин, бу иллатга йўл қўймаслик муҳим вазифа ҳисобланади. Бу вазифани амалга оширишда миллий истиқлол мафкурасининг ўрни бекиёсдир. Бу мафкура ўз аҳамиятига кўра жамиятимизда яшовчи барча халқлар, миллатлар ва элатларнинг асосий мақсадлари ва орзу-умидларини амалга оширишга хизмат қилади. Маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик ғояларига қарши кураша олади. У халқнинг маънавий камолотига, маърифатига асосланиб, кишилар онгида умуммиллий ғурур туйғуси билан бирга, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида яшайдиган

ватандошларимизнинг маданияти ва кадр-қиммати хурмат қилинишини таъминлашга даъват этади.

Маҳаллада диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия ишларини ташкил этиш. Маҳаллада маънавий-ахлоқий тарбия ишларини ташкил этиш ва унга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқишда, ёшлар орасида мафкуравий профилактикани олиб боришда аёлларнинг роли алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25-майдаги “Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3434-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг мазкур Фармон ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисидаги 2004 йил 29 июндаги 299 сон қарорида *“хотин қизларга диний билимлар ва миллий диний анъаналар асосини эгаллашда ёрдам кўрсатиш, хотин – қизларни диний бағрикенглик, барча бошқа диний конфессияларга хурмат билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш, жамиятда диний ва дунёвий қарашлар қарама – қаршилигига йўл қўймаслик, диний экстремизм ва ақидапарастликнинг мамлакатимиздаги осойишта ҳаёт ва ижтимоий сиёсий барқарорликни бузишга қаратилган, гайриинсоний, зарарли гояларнинг жамиятда тарқалишига қарши курашиш”* вазифалари белгиланган<sup>226</sup>.

Шунингдек ҳукуматимизнинг мазкур қарори ҳамда уларни амалга оширишини таъминлаш бўйича ташкилий, ташвиқот чора тадбирлари Дастурида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида, Фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалари бўйича маслаҳатчилар тайинланадиган бўлди. Бундай лавозимга аҳоли билан яқиндан ишлаш, жумладан аҳоли ўртасида обрў эътиборга эга бўлган, миллий диний анъаналар ва расм-русумлар борасида катта тажрибага эга ҳамда ўзи ўрнак ва бош-қош бўла оладиган аёллар тайинланиши белгилаб қўйилди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.10. 2008 йиллардаги 17-26-68 сон “Диний экстремизм ва миссионерликнинг олдини олиш юзасидан 2008-2009 йилларга мўлжалланган идоралараро чора-тадбирлар режаси” ҳам янги қадам бўлди.

Ушбу муҳим вазифани бажариш учун маҳалла хотин қизлари орасида диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари

<sup>226</sup> Куронов М ва бошқалар. Маҳаллада гоявий тарғибот. Т., 2009 5-6 бетлар.

долзарб аҳамият касб этади. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 июндаги 299-сонли қарори ҳамда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин қизлар кўмитасининг фаолиятини кўллаб қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” ПФ-3434-сонли фармонининг ижросини таъминлаш чора тадбирлари дастури тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Унда “хотин-қизларга диний билимлар ва миллий-диний анъаналар асосларини эгаллашда ёрдам кўрсатиш, хотин – қизларни диний бағрикенглик, барча бошқа диний конфессияларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш, жамиятда диний ва дунёвий қарашлар қарама – қаршилигига йўл кўймаслик, диний экстремизм ва ақидапарастликнинг мамлакатимиздаги осойишта ҳаёт ва ижтимоий сиёсий барқарорликни бузишга қаратилган, ғайринисоний, зарарли ғояларнинг жамиятда тарқалишига қарши курашиш” давлат ва нодавлат ташкилотларига алоҳида вазифа сифатида юклатилди<sup>227</sup>.

Бу борада оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар таҳсинга сазовор бўлмоқда. Маҳаллада ўтказилаётган ва эфирга узатилаётган бадий кечалар, давра суҳбатлари, турли мавзулардаги учрашувлар, *"Оила муҳити ва фарзанд тарбияси"*, *"Оилада ота-она ўрни"*, *"Қизлар либоси"*, *"Келин сени билан эмас, эпи билан қадрли"* каби телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар фикримизнинг яққол далилидир. Республика ва халқаро миқёсда шу мавзуга бағишланган илмий-амалий анжуманлар ўтказилмоқда, журнал ва газеталарда мақолалар чоп этилмоқда.

Маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими тайинланганлиги жойларда аёлларимизнинг ўрни ва нуфузи баланд эканлигини кўрсатиб турипти. Ушбу лавозимга тайинланган фаол ва обрўли аёллар иш фаолиятининг энг долзарб ва муҳим йўналиши ғоявий маънавий тарбиядир. Бу эса хотин қизлар фарзандлар онгида фалсафий, сиёсий, диний, эстетик, ахлоқий, бадий, касбий қарашларни шакллантиришда катта вазифаларни бажара олишларидан далолат беради. Чунки маҳаллада кечадиган мафқуравий таълим тарбия жараёнлари хотин-қизлар дунёқарашини тўғри йўлга солиш ҳамда жамият равнақи учун керак бўлган сифатларни камол топтиришга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир.

<sup>227</sup> Миноваров Ш, Куронов М, Маъруфова Г, Каримова В ва бошқалар. Маҳаллада диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия ишларини ташкил этиш. Т., 2006 44 бет.

Бугунги кунда хотин-қизлар мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида, ҳуқуқий демократик давлат фуқаролик жамиятини барпо этиш ва бошқариш жараёнларида фаол иштирок этмоқдалар. Бу ҳақда гапирганда, аввало, минглаб аёллар сиёсий партиялар, маҳаллий ҳокимият ва вакиллик органларида, нодавлат ташкилотлар тизимида самарали иш олиб бораётганини айтиш ўринлидир. **Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси таркибида 33 нафар, Сенат таркибида 16 нафар аёл депутат борлигини, дунёдаги санокли давлатлар қаторида мамлакатимиз парламентининг куйи палатасининг раиси ҳамда юқори палатаси раҳбарининг ўринбосари сифатида аёллар фаолият кўрсатаётгани, шунингдек, Бош вазир муовини, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, барча вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарларидан бири аёл эканини алоҳида таъкидлаш лозим**<sup>228</sup>.

Шу билан бирга диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар зиммасига аҳоли билан яқиндан ишлаш, жумладан аҳоли ўртасида обрў эътиборга эга бўлган, миллий диний анъаналар ва расм-русумлар борасида катта тажрибага эга ҳамда ўзи ўрнак ва бош-қош бўла оладиган аёллар имкониятидан тўла қонли фойдаланадиган, маҳалланинг маънавий муҳити соғлом булиши учун уларни турли экстеримистик гуруҳлар таъсиридан асрашдек муҳим вазифа ҳам юклатилмоқда.

Зеро баъзи экстеримистик гуруҳлар, террористлар ўз қабих ишларини амалга оширишда ҳалқимизнинг соддалиги, муқаддас динимизга бўлган қизиқишлари, чанқоқликлари ва динимизнинг асл моҳиятини билмасликларидан ғаразли мақсадда фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Ачинарлиси шуки, улар ғаразли мақсадларини амалга оширишда аксарият ҳолларда аёлларимиздан ва гўр ёшлардан фойдаланмоқдалар. Диний ақидапарастларнинг тарғиботларини муслмонларни тўғри йўлдан адаштириш тизими, дийишимиз ҳам мумкин<sup>229</sup>.

Бугунги кунда маслаҳатчи аёллар психологиясини, урф-одатларимизу динимизни яхши билиши ва ҳаётий тажрибага эга бўлиши керак. Маслаҳатчидан жамиятимизда рўй бераётган

<sup>228</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Абдуганиевич Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги. // Халқ сўзи. 2014 й. 8 март.

<sup>229</sup> Миноваров Ш, Куронов М, Маъруфова Г, Каримова В ва бошқалар. Маҳаллада диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия ишларини ташкил этиш. Т., 2006 93 бет

ўзгаришларни, ёшларимизни салбий иллатларидан ҳимоя қилиш, уларнинг ортларингиздан эргаштириш талаб қилинади<sup>230</sup>.

**Маҳалла ғоявий тарбия маскани.** Азалдан халқимизда маҳалла ўзига хос ғоявий ва мафкуравий тарғибот маскани бўлиб келган. Бу борада мамлакатимиз мустақиллигининг илк кунларидаёқ Президентимиз Ислоҳ Каримов: “Олдимизга қўйган олижаноб мақсад-муддаоларимизга етиш, эски мафкуравий асоратлардан батамом халос бўлиш, ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, бегона ва ёт ғояларнинг ҳуружидан ҳимояланиш, бундай тажовузларга қарши тура оладиган ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш зарурати халқимиз ва жамиятимиз манфаатларига мос янги мафкурани шакллантиришни тақозо этмоқда” - деган эдилар.

Юртбошимиз ташаббуси билан халқимиз ўз олдига “Кучли давлатдан кучли жамият” га ўтиш мақсадини қўйди. Ана шу мақсадни амалга ошириш учун, юртимизда демократик тамойилларга асосланган фуқаролик жамиятини барпо этиш эҳтиёжи туғилди. Бунинг учун бизга ёт ва бегона ғоялар тажовузига қарши тура оладиган, ҳар томонлама баркамол, комил инсонларни вояга етказиш лозим эди. Бу йўлда ғоявий, мафкуравий бўшлиқ бўлишига йўл қўймаслик, мамлакатимизнинг юксак тараққиётини таъминлаш учун миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришни даврнинг ўзи тақозо этди.

Шу ўринда Президентимиз Ислоҳ Каримов мафкурага шундай таъриф берган эдилар: “Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараш ва менталитетига асосланган, айти вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги куни ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан”<sup>231</sup>. Бинобарин, миллий мафкура ҳар қандай халқни халқ, миллатни миллат қиладиган, унинг йўли ва мақсадларини аниқ-равшан чароғон этадиган маёқдир.

Агар узоқ ва яқин ўтмишимизга назар солсак, бугунги юз бераётган маънавий, маърифий ўзгаришлар, ислохотларнинг ижобий натижаларига маҳалла тизимида мустақилликнинг илк кунларидаёқ тамал тоши қўйилган эди. Шундай масъулиятли пайтда мафкура

<sup>230</sup> Уша жойда.

<sup>231</sup> Каримов И. Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ, миллатни миллат қилишга хизмат қилсин. Т.7. -Т.: «Ўзбекистон», 1999. 89-бет.



масалаларига қўл уриш ва бу хусусда баҳс юритиш катта жасорат ва тинимсиз меҳнатни талаб этди. Жамиятимиз олдида турган муҳим масалалардан бири эса, ўз ғоявий ҳамда мафқуравий қарашларига эга бўлган аждодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган буюк миллий-маънавий қадриятларимизни асраб-авайлаш, келажак авлодларга етказишдан иборат эди. Бу эса фуқаролик жамиятининг узвий қисми сифатида эътироф этилди.

Хусусан маҳаллаларда миллий ғоя ва миллий мафқурани шакллантириш бизнингча қуйидаги омилларга таянади:

*Биринчидан*, миллий ғоя тўғрисидаги мавжуд қарашларга, назарияларга ҳамда мамлакатимизнинг давлатчилиги, халқимизнинг тарихий маънавий мероси, бой қадриятларига, буюк алломаларимиз ва мутафаккирларнинг қарашларига таянади.

*Иккинчидан*, мустақиллик йилларида шаклланган миллий маънавиятимиз тўғрисидаги муҳим концептуал ғоялар ва қарашларга, унда Ўзбекистоннинг ўзига хос мафқуравий тараққиёти, ҳамда хусусиятларига таянади.

*Учинчидан*, жамиятимизда миллий ғояни шакллантиришнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида тутган ўрни, ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари ҳам муҳим ўрин тутади.

Демократик давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш объектив зарурият ва олий мақсадимиз бўлиб, бу жараён узоқ давом этадиган ижтимоий-сиёсий ҳодисадир- дея қайд этади олим Ш.Тўраев. “Юқорида таъкидлаганимиздек, мустабид тузум асоратларидан қутулишга қаратилган саъйи-ҳаракатларимиз эндигина ўз натижасини бериб, демократик ислохотлар самарасидан фойдаланиш кенг тус олаётган бугунги кунда, демократик жамият сиёсий тизими фаолиятини янада такомиллаштириш ва бу жараёни шомла-шошарлик билан эмас, босқичма-босқич тадрижий равишда амалга ошириш долзарб масала бўлиб қолмоқда”<sup>232</sup>.

Жамиятимизда миллий ғоянинг шаклланиши ижтимоий ҳаётимизнинг бирон-бир соҳаси билан чегараланиб қолмайди. Айниқса унда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимининг ўзига хос хусусиятлари, бунда жамият ижтимоий, сиёсий ҳаётидаги туб ўзгаришлар, миллий маънавиятимиз, тарихимиз, маданиятимиз,

<sup>232</sup> Тўраев Ш.С. Ўзбекистонда демократик жамиятни шакллантиришда миллий ғоянинг аҳамияти. // Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т., 2007 104 бет.

динимиз, миллий менталитетимизга хос хусусиятлар асосий ўрин эгаллайди.

Ёт ғояларга қарши биз ўз олижаноб ғоямиздан маҳалларимизда, жамиятимизнинг барча қатламларида бизга мутлақо бегона бўлган заҳарли интилишларга, хуруж ва ҳаракатларга қарши чиқишимиз лозим. Бунда энг муҳим масалалардан бири одамлар ўз фикрини айтишга, эркин фикрлашга ўрганиши керак. Яъни уларда фикрга қарши фикр бўлиши зарур. Шу боис ёшларимизни мактаб ва олий ўқув юртларида эркин фикрлашга, бахслашишга ўргатишимиз керак. Учинчи масала - жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш тамойили. Бу ўринда асримиз бошида халқни маърифат ва миллий уйғонишга чорлаган жадидчилик ҳаракати намояндалари ҳаётини, ижодини, интилишларини ўрганиш, уларнинг бугунги кундаги моҳияти ва аҳамияти ҳақида ҳам гапиришимиз зарур.

Мазкур тамойилга кўра ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан курашга интилиш хисси инсон қалбидаги эътиқод, одам онгидаги дунёқараш ўз-ўзини ҳимоя қила олиш қобилиятидан далолат беради. Бундай кураш усули, айниқса бугунги кунда, инсоният тараққиёт борасида жуда илгарилаб кетган ХХI асрда ғоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Профессор И. Ёргашев қайд этганидек, энг кучли қирғин қуроллари ишлаб чиқилган, сайёрамизни бир неча марта йўқ қилиб юборишга қодир бўлган ядровий бомбалар заҳираси тўпланиб қолган пайтда ўзаро зўравонлик ва жаҳолатга йўл қўйиб бўлмайди. Шу боисдан ҳам мафкуравий иммунитетни шакллантириш хусусиятлари огоҳлик, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан кураша олиш кўникмаларидир.

Ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмда унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур». Ушбу вазифани миллий истиқлол ғояси бажаради- дея қайд этади.

Бундай ғоявий тушунчалар аввало, маҳаллада шаклланади. Маҳалла аҳли одамларнинг юриш-туриши, оила тутиши, хулқ-атвориға қараб баҳо беради. Яъни одамлар обрў-эътиборни, аввало, маҳаллада қозонадилар. Одамларнинг камолоти, маънавий етуклиги

ҳам шу маҳалласи, жамоасидаги мавқеи, обрӯси билан ўлчанади. Мана шу обрӯ-эътибор кенгайиб, ривожланиб, бутун жамият, мамлакат обрӯсига айланиши мумкин.

Фуқароларда мафқуравий иммунитетни ҳосил қилиш учун соғлом, инсонпарвар ғоя ва мафқура билан қуроқлантириш керак. Бунда маҳалла катта ўрин тутмоқда. Маҳаллада миллий ғояни тарғиб қилишнинг ўрни шундан иборатки, фуқароларга, айниқса ёшларга халқимизнинг миллий-маънавий негизлари, яъни миллий ғоя ва мафқуранинг тарихий шакллари, унинг ўзига хослиги, мазмуни ҳамда моҳияти, асосий тамойиллари, ҳозирги мафқуравий хуружлар шароитида миллий ғояга эҳтиёжнинг ортиши, бунёдкор ва вайронкор ғояларга қарши курашнинг зарурати, бу борада давлатимиз томонидан олиб борилаётган кенг қўламли чора-тадбирларни сингдиришдан иборат.

Миллий ғоя инсонларнинг тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик манфаатлари ифодаси. Миллий ғоя ҳар бир халқнинг ўзига хос хусусияти, маданий тарихий тажрибаси, менталитети, ўзига хос турмуш тарзи заминида туғилади. Миллий ғоя давлатни аввало тинчлик, барқарорликка, сўнгра тараққиёт сари илдам кадам ташлаб улкан натижаларга эришишга ундайди.

Маҳаллаларда миллий ғоянинг мақсад ва моҳияти тўғри йўлга қўйилганлигини узоқ тарихимиз исботлаб турипти. Шу ўтган давр мобайнида маҳаллада фуқароларнинг давлат ва жамиятда юз бераётган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий жараёнларга дахлдорлик ҳисси кучайди. Бунда фарзандларимиз юрагида Она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас фикрига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафқуравий иммунитетини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дарҳақиқат, халқимизни турли мафқуравий таҳдидлардан асраш, жамиятда мафқуравий иммунитет ҳосил қилиш учун уни, оила ва маҳаллада аввало, тараққиёт қонунларини ўзида чуқур акс эттирадиган соғлом, инсонпарвар мафқура билан қуроқлантириш зарурлиги уқдирилмоқда. Фуқароларимиз, аввало ёшлар мустақил дунёқарашга эга бўлиб, уларда миллий истиқлол ғояларини чуқур англаш ҳисси шакланса, биз учун мутлақо бегона ғоялар ҳам уларга ўз таъсирини ўтказа олмайди.

Албатта мамлакатимизда яшаётган халқларнинг ҳам ўз дунёқарашини, миллий менталитетини, ғоявий ва диний қарашларини

мавжуд. Шу боисдан биз шакллантираётган миллий ғоя ўз мазмунида бошқа халқларнинг ҳам қизиқишларини, орзу интилишларини, мақсад ва муддаоларини ўзида акс эттиради. Шу боисдан бир қанча тамойилларга таянувчи миллий ғоя замирида миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик тамойилининг акс этиши, унинг умуминсоний қадриятларга таянувчи, халқчил мафкура эканлигидан далолатдир<sup>233</sup>.

Демак, биз шакллантираётган ғоя мамлакатимизда яшаётган барча фуқароларнинг тили, дини, миллати, ирки, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар ғоявий жиҳатдан бирлаштиришга ва тарбиялашга хизмат қилувчи фуқаролик жамияти ғояси ва мафкурадир.

### **Бизнингча унинг энг муҳим белгилари қуйидагилардир:**

- Миллий мафкура, авваламбор, ўзлгимизни, муқаддас анъаналаримизни англашга ёрдам бериши, халқимизнинг кўп асрлар давомида шакланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдида қўйган олий мақсад ва вазифаларини қамраб олиши шарт;

- Мафкуравий плюрализм, яъни фикрлар хилма-хиллиги шароитида турли миллатлар ва ижтимоий тоифалар ва гуруҳларнинг интилишлари ва умидларидан, ҳар қандай инсоннинг эътиқоди ва дунёқарашидан қатъий назар, уларнинг барчасини мақсад атрофида бирлаштирадиган, халқимиз ва давлатимизнинг дахлсизлигини асрайдиган, юртимизни энг буюк мақсадлар сари чорлайдиган миллий мафкурадир;

- Миллий мафкура ҳар қандай тажоввузкорлик ва қарашларидан мутлақо холи бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ҳурмат қозонишда пойдевор бўлиши лозим;

- Миллий ғоя, биринчи навбатда, ёш авлодни ватанпарварлик, ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига миллий-маънавий қадриятимизга хос фазилатларни шакллантиришда асос бўлади.

Шу билан бирга бугунги глобаллашув жараёнида ҳар хил “эзгу” никоблар остида **“оммавий маданият”** таҳдиди маънавиятимизга турлича йўллар билан хуруж солаётгани сир эмас. Айниқса, жангари фильмлар, ёшларни соатлаб ўтиришга “мажбур” қилаётган компьютер ўйинлари бетўхтов ёвузликни тарғиб этса, турли сериаллар фаҳш ҳамда бузуқлик кўчаси сари чорлаши тайин. Бунинг

<sup>233</sup> Толипов Ф, Боймуродова З ва бошқалар. Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар (Маърузалар матни). Т., 2013.

устига турли реклама ва клиплар, яратилаётган кинофилмлар, реклама роликларида тарғиб этилаётган турлича кийиниш ва сўзлашув “маданияти”, умуман ҳаёт тарзимизга тўғри келмайдиган ҳолатларга йўл қўйилаётгани ачинарлидир.

Маънавий таҳдидларнинг энг салбий, энг хавfli томони шундаки – у тўсатдан кириб келмайди. Аввало, жуда кичик деталлар, арзимас воқеалар орқали одамларни ўзига ўргатади, кўниктиради. Ана шунда 3-4 ёшдаги фарзандимиз реппер бўлиб куйласа ҳам, ўғлимиз қулоғига зирак тақиб, қизимиз йиртиқ шимни кийганида ҳам “замона зайли” дея бепарво бўламиз. Қолаверса, фарзандимизнинг замонавийлигидан қувонамиз.

Бундай шароитда баркамол шахсни тарбиялаш ғоявий курашларга қарши курашнинг бирдан-бир йўлидир. Зеро, маънавий баркамол инсон ҳақидаги ижтимоий-сиёсий қарашлар, фалсафий фикрлар тарихда кеча пайдо бўлган нарса эмас. Унинг тарихий илдиzlари узоқ ўтмишга, хусусан шарқ мутаффакирлари ижодий, фалсафий таълимотларига бориб тақалади. Айни пайтда дунёда энг ривожланган демократик мамлакатлар тарихий тараққиётини ўрганиш шундан далолат бермоқдаки, бирон-бир жамият дастлаб маънан баркамол авлодни вояга етказмасдан туриб, буюк ўзгаришларни содир этолмайди. Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг тақдири, унинг келажаги ҳам бундан мустасно эмас.

Ҳар қайси жамият, ҳар қайси давлат ва миллат кудраги, унинг табиий бойликлари, ҳарбий кучига ва ҳатто ишлаб чиқариш технологияларига ҳам боғлиқлиги нисбийдир. Уни биринчи навбатда дунёга танитадиган, ғоявий етук, юксак маънавий баркамол инсонлардир. Масалага шу нуқтаи назардан ёндашиш муҳим аҳамиятга эга. Негаки, демократик жамиятнинг ўзини ҳам фақат маърифатли, маънавий баркамол кишиларгина барпо этиши мумкин.

Президент Ислom Қаримовнинг Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболини 1997 йил 1 январдан бошлаб фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари зиммасига кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларнинг муҳтожлик даражасини аниқлаш, серфарзанд оилаларга нафақа белгилаш каби илгари корхоналар ёки ижтимоий таъминот органлари бажарган вазифалар юкланди. Хусусан 1998 йилда кўп болали оилаларнинг 36% и нафақалар олган. Ўртача нафақа миқдори битта оиллага деярли 1483 сўмга тўғри келган ёки олдинги даврларга қараганда (жумладан 1996 йилга нисбатан) беш баробар ўсган.

Аҳолининг кам таъминланган қатламларининг давлат томонидан моддий таъминлаш доимий равишда такомиллаштириб борилмоқда. 1997 йил сентябрь ойдан бошлаб, ҳар йили I синф ўқувчиларига бепул ўқув анжомлари, дарсликларни бериш жорий этилди, кам таъминланган оилаларнинг бошланғич синфларда ўқийдиган болаларига бепул қишки иссиқ кийимлар бериш йўлга қўйилган.<sup>234</sup>

Шу ўринда маънавий баркамол шахс тушунчаси, унинг демократик жамиятни барпо этишдаги ўрни масаласини таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Албатта, Шарқнинг буюк алломалари асарларида комил инсон масаласи доимий равишда катта ўрин олиб келинганлигига ва уларнинг ижодидан муҳим ўрин эгаллагани бежиз эмас.

Бу масалага ўз муносабатини билдирган Юртбошимиз шундай дейди: “Бу табаррук заминда не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юкори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуг алломаларнинг хизматлари беқиёс экани бизга улкан гурур ва ифтихор бағишлайди. Бу кўҳна тупроқда милодгача бўлган даврда ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, ҳали-ҳануз ўзининг кўрк-у тароватини сақлаб келаётган осори атиқаларимиз қадим-қадимдан ўлкамизда деҳқончилик ва хунармандчилик маданияти, меъморлик ва шаҳарсозлик санъати юксак даражада ривожланганидан далолат беради. Мамлакатимиз худудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди”<sup>235</sup>. «“Биз киммиз?” деган саволга жавоб бермасдан туриб, энг муҳим, маънавий бойликни, маънавиятни юксалтиришга доимий интилмасдан туриб, биз ўз олдимизга қўйган эзгу мақсадларга эришиш мумкин эмас”<sup>236</sup>.

Шундай экан, маҳаллада ёшларнинг онгига маънавиятимизни, миллий ғояни чуқур сингдириш, доимий асосда келажак ёш авлоднинг маънавий камолотини ақлий салоҳияти билан тенг равишда ривожлантириб бориш муҳим ўрин тутмоқда. Шу ўринда оила, маҳалла, ишлаб чиқариш муассасалари ва таълим муассасалари

<sup>234</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. —Т.: Ўзбекистон. 1999.

<sup>235</sup> Каримов. И.А. Юксак маънавият –енгилмас куч.Тошкент., “Маънавият”, 2008, 30-бет.

<sup>236</sup> Ўша асар, 172-бет.

фаолиятини баркамол авлод тарбияси масаласида янги босқичга кўтариш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Миллий ғояни мустаҳкамлашда унинг аҳамияти бизнинг ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатимиз истиқболлари, самарадорлиги билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис миллий ғоянинг аҳамияти жамиятимизни тараққий топган демократик мамлакатлардаги каби эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишида муҳим рол ўйнаши шубҳасиз. Шу боисдан, миллий ғояни шакллантириш негизидаги муҳим устивор мақсад бу – эркин фуқаролик жамиятини куриш бўлиб қолаверади.

## ТАРИХИЙ АТАМА ВА ТЕРМИНЛАР ИЗОҲИ

**АМИН (ар.)** — 1. Бухоро амирлигида туман ёки қишлоқ оқсоқоли.

2. Чор Россияси ҳукмронлиги даврида Фарғона водийси, Самарқанд, Каттакўрғон уездларининг айрим волостларида халқ томонидан сайланиб, бир ёки бир неча кичик қишлоқни бошқарувчи амалдор. Бухоро амирлигида амин амлоқдорга, Туркистон ҳарбий губернаторлигида эса волост бошлиғига бўйсунган.

**АРБОБ (ар.)** — XVIII—XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги қишлоқ ва шаҳарларда маҳалла бошлиғи, оқсоқол. Қишлоқ мироблари бошлиғи ҳам арбоб деб аталган. Ҳозирги кунда ижтимоий-сиёсий ҳаёт, маданият ва фан соҳасидаги, машҳур кишилар арбоб дейилади.

**АЪЁН (ар.)** – Ўрта Осиё ўрта аср жамиятидаги имтиёзли синфнинг юқори қатламига мансуб бўлган, ҳукмдорга яқин турган шахс, амалдор. Баъзи манбаларда бу атама оқсоқолларга нисбатан ҳам ишлатилган.

**АҚИҚА (ар.** - "чақалок сочини олиш") - Оилада янги туғилган болага исм қўйиш ва "қорин сочи" (боланинг туғилгандаги сочи)га қайчи уриш билан боғлиқ одат. Маҳаллада фарзанд туғилганлигининг шукронаси сифатида қўй сўйиб (имкониятга қараб) маросимини ўтказиш одати мавжуд. Сўйиладиган қўй соғлом, нуқсонсиз бўлиши лозим. Аъёнага мувофиқ ақиқани чақалок туғилган куннинг 7 ёки 14 ёки 21-кунлари ўтказилган. Бу кунларда ақиқа ўтказилмай қолинса, сўнг қайси кунда, қачон амалга оширилса ҳам вазифа бажарилган ҳисобланаверади. Имом ал Бухорийнинг "Адаб дурдоналари" номли асарида Пайғамбаримиз (ас) набиралари Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайнга биттадан қўй сўйиб ақиқа қилиб берганлари ривоят қилинган. Айрим ҳолларда ақиқа куни чақалокқа исм қўйиш, унинг танглаини ширинлик ила қўтариш, қорин сочини олиб сочни тарозининг бир палласига, иккинчисига сочга баробар кумуш солиб, уни ҳади қилиш ҳамда чақалок ўғил бўлса хатна қилиш ҳам шу куни ўтказилган.

**БАКОВУЛ (т.-м.)** — турли даврларда турли хил маъноларни англатган. Хусусан XVI—XIX асрларда ва XX асрнинг биринчи чорагида Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё ҳудудларида тўйларда таом тайерловчи пазанда баковул деб аталган. Пазандалар устидан назорат қилиб турувчи шахс эса баковулбоши деб аталган;



2. Ҳозирги кунда республикамизнинг Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида тўйларда кураш, улоқ (кўпкари), пойга мусобақаларини бошқарувчилар ҳамда тўйларда таом тайёрлаш устидан назорат қилувчи кишилар ҳам бақовул деб аталади.

**БАРОТ (ар.)** — 1. алоҳида мавқе ва нуфузга эга бўлган кишиларга берилган мажбурият, ишонч ёрлиғи, айрим ҳолларда унвон сифатида ҳам тилга олинади. Бундай мажбурият ва имтиёз айрим қишлоқларда қишлоқ оқсоқолларига ҳам берилган.

2. Подшоҳ, хон томонидан бирор солиқ ёки жаримадан озод этиш хусусидаги ёрлиқ;

3. Маълум шарт билан бирор мулк ёки мансабни эгаллаш, халқдан солиқ тўплаш ёки пул, ғалла, ем-хашак олиш учун берилган махсус ёрлиқ ёки гувоҳнома. Бундай гувоҳнома олган киши “баротдор” деб аталган.

**БАҚҚОЛ (ар.)** — ўрта асрларда Ўрта Осиёдаги шаҳар ва қишлоқ маҳаллалари, бозорлари ва гузарларда, ўз ҳовлиси ёнидаги дўконларда мева, сабзавот, доривор, гуруч, мош каби маҳсулотларни сотувчи майда савдогар. Харидорлар ўз маҳалла-гузарларидан бўлгани учун баққол уларга насиёга ҳам маҳсулот берган.

**БИБИ МУШКУЛКУШОД** 1. (форс. - мушкулни осон қиладиган аёл) - диний тасаввурларга кўра кишини қийинчиликлардан халос этадиган авлиё аёл образи.

2. Маҳаллада аёллар томонидан ўтказиладиган диний маросим.

**БИБИ СЕШАНБА** - сешанба она-диний тасаввурларга кўра аёллар сиғинадиган авлиё, афсонавий шахс (она);

2. Чарх йигирувчи аёлларнинг ҳомийси, оила бахтининг ҳимоячиси. Қадимги диний эътиқодларнинг исломга мослашиб сақланиб қолган кўринишларидан бири. Биби Сешанбага атаб маросимлар ўтказиш ҳозир ҳам айрим маҳаллаларда учрайди.

**БИЙ** — кўчманчи ва ярим кўчманчи туркий халқларнинг, жумладан, ўзбекларнинг уруғ оқсоқолларига берилган унвон. Бийлар XVIII—XIX асрларда йирик ўзбек қабила ва уруғларига бошчилик қилиб, фақат марказий ҳукуматга итоат этганлар. Ўрта Осиё хонлари қабила ва уруғ бошлиқларини итоатда сақлаш учун уларга унвонлар бериб мансабларга тайинланганлар. Бий унвони аجدодлардан – авлодларга мерос бўлиб ўтган.

**БОЗОРШАБ** – ўрта асрларда Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарларидаги маҳалла ва сайлгоҳларда байрам ва рўза кунлари уюштирилган оммавий кўнгиш очиб кечалари. Бозоршабда

маҳалланинг бош кўчаларидан бири ёки майдон безатилиб, чойхона ва дўконлар олдига чорпоялар қўйилиб, ҳар хил нарсалар сотилган. Карнай-сурнай ва ноғоралар чалиниб, махсус жарчилар одамларни бозоршабга чорлаган. Ўйин-кулги, миллий ўйинлар ва курашлар намойиш қилинган. Бозоршаб ҳар жойнинг урф-одати, расм-русмларига қараб турли шаҳарларда турлича ўтказилган.

**ВАКИЛ** – оила ва маҳаллада никоҳ маросимларида келин тарафидан тайинланадиган вакил. Вакил куёвга ва никоҳ қилувчига қизнинг отаси (келинининг отаси розилигида) ўрнида кафиллик беради.

**ВАҚФ (ар.)** – Ўрта асрларда Ўрта Осиё, Хуросон, яқин ва ўрта шарқ мамлакатларида давлат ёки айрим шахслар томонидан диний эҳтиёж ёки хайрия ишлари учун ажратилган, айрим солиқлардан озод этилган, аждодлардан авлодларга мерос тарзида ўтувчи, аммо сотмаслик шарти билан эгаллик қилинувчи мол-мулк. У вақфнома орқали расмийлаштирилган. Ер-сув, уй-жой, мактаб, масжид, шифохона ва бошқалар вақф мулки ҳисобланган. Бу тартиб Шарқнинг баъзи мамлакатларида ҳозир ҳам мавжуд.

**ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ** - инсоннинг ўз эътиқодига кўра, мазкур жамиятда мавжуд ижтимоий меъёрларни бузмаган ҳолда, виждони буюргани бўйича яшаши, ишлаш имконияти. Бунда динга муносабат масаланинг муҳим томони ҳисобланади. Ўзбекистон Конституциясида, "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонунда (1998 йил 1 майда янги таҳрири тасдиқланган) назарда тутилган. Конституцияга кўра, "ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга" (31-модда). Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бўйича "диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди".

**ГАП (ўзб)** – Тошкент шаҳри ва Фарғона водийси шаҳар ва қишлоқларида маҳалладаги хонадонларда навбат билан ўтказиладиган йиғин. Республикамизнинг бошқа вилоятларида "гаштак", "халфана", "кўна ўтиришлари" номи билан ҳам юритилган. Гап асосан зиёфат уюштириш ва кўнгил очиш мақсадида уюштирилган. Гапларда зиёфат уюштирилиши билан бирга, ҳар хил мавзуда суҳбатлар бўлган, ҳикоялар айтилган, қизиқарли ўйинлар ўтказилган, мусиқа ва кўшиқлар тингланиб, хордиқ чиқарилади.

Гаплар ўтмишда одатда эркаклар орасида ўтказиб келинган. Анъанавий «гап» лар ўтказиладиган жойлар шаҳардаги маҳалла

гузарлари ва чойхоналар бўлган. Мазкур маросим бугунги кунда аёллар орасида ҳам ўтказиб турилади.

**ГАШТАК (ф.-т.)** — Ўзбекистоннинг аксарият худудларида ўтмишда оила ва маҳаллада одамларнинг бўш вақтни кўнгилли ўтказишнинг бир шакли. Гаштак дам олиш, бирор жойга саёҳат қилиш, зиёфат ёки меҳмондорчилик кўринишларида ўтказилади. Бу тадбир ҳозир ҳам мавжуд. Гаштак сўзи Тошкент шаҳрида ва Фарғона водийси айрим туманларида «гап» тарзида ишлатилади.

**ГУЗАР (ф.-т.)** — шаҳар ёки қишлоқ маҳаллаларининг уч-тўрт кўчасини ўз ичига олган, чойхона, баққоллик ва қассоблик, савдо дўконлари бўлган гавжум ва серқатнов жойи. Одатда маҳалла одамлари гузарга чиқиб чойхўрлик қиладилар, суҳбатлашадилар, хордиқ чиқарадилар.

**ДАСТУРХОНЧИ (ф.-т.)** – Ўрта Осиё хонликлари саройларида сарой хизматчиларидан ҳисобланган кичик мансабдаги амалдор. Улар саройга келган меҳмонларни кутиб олиш, уларнинг олдида дастурхон ёзиб таом келтириш, кузатиб қўйиш ишларини бажарганлар. Бугунги кунда Ўзбекистонда дастурхончилик маъноси тубдан ўзгариб, тўй ва бошқа маросимларда ташкилий ишларни бошқарадиган аёлларга нисбатан қўлланилмоқда. Дастурхончи лавозимига маҳалладаги аёллар томонидан чаккон, пазанда, ишбилармон аёлни сайлаб қўйишади.

Дастурхончи Бухоро, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида кайвони деб ҳам аталади. Дастурхончи дастурхонни безаш, иссиқ овқатни тортиш, тўйдан сўнг идиш товоқларни саранжомлаш ишларини ҳам бажаради. Тўй ва бошқа маросимларнинг турига қараб, дастурхончининг хизматлари ҳам турлича бўлади. Масалан, қиз узатиб борилганда, қиз томон дастурхончиси куёв томон дастурхончиси билан биргаликда келинни «келин салом»га олиб чиқади. Бешиқ тўйида эса алла жўрлигида бешиқни бошида кўтариб, тўйхонага қиради.

**ДАРАКЧИ (ар. ф.-г.)** – ўтмишда маҳалла ёки қишлоқ худудида ўтказиладиган тадбирлар ёки йиғинлар муносабати билан қишлоқма-қишлоқ маҳаллама-маҳалла юриб одамларни тадбирга чорловчи ёки дарак берувчи киши.

**ДАРВИШ, ДАРВЕШ,** қаландар (форс. - туркча -қашшок, камбағал; араб. фақир) – маҳаллама маҳалла, қишлоқма қишлоқ юриб, тиланчилик дарवेशлик қилувчи, ўзини Аллоҳ йўлида хизмат қилишга бағишлаган ва камолотга етишиш йўлига кирган инсон.

"Суфий" сўзига синоним. Дарвешлик таълимотининг асосини зикр тушиш орқали худо билан "яқинлашиш" мумкин, деган ғоя ташкил қилади. Дарвешлар икки гуруҳ - дайди, доимо дарбадарлик қилиб юривчиларга ва шайх, пирлар раҳбарлигида муқим яшовчиларга бўлинган. Дарвешлик сулукларининг таъсири Покистон, Ҳиндистон, Индонезия, Эрон ва Африканинг айрим мамлакатларида ҳозир ҳам мавжуд.

**ДАРВИШОНА** - Ўрта Осиё ва Афғонистон халқлари орасида қадимда тарқалган маросим. Қишлоқ ёки маҳалла аҳли томонидан бирон бир талофат, табиий офат, қурғоқчиликни олдини олиш ёки ёгин ёғдириш муносабати билан ўтказиладиган оммавий тадбир.

**ДЕГРЕЗ (ф.-т.)** — маҳалладаги устахоналардаги қозон қуёвчи уста. Чўяндан турли буюмлар қуёвчи темирчи уста ҳам шундай аталган. Ҳозирги кунда Республикамизнинг қадимги шаҳарларида дегрезлик маҳаллалари мавжуд.

**ДОМЛА** – маҳалладаги мактаб, мадрасаларда ва олий ўқув юрғларида талабаларни ўқитувчи шахс; дин ва шариат пешвоси. "Домла" сўзи "до", "додо" "мулло" сўздан олиниб, унинг асосида санскритча "додо" (ота) сўзи ётади. Дастлаб "мулло" сўзи олдига "додо" сўзи қўшилиб "додомулло" дейилган, сўнг сўз қисқариб, яъни транскрипцияга учрашиши натижасида "домулло" ("катта мулла") тарзида ўзгарган.

**ЖАРЧИ (т. ф.-т.)** — Ўрта Осиё худудларида ўрта асрларда жарчилар маҳалла, овул ва қишлоқларни айланиб юриб, кўни-қўшниларни тўй, дафн ва бошқа тадбирларга таклиф этганлар. Шунингдек ҳукмдорларнинг халққа қарата чиқарган фармонларини, расмий хабарларини, хон ва вазирларнинг амрларини аҳолига етказиш, уруш бошланиши ёки тугаганлиги тўғрисидаги хабарларни берувчи киши. Айрим шахсларни ҳукмдорлар томонидан тақдирлаш ёки жазолаш ҳақидаги буйруқларни, бирон шахснинг янги лавозимга сайланиши тўғрисидаги хабарларни бозор майдонлари ва аҳоли кўп тўпланадиган жойларда баланд овоз билан эълон қиладиган шахс ҳам шундай аталган.

**ЖЎРАБОШИ (т)** – ўтмишда анъанавий эркаклар йиғинлари (гап, гаштаклар) даги йиғин бошлиғи. Бундай йиғин ҳозирги кунда эркаклар ҳамда аёллар орасида ҳам ўтказиб келинади ва жўрабошилар томонидан бошқарилади. Тадбир йиғин аъзоларининг кўнгил очиши, дам олиш тадбири ҳисобланади. Бундай йиғинлар «жўрабоши» лар томонидан назорт қилинган.

**КАДХУДО (ф.-т.)** — сўнги ўрта асрлар даврида Хива хонлигидаги уруғ бошлиқлари, оқсоқол. Атама оқсоқол, бошлик, раҳбар маъносида ишлатилади.

**КАЛОНТАР (ф.-т.)** – ўрта асарларда шаҳар раиси, маҳалла бошлиғи калонтар деб аталган.

**КАРВОНСАРОЙ (ф.-т. т.)** — шаҳар маҳаллалари марказидаги карвонлар, савдогарлар ва сайёҳлар тунайдиган жой, сарой, яъни меҳмонхона. Шарқ давлатларида, жумладан Ўрта Осиё ва Кавказда карвонсаройлар савдо йўлларида ва шаҳарларнинг марказий қисмларида ҳамда гузарларида қурилган.

**КОТИБ** - ёзаётган киши, қайта кўчирувчи, ёзувчи, мирза - амалдор. Маҳалла оқсоқолининг ёрдамчиси, вазир ўринбосари. Дастлаб котиблар ўқимишли кишилар бўлган, улар бошқарув тизимининг мураккаб бўғими ривожланиши жараёнида мансаб поғонасидаги амалдорлар - девондаги мирзалардан тортиб идора бошлиқларигача котиб деб аталган. Олий котиблар гуруҳи девонни ташкил этганлар. Кейинчалик котиб атамасини ўрта ва қуйи даражадаги амалдорларга нисбатан қўлланиладиган бўлган. Кўпгина шахслар уларнинг авлодларига ҳам ўтадиган ал-Котиб унвонига эга бўлишган. Котиблар амалий ёзишмалар ва девон услубининг ривожланишига ҳисса қўшганлар ва бу билан шарқ олами халқларининг адабиётига таъсир кўрсатганлар.

**МАВЛОНО (араб. - бизнинг жаноб)** - Ўрта Осиё, Афғонистон ва Покистонда энг юқори лавозимдаги амалдорлар, ёзувчи, олим ва фозил кишиларни, устозларни улуғлаб, уларнинг номларига қўшиб ишлатиладиган сўз. Мавлоно сўзи хурмат маъносида киши номларидан аввал айтилган (масалан, Мавлоно Алишер Навоий, Мавлоно Жомий, Мавлоно Муқимий ва б.). Ўрта Осиёда ўрта асрларда қўлланилган атама.

**МАДРАСА (араб. - дарс ўқитиладиган жой, дарсхона)** - мусулмон мамлакатларида ўрта ва олий махсус диний ўқув юрти. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида уламолар ва мактабдорлар, давлат идора ходимларини тайёрлаган ўқув маркази. Ислом мамлакатларида мадраса ҳақидаги илк маълумотлар 10-асрга оид бўлиб, улар Хуросон ва Мовароуннаҳрда жойлашган. 11-асрдан бошлаб етакчи ўқув юртига айланган, унча таълим масжидларда ва хусусий уйларда, шунингдек, меҳмонхоналар, кутубхоналарда олиб борилган. Мадрасалар дастлаб вақф ҳисобига таъсис этилган. Мадрасада мударрислар ва б. хизматчилар маош, талабалар

стипендия, ўқув жиҳозлари (дафтар, китоб, қалам ва б.) ва турар жой билан таъминланган. Мадрасалар 11-12 асрларда Ўрта Осиёнинг барча йирик шаҳарларида бўлган. Мадрасага мактабни тугатган ўспиринлар қабул қилинган. Ўрта Осиёдаги Мадрасаларда араб ва форс тилида ёзилган - Қуръон, ҳадис, шариат қонунлари ўргатилган. Айрим Мадрасаларда тиббиёт, аруз илми, фалсафа, география ва бошқа фанлар ҳам ўқитилган.

**МАЖЛИС** (кўпликда - “мажолис”) - маҳаллада расмий доирадаги масалани муҳокама қилиш учун бўладиган йиғилиш ва муҳокама жараёни, кенгаш, йиғилиш жойи. Машғулотлар ўтказиладиган хона (масжид, мадраса ва б.да), учрашув жойи мажлисхона деб аталган.

**МАСЖИД** (ар.) мусулмон давлатларида, Ўрта Осиё шаҳар ва қишлоқ ва маҳаллаларидаги мусулмонларнинг ибодат маскани, саждагоҳ. Мусулмонлар жамоа бўлиб, намоз ўқийдиган жой. Масжидлар, асосан, кундалик беш вақт намоз ўқиш учун мўлжалланган. Жума ва ҳайит намозлари эса, жомеъ масжидларда ўқилади. Биринчи масжидни Мадинада Муҳаммад (с.а.в.) қурдирган. Масжидлар дастлаб шаҳарларда, кейинчалик қишлоқ ва маҳаллаларда барпо этилган. Масжидларнинг тўрида, Маккага қараган (қибла) томонида меҳроб, ҳовлисида ҳовуз, бир ёки бир неча минора бўлган. Айрим йирик Масжидлар меҳробининг ўнг томонида ваъзхонлик учун мўлжалланган минбар, баъзиларида эса, Қуръон ўқиладиган махсус жойлар ҳам бўлган. Баъзи Масжидлар ҳузурда мактаблар ҳам бўлган бўлиб, уларда ўғил болаларга Қуръон ўқиш ўргатилган. М.ларда жума ва ҳайит намози кунлари имом-хатиблар хутба ўқиб, турли диний масалалар бўйича ваъзхонлик қиладилар.

**МАХДУМ** (араб. - хизматга ёлловчи одам, жаноб) - маҳалладаги пир ва устозларга берилган лақаб. Одатда, пир ва устозларга ўз муридлари ва шогирдлари хизмат қилишган. Махдум атамаси баъзи жойларда пир, устоз ва уламоларнинг ўғилларига нисбатан ҳам ишлатилган.

**МАСЛАҲАТ ОШИ** — маҳаллада тўй ёки бирор маросим олдидан ўтказиладиган тадбир. Ўрта Осиё халқларида тўй билан боғлиқ маросимлардан бири. Маслаҳат оши тўйдан бир ёки бир неча кун олдин ўтказилади. Маслаҳат ошига маҳалла, қишлоқ вакиллари, қариялар, қўни-қўшнилар, қариндошлар чақирилган. Маслаҳатга келганлар тўйни қачон, қандай ўтказиш тартиби, харажатлар ва

бошқаларни келишиб олганлар. Мабодо тўй эгасининг бирор моддий етишмовчилиги бўлса, маслаҳат ошига келганлар уни ўз зиммаларига оладилар. Маслаҳат оши ҳозир ҳам анъанавий маросим ҳисобланади.

**МАЪРАКА (ар.)** — маҳаллада бирор муҳим воқеа муносабати билан ўтказиладиган маросим, йиғин. Таъзия маросимлари ҳам маърака дейилади.

**МАҚБАРА (араб.)** - бирор майитнинг жасади жойлашган меъморий иншоот ёки тош тобут (дахма, сағана). Мақбаралар ҳашаматли мураккаб иморатлар шаклида қурилган. Ўрта Осиёда дастлаб қабр устига тош қўйиш, иморат қуриш манъ этилган бўлса-да 9-асрдан халифалар шарафига мақбаралар қурила бошланган. Мовароуннаҳрда ҳам 9-асрдан махсус мақбаралар қуриш одат тусига кирган. Кейинчалик, асосан, машҳур кишилар (подшоҳлар, рухонийлар, олимлар) қабри устига турли Мақбаралар қурилган. Оддий мақбара гумбазли хонадан иборат бўлган, унга пештоқли эшик орқали кирилган. Баъзан хонанинг 4 томони равоқли-чордара шаклида бўлади, кейинчалик мақбара қурилиши тобора мураккаблашиб бориб, унда зиёратхона, гўрхона, тағхона-сардоба каби махсус хоналар бўлган.

**МАҲАЛЛА (ар.)** — дастлаб шаҳарларда, кейинчалик каттарок қишлоқларда аҳоли яшайдиган маъмурий-худудий бирлик, маълум худудда яшовчи кишилар уюшмаси, жамоаси, қўни- қўшнилар жамоаси. XX асрнинг 20-йилларига қадар маҳалла ўртача 50—60, айрим маҳаллаларда 100-150 хонадондан ташкил топган бўлиб, шаҳарларда даҳа таркибига кирган. Маҳалла ҳайъатига сайлаб қўйиладиган оқсоқол раҳбарлик қилган. Оқсоқол маҳаллалардаги уй-жойларнинг олди-сотдиси, тўй-маърака маросимларини ўтказиш, ҳашарлар уюштириш, маҳалладаги низоларни бартараф этиш ишига бошчилик қилганлар. Ҳар бир маҳалланинг ўз гузари, чойхонаси бўлиб, у маҳалланинг ижтимоий-маданий маркази ҳисобланади. Ҳозир Ўзбекистонда барча аҳоли масканлари алоҳида маҳаллалар таркибига киради.

**МАҲКАМА (ар.)** — маҳаллада шарият қозилари иш юритадиган жой. Ҳозирги кунда маҳкама идора мазмунида ҳам ишлатилади.

**МАҲР (туркча мехр; синоними садок)** - тенг ҳуқуқли никоҳ тузилган пайтда хотинига ажратиб бериладиган мулк. Маҳр тўлаш - шундай никоҳнинг асосий шarti бўлиб, никоҳ муносабатлари учун хотинга тўланадиган ҳақ сифатида қаралади. Маҳр фақат хотинга тегишли бўлиб, хотиннинг эри вафот этса ёхуд эри талок этиб бева

қолгудек бўлса, уни моддий таъмин этган. Маҳр миқдори ва уни тўлаш шартлари алоҳида никоҳ битимида айтилади. Маҳр никоҳ шартномаси тузилган заҳоти берилиши ёки бўлиб-бўлиб, ёхуд ажралиш пайтида берилиши мумкин. Маҳрнинг катта қисмини куёв албатта тўй куни қимматбаҳо буюмлар, безаклар, кийимлар ва б. (садок) кўринишида олиб келиши шарт бўлган, бу ҳам никоҳ шартномасида алоҳида қайд этиб ўтилиши лозим. Маҳр келиннинг шахсий мулки ҳисобланиб, келин уни тўла ҳуқуқли эгаси бўлган. Маҳрни ўз вақтида тўламаслик хотинга то у тўлиқ тўланмагунча шартли ажралиш (фасх) ҳуқуқини берган. Борди-ю, эр вафот этиб қолса, тўланмаган маҳр унинг мулкидан тегишли маҳр ажратилиб хотинга берилади.

Хотин бундан ташқари эрининг меросидан ҳам улуш олиш ҳуқуқига эга. Борди-ю, аёлнинг ихтиёри билан никоҳ бекор қилинса ва ажралишса ҳамда маҳр тўланмаган бўлса, хотин киши маҳрдан маҳрум этилади. Маҳр фақат исломга хос, шунинг учун уни қалин билан айнан деб билиш хато. Қалин, гарчи ташқи томондан маҳрга ўхшаса-да, у исломни қабул қилган кўп халқларнинг қадимдан қолган урф-одати ҳисобланади.

**МИРОБ (ар.ф.-т.)** — Ўрта Осиё хонликларида қишлоқ ёки маҳаллада сув тақсимоти ва суғориш тизими устидан назорат қилувчи шахс. Ўрта Осиё хонликларида алоҳида мироблик лавозимлари бўлган ва улар маҳкама хазинасидан маош олганлар. Масалан, бош суғориш тизими ҳисобланган магистрал каналлардан асосий суғориш тармоқлари бўлган катта ариқларга сув тақсимлаш мироббошига, катта ариқлардан алоҳида қишлоқ ариқларига сув тақсимлаш эса ариқ оқсоқолларига, қишлоқ ариқларидан шоҳ ариқ ва даҳаналарга сув тақсимлаш эса қишлоқ миробига юклатилган. Мироблик аждодлардан-авлодларга мерос бўлиб ўтган. Кузда мироблар учун декқонлардан миробона солиғи ундирилган.

**МИРШАБ (ар.ф.-т.)** — ўрта асрларда ва ундан кейинги даврларда маҳаллада жамоат тартибини сақловчи лавозим. Одатда миршаблар шаҳарнинг кечки хўжайинлари ҳисобланганлар. Маҳаллада тартиб-қондани бузган шахслар миршаблар томонидан ушланиб, миршабхонага келтирилган. Миршаб лавозими Ўрта Осиёда ХХ аср 20 йилларигача мавжуд бўлган.

**МИРШАББОШИ (ар.ф.-т.)** — маҳаллада миршаблар бошлиғи. Туркистон Чор Россия томонидан босиб олингач, то 1917 йилгача



маҳаллий аҳоли яшайдиган маҳаллаларда миршабхоналар ташкил этилган. Миршаблар бошлиғи миршаббоши деб юритилган. Улар мингбоши ва оқсоқоллар ихтиёрида бўлиб, уларнинг топшириқларини бажарганлар.

**МЕНТАЛИТЕТ** – (лотинча «mens» - ақл, идрок) – жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти, руҳий қуввати

**МОЗОР** (араб - зиёрат қилиш жойи) –шаҳар ва қишлоқ маҳаллаларида ўтмишда машҳур шахслар, хусусан, азиз-авлиёлар дафн этилган жой. Исломи дини таълимотига кўра, улуғ зотларнинг қабрларини зиёрат қилиб, уларнинг руҳларини дуои хайрлар билан хотирлаш савобли ишлардан ҳисобланади.

**МУРИД** (араб. - эргашувчи) – ихтиёрий равишда муршид (устоз) изидан боровчи, шогирд. Тасаввуфда тариқат муршидларидан дарс олувчи шогирд маъносида ишлатилади. Мурид шайх, пир, муршид олдидан ўз зиммасига муайян мажбуриятлар олади, улар билан ишончли муносабатлар ўрнатган ва уларнинг иродасига бўйсунган. Умуман мурид атамаси суфий ва ҳатто оддий мусулмон маъноларини ҳам англатади.

**МУРШИД** (араб. - йўл кўрсатувчи) – маҳаллада ўтмишда алоҳида обрў ва мавқега эга бўлган, тасаввуфда тариқат одобларидан сабоқ берувчи пир, шайх ва устоз.

**МУТАВАЛЛИЙ** (ар.) — маҳалла масжидидаги вақф мулкига, ундан келадиган даромадга васийлик қилувчи, уни тақсимловчи амалдор. Ўтмишда вақф ерларини ижарага бериш, вақф мулкига хўжалик ишларини юритишни ҳам мутаваллий бажарган.

**МУҲТАСИБ** (м.-т.) – Ўрта асрларда маҳаллада маросимлар, урф-одатлар ва шариат қонунлари бажарилиши устидан, одамларнинг жамоат жойида юриш - туриши устидан назорат қилувчи амалдор. Кўпинча у сайидлар орасидан тайинланган. У аҳолининг урф-одатларга амал қилиши ҳамда бозорлардаги нарх-наво ва ўлчов асбобларининг тўғрилиги устидан назорат қилиб турган. Диний вазифаларни бажармаган кишиларнинг устидан жазолашга ҳукм чиқариш ва ўша ерда ҳукми ижро этиш кабилар билан шуғулланган. XIX-XX асрларда Бухорода муҳтасиб раис деб ҳам аталган.

Муҳтасибларни одатда давлат бошлиғи тайинлаган, у қози калон билан барабар иш юритган. Аммо муҳтасиб маъмурий жиҳатдан

қозидан пастроқ лавозим бўлиб, ундан камроқ маош олган. Муҳтасиб шаҳарни нон билан таминлаш, тақчил пайтларда унинг баҳосини малум чегарадан оширмаслик, юк ташувчи ҳайвонларга қанча юк ортилганини ҳам текшириш билан шуғулланган. Муҳтасиб лавозими айрим христиан давлатларда ҳам бўлган. Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг масжидларни моддий ва маънавий фаолиятини назорат қилиб турувчи муҳтасиблик бўлими мавжуд.

**ОТИН (т.)** — отинойи маҳалладаги диний мактабларда қизлар ўқитувчиси. Отинлар аёллар ўртасидаги диний маросимлар (мас., мавлуд, амри маъруф, нахий мункар ва б.) ўтказишда бошчилик қилиб, уларга диний таълим бериш билан ҳам шуғулланганлар. Отинлар ҳозир ҳам мавжуд, улар маҳалладаги диний мактабларда аёллар ўқитувчиси. Отинлар аёллар орасидаги диний маросимларни ўтказишда бошчилик қилиб, уларга диний таълим бериб, улардан тушадиган даромад ҳисобига яшаганлар.

**ОҚСОҚОЛ (т.)** — қария, муйсафид, қатта, бошлиқ маъноларини англатади.

2. Ўрта асрларда Ўрта Осиё ҳудудларида ва бугунги кунда маҳалла, қишлоқ жамоаси бошлиғи. Ўтмишда Тошкент шаҳри ва Туркистон ўлкасининг бошқа шу каби йирик шаҳарларидаги даҳа бошлиқлари ҳам оқсоқол деб аталган. Бугунги кундаги маҳалла раислари, қишлоқ фуқаролар йиғини раисларига нисбатан оқсоқол атамаси қўлланилади.

**ОҒАЛИҚ (т.)** — Бухоро амирлигида айрим вилоятлар ҳокимларининг амир тасдиғидан ўтган маҳаллий вакили, жамоа бошлиғи.

**ПАЙКАЛ (ф.т.)** – ўрта асрларга хос жамоа уюшувининг бир тури. Қашқадарё, Сурхондарё ҳамда Самарқанд вилоятининг айрим туманларида пайкалга асосан қишлоқдаги қариндош-уруғлар сўнгра яқин қўшнилар аъзо бўлганлар. Унга 10 - 18, баъзан 50 - 60 киши кирган. Пайкал қишлоқ жамоасининг таркибий қисми бўлсада, жамоа аъзолари ер-мулкнинг маълум қисмига мустақил эгалик қила олганлар. Бундай ўзаро бирикиш солиқ тўлови, мол айрибошлаш, мол-мулкни сотиш, далаларга сув чиқариш қабиларда намоён бўлган.

**РАБОД, РАБОТ (ар.)** – 1. ўрта асрларда шаҳарлар атрофидаги ёки шаҳар ташқарисидаги бозорлар, ўрта аср шаҳарларидаги маҳаллаларнинг савдо ва ҳунармандчилик дўконлари жойлашган қисми. Рабодлар VII—VIII асрларда шаклланган бўлиб, шаҳарларнинг арки ёки шаҳристоннинг атрофига қурилган. Улар

XI—XII асрларда Ўрта Осиё шаҳарларининг мустақил қисмига айланган.

2. 7-10-асрларда Кичик ва Ўрта Осиё ҳамда Шимолий Африканинг мусулмонлар ва христианлар (ёки бутпарастлар) ёнма-ён яшаган ҳудудларида вужудга келган ҳарбий истехкомлар ёки қалъалар. Работларда истиқомат қилган мусулмонлар одатда кўнгиллилар сифатида ғайридинларга қарши урушларда қатнашганлар.

2) **РАИС (ар.)** — Ўрта Осиё шаҳар ва қишлоқларидаги маҳаллаларнинг оқсосқолларига, колхоз райсларига нисбатан ишлатилган атама. XX асрнинг биринчи чорагигача мавжуд бўлган мансаб. Раиснинг вазифасига маҳалла ва қишлоқларнинг озодалиги, бозорларнинг нарх-навоси, торозининг тўғрилигини назорат қилиш, ҳисоб-китобини аниқлаш, аҳолининг шариат қонун-қоидаларига қандай риоя қилаётганлигини текшириш кирган.

**РАИЯТ (ар.)** – ўрта асрларда маҳалла ёки қишлоқнинг барча фуқароси, кейинчалик солиқ тўловчи табақалари, деққонлари ва шаҳарликлар.

**САДР** (араб. - олд, кўкрак) – ўрта асрларда шарқда турли мансабдор шахсларга берилган унвон. Бу унвон баъзан дин пешволарига ҳам берилган, уларга бутун давлатнинг ёки бирор вилоятнинг вақф ишларини бошқариш вазифаси юклатилган. Масалан, 12-13-асрларда Бухорода ҳукмронлик қилган бурҳонийлар Садри жаҳон номи билан машҳур бўлганлар. 16-асрдан энг юқори мансабдор шахс (вазири аъзам) Садр (тўлиги Садри аъзам) деб аталган. 20-асрга келиб бу унвон тугатилган. Анжуман ва илмий мажлисларда тўрдан жой берилиб, суҳбатни бошқарган олим кишини ҳам қадимдан Садри мажлис деб аташган.

**САЙИЛ** (ар. сайр сўзидан олинган) — йилнинг маълум фаслларида кишиларнинг очиқ майдонлар, соя-салқин жойларда, маҳаллаларда тўпланиб, томоша, истироҳат қилиши. Сайиллар одатда наврўз ва тўй томошаларда, байрамларда ва йилнинг қулай пайтларида ташаббускор кишилар томонидан ташкил этилган. Сайил шаҳарларда, регистон майдонида, чорсу ва расталарда, шаҳар ташқарисидаги сайилгоҳларда, шунингдек қадамжоларда ўтказилиб, бир ҳафта, баъзан икки ойларгача давом этган. Кўкламда ўтказиладиган наврўз сайли, қовун пишган чоғда қовун сайили, узум пишган чоғдаги узум сайли, эрта баҳорда айникса Фаргона водийси

шаҳар ва қишлоқларида ўтказиладиган гул сайли ва бошқа сайил турлари бор.

**САРКОР** (ф.-т.) — иш боши, иш бошловчи. Ўрта асрларда маҳалла ва қишлоқ жамоаси ер-сувини назорат қилиб, барча хўжалик ишларига бошқарувчилик қилиб турувчи мансабдор. Айрим давлатларда ҳукмдорларнинг шахсий хазиначиси ҳам саркор деб аталган.

**ТИМ** (ф.-т.) — қадимда ва ўрта асрларда шарқ мамлакатлари ва Ўрта Осиё шаҳарларидаги маҳаллаларда, асосан йирик шаҳарлар марказларида, очик бозор ва карвонсаройлар ёнида қурилган савдо расталари. Тимлар катта-кичик, ҳар хил дўкон ва устaxonаларни бирлаштирган. Давлат томонидан қурилган тимлардан унган солиқ давлатга, шахсий тимлардан унган солиқ тим эгаси хазинасига тушган. Тимлар асосан Ўрта Осиё, Эрон, Озарбойжон ва Яқин Шарқ мамлакатларида кўплаб қурилган. Абдуллахон тими ўрта асрларда Бухоро шаҳридаги энг катта савдо растаси ҳисобланган.

**УЛАМО** (араб.-олим сўзининг кўплиги-билимдон)-ислом илоҳиётчилари ва ҳуқуқшунос (факих)лари, шунингдек, диний муассасаларга, суд (қозилик) маҳкамаларига, ўқув юртиларига мутасадди бўлган барча ислом дини олимлари.

**УЛУС** (м.) — 1. тор маънода маълум бир уруғ, қабила яшаб турган худудни ифодалаган;

2. Кенгрок маънода эса хон ва унинг оила аъзоларига тегишли ерлар ва уларга бўйсунувчи ҳамда шу ерда истиқомат қиладиган аҳолини қамраб олган сарҳад. Тарихий манбаларда Чиғатой улуси, Жўчи улуси, Нўғой улуси, Шайбон улуси, Ўзбек улуси каби улуслар мавжуд бўлганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд.

**УРФ – ОДАТ ВА МАРОСИМЛАР** - тарихан шаклланган ва авлоддан-авлодга ўтиб борадиган, кўпчилик томонидан қабул қилинган ва доим такрорланиб турадиган ҳатти-ҳаракат, хулқ-атвор нормалари ва кўникмалари.

Урф – одатлар ва маросимларнинг шаклланишига халқнинг босиб ўтган тарихий йўли, хўжалик юритишнинг ўзига хослиги, табиий муҳит каби бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Урф-одатлар ва маросимларга нисбатан консерватив бўлиб секин-аста кўрсатади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ўз умрини яшаб бўлган, моҳиятан салбий мазмун касб этган одатларни ҳам унда – бунда бўлсада учратиш мумкин. Айни пайтда миллий анъаналарни ўрганиш, тарғиб этиш билан бир қаторда тўй-маъракаларни, одат ва

удумларни ихчамлаштириш, бу борада исрофгарчилик ва дабдабозликка йўл қўймасликка алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Хар бир давр кишиларининг эҳтиёжларига жавоб тариқасида янги урф-одат ва маросимларни шакллантириши мумкин. Мустақиллик шарофати ўлароқ пайдо бўлган ва қайта тикланаётган урф-одат ва маросимларимиз бунга мисол бўла олади.

Мазмунига кўра дунёвий ва диний, тарқалиши доирасига кўра миллий, минтақавий ва умуминсоний урф-одат ва маросимларни фарқлаш лозим.

Асрлар мобайнида шаклланган, аждодлардан-авлодларга бебаҳо мерос сифатида ўтиб келаётган урф-одат, маросим ва байрамлар маҳаллада бунёдкор ғояларни сингдиришда муҳим омилдир. Хусусан, Мустақиллик, Наврўз, Ўқитувчилар ва мураббийлар, Хотира ва қадрлаш куни каби янги байрам ва маросимларимиздан жамият ҳаётига замонавий мазмун бахш этиш йўлида оқилона фойдаланиб келинмоқда.

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ** — фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаёт соҳаларидаги тенгликка асосланган фаолияти. Фуқаролик жамиятининг ижтимоий-сиёсий соҳаси кўламига ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар, фуқароларнинг турли шаклдаги фаолияти, ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат, нотижорат, оммавий ахборот воситалари фаолияти ҳам мансубдир.

**ХАЛФАНА** — маҳалла ва қишлоқларда хонадонларда ўтказиладиган гап, гаштакнинг бир тури. Халфана асосан зиёфат уюштириш ва кўнгиш очиш мақсадида уюштирилган. У маълум режа асосида уюштирилиб, харажат ўртада бўлиб, у солмана деб аталган. Халфана дастурхонига қуюқ ва суюқ овқатлар ҳамда ширинликлар қўйилган. Халфаналарда ҳар хил мавзуда суҳбатлар бўлган, ҳикоялар айтилган, қизиқарли ўйинлар ўтказилган, мусиқа ва кўшиқлар тингланиб, хордиқ чиқарилган.

**ХАТМИ ҚУРЪОН** — Ўрта Осиё ва бошқа мусулмон мамлакатларида маҳаллада вафот этганлар арвоҳига атаб, ёки бирор бир маросим олдидан Қуръони Каримни бошидан охиригача қироат билан ўқиб тамомлаш. Бирон бир тадбирни хайрли ўтказиш муносабати билан ўтказиладиган маросим.

**ХОНАҚОҲ (ф.-т.)** — маҳаллалардаги шайх ва дарвешлар зикру само ўқийдиган махсус хона, жой, ўрта асрларда шундай аталган. Улар ислом дини тарқалиши билан юзага кела бошлаган. Дастлаб

хонақоҳлар дарвешлар, айрим меҳмонлар, зиёратчилар учун тунаш жойи сифатида қурилган бўлса, кейинчалик масжидларнинг бир қисмида қурилган. Дарвешлар уюшмаларининг маркази сифатида қурилган йирик хонақоҳларнинг катта заллари бўлиб, уларнинг атрофларида эса зиёратчилар учун махсус ҳужралар бўлган. Ўрта асрларда маҳалла, қишлоқ масжидларининг намоз ўқиладиган хонаси ҳам хонақоҳ деб аталган. Айрим хонақоҳлар кейинчалик масжидга айлантириб юборилган.

**ЧОРСУ (ф.-т.)** — ўрта асрларда шаҳарларда йирик кўчалар кесишган, шаҳарнинг тўрт тарафига чиқиш мумкин бўлган жой. Бу ерда маҳалла ва гузарлар тигиз жойлашган бўлиб, бундай жойларда одатда савдо расталари, нонвойхоналар, хунарманд ва косибларнинг дўконлари жойлашган. Ўтмишда Ўрта Осиёнинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Кўкон, Шаҳрисабз, Тошкент, Хўжанд ва бошқа шаҳарларидаги чорсулар йирик савдо марказлари ҳисобланган. Масалан, XVI асрнинг охирларида бунёд этилган Шаҳрисабз чорсусидаги квадрат тархли бинонинг тўрт томонида дарвозахонаси бўлиб, шу дарвозалардан йирик савдо залларига кирилган. XVI-XX аср бошларида Бухоро, Шаҳрисабз, Тошкент чорсулари айниқса машҳур бўлган. Тошкентдаги чорсу орқали шаҳарнинг қолган даҳаларига бемалол бориш имконияти бўлган. Ҳозир ҳам Ўзбекистоннинг қатор тарихий шаҳарларида чорсулар мавжуд.

**ШАЙХ (араб. - кекса, оқсоқол; қабила, уруғ, оила оқсоқоли)** - ислом дини тарқалган мамлакатларда, шу жумладан Ўрта Осиёда ўтмишда олимлар, руҳонийлар, уламолар, муҳаддислар, фақиҳлар шундай аталган. Кейинчалик суфийлик тариқатидаги пирлар, эшонлар, муҳаддас жойларнинг мутасаддилари ҳам шайх деб юритилган. Арабларда исломдан илгари уруғ, қабила бошлиқлари, катта патриархал оила оқсоқоллари шайх деб аталган. Муслмон мамлакатларида ҳозир шайхлар олий диний ўқув масканлари мударрислари ва йирик уламоларнинг унвони сифатида ҳам қўлланилади.

**ЮЗБОШИ (т.)** — қадимги даврларда ва ўрта асрларда маҳалладаги юз ва ундан ортиқ кишига, ёки юз нафар аскарга бошчилик қилган киши, саркор, оқсоқол.

**ЎНБОШИ (т.)** — ўрта асрларда хонлиқлар даврида маҳалладаги ўн ва ундан ортиқ кишига бошчилик қилган киши. Амир Темур армияси ва Ўрта Осиё хонлиқлари кўшинларидаги энг кичик ҳарбий бўлинма бошлиғи ҳам ўнбоши деб аталган.

**ҚАСАБА** – ўтмишда маҳалладаги хунармандлар жамоаси қасабалар (қасаба) га уюшганлар, қасабага ҳам оқсоқол бошчилик қилган. Шаҳарларда қасабалар шаҳарларнинг турли ҳудудларида жойлашган. Улар деҳқон ва чорвадорларни хунармандчилик маҳсулотлари билан таъминлаб турганлар.

**ҚОРА ҚОЗОН (т)**- одатда тўй бошланишидан олдин, тўй эгасиникида маросим учун муҳим ҳисобланган кенгаш тўйи. У асосан эркаклар иштирокида ўтказилган. Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд, Жиззах вилоятларининг айрим қишлоқларда у шу ном билан аталган.

**ҲАШАР (ар.)** — Ўрта Осиё халқлари, айниқса ўзбек ва тожикларда оила ва маҳалла доирасида ўтказиладиган, одамларнинг ўзаро бир бирига берадиган ихтиёрий ёрдам тури. Ўтмишда ҳашар кўпинча маҳалла ва қишлоқларни обдонлаштириш, ариқ қазиш, йирик бинолар, йўл ва кўприклар қуриш каби ишларда ташкил этилган. Аёллар гилам тўқиш, бичиш-тикиш каби ишларда ҳам ҳашар уюштирганлар. Ҳашар кўпинча бир кун, айрим вақтларда эса икки кун, ариқ қазиш, иморат қуриш ва шу каби ишларда бир неча кун давом этган. Бугунги кунда ҳам ушбу тадбир мамлакатимизда қутлуғ шодиёналар, оммавий байрамлар арафасида кенг ўтказиб келинади.

Ўтмишда ҳашарнинг асосан икки тури мавжуд бўлган. Биринчиси, оилавий ҳашар, яъни катта оила аъзолари ота-она, ака-ука, тоға, амакилардан иборат ишнинг ташкил этилиши. Улар ҳашарда нафақат ўз оиласи зиммасидаги хўжалик ишларни ҳал этганлар, балки қишлоқ жамоасининг бошқа аъзоларига ҳам зарур ҳолларда ёрдам берганлар. Иккинчиси, жамоавий ҳашар, яъни бундай юмушлар асосан жамоанинг умумий ери ёки чорваси билан боғлиқ бўлиб, унда барча қишлоқ жамоаси ёки маҳалла аъзолари катнашганлар.

## ҲАДИСЛАРДА ҚЎНИ-ҚЎШНИЧИЛИК ВА ҚОН-ҚАРИНДОШЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ХУСУСИДА

Маълумки Пайгамбаримиз ҳадислари Куръони каримдан кейин турувчи муҳим манба ҳисобланади. Ушбу табаррук манбада инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча қирраларига оид йўл-йўриқлар, панду-насихатлар мужжасам. Узоқ даврлар ўтишига қарамасдан улар ўз мазмун-моҳиятини йўқотган эмас. Ўзбек халқида инсон фаолияти жамоада, қон-қариндошлар, қўни-қўшнилар орасида кечади. Бу эса бизни атрофдагилар билан ҳамфикр, ҳамдард бўлишга, бир-биримизга меҳр-мурувват кўрсатишимизга ундайди, кишилар онгида инсонпарварлик, меҳр-окибат туйғуларини шакллантиради. Шу маънода муқаддас ҳадисларда ҳам жамоа, қўни-қўшничилик, ўзаро ёрдам, инсонпарварлик, меҳр-окибат, оилада эркак ва аёл, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларга оид маълумотлар кўп. Биз улрдан айримларини ҳукмингизга ҳавола қиламиз:

*«Ким жамоатдан ажраса, дўзах томон юрган бўлади»*

\*\*\*

*«Агар банданинг Оллоҳ ҳузурини қанча даражаси борлигини билишни истасангиз, унинг ҳақида кишиларнинг айтган мақтовларидан билинган»*

\*\*\*

*«Ёнма –ён қурилган бинолар бир-бирларини ушлаб турганидек, ён қўшнилар ҳам бир-бирларини қўллаб-қувватлаб турадилар»*

\*\*\*

*«Агар қўшнларинг сени яхши деяётганини эшитсанг , демак, яхшисан, ёмон дейишётганини эшитсанг демак –ёмонсан». «Сизларга қўшнларингизга яхшилик қилишни буюраман». «Кимки Оллоҳга ва охират кунига ишонса, қўшнисига яхшилик қилсин»*

\*\*\*

*«Ким етимга, қариндошига меҳрибонлик қилмас экан, у меҳрибонлик кўрмайди». «Дилинг юмшаб, ҳождатинг раво бўлишини хоҳлайсанми?. Етимга, қавму-қариндошига яхшилик, раҳм қил, бошини сила, овқатингдан едир, шунда дилинг юмшайди ва ҳождатинг чиқади»*



\*\*\*

**«Бир киши бир куни сўраб қолди: «Ё Расулulloҳ, менинг икки кўшим бордир, уларнинг қайси бирига тухфалар киритиб турайин?:» Жаноб Расулulloҳ: «Эшиги эшигинга энг яқинига» деб жавоб бердилар».**

\*\*\*

**«Ён кўшниси оч туриб, ўзи тўйган одам мўмин эмасдир».**  
**«Ўзингга маъқул, яхши кўрган нарсангни ўзгаларга ҳам маъқул, яхши кўр»**

\*\*\*

**«Оллоҳни эзгулик билан қарздор қилиб қўйинг». «Ким дуоим қабул, мушкулим осон бўлсин деса, муҳтож ва фақир кишиларни гамдан чиқарсин».**

\*\*\*

**«Кимни мақтасаларингиз, унга жаннат вожибдур, кимни ёмонласаларингиз, унга дўзах вожибдур. Сизлар Оллоҳ таолонинг ердаги шохидларисиз»**

\*\*\*

**«Қирқ ёки ундан ортиқ киши қавмдан бирига гувоҳликка ўтса, Оллоҳ уларнинг гувоҳлигини ҳам қабул қилади»**

\*\*\*

**«Худди бош оғриги бутун жасадни оғритганидек, бирининг ташвиши билан иккинчисининг ҳам ташвишланиши мўминлар зиммасидаги бурчлардандир».**

\*\*\*

**«Одамнинг яхшиси кишиларга манфаати кўп текканидир»**

\*\*\*

**«Ҳар бир мусулмоннинг иккинчи бир мусулмондан олтига ҳаққи бордир:**

- 1) Учрашганда саломлашиш:**
- 2) Меҳмонга чақирса бориш:**
- 3) Маслаҳат сўраса, насиҳат билан маслаҳат бериш:**
- 4) Аксириб, Оллоҳга ҳамд айтса, унга жавоб айтиш:**
- 5) Касал бўлса, бориб кўриш:**
- 6) Вафот этса, дафн маросимида қатнашиш»**

\*\*\*

**«Касал кўргани борувчи киши жаннат боғида юргиндекдир», «Кимки касални бориб кўрса ёки Оллоҳ учун бир мусулмоннинг ҳолини сўраб зиёрат қилса, осмондан унга шундай нидо**

**эшитилгай:» Эй банда қадамларинг хуш бўлсинки, сен жаннатдан бир ўринни эгалладинг»**

\*\*\*

**«Мўмин кишига берилган нарсанинг яхшиси хушхулқликдир», «Оллоҳ таоло барча ишда хушмуомаликни ёқтиргайдир», «Яхшиси хулқ очиқ юзликдир, эзуликни ёйиш ва одамлардан азиятли нарсани узоқлаштиришдир.**

\*\*\*

**«Кимнинг хулқи ёмон бўлса, ўзини-ўзи азоблайди. Кимнинг гами кўпайса бадани касалланади. Кимнинг кишилар билан тортишаверадиган одати бўлса, ҳурмати кетади ва обрусиди тушади»**

\*\*\*

**«Ҳаё иймондандур, иймон эса жаннатдадир; ҳаёсизлик жафодур, жафо эса дўзахдадур». «Мусулмончиликда уч кундан ортиқ аразлашиш йўқдур», «Мусулмон одамнинг ўз биродаридан уч кундан ортиқ аразлаб, бир-бирини учратганда тескари қараб кетмоғи яхши эрмас. Уларнинг қайси бири аввал салом берса, ўшаниси яхши одамдир»**

\*\*\*

**Кечиримли бўлинглар, шунда сизларга ҳам кечиримли бўлишади», «Оллоҳга энг ёмон кўринадиган кишиларгина ва адоватни узоқ сақловчи одамлардир», «Кимгаки биродари узр айтиб келса, ҳақ бўлса ҳам, ноҳақ бўлса ҳам, узурини қабул қилсин.**

\*\*\*

**«Авф этган кишининг мартабасини Оллоҳ баланд қилади ва кимки Оллоҳ йўлида ўзини камтар тутса, Оллоҳ унинг мартабасини баланд қилади»**

\*\*\*

**«Ораларингизда салом беришни кенг тарқатинглар-бир-бирларингизга муҳаббатларинг зиёда бўлади**

\*\*\*

**«Бир одам Расулulloҳ Саллолоху алайҳи ва саламдан: «Ислолда энг яхши амал қайсидир?» - деб сўради. Жаноб Расулulloҳ: «Очларни тўйғизмогинг, қон-қариндошдан хабар олмогинг, таниган ва танимаган одамларга салом бермогинг» - деб жавоб қилдилар»**

\*\*\*

«Кимдаки хантал уругича таккабурлик бўлса, жанатга кирмайди», «Кимки фахрланиш учун шухрат кийимини кийса, то ечиб ташламагунча Оллоҳ таоло ундан юз ўгиради», «Кишининг подонлигини ўзига бино қўймоғи кифоядир»

\*\*\*

«Кимки кишиларни таъзим қилиб лаганбардорлик қилиб туришларини яхши кўрса, дўзахдан ўзига жой тайёрлайверсин». «Ҳар бир озор берувчи дўзахда бўлади», «Кимки мусулмонга озор берса, менга озор берибди, менга озор берса, Оллоҳга озор берибди»

\*\*\*

«Ҳар бир мусулмон кишининг молини олиш, обрусини кетказиш, қонини тўкиш ҳаромдир».

\*\*\*

«Мўминларнинг сўкишию – фосиқлик, уришиш ва ўлдириши кофирликдир».

\*\*\*

«Кишиларнинг нисбатан қалбига Оллоҳ раҳму шафқат солмаган одам зиёнкорлик, хасрат ва надоматда қолувчи бандадир», «Кимки бирор ёмонлик қилса, жазосини тортади».

\*\*\*

«Сизларга қавм касалликларидан бир касаллик етиб келган: у – ҳасад, бир-бирини ёмон кўришдир»

\*\*\*

«Ғашлик ва ҳасад яхши хасанотларни худди ўт ўтинни ёққандай ейди», «Бир-бирингизни кавламангизлар, тортишманглар, Оллоҳнинг дўст-биродар бандалари бўлинглар». «Ғайбат – биродаринг зшитса, хафа бўладиган томонини гапиришингдир».

\*\*\*

«Ғийбат – деган эдилар Расули ақрам, - бир кишининг ёқтирмаган нарсаси (айби)ни гапиришингдир. Агар унинг айбини гапирсанг, уни гайбат қилган бўласан, агар унда йўқ айбни уники деб гапирсанг, унда бўҳтон қилган бўласан».

\*\*\*

«Кимнинг олдида бир мусулмон биродарнинг ёнини олишга қодир бўлатуриб, ёнини олмаса, Оллоҳ таоло у кишини бу дунё ва охирада хор қилади»

\*\*\*

«Биласизларми, тишлаб олиш нима? – дедилар расули акрам бир кунни. – Баъзи бировларнинг сўзини, орани бузиш ниятида бошиқа бировларга бориб чақшидир». «Чақимчи ва гийбатчилар жаннатга кирмайди»,

\*\*\*

«Бир-бирларингизга ёлгон ишлатиб, тухмат қилманглар» деб кўп тақрорлар эдилар. Тагин : «Кимки тухмат қилмоқ ва тухматга ишониб иш кўрмоқдан тийилмай, жоҳилликда давом этаверар экан, унинг еб ичмоқдан тийилмогининг (Рўза тутмогинин) Оллоҳ таолога ҳождати йўқдир».

\*\*\*

«Гап ташиб юрувчиларнинг киши қалбига наштар урувчи, уларни таҳқирловчи ва бадном қилувчи ҳар-бир тухмат бўхтон ва мазахлар учун холлари вой бўлғай». «Ёмон гумон қилманглар, гумон гапнинг энг ёмонидир»

\*\*\*

«Уч ёмонлик бор, - дегандилар Набий алайҳисалом, - ислом уммати ундан қутилмайди:

- 1) Ҳасад
- 2) Бадгумонлик
- 3) Шумланиш.

Сизларга улардан қутилиш йўлини айтайми? Агар бадгумон бўлсанг, гумонингга ишонма. Агар ҳасад келса юзага чиқарма. Агар шумлансанг, уни деб йўлдан қолма». «Қулоққа озор берадиган гап сўзлама»

\*\*\*

«Судхўрликдан қаттиқрок нарса кишининг ор-номусини ҳақорат қилишдир». «Кимки газаби келса, жим бўлсин, тик турган бўлса, ўтирсин», «Кураида йиқитишига кучи етган кучли эмас, газаби келганда ўзини ушлай олган кучлидир». «Кимки газабини ютса, Оллоҳ таоло ул бандадан азобини қайтаради» Оғир – босиқ бўлинглар, эй Оллоҳ бандалари, оғир босиқ бўлинглар!»

\*\*\*

«Қилган яхшилигини миннат қилувчи, кишиларга лаънат айтувчи ва оғзи бепошина, ҳам уятсиз одамлар, мўмин эмасдурлар». «Кимки бирор кишини ёмон лақаб билан чақирса, фаришталар унга лаънат ўқийди».

\*\*\*

«*Кишининг беҳуда гап-сўзни тарк этмоғи яхши мусулмонлигидандир*», «*Кимки гапирган гапини ҳам ўз амалидан ҳисобласа, сўзи камаяди. Фақатгина керакли гапларни гапиради*», «*Оллоҳ таоло...уч нарсани ёмон кўриди*»:

1. *Миш-миш гап айтиб юргувчиларни.*
2. *Саволни кўп бергувчиларни.*
3. *Молини беҳуда сарфловчиларни*»

\*\*\*

«*Агар киши ўз жуфти ҳалолога жилмайиб (севиб) боқса, у ҳам эрига жилмайиб боқса, Оллоҳ таоло ҳам уларга раҳмат назари билан қарайди*». —«*Эр оиласига раҳбардир ва у оила аъзоларига жавобгардир*».

\*\*\*

«*Оллоҳ таолога бандалар ичида севиклиси оила аъзоларига манфаати кўп тегадиган кишидир*» «*Одамларнинг ёмони аҳли(оиласи)га торлик қилган кишидир*».

\*\*\*

«*Ичкиликдан сақланишлар чунки у барча ёмонликларнинг калитидир*», «*Ичкилик гуноҳларнинг жсам қилувчисидир*», «*Қайси ичимлик маст қилса, ўша ичимлик ҳаромдир*». «*Кўп маст қиладиган ичимликнинг озини ичишдан ҳам сизларни қайтараман*».

\*\*\*

«*Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам маст қиладиган ва бўшаштирадиган нарсаларни истеъмол қилишдан қайтарадилар*». «*Ҳар бир мусулмонга ҳалол ризқ исташи фарздир*».

\*\*\*

«*Отага итоат қилиш, Оллоҳга итоат қилишдир. Отага осий бўлиш Оллоҳга осий бўлишдир*».

\*\*\*

«*Оллоҳ таолога фарзлардан сўнг амали солиҳларнинг энг сеvimлиси мусулмон кишининг дилига хурсандчилик солишдир*», «*Албатта, сизлар одамларнинг ҳаммасига молларингизни еткиза олмайсизлар, лекин уларга очиқ чехра билан хушхулқлигингизни еткиза оласизлар*»

\*\*\*

«*Ҳар бирингиз эзгу ишнинг кичкинасини ҳам эътибордан қолдирмангиз, Бирон яхшилик нарса топмаганлар ўз биродарига*

*очик чехра билан қарасин. Агар гўшт сотиб олсанг ён қўшнигга ҳам бер».*

\*\*\*

*«Яхшиликни раҳмдил умматларимдан истанглар, уларнинг атрофида кўнглили ҳаёт кечирасизлар».*

\*\*\*

Куръони каримда: *“Қариндошинг ҳаққини адо эт, мискин бечоралар, йўловчи мусофирларга ҳам муруват кўрсат. Лекин сира исроф этма, зеро исроф қилувчилар шайтоннинг “биродарлари”дир”* дейилади.

Демак силаи раҳим, хайр - эҳсон ва турли садақаларни беришда ҳам меъёрдан ташқари ҳаракат қилиш, исрофгарчиликка йўл қўйиш Аллоҳ томонидан ҳам ман этилган.

Яна мазкур суранинг 29-оятида шундай дейилган: *“Кўнглингни бўйнингга боглаб олма, яъни ўта хасис бўлма, қўнглингни кенг ёзиб ҳам юборма, яъни сахийликни меъридан ошириб юборма! Акс холда маломату маъналарга қолиб пушаймон бўласан”.* Ҳадиси шарифларда ҳам исрофгарчиликдан қайтарилиб, тежамкорликка тарғиб ва ташвиқ этилади. Жумладан: *“Аллоҳнинг нозу-неъматларидан ҳоҳлаганча еб ичинглар хайр-эҳсон қилинглар, кийиниб ясанинглар, лекин исрофгарчилик ва манманликка йўл қўймангизлар!”* – дея таъкидланади.

Яна бир бошқа ҳадиси шарифда: *“Бойликда ҳам, фақирликда ҳам, ибодатда ҳам муътадиллик яхшидир”* – дейилган. Тежамкорлик тўғрисидаги ҳадиси шарифда эса: *“Тежамкор одам ҳеч қачон қашшоқлик кўрмайди”* – деб таъкидланади. Хайр-эҳсон, зиёфат беришдан асосий мақсад муҳтожларга моддий ёрдам кўрсатиш бўлмоғи лозимлиги тўғрисида Расули Акрам (С.А.В) шундай дейдилар: *“Таомларнинг ёмони қорни очлар қолиб қорни тўқлар чақирилган зиёфатдир”*

## ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

«Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни афзал»

•  
«Гилам сотсанг қўшнингга сот, бир чеккасида ўзинг ўтирасан»

•  
«Қўшнинг тинч, сен тинч»

•  
«Бир болага етти қўшни жавобгар»

•  
«Бир болага етти қўшни ҳам ота, ҳам она»

•  
«Маслаҳатли тўй тарқамас»

•  
«Ўйламай қилинган тўй – тўйдан кейин бузилар»

•  
«Маслаҳатли ош тотли бўлур»

•  
«Маслаҳат билан отилган ўқ узоққа кетар»

•  
«Кенгашиб кесилган қўл оғримас»

•  
«Маслаҳатли тўн тор келмас, кенг тўн тўзимас»

•  
«Кенг кенгашиб йиртилар, тор – тортишиб»

•  
«Кенгаш қилган эл озмас, кенг бичилган тўн тўзимас»

•  
«Кенгашли эл камимас, кенгашда кенглик кўп»

•  
«Кенгашганга – кенг майдон, талашганга – тор майдон»

•  
«Кенгашли ишнинг ками бўлмас»

•  
«Маслаҳат – зардан қиммат»

•  
«Кенгашмай – тенглашма»

•  
«Кенгашмаган – одам эмас»

•  
«Ҳар иш қилсанг, эл билан кенгаш»

•  
«Эрнинг яхшиси эли билан кенгашар, хотиннинг яхшиси эри билан кенгашар»

•  
«Ўз билганингда бўлма, эл билганидан қолма»

•  
«Кўп билсанг ҳам, кўпчиликдай билмайсан»

•  
«Ўзим биламан» деган – ўрга босмас»

•  
»Ўзим биламан, деган – ўлар, кўп билман, деган – кулар»

•  
«Сўзга кирган – тоғдан ошар, сўздан чиққан – йўлдан озар»

•  
«Ўзинг бил, билмасанг билганининг сўзига кир»

•  
«Иков бўлсанг бирингга кенгаш, биров бўлсанг бўркингга кенгаш»

•  
«Кенгшларинг бўмаса, бўркинг билан кенгаш»

•  
«Кишининг кишиси бўлмаса, дўписсини ерга қўйиб кенгашур»

•  
«Кенгашчинг бўлмаса, қовурғанг билан кенгаш»

•  
«Умуртқанг билан йўллашиб кўр, қовурғанг била кенгашиб кўр»

•  
«Кўпдан кўп ақл чиқар»

•  
«Кўпнинг фикри – кўпча, тўғри кетган ўқча»

•  
«Кўпнинг кенгаше кенг бўлур»



•  
«Икки кенгаш бир бўлса, эллик йигит юз бўлур»  
•  
«Ёлғиз ақл – ўзи яхши, икки бўлса, яна яхши»  
•  
«Бир кишиники – маъқул, икки кишиники – ақл»  
•  
«Бир калла – бир калла, икки калла – икки калла»  
•  
«Икки калла ишга тушса, ҳар қандай масала ҳал бўлар»  
•  
«Бир қўл – бир қўл, икки қўл – икки қўл»  
•  
«Бирдан икки яхши, иккидан уч яхши»  
•  
«Икки одам – бир одамнинг худоси»  
•  
«Бир каттанинг гапига кир, бир – кичикнинг»  
•  
«Ўзингдан бир кўйлак илгари тўздиргандан ақл сўра»  
•  
«Кўпга кенгаш, ўзингга маъқулини қил»  
•  
«Кўп билан кенгаш, маъқулига ёндаш»  
•  
«Ҳар ким деганин қилма, ўз билганингдан қолма»  
•  
«Кенгашли иш тузилур, кенгашсиз иш бузилур»  
•  
«Маслаҳатли иш бузилмас, маслаҳатсиз иш ҳеч пишмас»  
•  
«Маслаҳатсиз иш – ўринсиз ташвиш»  
•  
«Маслаҳатсиз иш – бошга ташвиш»  
•  
«Бемаслаҳат ишнинг пушаймони кўн».  
•  
«Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас»

•  
«Ёлғиз йигит алп бўлар, алп бўлса ҳам қалб бўлар»

•  
«Ёлғиз йигит ёв бўлмас»

•  
«Ёлғиз ботир – ёвга йўқ, ёлғиз йигит – довга йўқ»

•  
«Яёвнинг чанги чиқмас, ёлғизининг мунги чиқмас»

•  
«Ёлғиз қарғанинг уни чиқмас»

•  
«Ёлғиз ғоз товуш бермас»

•  
«Ёлғиз ғознинг уни чиқмас»

•  
«Ёлғиз қизнинг мунги чиқмас»

•  
«Якка ўтин ёлворсанг ҳам ёнмас»

•  
«Бир тарикдан бўтқа бўлмас»

•  
«Ёлғиз уйда қозон қайнамас»

•  
«Ёлғиз ёғоч уй бўлмас»

•  
«Ёлғиз ёғоч пана бўлмас»

•  
«Якка ёғоч билан уй бўлмас, якка одам билан тўй бўлмас»

•  
«Ёлғиз дарахт ўрмон бўлмас»

•  
«Ёлғиз ёғоч пана бўлмас»

•  
«Ёлғиз бияга сават тўлмас»

•  
«Ёлғиз қўйнинг териси пўстин бўлмас»

•  
«Ёлғиз итнинг хургани билинмас»

•  
«Ёлғиз кишининг юргани билинмас»

•  
«Ёлғизга йўл узок»

•  
«Ёлғиз юриб йўл топгандан кўра кўп билан адашган яхши»

•  
«Адашсанг ҳам эл билан адаш»

•  
«Бир ўзинг доно бўлгунча, кўп билан девона бўл»

•  
«Ёлғиз қўлдан товуш чиқмас»

•  
«Қарс икки қўлдан чиқади»

•  
«Ёлғиз туя бақирок бўлар, ёлғиз бола йиғлоқ бўлар»

•  
«Ёлғизлик киши юртида билинади»

•  
«Ёлғиз киши – ёрти киши»

## ХУЛОСА

Ўзбеклар ҳаётида жамоа бўлиб яшашнинг ўзига хос шаклларидан бири бу, кўни-кўшничилик яъни маҳалладир. Маълумки маҳалла ўз моҳияти ва фаолиятига кўра, фақат худудий уюшма эмас, балки ижтимоий тузилма, яъни кишилар турмуш тарзининг ташкилий шакли ҳамдир. Унинг асосий вазифаси фақат маъмурий характерга эга бўлиб қолмасдан, балки ўша худуддаги оилалар турмуш тарзидан хабардор бўлиш, оилавий урф-одат ва маросимларда иштирок этиш ҳамда уни бошқаришдан ҳам иборат.

Тарихдан аёнки ўзбеклар турмуш тарзида кўни-кўшничилик муносабатларида муҳим рол ўйнаган маҳалла нафақат маъмурий-ижтимоий тузилма балки, оила фаолияти ва унинг ўзаро муштараклигини ўзида ифода этувчи ўзига хос тузилма ҳисобланган. Мазкур китобда маҳалланинг шаклланиш тарихи, ривожланиши ва вазифалари ҳақида тўхталашдан олдин жамоа назариясига тўхталдик. Унинг ўзбек халқи учун хос худудий уюшмасининг ўзига хос шакли эканлигига гувоҳ бўлдик.

Умуман жамоа назариясига тўхталадиган бўлсак, бу кишиларнинг ҳаётий зарурати туфайли доимий бирлашувига асосланган уюшмаси бўлиб, унда кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари қондирилган. Шу билан бирга жамоа аъзолари маълум худуд доирасида яшаб келганлар. Уларнинг ўз ери, чорваси, мол-мулки бўлган. Шунинг учун ўтмишда ўзбекларда шаҳарда маҳалланинг, қишлоқда қишлоқ жамоасининг жойлашув чегараси, худудини аниқлаш лозим бўлган. Улар катта-кичик оилалар, қариндош-уруғлар, кўни-кўшнилardan таркиб топган. Бундай жамоадаги барча хўжалик-маданий алоқалар, ишлаб чиқариш муносабатлари аҳолининг ўзаро биргаликда яшашларини таъминлаган.

Мазкур уюшма шаклланиши ва ривожланиши жараёнида адабиётларда қишлоқ жамоаси, кўни-кўшни жамоа, шаҳарларда маҳалла, квартал, гузар, яна ҳам каттароқ маъмурий бирикма «роат» тарзида ҳам учраши қайд этилади. Зеро, инсонларнинг жамоа бўлиб яшаш тарзининг дастлабки босқичи ибтидоий даврнинг сўнги босқичларига бориб тақалган. Бу даврда кишилиқнинг илк жамоаси, дастлабки жамоа бўлиб яшаш асослари пайдо бўлганлигига гувоҳ бўлдик.

Ўзбеклар учун хос, маълум худуд доирасида фаолият кўрсатган,

Ўзаро ижтимоий-иқтисодий, маданий жиҳатдан яқин уюшган жамоа яъни, қўни-қўшничилик жамоаси, маҳалланинг шаклланиши, ривожланиш босқичлари ва вазифалари ҳақида мулоҳаза юритилди.

Агар ўтмишга назар ташласак, ўзбекларнинг бундай уюшмасига барча жойда оқсоқол бошчилик қилган. У нафақат маъмурий-сиёсий бошқарувга эга бўлган балки, ўз худудидаги кишилар турмуш-тарзи, фаолияти ҳақида зарур маълумотларга эга бўлган. Ишлаб чиқариш, мол-мулкнинг ягоналиги катта - кичик оила аъзолари учун характерли бўлсада, кишлоқ жамоасининг ери, чорвасидан олинган фойда ўша жамоа аъзолари эҳтиёжи учун сарфланган. Бундай харажат тўй, дафн маросимлари, хашар каби тадбирлар учун хос бўлиб, жамоанинг хўжалик-маданий бирлигини ифодалаган. Барча юмуш ва харажатлар оқсоқол ва унинг ёрдамчилари томонида назорт қилиб турилган.

Маҳаллада қон - қариндошлар орасида ёки маҳалладаги ўзаро ижтимоий алоқалар, меҳнат муносабатлари, оилавий-маиший турмушга оид масалалар жамоа аъзоларида ўзаро аҳиллик, уюшқоқлик, ўзаро ёрдам, каттага ҳурмат муносабатларини шакллантирганлигини кўрсатди. Оилавий маросимлар, оммавий байрамлар, чойхоналар, масжидлар, маҳалла гузарлари, чорвадор аҳолида эса ўтов уюшмалари асосий тарбия жойлари ҳисобланган.

Қўни-қўшничиликка хос муносабатлар, ўзбеклар турмушида оилавий маросимлар, байрамлар, халқ сайиллари, хашар каби тадбирларда ўзаро аҳиллик, биродарлик нормаларини юзага чиқарган. Бу бола тарбияси билан боғлиқ урф-одат ва анъаналарда ҳам ўз аксини топган. Бундай шароитда маҳалла ўзига хос тарбия жойи саналган, у болаларни бир-бирига оқибат, ўзаро ҳурмат руҳида тарбиялаганлигини кўрсатди.

Тўй маросимлари ҳам оилавий маросимлар орасида алоҳида ўрин эгаллаган. Уларда жамоага оид тартиб-қоидалар ўзига хос шаклланган. Тўй маросимлари хусусан, суннат ва никоҳ тўйига хос жамоавий уюшқоқлик, ижтимоий муносабатлар, моддий кўмак, тўйни ўтказиш, тўйдан кейинги ўтказилган маросимлар, хусусан халқ ўйин ва томошалари муҳим аҳамият касб этган.

Оилавий маросимлар орасида никоҳ тўйи алоҳида аҳамиятга эга. Оила-никоҳ муносабатларини таркиб топиши ва тўйни ўтказишда жамоавий анъаналар хусусан, қиз танлаш, унаштириш, совчилик, қалин, асосий тўй тантаналари ва тўйдан кейинги маросимлар муҳим аҳамият касб этган. Бу эса жамият тараққиётининг турли

босқичларида никоҳ муносабатларида жамоа анъаналарининг ягона мақсад сари, яъни оилада ва жамиятда кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилганлиги билан изоҳланади.

Маълумки никоҳ тўйи бошқа оилавий маросимлар каби қачон ва қай тарзда ўтказилишидан қатъий назар доимо маҳалла-қўй, қон-қариндошлар ва жамоа аъзолари билан биргаликда ўтказиб келинган. Тўй нафақат икки томон балки қўни-қўшнилар ўртасида ўзаро иттифоқлик, қуда-андачилик, ижтимоий алоқаларнинг муштарклигини таъминлаган. Китобда муаллифлар томонидан улар ҳақида зарур маълумотлар беришга ҳаракат қилинди.

Оилавий маросимлар орасида дафн маросими билан боғлиқ урф-одатлар ўзига хос ўрин эгаллайди. Маълумки халқимиз тарихий анъаналарига мувофиқ ўзаро уюшқоқлик киши ўлим тўшагида ётган кундан бошлаб маҳалладошлар уюшқоқлигининг муҳим жиҳатларини белгиллаган. Киши ўлгандан сўнг бу ҳолат шу кундан бошлаб марҳум оиласи аъзоларини ўзаро жипслаштирувчи восита саналган. Одатда яқин қариндошлар, қўни-қўшнилари барчаси марҳум хонадонига моддий кўмак бера олмасаларда, кўнгил сўраб қўйишни бурч деб билганлар.


Маълумки бугунги кунда барча соҳаларда жадал ижтимоий-иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган шароитда ўзини-ўзи бошқаришнинг анъанавий шакли яъни, маҳалла фаолиятини такомиллаштиришга ҳамда унинг ваколат доирасини янада оширишга катта аҳамият берилмоқда. 2003 йил Ўзбекистонда «Обод маҳалла» йили, 2004 йил «Меҳр ва мурувват йили», 2005 йил эса «Сихат-саломатлик йили», 2006 йилни юртимизда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили», 2007 йил «Ижтимоий ҳимоя йили», 2012 йил «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинди. Бу эса мазкур бошланғич ижтимоий ташкилотнинг нуфузи ва обрўсини яна бир бор ошириб, мамлакатимизда ижтимоий масалага катта эътибор берилаётганлигини яна бир бор англатди.

Мустақиллик йилларида маҳалла қуйи ҳокимият органи, бошланғич ижтимоий ташкилот мақомини олди. Унинг бажарадиган вазифалари кенгайтирилди. Бу эса жамиятда кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни янада такомиллаштиришда, тарихий анъаналарни тикланишида, фуқаролар онгида жамоага уюшиш, миллий менталитетимизга хос маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан «Республика «Маҳалла»хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги 1992 йил 12 сентябр, «Республика «Маҳалла»хайрия жамғармасига маблағ ажратиш тўғрисида»ги 1992 йил 8 октябр Фармонлари. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика «Маҳалла»хайрия жамғармасининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 1992 йил 17 октябр қарорларига асосан, Ўзбекистон «Маҳалла»хайрия жамғармаси ташкил этилиши бунинг яққол далилидир. Ўзбекистон «Маҳалла»хайрия жамғармасининг нашри-республика «Маҳалла»газетаси таъсис этилиб нашр этила бошланди.

Шу билан бирга 1993 йил 2 сентябрда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун ва унинг 1999 ҳамда 2013 йилда янги таҳрирда қабул қилиниши маҳаллаларнинг нуфузини янада кўтарди ва масъулиятини оширди. Шу боисдан ишда миллий мустақиллигимиз қўлга киритилгандан сўнг жамиятимиз ҳаётида содир бўлаётган муҳим ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар бугунги кундаги маҳаллаларнинг тарихий анъаналари ўрганildi. Унда маҳаллаларда амалга оширилаётган кенг миқёсдаги ишлар энг фаол маҳаллалар тажрибалари мисолида ёритилди.

## Маҳалла ҳаёти фотолавҳаларда



Маҳалланинг  
умумий кўриниши (19 аср охири)




Строения по арыку Чорсу в XIX в. Вдали медресе Кувельдаш.  
Кўкалдош мадрасаси атрофидаги маҳалла турар жойларининг  
умумий кўриниши. Тошкент. (19 аср охири)





Маҳалладаги кўча (19 аср ўрталари)



Тошкентдаги Эски Жўва маҳалла масжиди



Маҳалладаги эски ва янги усул мактаби (XIX аср охири)



Бугунги кунда Маҳалла фуқаролар йиғини раиси хонасининг умумий кўриниши.



Маҳалла тарбия ўчоғи

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – 382 бет.

Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 бет.

Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол иқтисод, сиёсат, мафкура – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 бет.

Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли / Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1999.

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.

Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т. «Ўзбекистон», 2000 25-б

Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир // Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000. 8 жилд.

Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т. Ўзбекистон, 2008.

Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 41-бет.

Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т., 2010

Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., 2011.

Каримов И.А. «Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти куриш – ёруғ келажакимизнинг асосий омилдир» Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. Т. 2013.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги. Халқ сўзи. 2014 й. 8 март.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2012, 12-бет.

- Куръони Карим. – Т., 1992. – 672 бет.
- Абу Абдуллох имом Ал-Бухорий. «Ал-жомеъ Ас-сахих» – Т.: Қомуслар бош тахририяти. 1995. 3-жилд. – 511 б.
- Абу Абдуллох Имом Ал-Бухорий. Ҳадис. – Т.: Ўзбекистон, 1992. II-жилд. – 179 б.
- Абдуллаев М. ва бош. «Мустақиллик». Изоҳли илмий-оммабоп лугат. Тошкент: «Шарқ», 1998, 113-114-бетлар.
- Абдуллаев У. Фарғона водийсида этносларо жараёнлар. – Т., 2005. – 215 бет.
- Абдураимов М.А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве. – Т., 1966. Т. 1. – 286 с.
- Абулхамидов А. Общинные традиции в орошаемом земледелии до революционного Узбекистана (XIX – начало XX в.) // СЭ. – 1987. – № 2. – С. 100-107.
- Алимова Д. Мустақиллик йилларида тарих фани // Ўзбекистон тарихи. – 2001. – № 2. – Б. 38.
- Анорбоев А., Исломов У., Матбобоев. Б. Ўзбекистон тарихида қадимги Фарғона. Т., 2001 50 бет.
- Арандаренко Г. Значение власти аксакалов в отдалённых кишлаках // Туркестанские ведомости. 1872. № 25
- Арифханова З.Х. Маҳалла тизимида қариндош оилаларнинг ўзаро муносабатлари // Ўзбекистон тарихи. – 2003. – № 3. – Б. 71-82.
- Арифханова З.Х. Роль маҳалли в возрождении национальных традиций узбекского народа // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – 1998. – № 7. – Б. 5.
- Арифханова З.Х. Современная жизнь традиционной маҳалли города Ташкента. – Т., 2000. – 31 с.
- Аскарлов. А.А. Ўзбек миллий курашининг археологик материалларида акс этиши // Турон тарихи. – 2002. – № 2. – Б. 15-20.
- Аширов А. Ўзбек миллий менталитети ҳақида баъзи мулоҳазалар// Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих. Республика илмий-назарий семинар материаллари. – Т., 2004. – Б. 53-56.
- Бўриев О. ва бошқалар. Ўзбек оиласи тарихидан. – Т.: Фан, 1995. – 126 бет.
- Жабборов И. Ўзбек халқ этнографияси. – Т., 1994. – 311 бет.
- Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш-тарзи ва маданияти. Т., 2003. – 201 бет.
- Жалилов Ш. Кучли давлатдан-кучли жамият сари. Т., 2001.

Жалилов Ш. Маҳалла янгиланиш даврида. Т., 1995.

Зиманов. С. З Общественный строй казахов первой половины XIX века. – Алма-Ата: Из-во АН КазССР, 1958. – 296 с.

Имомов К., Мирзаев Т. ва бошқалар. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: 1990. – 132 б.

Исмоилов Ҳ. Ўзбек тўйлари. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 129 б.

Кармышева Б.Х., Пещерова Е.М. Материалы этнографического обследования таджиков Нуратинского хребта. Материалы и исследования по этнографии и антропологии СССР // СЭ. – 1964. – № 1. – С. 7-21.

Кисляков Н.А. Семья и брак у таджиков. По материалам конца XIX - начала XX века. – М.-Л.: Наука, 1959. – 269 с.

Косвен М.О. Семейная община и патронимия. – М.: Изд-во АН СССР, 1963. – 219 с.

Лобачёва Н.П. Фомирование новой обрядности у узбеков. – М.: Наука, 1975. – 40 с.

Лобачева Н.П. К истории сложения института свадебной обрядности. (Свадебный обряд хорезмских узбеков) // Семья и семейные обряды у народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1978. – С. 144-175.

Лобачёва Н.П. Свадебный обряд как историко-этнографический источник. // СЭ. – 1981. – № 2. – С. 25-31.

Лобачёва Н. П. Значение общины в жизни семьи узбеков // Этническая история и традиционная культура народов Средней Азии и Казахстана. Нукус, 1989. – С. 41-53.

Махмуд Сагтор. Ўзбек удумлари. – Т.: Фан, 1993. – 222 бет.

Махмудов М., Сафаров О. Оила маънавияти. – Т., 1998. – 57 бет.

Меликулов Х. Маҳалла-ватан ичидаги ватан. Т., 2006.

34. Миноваров Ш, Куронов М, Маъруфова Г, Каримова В ва бошқалар. Маҳаллада диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия ишларини ташкил этиш.Т., 2006

35. Мошкова В.Г. Ковроделие узбеков племени туркман Нуратинского междугорья // Ковры народов Средней Азии (материалы экспедиций 1929 - 1945 гг.). – Т., 1970. – С. 69-77.

36. Наливкин Д.В., Наливкина В.М. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. – Казан, 1886. – 245 с.

Насриддинов Қ.Н. Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари. – Т.: Мерос, 1996. – 145 б.

Толипов Ф.С. Нурота воҳаси аҳолисининг этник таркиби ва ҳўжалик фаолияти // Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар: тарих ва ҳозирги замон. Илмий-анжуман материаллари. – Т., 2003. – 65 бет.

Толипов Ф.С. Оила ва маҳалла анъаналарининг бола тарбиясидаги ўрни. Ўз ФА 60 йиллигига бағишланган Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. Т. 2003.

Толипов Ф.С. “Нурота воҳаси аҳолиси оилавий турмуш тарзида жамоа анъаналари” (XIX аср охири - XX аср бошлари) мазуидаги номзодлик диссертацияси. Т., 2006.

Толипов Ф.С. Общинные традиции в семейной жизни населения Нуратинского оазиса. Автореферат диссертации на соискание учёной степени канд. ист. наук. 2006 г

Толипов Ф.С. Мозийга бўйлашган маскан (Гараша қишлоғи ҳақида тарихий-этнографик рисола) ., Т 2008.

Толипов Ф. Минг томирли улкан дарахт. «Гулистон» журнали. 2011. №5-6 сон.

Толипов Ф, Боймуродова З ва бошқалар. Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар (Маърузалар матни). Т., 2013.

Толипов Ф.С. Тошкент шаҳри эркакларининг оилавий йигинлари тарихидан. Республика илмий амалий анжуман материаллари.“ 2013 й. Март

Тўйларимиз маърифати // Нашрга тайёрловчилар Р.Шералиев, Г.Ўлчиева. Т., 41 бет.

Тўраев Ш.С. Ўзбекистонда деморатик жамиятни шакллантиришда миллий ғоянинг аҳамияти. // Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т., 2007 104 бет.

“Тўй ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1998 й.

Файзуллаев Т., Кенжаев Э. Демократиянинг амалдаги ифодаси // “Жамият ва бошқарув”, 2006, №4. –35–37-б.

Филанович М.И. О некоторых аспектах истории общины в древности и происхождении «махалла»// Ўзбекистон тарихи. – 2003. – № 2. – Б. 13-18.

Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш – амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотлар самарасидир. “Тошкент окшоми” газетаси. 2014 йил 26 феврал.

Холматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом-авлод табияси. – Т., 2000. – 215 бет.

48. Шевяков А.П. О коренном населении Нуратинских гор и прилегающих районов. (Материалы полевых исследований. 1988 - 99 г.) // Восток. – 2000. – № 3. – С. 17-35; – № 4. – С. 19-33.

Қорабоев У. Ўзбек халқ ўинлари. – Т., 2003. – 31 бет.

Қорабоев У. Ўзбекистон байрамлари. – Т., 2002. – 239 бет.

Қуронов М ва бошқалар. Маҳаллада ғоявий тарғибот. Т., 2009

Ҳомидов Х. Авесто файзлари. – Т., 2001. – 132 бет.



## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Маҳалланинг моҳияти ва тарихи.....	7
Маҳалла ўтмишда: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари..	16
Аҳолининг хўжалик фаолияти.....	76
Ёш авлод тарбиясидаги тарихий анъаналар.....	93
Оилавий маросимларда қўни-қўшничилик муносабатлари.....	105
Маҳаллада анъанавий йиғинлар.....	131
Маҳалла Ўзбекистон мустақиллиги йилларида.....	135
Тарихий атама ва терминлар изоҳи.....	192
Ҳадисларда қўни-қўшничилик ва қон-қариндошлик муносабатлари хусусида.....	208
ХУЛОСА .....	220
ИЛОВА.....	224
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	228



**ВАЛИҚУЛ ИШҚУВАТОВ,  
ФАЙЗУЛЛА ТОЛИПОВ**

**МАҲАЛЛА:  
ЎТМИЩДА ВА БУГУН**

(Тарихий-этнографик лавҳалар)

Масъул муҳаррир:  
проф. **М.Қуронов**

*Муҳаррир Нафиса Рустамова*  
*Техник муҳаррир Илҳом Қосимов*  
*Мусаҳҳиҳ Озода Қўлдошева*

**«NAVRO‘Z» нашриёти**

Нашриёт лицензияси № АІ 170. 23.12.2009 йил.  
Тошкент, Амир Темур кўчаси 19 уй.

Адади 500 нусха. 14,75 б/т. Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>  
«Times New Roman» гарнитураси. Офсет усулда босилди.  
Низомий номидаги ТДПУ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент, Юсуф Хос Ҳожиб 103.